

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МЕХМОНХОНА ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ”

кафедраси

“Пул ва банклар”

фанидан

Маърузалар матни



Урганч 2019

1-МАВЗУ. ПУЛ ВА БАНКЛАР ФАНИГА КИРИШ

1.1.Фаннинг предмети ва вазифалари. Пулнинг пайдо бўлиш сабаблари.

1.2.Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Қиймат шакллари­нинг эволюцияси. Қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли.

1.1.Фаннинг предмети ва вазифалари. Пулнинг пайдо бўлиш сабаблари.

Пул махсулот, товарларни ишлаб чиқариш ва харидорларга керакли вақт, миқдор ва сифатда маълум шартларда айирбошлашни ташкил этиш ва бошқариш мақсадида вужудга келди ва хизмат қилмоқда.

Фаннинг предмети, пулнинг пайдо бўлиш сабаблари, пул шакллари ва турларининг эволюцияси, унинг моҳияти ва унинг намоён бўлиш шакллари, функциялари, Қиймат шакллари­нинг эволюцияси. Қийматнинг шакллари, бошқа иқтисодий категориялардан ажралиб турувчи ўзига ҳос хусусиятлари ҳамда кредит пуллари ва уларнинг турларини чуқурроқ ўргатади.

Шунингдек, пул тўғрисидаги назариялар, унинг шакллари, унинг юзага келиш шарт-шароитлари, назарияларни яратган олимларни фикр ва ғоялари, камчиликлари ҳақида ўрганади.

Пул айланмаси ва унинг таркиби, нақд ва нақдсиз пуллар, уларни айланиш тамойиллари, шакллари ҳақида гап боради. Шунинг билан бирга, пул муомаласини ташкил қилиш ва пул массаси, пул муомаласи қонунлари, пул агрегатлари, муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш услублари, пул муомаласи қонунларининг бузилиши ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ёритилган.

Пул тизими: тушунчаси, шакллари ва элементлари, Ўзбекистон Республикаси пул тизимининг ривожланиш босқичларини ўрганади. Пул ислохотларини амалга оширишнинг зарурлиги, уларни амалга ошириш шарт-шароитлари, пул ислохотларини амалга ошириш усуллари кенг ёритилган.

Инфляция ва унинг турлари, юзага келиш сабаблари, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари, инфляция тўғрисида назариялар ҳамда пулнинг барқарорлигини таъминлаш йўллари ёритилган.

Шунинг билан бирга, кредитнинг зарурлиги, моҳияти ва функциялари, тамойиллари, характерли белгилари, хусусиятли томонлари ёритилган. Кредитнинг иқтисодий барқарорликдаги ўрни очиқ берилган.

Кредит муносабатларининг ривожланиш босқичларининг юзага келиш сабаблари. Кредит муносабатларининг ривожланиш босқичлари, шакллари ва туркумланиши, кредитнинг баҳоси ва унга таъсир қилувчи омиллар ёритиб берилган.

Шунинг билан бирга, банкларнинг келиб чиқиши ва банк тизими, Марказий банк ва унинг функциялари, уларнинг актив ва пас­сив операциялари, уларни мустақиллиги кенг ёритиб берилган.

Тижорат банклари ва уларнинг бажарадиган функциялари, уларни ташкил этиш ва иқтисодиётни ривож­идаги ўрни ёритилган.Шунинг билан

бирга нобанк кредит ташкилотлари, зарурлиги ва уларнинг турлари, вазифалар уларни тартибга солиш масалалари ҳамда кредит тизими, элементлари ва унинг барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар очиб берилган.

Шунингдек, халқаро валюта муносабатлари, асослари, миллий валюта тизими ва турлари, вазифалари ва уларни тартибга солиш масалалари ёритилган. Шунинг билан бирга, халқаро молия институтлари ва уларнинг турлари мақсади ва вазифалари бажарадиган операцияларини ўз ичига олган кенг қамровли фаннинг предметларини ўз ичига олган.

Узоқ қадимдан ишлаб чиқаришнинг ва товар муносабатларини ривожланиши натижасида пул юзага чиқа бошлаган. Бизнинг фикримизча пулнинг юзага чиқишига бевосита қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Жамиятда меҳнат тақсимотини ҳамда маҳсулотлар алмашувини юзага чиқиши.
2. Натурал хўжаликдан аста —секин товарларни ишлаб чиқариш ва уларни айирбошлашга ўта бошлаши;
3. Товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва мол —мулк жиҳатидан мустақил мулкдорларнинг шаклланиб бориши;
4. Айирбошлаш жараёнида эквивалентлиги (мослик) юзага чиқиши ва унга риоя этила боришлиги.

Инсоният ривожланишининг илк давларида инсонлар жамоа бўлиб яшаганлар ва улар ўзларининг натурал хўжалигини юритганлар. Натурал хўжалик шароитида пул бўлмаган, чунки унга ҳеч қандай талаб ва эҳтиёж бўлмаган. Натурал хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқарилган, товар эмас. Чунки ушбу хўжаликда маҳсулотлар ўз эҳтиёжларини қондиришга сарфланган. Фақатгина эҳтиёждан ортиб қолган маҳсулот тасодифий тарзда бошқа натурал хўжаликдаги ортиқча маҳсулотга айирбошланган ҳолос.

Дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликнинг ажраб чиқиши туфайли уларда энди маҳсулот билан бир вақтда товар ишлаб чиқариш пайдо бўлди. Ушбу ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзларидаги етиштирилган ортиқча маҳсулотларни ўзларининг эҳтиёжини қондириш мақсадида бошқа маҳсулотларга доимий равишда айирбошлашга кучли эҳтиёж юзага чиқди. Ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки уни айирбошлаш мақсадида етиштирган маҳсулоти товарга айланди.

Умумий эквивалентна ўтишнинг зарурияти шундан иборатки, жамиятда ишлаб чиқариш тараккиётининг маълум босқичида бозорда товарлар айирбошлаши мунтазам ходисага, иқтисодий ҳаётнинг муҳим омилига айланган. Жамият аъзолари товарлар айирбошлашсиз яшай олмай қолган ва ҳар бир ишлаб чиқарувчи меҳнати маҳсулига умумий ўлчов бирлиги зарур бўлиб қолган, Фақатгина умумий эквивалент ролини бажарувчи товаргина барча маҳсулотлар учун ўлчов воситасига айланган. Бундан маълум бир товар эгаси, ўзининг шахсий истеъмоли учун зарур бўлган бошқа бир товарни олиш мақсадида у дастлаб ўзи етиштирган товарни бозорда умумий эквивалент ролини бажарувчи товарга айирбошлаган.

Ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, товар муносабатларини ривожланиши натижасида бозор пул ролини уйновчи металлларга қуйидаги талабларни қўяди:

- металнинг табиатда камёблиги
- металлнинг бир таркиблилиги;
- керакли миқдорда олишнинг қийинлиги;
- қийматни йўқотмасдан, ёки жуда кам миқдорда йўқотиш асосида бўлиниши (майдаланиши);
- ихчамлиги ва енгиллиги;
- узоқ муддат давомида зангламасдан сақланиши.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган талабларга айнан кумуш ҳамда ундан кўп миқдорда олтин тўла жавоб берган. Ушбу талабларга жавоб берган кумуш ҳам уни кўп миқдорда ҳамда кам харажат билан қазиб олиниши ва қайта ишланиши сабабли у олтинга бас кела олмаган.

Шундай қилиб пулнинг ривожланиш босқичида бутун дунё бўйича умумий эквивалент ролини ўйновчи пул сифатида олтин тан олинган ва бозорда у якка хукмронга айланган. Шу асосда бутун дунё бўйича халқаро ҳисоб — китобларда ягона тўлов воситаси бўлиб олтин ҳисобланган.

1.2.Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Қиймат шакллари­нинг эволюцияси. Қийматнинг оддий ёки тасоди­фий шакли.

“Пул-кредит ва банклар” фани фундаментал, назарий фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий ва мутахассислик фанларини чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур фан “Банк иши” таълим йўналиши учун 2- курс бакалавр тингловчилари учун 3- 4 ва 5 семестрларда, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” (солиқ йўналиши бўйича) 4-5-семестрда ва бошқа барча таълим йўналишлари учун 4 – семестрда ўқитилади.Фаннинг ўқитишдан мақсад тингловчиларни пул-кредит соҳаси қонуниятлари, уни ижтимоий тақ­дор ишлаб чиқаришдаги тутган ўрни, назарий асосларини, жамият ҳаётидаги аҳамиятини, уларни муомаласини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш ва бошқалардан иборат. Шунинг билан бирга, фан банк, банк тизими, кредит тизими ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни, мамлакат пул муомаласини ташкил қилиш, мақсади ва вазифаларини ўргатишдан иборат.

Мазкур фан пулнинг харид қуввати, унинг мамлакат иқтисодиётини барқарорлигига таъсири, инфляция ҳамда мавжуд макроиқтисодий омилларни чуқурроқ ўрганишдан иборат.

Шунинг учун “Пул, кредит ва банклар” фани “Банк иши”, “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Молиявий менежмент”, “Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари” фани билан ҳаммаҳал боғлиқ.

Пул ўзининг эволюцияси жараёнида металл (олтин, кумуш, мис), қоғоз, кредит пуллар шаклида ишлатилиб келган. Қийматни ўзида ифодалашига кўра пуллар икки турга бўлинади:

- ҳақиқий пуллар;
- ҳақиқий пул издошлари - қиймат белгилари.

Ҳақиқий пуллар номинал қийматини ўзида ифодаловчи, реал қийматга эга бўлган металл пуллар бўлиб, улар ҳар хил шаклларда чиқарилган ва кейинчалик амалиётда қулай бўлган айлана (шу шакл-да металл эмирилиши кам бўлади) шаклда чиқарилган.

Кредит пуллар деб кредит муносабатлар асосида юзага келувчи, тўлов воситасини бажарувчи қиймат белгиларига айтилади.

Дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликнинг ажраб чиқиши туфайли уларда энди маҳсулот билан бир вақтда товар ишлаб чиқариш пайдо бўлди. Ушбу ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзларидаги етиштирилган ортиқча маҳсулотларни ўзларининг эҳтиёжини қондириш мақсадида бошқа маҳсулотларга доимий равишда айирбошлашга кучли эҳтиёж юзага чиқди. Ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки уни айирбошлаш мақсадида етиштирган маҳсулоти товарга айланди. Демак маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни уларнинг эҳтиёжини қондиришдан ортиқ қисмини бошқа маҳсулотга айирбошлаш учун йўналтирилиши натижасида маҳсулот товарга айланган.

Ушбу жараёни бир ишлаб чиқарувчидан бошқа ишлаб чиқарувчи ўртасидаги товар айирбошлашни шаклланиши деб ҳисобланади. Бунинг натижасида турли товарларнинг шакли, сифати, эҳтиёжни қондиришлигига асосан уларнинг қийматини аниқлашлик, яъни мослилик талаб этила бошлади.

Натурал хўжалик шароитида доимий равишда ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш юзага чиқа бошлади. Бунда қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли юзага чиқади. Чунки ишлаб чиқаришни хали ривожланмаганлиги сабабли товар айирбошлаш чекланган. Бунда фақат икки ҳолат ҳисобга олинади: ишлаб чиқарувчи ва ҳаридорларни манфаатларини ўзаро мос келиши ва айирбошлаётган товарларнинг қийматини тўғри келиши:

Битта 1 қўй = бир қоп буғдой

ёки бўлмаса:

Бир қоп буғдой = битта болта.

Албатта бу ҳолатда энг аввало ишлаб чиқарувчи ва ҳаридорнинг манфаатлари ўзаро мос келиши асосий ўринни эгаллаган. Масалан, қўй эгасига бир қоп буғдой керак. Лекин буғдой эгасига қўй керак эмас, унга битта болта керак. Бу ерда товар айирбошлаш юзага чиқмайди. Қўй эгаси агарда болта эгаси манфаатига мос келса, у ҳолда у ўз қўйини битта болтага айирбошлайди. Шундан сўнг у болтани олиб боради ва бир қоп буғдойга алмаштириш имкониятига эга бўлади. Иқтисодий адабиётда жуда қизиқ ҳолат акс эттирилган. Африка қабиласи аъзоларидан бири ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини 28 та ишлаб чиқарувчига боришга мажбур бўлган.

2-МАВЗУ. ПУЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ЗАРУРЛИГИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Пул шакллари ва турларининг эволюцияси. Пулнинг моҳияти ва унинг намоён бўлиш шакллари.

2.2. Пулнинг функциялари.

2.3. Пулнинг бошқа иқтисодий категориялардан ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятлари.

2.4. Кредит пуллари ва уларнинг турлари

Таянч иборалар: қиймат, махсулот, товар, эквивалент, муносабат, хусусиятлар.

2.1. Пул шакллари ва турларининг эволюцияси. Пулнинг моҳияти ва унинг намоён бўлиш шакллари.

Ҳар бир иқтисодий категорияда амал қилувчи ҳамда мамлакат ривожланишининг асосий дастакларидан бири пул бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унда иш юритишда пулнинг мавқеи ва аҳамияти янада ошиб боради. Дарҳақиқат, пул - «бозор тили» деб бекорга айтилмаган. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва хизматлар баҳоси, тўловлар, даромадлар ва харажатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар макро ва микро даражаларда фақат пулда ифода қилинади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пулнинг аҳамиятининг ошиши шундаки, жамиятимизда мавжуд юридик ва жисмоний шахслар фаолияти ҳамда уларнинг натижаси даромади пул билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, пул барча иқтисодий ривожланиш поғоналарида одамларни ўзига жалб қилиб келган.

Австралиялик иқтисодчи олим К. Менгернинг фикрича, Арасту ва Афлотундан бошлаб XX асрнинг бошигача пул тўғрисида жаҳонда беш-олти мингдан ортиқ махсус ишлар чоп қилинган. Агар биз, ҳозирги кунда пул тўғрисида ёзилган ва чоп қилинган адабиётлар сони бир неча марта ошиб кетган, десак муболаға бўлмаса керак. Тадқиқотлар шунчалик кўп бўлишига қарамасдан, пул ва унинг хусусиятлари, ҳар бир тизимда ишлатилиши, роли, иқтисодиётга таъсири, нега алоҳида олинган индивидумлар қўлида пулнинг кўпайиши, улар бойлигининг кўпайишига олиб келади, жамият миқёсида муомаладаги пул массасининг кўпайиши жамият бойлиги ортиб боришига салбий таъсир кўрсатади, деган саволларга ҳали тўлиқ жавоб берилган эмас.

Пул ва унинг вазифалари тўғрисида мавжуд хорижий мамлакатлар иқтисодчиларининг қўлланмаларини олиб қарайдиган бўлсак, пулнинг келиб чиқиши тўғрисида икки хил ғоя мавжудлигини кўришимиз мумкин. Булар ратсионалистик ва эволюцион ғоялардир.

Ратсионалистик қарашнинг асосчиларидан бири Арасту бўлиб, у пулнинг келиб чиқишининг асосини ўзаро бир-бирига тенг қийматли ҳаракатга келтирувчи бирор бир махсус «курол», кишилар орасида ўзаро келишув натижасида қабул қилинган шартли бирлик эканини айтади. Ўзаро

товарларни алмаштиришда пул қатнашмаганда, товарни сотиш жараёни товарни сотиб олиш жараёни сифатида юзага келган. Товарлар ўртасидаги пропорция тасодифан, масалан, сотилиши керак бўлган маҳсулотга талаб қай даражада ва унинг миқдори кам-кўплигига боғлиқ ҳолда ўрнатилган. Кейинчалик, шу товарлар ичидан умумий эквивалент сифатида баъзи товарлар ажралиб чиқди. Жамиятнинг ривожланиши муомалага металлларнинг кириб келишига олиб келади.

Ривожланишнинг биринчи босқичларида мис, бронза, темир ишлатилиб, алмашинув Т-П-Т шаклида олиб борилган. XVIII асрларнинг охиригача пул томонлар ўртасидаги шартнома воситаси деб қараб келинган. Ҳозирги вақтда ҳам баъзи чет эл олимлари, масалан, Пол Самуелсон пулни сунъий социал шартлашиш белгиси¹ деб изоҳлаган. Бошқа америкалик олим Жон Гелбрейт қимматбаҳо металлларнинг пул вазифасини бажариши бу кишилар ўртасидаги келишувнинг маҳсули эканлигини уқтиради.

Узоқ йиллар давомида собиқ СССРда пул ва пул муомаласи соҳасидаги тадқиқотлар К. Маркснинг таълимоти асосида олиб борилган. У пулнинг келиб чиқишини тадқиқ қилишда А. Смит, Д. Рикардоларнинг тадқиқотларига асосланган ҳолда, пулнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Шунингдек, у пулнинг ўзи ҳам товар эканлигини, пулнинг келиб чиқиши босқичларини изоҳлаб бера олди. У олтин ва кумуш қазиб олиш ва ишлатиш учун маълум меҳнат сарфланади, шу меҳнат олтин ва кумушда гавдаланган ҳолда, бошқа товарларнинг қийматини ўлчашнинг асоси бўлиб хизмат қилади, деб кўрсатган. Ҳозирги вақтда юқоридагига ўхшаган реал пуллар ўрнига ўз қийматига эга бўлмаган қоғоз ва кредит пуллар муомалада ишлатилмоқда. Шунинг учун қоғоз ва кредит пуллар пул келиб чиқиши тўғрисидаги рационалистик концепциянинг тўғридан-тўғри исботи бўла олмайди. Қоғоз пуллар юзага келгунча, жамият бир неча ривожланиш босқичларини босиб ўтган.

Пулнинг келиб чиқиш тарихи кўпроқ пулнинг эволюцион назарияси билан боғлиқ. Товар муомаласининг эволюцион ривожланиш жараёнида умумий эквивалент шаклини ҳар хил товарлар ўйнаган. Ҳар бир жамоа ўз товарини эквивалент сифатида ўртага қўйган. Лекин жамият тараққиёти шу товарлар ичидан икки гуруҳ товарларнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Булар – биринчи эҳтиёж учун зарур бўлган товарлар ва зебу зийнат товарларидир.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида деҳқончилик ва чорвачиликдаги меҳнат тақсимооти, товар турларининг кўпайиши алмашинув жараёнининг янада ривожланишини тақозо қилди. Алмашинув жараёнида товар эгалари ўзаро мулоқотда бўлиб, товарнинг эгаси ўз маҳсулотини (мулкини) баҳолаган. Шу баҳолаш жараёни бирор ўлчов бирлиги бўлишини тақозо қилган. Ўтган асрдаги иқтисодчилар пул – бу товарларнинг товари, деб ифодалашган ва унинг қуйидаги хусусиятларини изоҳлаб беришган: Биринчидан, пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати ўз

¹ Самуэльсон П. Экономика .- М.:1964, - 64 б.

ифодасини топади. Иккинчидан, пулда ифодаланадиган аниқ меҳнат асосини абстракт меҳнат ташкил қилади. Учинчидан, пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлади.

Шунга асосланган ҳолда, пул ҳам товар, лекин бошқа товарлардан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлган махсус товар деган хулосага келиш мумкин. Унинг махсус товар сифатида хусусияти шундаки, у барча товарларнинг қийматини ўзида ифода қилувчи, умумий эквивалент ҳисобланади.

Пул қандай шаклда бўлишидан қатъий назар пул бўлиб қолаверади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, пулнинг моҳиятини кўйидагича таърифлашимиз мумкин. Пул – бу махсус товар, умумий эквивалент бўлиб, абстракт меҳнат харажатларини ўзида акс эттиради ва товар ҳўжалигидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди.

Пул тўғрисидаги эволюцион назария унинг ўлчов бирлиги ва муомала воситаси эканлигини очиқ беради.

Чет эл иқтисодчилари пулнинг иқтисодий категория сифатида моҳияти ва заруриятига кам эътибор қаратганлар. 1857 йилда таниқли инглиз иқтисодчиси У.Джевонс, иқтисодий фанлар учун пул масаласи бу геометриядаги айлана квадратурасига тенг демакдир, деган экан. Шунинг учун чет эл иқтисодчилари бу бобни четлаб ўтишган. XX асрнинг 50 - йилларидаги дарсликларнинг муаллифлари пулнинг моҳиятидан кўра унинг иқтисодиётга, ишлаб чиқариш ва бандлик, моддий ресурслар ва улардан фойдаланишга таъсирини ўрганиш муҳимроқдир, деб таъкидлашган ва кўп чет эл олимлари шу йўналишда иш олиб боришган. Ҳозирги вақтда пул тўғрисида бизда мавжуд чет эл адабиётларида кўрилган масалалар фикримизнинг исботи бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида пулнинг зарурлиги, моҳиятини тадқиқ қилишдан кўра, пулнинг иқтисодиётга, ишлаб чиқаришга, бандликка таъсирини тадқиқ қилиш жамиятимиз учун аҳамиятлироқ деб ўйлаймиз.

Пулнинг турлари. Пул ўзининг эволюцияси жараёнида металл (олтин, кумуш, мис), қоғоз, кредит пуллар шаклида ишлатилиб келган. Қийматни ўзида ифодалашига кўра пуллар икки турга бўлинади:

- ҳақиқий пуллар;
- ҳақиқий пул издошлари - қиймат белгилари.

Ҳақиқий пуллар номинал қийматини ўзида ифодаловчи, реал қийматга эга бўлган металл пуллар бўлиб, улар ҳар хил шаклларда чиқарилган ва кейинчалик амалиётда қулай бўлган айлана (шу шаклда металл эмирилиши кам бўлади) шаклда чиқарилган. Тарихий маълумотларга кўра, биринчи тангалар бундан 26 аср олдин Лидия ва Хитойда, XII асрларда ҳозирги Марказий Осиё давлатларида, IX-X асрларда Киев Русида зарб қилинган. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида тангалар, асосан, олтиндан зарб қилинган, кейинчалик, олтин ва бошқа қимматбаҳо металлларни қазиб чиқариш қийинлашуви, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўлов, муомала воситасига бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида муомалага қиймат

белгиларини киритиш зарур бўлиб қолди. Олтин ва кумуш муомаладан йўқола борди.

Қоғоз пуллар. Пулнинг бу тури ҳақиқий пулларнинг вакили бўлиб, пулнинг муомала функцияси ривожланиши натижасида юзага келган.

Қоғоз пуллар юзага келишининг қуйидаги босқичларини келтириш мумкин.

1-босқич – тангаларнинг узок вақт муомалада бўлиши, қўлдан-қўлга ўтиши натижасида эмирилиши;

2-босқич – тангадаги металл таркибининг бузилиши. Давлат томонидан онгли равишда давлат хазинасига тушумни ошириш мақсадида тангалар металл (олтин, кумуш) миқдорининг камайтирилиши;

Бу босқичда танга таркибининг бузилишига олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металлларни қазиб чиқариш қийинлиги, улар захираларининг камлиги ҳам сабаб бўлган.

3-босқич – давлат томонидан эмиссион даромад олиш мақсадида хазина билетларининг чиқарилиши.

биринчи қоғоз пуллар XII асрда Хитойда чиқарилган, деб кўрсатилади. Лекин тарихий маълумотларга қараганда, 700 йилларда кумуш тангалар чиқарилгунга қадар, Бухоро давлатида қоғоз материаллардан пул сифатида фойдаланилган экан.

Қоғоз пуллар Америка ва эвропада XVII- XVIII асрларда, Россияда 1769 йилда чиқарилган.

Қоғоз пуллар деб, ҳукумат томонидан бюджет тақчиллигини қоплаш учун чиқарилган, металл пулларга алмаштирилмайдиган, лекин давлат томонидан маълум курс ўрнатилган пул белгиларига айтилади.

Тўла олтин ва кумушдан бўлмаган тангалар муомалада пул сифатида ишлатилса-да, уларнинг номинал миқдори реал миқдоридан фарқ қилган. Шундай бўлса ҳам, бу тангалар маълум миқдордаги металлни ифодалаган. Қоғоз пуллар бўлса, муомалага чиқарилган вақтда ва кейин ҳам узок йиллар давомида маълум бир миқдордаги олтинни ўзида ифода қилган. Аммо бирор давлатнинг пулида металлнинг зарраси ҳам бўлмаган, яъни улар қийматни белгилаб берган, холос.

Қоғоз пулларнинг эмитенти давлат хазинаси ёки эмиссион банк ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида муомалага пул белгиларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чиқаради. Қоғоз пулларнинг табиати уларнинг инфляцияга мойиллигини кўрсатади. Қоғоз пулларни муомалага чиқаришда пул муомаласи қонуни талабларини эътиборга олиш керак. Лекин амалиётда ҳар доим ҳам шу талаблар эътиборга олинавермайди. Пул муомалага товар айланмаси эҳтиёжини қоплаш учунгина чиқарилиши керак. Ҳақиқатда пул юқоридагидан ташқари, бюджет тақчиллигини, давлатнинг бошқа харажатларини қоплаш учун ҳам чиқарилади, яъни эмиссия миқдори товар айланмаси билан чекланмасдан давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган талабларига ҳам боғлиқ бўлади. Бу, албатта, муомаладаги пул массасининг ўзгариб туришига, аксарият ҳолларда унинг муомалага керагидан ортиқча

чиқиб кетишига олиб келади. Натижада пулнинг барқарорлигига путур этади, унинг қадри тушади, халқнинг давлатга бўлган ишончи пасаяди, тўлов балансининг барқарорлиги йўқолади, (пассив қолдиқ ҳажми ортади) миллий валюта курси тушади ва ҳ. к.

Ишлаб чиқариш ва товар айланмасининг ривожланиши, металл пулларнинг этишмаслиги кредит муносабатларининг ривожланишига олиб келади. Товар ва тўлов айланмасининг эҳтиёжини қоплаш мақсадида муомалага олтин, кумуш тангалар билан бир қаторда кредит воситалари: чек, вексел, банкноталар чиқарилган.

Кредит пуллар деб кредит муносабатлар асосида юзага келувчи, тўлов воситасини бажарувчи қиймат белгиларига айтилади.

Кредит пуллар ўзининг мустақил қийматига эга эмас, чунки уларни яратиш учун абстракт зарурий меҳнат сарфланмайди. Кредит пуллар қоғоз пуллардан фарқ қилиб, улар бир вақтнинг ўзида қийматни ифодалайди ва у кредит ҳужжат бўлиб, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатни акс эттиради. Кредит пулларнинг асосий турларидан бири векселдир.

Вексел – бу қарздорнинг (оддий вексел) ёки кредиторнинг (ўтказма вексел - тратта) кўрсатилган суммани, кўрсатилган вақтда ва жойда тўлаш тўғрисидаги ёзма мажбурияти ҳисобланади.

Банкнота – кредит пулларнинг этакчи вакилларида бўлиб, Марказий банк томонидан, векселларни ҳисобга олиш йўли билан чиқарилади.

Ўтмишда банкнота муддатсиз мажбурият бўлиб, хоҳлаган вақтда уни банкка топшириб, ўрнига унда кўрсатилган суммага олтин ёки кумуш олиш мумкин бўлган.

Ҳозирги замон банкноталари олтинга алмашилмайди. Лекин улар куйидаги йўллар билан пул муомаласига келиб тушади:

- хўжаликларни банк томонидан кредитлаш орқали берилган кредитларнинг бир қисми муомалага кириб келади;
- давлатни кредитлаш, яъни банкноталар давлатнинг қарз мажбурияти сифатида муомалага чиқади;
- актив тўлов балансига эга бўлган давлатларда расмий валюта захираларининг ўсиши орқали ва бошқалар;

Чек вексел ва банкнотадан кейин пайдо бўлган кредит воситаси ҳисобланиб, тўловчининг ўз банкига унинг счётидан маблағни олувчининг счётига ўтказиб қўйиш тўғрисидаги буйруғидир.

Банклар фаолиятида ЭҲМ лардан фойдаланиш электрон пуллар ёрдамида қарзларни тўлашни тезлаштиради. АҚШда пул маблағларининг электрон ўтказиш тизими – ЭФТС (Елестронисфундс Трансферт Систем) айланманинг самарали бўлишини таъминламоқда.

Ҳозирги замон амалиётида қўлланилаётган кредит карточкалар нақд пуллар ўрнига ҳисоб-китобларни олиб бориш учун чиқарилган бўлиб, улар жуда қулай ва бир қатор афзалликларга эга. Кредит карточка билан барча турдаги чакана савдо ва хизматларга ҳақ тўлаш мумкин. Ҳозирги вақтда кредит карточкалар банк, савдо хизматларини тўлашга мўлжалланган.

2.2. Пулнинг функциялари ва уларга тавсиф.

Иқтисодий адабиётларда пулнинг функциялари хусусида 2 илмий мактаб олимларининг қарашлари мавжуд:

1. Европа мактаби.
2. Америка мактаби.

Европа мактаби пулнинг 5 функцияси хусусида хулосага келган:

1. **Қиймат ўлчови функцияси.** Барча товарлар ва хизмталар қиймати умумий эквивалент бўлган пулда ўлчанади. Ҳозирги даврда олтиннинг алмашилмайдиган қоғоз ва кредит пуллари бу функцияни бажармоқда.

Қоғоз пул Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилади. Масалан: АҚШда 1 доллардан 10 долларгача бўлган купюралар АҚШ Ғазначилиги томонидан муомалага чиқарилади. АҚШда Молия вазирлиги йўқ. Бу вазифани АҚШ Ғазначилиги бажаради.

Англияда тангалар Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилади. Кредит пуллар бу банкноталар бўлиб, Марказий банклар томонидан муомалага чиқарилади.

Ўзбекистонда муомаладаги барча пул бирликлари банкноталар ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки активлари билан таъминланади.

2. **Муомала воситаси функцияси.** Бунда товар-пул ёки пул-товар операцияси бир вақтнинг ўзида юз беради, яъни товарлар насияга сотилмайди.

3. **Тўлов воситаси функцияси.** Бунда товарлар тўлов муддати кечиктирилиб сотилади. Шунингдек, кредит ва молия муносабатларидаги тўловлар ҳам пулнинг тўлов воситаси функциясига киради. Масалан: кредит олган мижоз банкка кредитнинг асосий қарз суммаси ва фоизларини қайтаради. Бундан ташқари корхоналар солиқ тўловларини амалга оширади, турли хилдаги жарималар тўловларини тўлайдилар.

4. **Жамғариш воситаси функцияси.** Бунда нақд ва нақд бўлмаган пуллар жамғарилади. Аҳоли, корхоналар ўзларининг бўш пул маблағларини банкларга муддатли ёки жамғарма депозит ҳисоб рақамларида сақлайдилар. Аҳолининг қўлида турган ҳар қандай пул то ишлатилгунга қадар жамғариш воситаси функциясини бажаради. Корхоналарнинг жорий ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ҳам то ишлатилгунга қадар жамғариш воситаси функциясини бажаради.

5. **Жаҳон пули функцияси.** Жаҳон пули функцияси жаҳон бозорларида котировка қилинадиган яъни олди-сотди қилинадиган валюталар бажаради. Масалан: ўзбек сўми бу вазифани бажармайди. Халқаро ҳисоб-китоб банки маълумотларига кўра, халқаро валюта бозорларида конверсион операцияларнинг 90% ортиқ қисми 5та валютада амалга оширилмоқда (www.bis.org). Бу валюталар халқаро резерв валютаси мақомига эга. Бу мақомни Халқаро Валюта Фонди беради.

Хулоса қилиб айтганда, пулнинг барча функциялари бирбири билан узвий боғлиқ ва улар бирбирини тўлдиради. Пулнинг функцияларининг

айнан шундай узвий боғлиқлиги ва бирбирини тўлдириши пул муомаласининг барқарорлиги ва самарасини таъминлашга шароит яратади.

2.3.Пулнинг бошқа иқтисодий категориялардан ажралиб турувчи ўзига ҳос хусусиятлари.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида дехқончилик ва чорвачиликдаги меҳнат тақсимоти, товар турларининг кўпайиши алмашинув жараёнининг яна ривожланишини тақозо қилди. Алмашув жараёнида товар эгалари ўзаъро мулоқатда бўлиб, товарнинг эгаси ўз махсулотини (мулкни) баҳолаган. Шу баҳолаш жараёни бирор ўлчов бирлиги бўлишини тақозо қилган.

К.Марк пулни - бу товарларнинг товари деб ифодалаган ва унинг қуйидаги хусусиятларини изоҳлаб берган. Биринчидан, пулнинг истеъмол қийматида бошқа товарларнинг қиймати ўз ифодасини топади. Иккинчидан, пулда ифодаланадиган аниқ меҳнатнинг асосини абстракт меҳнат ташкил қилади. Учинчидан, пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлади.

Шунга асосланган ҳолда пул ҳам товар, лекин бошқа товарлардан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлган, махсус товардир деган хулосага келиш мумкин. Унинг махсус товар сифатида хусусияти шундаки, у барча товарларнинг қийматини ўзида ифода қилувчи, умумий эквивалент ҳисобланади.

Умумий эквивалент ролини узоқ йиллар давомида олтин бажариб келган бўлсада, товар ҳўжалигининг ва пул муомаласининг ривожланиши қоғоз пуллар, бошқа кредит воситалари, юзага келишига, кредит ва пул маблағларининг банкда бир счётдан иккинчи счётга ўтказилиши каби жараёнлар бўлишига олиб келган. Пул қандай шаклда бўлишидан қатъий назар у пул бўлиб қолади. Юқоридаларга асосланган ҳолда пулнинг мохиятини қуйидагича таърифлашимиз мумкин. Пул - бу махсус товар, умумий эквивалент бўлиб, абстракт меҳнат харажатларини ўзида акс эттиради ва товар ҳўжалигидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди.

Бу таъриф пулнинг барча хусусиятларини ўзида тўлиқ ифодалайди деб айтишимиз мумкин. Булар, биринчидан; пулнинг бошқа товарлардан ажралиб турувчи махсус товарлиги; иккинчидан - пул бу умумий эквивалент - ягона товар бўлиб, қолган товарларнинг қийматини ўзида ифода қилиши, (бошқа хоҳлаган бир товар бу хусусиятга эга бўла олмайди); учинчидан, пулнинг эквивалент сифатида товарни яратишга кетган меҳнат ва бошқа харажатларини ўзида ифода қилиши; тўртинчидан, пулнинг ҳар бир иқтисодий тизимда, товар ишлаб чиқаришда кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларини ифода қилиши ва бошқалардир.

2.4. Кредит пуллари ва уларнинг турлари

Кредит пуллар деб кредит муносабатлар асосида юзага келувчи, тўлов воситасини бажарувчи қиймат белгиларига айтилади.

Кредит пуллар ўзининг мустақил қийматига эга эмас, чунки уларни яратиш учун абстракт зарурий меҳнат сарфланмайди. Кредит пуллар қоғоз пуллардан фарқ қилиб, улар бир вақтнинг ўзида қийматни ифодалайди ва у кредит ҳужжат бўлиб, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатни акс эттиради. Кредит пулларнинг асосий турларидан бири векселдир.

Вексел – бу қарздорнинг (оддий вексел) ёки кредиторнинг (ўтказма вексел - тратта) кўрсатилган суммани, кўрсатилган вақтда ва жойда тўлаш тўғрисидаги ёзма мажбурияти ҳисобланади.

Тижорат векселларнинг оддий ва ўтказма турлари мавжуд. Ундан ташқари, маълум суммани қарзга бериш билан боғлиқ бўлган молиявий векселлар мавжуд. Молиявий векселнинг бир тури хазина векселлари бўлиб, уларда давлат қарздор сифатида иштирок қилади.

Яна векселларнинг ўртоқлик, бронза вексел турлари мавжуд.

Банкнота – кредит пулларнинг этакчи вакилларидан бўлиб, Мар-казий банк томонидан, векселларни ҳисобга олиш йўли билан чиқарилади.

Ўтмишда банкнота муддациз мажбурият бўлиб, хоҳлаган вақтда уни банкка топшириб, ўрнига унда кўрсатилган суммага олтин ёки кумуш олиш мумкин бўлган.

Вексел банкнотадан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

- вексел маълум муддатни ўзида ифодалайди (3-6 ой муддатга эга бўлган вексел), банкнота маълум муддат билан чегараланмайди.

- вексел бўйича векселни берган томон уни тўлашни кафолат-ласа, банкнотада уни тўлашни давлат (давлат банки) кафолатлайди.

Банкнота қоғоз пуллардан қуйидагилар билан фарқ қилади:

- келиб чиқиши бўйича қоғоз пуллар асосан муомала воситаси функциясини бажариш асосида, банкноталар тўлов воситаси функцияси асосида келиб чиққан:

- алмашинуви бўйича, банкноталар олдин олтин ва кумушга алмаштирилган, қоғоз пуллар эса металлларга ҳеч қачон алмаштирилмаган;

- эмиссия қилиниши бўйича қоғоз пулларнинг банкноталардан фарқи бўлган (хазина билетларини Молия вазирлиги, банкноталарни Марказий банк чиқарган) ва ҳ. к.

Ҳозирги замон банкноталари олтинга алмашилмайди. Лекин улар қуйидаги йўллар билан пул муомаласига келиб тушади:

- хўжаликларни банк томонидан кредитлаш орқали берилган кредитларнинг бир қисми муомалага кириб келади;

- давлатни кредитлаш. Яъни банкноталар давлатнинг қарз мажбурияти сифатида муомалага чиқади;

- актив тўлов балансига эга бўлган давлатларда расмий валюта захираларининг ўсиши орқали ва бошқалар;

Чек вексел ва банкнотадан кейин пайдо бўлган кредит восита-си ҳисобланиб, тўловчининг ўз банкига унинг счётидан маблағни олувчининг счётига ўтказиб қўйиш тўғрисидаги буйруғидир.

Биринчи чеклар тахминан 1683 йилларда Англияда қўлланила бошлаган.

Чекнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Исми ёзилган чек – бу чек бир киши номига ёзилади ва уни бошқага бериш мумкин эмас.

2. Ордерли чек – бир киши номига ёзилган ва уни индоссамент бўйича бошқа шахсга бериш мумкин.

3. Кўрсатилганда тўланиши лозим бўлган чек.

4. Ҳисоб чеки – нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланиладиган чек.

5. Акцептланган чек – банк чекни тўлаш бўйича розилик беради ва бошқалар.

Чек ёрдамида банкдан нақд пул олиш мумкин. У билан тўлов-ларни ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги вақтда кредит пулларнинг замонавий турлари сифатида электрон пуллар ва кредит карточкалардан фойдаланилмоқда.

Ҳозирги замон амалиётида қўлланилаётган кредит карточкалар нақд пуллар ўрнига ҳисоб-китобларни олиб бориш учун чиқарилган бўлиб, улар жуда қулай ва бир қатор афзалликларга эга. Кредит карточка билан барча турдаги чакана савдо ва хизматларга ҳақ тўлаш мумкин. Ҳозирги вақтда кредит карточкалар банк, савдо хизматлари-ни тўлашга мўлжалланган.

3-МАВЗУ: ПУЛ НАЗАРИЯЛАРИ.

3.1. Пулнинг металлилик назарияси.

3.2. Пулнинг номиналлик назарияси.

3.3. Пулнинг миқдорийлик назарияси.

3.4. Замонавий монетаризм назарияси.

Таянч иборалар: пул табиати, номинал, металлилик, ишлаб чиқариш, миқдорийлик, монетаризм, метал, давлат пул назарияси.

3.1 Пулнинг металлилик назарияси.

Пулнинг металлик назарияси бу турли давлатларда турли тадқиқотчилар томонидан айtilган илмий қарашларнинг жамланмаси бўлиб, улар пул сифатида фақат олтин ва кумушни кўрдилар ва улар жамият бойлигининг манбаи деб ҳисобладилар.

Пулнинг металлилик назарияси XVI асрда франгуз олими Николо Орезме томонидан назария сифатида шакллантирилди. Кейинчалик англиялик иқтисодчи олимлар У.Стефффорд, Т.Мен, П.Норс, Чайлд, Францияда А.Монкретен, Германияда У.Юст; Италияда Г.Скаруффи, Ф.Галиани томонидан ривожлантирилди.

Пулнинг металлилик назарияси меркантилизм ғояларига асосланади.

Меркантилизм – дунё тарихидаги биринчи иқтисодий мактаб ҳисобланади.

Меркантилистлар 2 йirik гуруҳга бўлинади:

1. Илк меркантилистлар.

2. Сўнгги меркантилистлар.

Илк меркантилистлар - актив пул баланси деган ғояни илгари сурадилар. Уларнинг фикрига кўра олтин ва кумуш ўз табиатига кўра пул ҳисобланади. Ҳар бир жамиятнинг бойлиги унинг олтин ва кумуш захиралари билан белгиланади.

Актив пул баланси - деганда олтин ва кумушнинг ҳар доим мамлакатга кириб келиш миқдори уларни мамлакатдан чиқиб кетиш миқдоридан катта бўлиши тушунилади.

Илк меркантилистлар давлат протекционизм сиёсатини қўллаш шарт деб ҳисоблайдилар. Улар айтадики, давлат мамлакатдан олтин ва кумуш пулларни чиқиб кетишини тўсқинлик қилиши зарур.

Сўнгги меркантилистлар пулнинг асосий функцияси бу жамғариш функцияси деб ҳисоблайдилар. XVI асрнинг иккинчи яримидан XVII аср охирига қадар Европада сўнгги меркантилистларнинг қарашлари ҳукмрон ғояга айланди.

Сўнгги меркантилистларнинг энг таниқли вакили Томас Мен ҳисобланади. Т.Мен илк меркантилистлардан фарқли равишда пулнинг муҳимлиги жамият бойлигининг манбаи эканлигида эмас балки мамлакат ичидаги товарлар ва пулларнинг ҳаракатига таъсиридадир деган хулосага келди.

Т.Мен биринчи болиб металлилик назариясига янгилик киритди. Ушбу янгилик қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакат савдо баланси ижобий салдога эга бўлганда товарларни импорт қилиш мумкин.

2. Агар мамлакат учун фойдали бўлса, олтин ва кумушни халқаро савдони ривожлантириш учун ишлатиш мумкин.

Томас Мен айтадики пул савдони яратади, савдо эса пулни кўпайтиради. Томас Мен биринчи бўлиб умумий савдо баланси деган тушунчани киритган.

Сўнгги меркантилистлар умумий савдо баланси ғоясини илгари сурдилар. Бунгача хусусий савдо баланслари мавжуд эди. Улар мамлакатнинг алоҳида олинган битта мамлакат билан савдо муносабатларини акс эттирар эди.

Меркантилистлар олтин ва кумуш тангаларни емирилиб кетишини тан олмаганлар. Лекин амалиёт кўрсатадики олтин ва кумуш тангалар ишқаланиш хусусиятига эга. Ушбу тангалар вақт ўтиши билан ўз вазнининг бир қисмини йўқотади, натижада айирбошлаш муносабатларида нотенглик ҳолати юзага келади. VIII асрга келиб метал тангаларнинг емирилиши исботланди. Шунингдек, биринчи жаҳон уруши таъсирида Европада олтин стандарти бекор бўлди.

Дастлаб меркантилистлар Адам Смит ва Жорж Стюард томонидан қаттиқ танқидга учради. Ушбу олимларнинг фикрига кўра пул жамиятнинг бойлиги эмас, балки шартли ҳисоб бирлигидир. Пуллар баҳо масштаби сифатида айирбошлаш муносабатларини ифода этади.

Таниқли иқтисодчи олимлар П.Самуелсон , Ж.Кей метал пуллар муомаласини инкор этганлар.

3.2 Пулнинг номиналлик назарияси.

Пулнинг номиналлик назариясининг асосчилари бўлиб Англиялик руҳоний ва файласуф Ж.Беркли ва Англиялик иқтисодчи Ж.Стюард ҳисобланади. Улар бу назариянинг етакчиси. Бу назарияни ривожлантиришга энг катта ҳисса қўшган олим Г.Кнапп. 1905- йилда Кнаппнинг пулнинг давлат назарияси номли китоби нашрдан чиқди. Пулнинг наминаллик назарияси XVIII асрда пайдо бўлган. Ушбу назария намоёндалари пулнинг товар хусусиятини инкор этдилар. Улар айтадики пул қиймат ва истеъмол қийматига эга эмас. Пулнинг қиймати унга қўйилгн номинали билан белгиланади. Улар метал пуллар емирилиш хусусиятига эга эканлигини такидлашди ва қоғоз пуллар тўлов воситаси сифатида мослашувчан ва қулай, айирбошлаш воситаси эканлигини этироф этишди.

Кнапп пулнинг номиналлик назариясини ривожлантирар экан куйидаги хулосага келди.

- Пулни давлат яратади;
- Пулнинг асосий функцияси бу тўлов воситаси функциясидир;
- Давлат пулга харид қобилитини беради;
- Пулнинг харид қобилияти давлатнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

Кейнс пулнинг номиналлик назарияси тарафдори бўлган. Кейнс айтадики қоғоз пулларнинг олтин тангаларни муомаладан сиқиб чиқариши Кнаппнинг буюк ғалабасидир.

Пулнинг моҳияти 3 шаклда намоён бўлади.

1. Пул барча товарлар қийматини ўзида ифода этувчи умумий эквивалентдир.

2. Пул мустақил алмашинув хусусиятига эга. Пул товарларсиз ҳам эркин ҳаракатлана олади. (тингловчиларга стипендия, ойлик маошлар, солиқлар, банкдан кредит олиш)

3. Пул буюмлашган меҳнатнинг ташқи ўлчови.

Буюмлашган меҳнатнинг ички ўлчови меҳнат асосида ўлчанади.

Номиналистлар баҳо масштаби деганда миллий пулнинг олтин асосига айтилади.

Номиналистлар олтинга алмашмайдиган қоғоз пуллар муомаласини афзал эканлигини этироф этадилар. Ҳозир дунёда ҳеч бир валюта олтин асосига эга эмас. Ҳозирги даврда муомлага чиқарилаётган нақд пуллар Марказий банкнинг активлари билан таъминланади.

3.3 Пулнинг миқдорийлик назарияси.

Пулнинг миқдорийлик назариясининг моҳияти шундаки муомалада пул миқдорининг ошиши товарлар баҳосининг ва пулнинг қийматини ўзгаришига сабаб бўлувчи асосий омилдир.

XVI асрда Европалик мустамлакачилар ва биринчи навбатда испанлар Америкадаги кўплаб олтин ва кумуш конларини топдилар. Натижада Америкадан Европага жуда катта миқдорда олтин ва кумуш оқиб келди. Бу эса Ғарбий Европада товарлар баҳосининг кескин ошишига сабаб бўлди. Шу боғлиқликни биринчи бўлиб франгуз файласуфи Жан Боден аниқлади.

Ж.Боденга қадар товар баҳосининг ошиши метал тангаларни емирилиши билан изоҳланар эди. Пулнинг миқдорийлик назарияси XVII-XVIII асрларда Англияда Ж.Локк ва Д.Юм; Францияда Монтеске ривожлантирди. Улар бу назарияни қоғоз пулларга нисбатан қўллашнинг мумкинлигини асослаб беришди.

Классик иқтисодчи Д.Рекардо пулнинг миқдорийлик назариясини тарафдори. Рекардо қийматнинг меҳнат назариясини яратган. Ушбу назарияга кўра метал пулларнинг қиймати уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат харажатлари билан белгиланган. Аммо кейинчалик Рекардо ўзининг ушбу қондасига қарши чиқди. У ёзадики айрим давлатларда пулнинг қиймати муомаладаги пул миқдorigа боғлиқ равишда ўзгаради.

Карл Маркс пулнинг миқдорийлик назариясини аёвсиз танқид қилди. Маркснинг фикрига кўра миқдорийлик назариясининг энг катта хатоси шундаки, улар пулнинг моҳиятини фақатгина пулнинг муомала воситаси билан тушунтирадилар. Улар пулнинг қиймат ўлчов функциясини тан олмайдилар. Карл Маркснинг фикрича пулнинг миқдорийлик назариясининг иккинчи хатоси пуллар ва товарлар муомала жараёнига қадар баҳога ва қийматга эга бўлмайдилар деганларидадир.

Маркснинг фикрига кўра муомалага киришгунга қадар пуллар қийматга товарлар эса баҳога эга бўлади. Пуллар қиймати ва товарларнинг баҳосига боғлиқ равишда товарларнинг баҳоси шаклланади.

Пулнинг миқдорийлик назарияси намоёндалри билан К.Маркс ўртасидаги мунозара қуйидагида намоён бўлади.

Маркс айтадики: товарлар баҳосининг ошиши муомаладаги пул миқдорининг кўпайишига олиб келади. Пулнинг миқдорийлик назариясининг намоёндалари айтадики: муомаладаги пул миқдорининг кўплиги товарлар баҳосининг ошишига олиб келади. XX асрда пулнинг миқдорийлик назарияси ҳукмрон назарияга айланди. XX асрда миқдорийлик назариясининг 2 хил кўриниши пайдо бўлди.

1. Трансаксион (И.Фишер яратди)

2. Кембридж.

1911-йилда Ирвинг Фишернинг машҳур “Пулнинг харид кучи номли” асари нашрдан чиқди. Ушбу асарда Фишернинг алмашув тенгламаси ўз ифодасини топди.

$$MB=ПК$$

М-муомаладаги пул массаси

В- пулнинг айланиш тезлиги

П –товарларнинг ўртача баҳоси

К – ишлаб чиқарилган товарлар миқдори

$$P = MB/K$$

Фишернинг хулосасига кўра товарнинг баҳоси муомаладаги пул миқдорига ва пулнинг айланиш тезлигига тўғри пропорционал. Бунда К ва В ўзгармасдир. Бу иккала компонент ўзгармас бўлганлиги сабабли шундай хулоса келиб чиқади. Товарлар баҳосининг ўзгариши муомаладаги пулларнинг ўзгаришига боғлиқ.

Кембридж вариантыни Алфред Маршал яратди. Ушбу назарияни Пигу ривожлантирди. Фишердан фарqli ўлароқ Маршал ва Пигу таҳлилни микроиқтисодий даражада амалга оширди. Улар асосий этиборини хўжалик субъектларининг касса қолдиқларини ўзгаришига қаратдилар.

$$M = KPI$$

К-пулнинг айланиш тезлиги аммо бу тезлик хўжалик юритувчи субъектларнинг пул шаклидаги номинал даромадига қараб ўрганилади. Фишерда пулнинг айланиши товарлар айланишига қараб белгиланади. Кембридж вариантыдан шундай хулоса чиқади: муомаладаги пул миқдори пулнинг айланиш тезлигига тесқари пропорционал. Пулнинг айланиш тезлиги реал касса қолдиқларининг миқдори ва уларнинг ҳисобидан қилинган харажатлар нисбатига боғлиқ бўлганлиги сабабли муомаладаги пул миқдорининг ўзгариши пул шаклидаги номинал даромаднинг ўзгаришига боғлиқ.

Кембридж вариантыда касса қолдиқларини шакллантиришнинг икки хил варианты келтирилади:

-пулнинг қулай тўлов воситаси.

-кўзда тутилмаган ҳолатлар муносабати билан номинал даромаднинг бир қисмини пулда сақлаш.

3.4 Замонавий монетаризм назарияси.

АҚШнинг Чикаго Университети профессори Халқаро Нобел мукофоти соҳиби Фридмен XX асрнинг 70-йилларида яратди. II жаҳон урушиудан кейин АҚШда Ж.М.Кейнснинг пул кредит концепциясининг қабул қилиниши АҚШ иқтисодиётини 1960-йилларга қадар инқирозсиз ривожлантириш имконини берди.

60- йилларга келиб Кейнснинг концепцияси АҚШда ишламай қолди. Яъни паст ва барқарор фойиз ставкалари шароитида ишсизлик даражаси ошиб кетди. Инфляциянинг йиллик даражаси 10 % га етди.

Майдонга М.Фридмен чиқди. У айтадики: АҚШдаги ҳозирги инқироз ҳолати пуллар таклифининг кескин кўпайганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун пул массасининг ўсиш суръатларини назорат остига олишимиз керак. У таклиф қилди. Пул массасининг ўсиши 3-5 % даражасида бўлиши керак. Агар пул массасининг йиллик ўсиш массаси 3 % дан ортиқ бўлса, бу пул массасининг ўсиш суръатини секинлаштишига олиб келди. Агар пул массасининг йиллик ўсиши 5 % дан юқори бўлса мамлакатда инфляция кучаяди. Фридмен ушбу таклифини амалиётда

кабул қилиниши АҚШда инфляция йиллик даражасини бир йил ичида 10 % дан 5 % га тушириш имконини берди.

1978 - йилларда АҚШ конгресси АҚШ федерал захира тизимида М2 ёки М3 агрегатларини назорат қилиш вазифасини юклади. Ҳозирги кунда АҚШ марказий банки М3, Ўзбекистон М2 пул агрегатини назорат қилади.

Фридмен Марказий банкнинг пуллар таклифини тартибга солиш имкониятига қаттиқ ишонади. У айтадики, мамлакат банк тизимидаги ортиқча пулларни Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсати орқали олиб қўйиш мумкин. Фридмен тижорат банкларининг кредит экспансиясини жиловлаш керак деган ғояни илгари сурган. Унинг фикрича банklar иқтисодиётни ҳаддан ташқари кўп миқдорда кредитлаб юбориши мумкин, шу сабабли Фридмен тижорат банкларининг депозитларига 100 % ли мажбурий захира қўллаш таклифини берган.

4-МАВЗУ: ПУЛ АЙЛАНМАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ

4.1. “Пул айланмаси” тушунчасининг мазмуни ва пул айланмасининг таркибий тузилиши.

4.2. Нақд пул айланмаси ва уни ташкил қилиш принциплари. Нақд пулларни муомалага чиқариш ва муомаладан олиш тартиби.

4.3. Нақдсиз пул айланмаси ва уни ташкил қилиш принциплари. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ва унинг элементлари.

4.4. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари.

4.5. “Умумий тўлов айланмаси” тушунчаси ва унинг таркиби.

4.6. Тўлов айланмасининг таркиби.

Таянч иборалар: пул айланмаси, тўлов, нақд пул, нақдсиз пул, тизим, элементлар, тамойиллари.

4.1. Пул айланмаси тушунчасининг мазмуни ва пул айланмасининг таркибий тузилиши.

Пул айланмаси – бу пулларнинг нақд ва нақдсиз шакилдаги узлуксиз ҳаракатларнинг йиғиндисидир. **И. Шакер**нинг таъриф беришича пул айланмаси бу пулларнинг нақд ва нақд бўлмаган шакллардаги доиравий айланиш жараёни бўлиб, бунда пуллар муомала воситаси ва тўлов функциясини бажаради. Пулнинг бир қўлдан иккинчи қўлга ўтишини Шакер доиравий айланиш деб атади. Пулларнинг бир субектдан иккинчи субектга отиши. Пулнинг доиравий айланиши такрорланиши пулнинг айланиши дейилади. Пул айланмасидан ташқари тўлов айланмаси деган тушунча мавжуд. Тўлов айланмаси пул айланмасига қараганда кенг тушунча. Тўлов айланмаси-бу пул шаклидаги маблағларнинг ва пул бозори инструментларнинг воситасида амалга оширилган тўловларнинг йиғиндисидир.

Пул бозори инструментларига қуйдагилар киради :

- Облигациялар – ўз эгасига қатъий белгиланган фоиз кўринишида даромад келтирувчи қимматли қоғоз.

- Давлатнинг хазина мажбуриятлари.

- Депозит сертификатлар –бу тижорат банклари томонидан корхоналар ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларни жалб қилиш мақсадида чиқариладиган қимматли қоғоз.

- Жамғарма сертификатлари –бу жисмоний шахслар ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларни банкларга жалб қилиш мақсадида чиқариладиган қимматли қоғоз.

- Тижорат векселлари – тижорат векселлари товарлар кредитга сотилганда ёзилади. Векселни мол етказиб берувчи тўлдиради. Сотиб олувчи эса векселга масъул шахснинг имзоси ва муҳр қўяди. Ана шундан кейин вексел сотиб олувчининг мол етказиб берувчи олдидаги қарз мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжатга айланади. Тижорат вексели пулнинг тўлов воситаси функциясини бажаради. Векселни индассамент орқали бошқа шахсларга узатиш мумкин. Индассамент-векселни бошқа шахсга узатиш ҳуқуқини берувчи махсус ёзув. Векселни бошқа шахсга узатган шахс индоссант дейилади. Векселни қабул қилиб олган шахс индоссат дейилади.

- Чеклар– унда кўрсатилган суммани тўлаш тўғрисидаги топшириқдир. Амалиётда пуллик чеклар ва ҳисоб китоб чеклари қўлланилади. Фредерик Мишкеннинг фикрига кўра чекларнинг жиддий камчилиги уларни чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг катта эканлигидир. АҚШ да ҳар йили чекни муомалага чиқариш учун 40 млрд.\$ харажат қилинади.

- Банк акцептлари – акцепт сўзи лотинча сўз бўлиб қабул қилмоқ деган манони англатади. Банк акцепти деганда банк томонидан тижорат вексели ва чек бўйича тўловнинг кафолатланиши тушунилади.

Тўлов айланмасининг мутлақ асосий 75-80% ини пул айланмаси ташкил қилади. Чунки пул энг юқори ликвидли актив ҳисобланади.

Пул айланмаси 2 йирик қисмдан иборат:

1. Нақдсиз пул айланмаси

2. Нақд пул айланмаси

Нақдсиз пул айланмаси – бу пул маблағларининг тўловчининг банкидаги ҳисоб рақамидан олувчининг ҳисоб рақамига кўчириш шаклидаги ҳаракатларининг йиғиндисидир.

Собиқ Иттифоқ ўрнида ташкил топган давлатлар ўзаро талаб ва мажбуриятларини *воз кечии* деб номланувчи нақдсиз пул айланмаси мавжуд.

4.2. Нақд пул айланмаси ва уни ташкил қилиш принциплари. Нақд пулларни муомалага чиқариш ва муомаладан олиш тартиби.

Нақд пул айланмаси бу пулларнинг нақд кўринишидаги ҳаракатларининг йиғиндисидир.

Нақд пул айланмаси – бу нақд пулларнинг доиравий айланишининг доимий равишда такрорланишидир.

Нақд пул айланмаси бу пул маблағларининг нақд кўринишидаги айланмасидир. Тараққий этган мамлакатларда нақдсиз пул айланмаларини

юксак даражада ривожланганлиги, нақд пулларга бўлган талабни кескин пасайишига олиб келди. АҚШ ва Японияда пластик карточкаларга асосланган тўловлар ривожланган. Европада пластик карточкалар ва пуллик чекларга асосланган тўловлар ривожланган.

Нақд пуллар айланишининг амал қилишига доир қуйидагича асосий тамойиллар ажратиб кўрсатилади:

- 1) молия муассасалари-эмитентларнинг мавжудлиги;
- 2) бозор қатнашчиларининг маблағларни сарфлаш юзасидан иқтисодий эркинлиги;
- 3) таъсис этилган миллий пул бирлигининг амал қилиши;
- 4) назорат қилувчи органлар олдида тушумлар ва харажатлар ҳажмлари учун ҳисоботчиликни амалга ошириш мумкинлиги;
- 5) пул маблағларига эгалик қилишнинг легитимлиги.

Тўловлар маълум кетма-кетликда амалга оширилади. Халқаро амалиётда пуллик тўловларни амалга оширишнинг 2 хил кетма-кетлиги мавжуд:

1. **Календар** кетмакетлик.
2. **Мақсадли** кетмакетлик.

Календар кетма – кетликда қайси қарздорлик олдин пайдо бўлган бўлса, ўша тўланади. Бу кетма-кетлик тараққий этган мамлакатларда қўлланилади.

Мақсадли кетма-кетликда тўловлар олдиндан белгиланган мақсадларга қараб тўланади. Бу кетма-кетлик ривожланаётган давлатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида қўлланилади.

Ҳар қандай пуллик тўловлар пул айланмасида иштирок этувчи субъектларининг жорий ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ҳисобига тўланади. Жорий ҳисоб рақамлар АҚШ банк амалиётида трансакцион депозит ҳисоб рақамлари, Германияда жиро ҳисоб рақамлари, Россияда “депозити до востребование” дейилади. Францияда жорий ҳисоб рақами дейилади, Ўзбекистонда талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамлари дейилади.

Ҳар қандай пуллик тўловлар пул айланмада иштирок этувчи субъектларнинг

Нақд пул айланмаси муомалага 2 канал орқали чиқади:

1) **Марказий Банкнинг захира вакиллик тизими орқали (Тижорат банкларининг буюртмалари асосида).** Тижорат банкларида нақд пулга бўлган қўшимча талаб юзага келганда улар бу талабни қондириш учун марказий банкга нақд пул олиш учун буюртма берадилар. Марказий Банк буюртма қилинган нақд пулни эмиссия қилади ва уни инкассатсия хизмати орқали тижорат банкларига етказди. Эмиссия қилинган суммага Марказий Банк балансининг пассив қисмидаги “Мажбуриятлар моддаси” кўпаяди. Тижорат банкининг Марказий Банкнинг балансида очилган “Востро” вакиллик ҳисоб рақамининг қолдиғи ана шу суммага камаяди.

2) **Давлат бюджети харажатларини молиялаштришда.** Марказий Банкларнинг туман ва шаҳар филиаллари бўлмайди, шу сабабли улар давлат бюджетининг касса ижросини амалга ошириш мақсадида тижорат

банкларининг хизматларидан фойдаланишга мажбур бўладилар. Молия вазирлиги бюджет ташкилотлари харажатларини нақд пулсиз шаклда молиялаштриб беради. Молиялаштрилган сумманинг нақд пул таъминоти Марказий банк томонидан амалга оширилилади. Марказий Банк инкассатсия хизмати орқали нақд пулни тижорат банкларига етказиб беради. Етказиб берилган нақд пулнинг нақд пулсиз эквивалиенти тижорат банкининг ҳисоб рақамидан ечиб олади.

Марказий Банклар нақд пулни эмиссия қилишда монопол мавқеига эга. Иккинчи томондан айрим давлатлар ўзининг миллий валютасига эга эмас. Шу сабабали бу давлатларнинг Марказий банклари эмиссия вазифани бажара олмайди. Салвадор, экуадор ва Шарқий Тиморда тўлов воситасини АҚШ доллори бажаради. Андора, Ватикан ва Маракада миллий валюта вазифасини евро бажаради. Шимолий Кипрда эса миллий тўлов воситасини Туркия лираси бажаради.

Пул айланмасининг таркиби қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

1. Марказий Банк ва тижорат банклари ўртасидаги нақд пул айланмаси.

2. Тижорат банклари ўртасидаги нақд пул айланмаси

3. Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги нақд пул айланмаси. (барча нақд пул кўринишидаги пуллари тижорат банкларига топширишлари шарт. Тижорат банклари ўз мижозларига нақд пул пулдаги харажатларини молиялаштриш учун нақд пуллар беради: (Иш ҳақи, мукофот, меҳнат таътили пуллари ва бошқалар.)

4. Ташкилотлар билан ташкилоталар ўртасидаги нақд пул айланмаси

5. Ташкилотлар ва уларнинг ходимлари ўртасидаги нақд пул айланмаси

6. Фуқаролар ўртасидаги нақд пул айланмаси.

Ҳозирги даврда АҚШ, Германия, Франция, Канада ва Бразилияда муомаладаги нақд пул тенденцияси кузатилмоқда. Лекин бу давлатларда нақд пулларнинг муомладаги пул массасининг салмоғи юқори эмас.

Канада – 3.6%

Бразилия – 3.8%

АҚШ - 4.9%

Франция – 8.5%

Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткичнинг салмоғи анча юқоридир. Масалан Россияда бу кўрсаткич 29% ни ташкил этади. Нақд пул айланмаси бир қатор камчуиликларга эга:

- Нақд пулларни эмиссия қилиш ташиш ва сақлаш катта харажатни талаб этади. Марказий банклар эмиссия харажати камайтриш учун купюраларнинг номиналини йириклаштиришга мажбур бўладилар.

- Нақд пулларни олиб юриш хавфлидир.

- Нақд пуллар билан ҳисоб китоб қилиш солиқ тўлашдан қочиш имконини беради.

- Нақд пул айланмаси терроризмни молиялаштриш билан боғлиқ

- Нақд пуллар ва инфляция ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд.

Нақд пул айланмасини ташкил қилиш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

1. Накд пул айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солишни меъёрий ҳуқуқий асосларининг мавжудлиги. Масалан, Марказий банкнинг касса операцияларини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномаси муҳим меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

2. Барча корхоналар ва ташкилотлар ўзларининг нақд пулдаги маблағларини тижорат банкларида сақлашлари шарт.

3. Корхоналар ва ташкилотларга кассада кичик миқдорда нақд пул сақлаб туришга рухсат этилади. Бунинг учун уларнинг кассасига тижорат банклари томонидан лимит белгиланади. Бу лимит кўзда тутилмаган харажатлар учун ажратилади.

4. Накд пуллардан мақсадли фойдаланиш принциплари

Банклардан корхоналар нақд пулларни пул чеклари орқали олади. Пул чекида нима мақсадда нақд пул олинаётганлиги кўрсатилади.

Нақд пулларнинг даражасига баҳо бериш учун халқаро амалиётда иқтисодиётда нақд пулларнинг етарлилиги деган кўрсаткич қўлланилади.

$M0/YIM \cdot 100\%$

$M0$ – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган жами нақд пуллар

2012-йилнинг 1-январ ҳолатига

Германияда – 8.9%

Францияда – 8.5%

Россияда – 10.9%

АҚШ – 6.9%

Канадада – 3.6%

Тараққий этган мамлакатларда бу кўрсаткичнинг даражаси паст. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Улардан асосийлари иккита:

1. Накд пулсиз ҳисоб китоблар тизими юқори даражада ривожланган. Накд пул муомаласи билан асосан аҳоли шуғулланади. Пластик карточкаларга асосланган тўлов амалиётининг ривожланганлиги нақд пулларга бўлган талабни қисқартириш имконини берган.

2. Хуфёна иқтисодиётни кичик салмоққа эга эканлиги.

Пластик карточкалар мўлжалланишига кўра иккига бўлинади:

- Шахсий карточкалар – бу карточкалар банклар томонидан жисмоний шахсга берилади.

- Коорпоратив карточкалар - бу юридик шахсларга берилади. Бу карточкадан корхонанинг ходимлари фойдаланиши мумкин.

Пластик карточкалар ишлаш режимига кўра 2 га бўлинади:

1. Оф – лине

2. Он – лине


Пластик карточкаларнинг тўловни амалга ошириш хусусиятига кўра:

1. Дебетли карталар-бу карталар фақат пластик карта ҳисоб рақамидаги пул маблағлари доирасида тўловларни амалга ошириш имконини беради.

2. Кредитли карталар-пластик ҳисоб рақамдаги пул тугаганини кейин ҳам тижорат банкининг кредити ҳисобига тўловни амалга ошириш имконини беради.

Япониянинг Ташиба компанияси Суперсмарткардни чиқарди. Бу истаган жойда тўловни амалга ошира олади.

Пул айланмаси таркиби қуйидагича бўлади:



Мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси пул айланмасининг таркибига бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, тараққий этган мамлакатларда иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли, товар пул муносабатларида тўловсизлик муаммоси мавжуд эмас.

$$MK = \frac{M2}{YIM}$$

МК = монетазиция коэффиценти

М2 = пул агрегати

Тараққий этган мамлакатларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланганлиги нақд пулларга бўлган талабнинг камайишига олиб келди. Бу эса пул айланмаси таркибида нақдсиз юқори ва барқарор даражада сақлаш имконини беради.

$$PM = \frac{TBC - KCT - MKTC}{PAT}$$

ПМ = пул массаси

МКТС = муддати келган тўловлар суммаси

ТБС = товарлар баҳоси суммаси

КСТ = кредитга сотилган таворлар суммаси

ПАТ = Пул айланмаси таркиби

3.3. Нақдсиз пул айланмаси ва уни ташкил қилиш принциплари.
Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ва унинг элементлари.

Нақд пулсиз пул айланиши – банкларда пул маблағларини тўловчилар ва олувчиларнинг ҳисобварақлари бўйича ёзувлар ёрдамида ёки ўзаро талабларни ҳисобга олиш йўли билан амалга ошириладиган пул айланишидир.

Нақдсиз пул айланмаси қуйидаги принциплар асосида ташкил этилади:

1. Нақдсиз пул айланмасининг меъёрий ҳуқуқий асосларининг мавжудлиги. Ўзбекистонда нақдсиз пул айланмасининг қонунчилик асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси

-Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонуни

-Ўзбекистон Республикасининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуни

2. Нақд пулсиз ҳисоб китобларни асосан банкларда очилган ҳисоб рақамлар орқали ўтказилиши.

Мижозлар ҳисоб рақам очишда банкларни эркин танлаш ҳуқуқига эга. Барча нақдсиз тўловлар тўловчининг жорий ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Амалиётда бир тижорат банкининг миждози иккинчи бир тижорат банкининг миждози фойдасига нақд пулсиз тўловни амалга оширади. Бир банкдан 2-банка ўтаётган тўловлар банкларнинг Ностро вакиллик рақамлари орқали ўтади. Банкларнинг 2 турдаги ностро вакиллик ҳисоб рақамлари мавжуд:

1. Вертикал вакиллик ҳисоб рақами

2. Горизонтал вакиллик ҳисоб рақами

Одатда ҳар бир тижорат банки миллий валютада битта вертикал битта горизонтал вакиллик ҳисоб рақамига эга бўлади.

Вертикал вакиллик ҳисоб рақами Марказий банкнинг балансида очилади.

Горизонтал вакиллик ҳисоб рақами мамлакатнинг бошқа тижорат банкида очилади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари миллий валютада фақат битта ностро вакиллик ҳисоб рақамга эга. Бу ҳисоб рақам Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг балансида очилган. Аниқроғи Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармасида очилган.

Тўловчининг ва тўловчининг банкни ликвидли бўлиши. Тўловчининг ва тўловчининг банкни ликвидли бўлиши деганда уларни ўз мажбуриятларини пул маблағлари билан ўз вақтида ва тўлиқ тўлай олиш қобилиятига айтилади. Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертлари корхоналарнинг ликвидлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тақлиф қилишган:

Жорий ликвидлик коэффициенти – (Жлк)

ЖА-жорий активлар

ЖП-жорий пассивлар

$$Жлк = ЖА / ЖП$$

Жаҳон банки экспертларининг бу коэффициентининг энг паст норматив даражасини 1.25 қилиб белгиланган.

4.4. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари.

Иктисодий контрагентлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- 1) инкассо операциялари воситасидаги ҳисоб-китоблар;
- 2) аккредитивлар ёрдамидаги ҳисоб-китоблар;
- 3) бўнак тўловлари шаклидаги ҳисоб-китоблар;
- 4) очилган ҳисобварақ бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;
- 5) векселлар ва чеклар шаклида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар.

Тўловни амалга ошириш учун тўловчининг розилиги бўлиши керак. Аммо қонунчиликда айрим ҳолларда тўловчидан сўрамай унинг пулидан олиб қўйишга рухсат этилган. Мисол учун солиқ инспекцияси томонидан қўйилган Инкассо топшириқномалар, судларнинг қарори билан қўйилган ижро варақалари тўловни тўловчининг розилигисиз амалга оширилади.

Тўловларнинг муддатлилиги

Нақдсиз ҳисоб китобларни тўғри амалга оширилганлиги устида ўтказиладиган назоратнинг мавжудлиги

Нақд пулсиз ҳисоб китобларда иштирок этувчи томонларнинг мулкӣ жавобгарлигининг мавжудлиги.

Халқаро банк амалиётида нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг 4 шаклидан фойдаланади.

1. Тўлов топшириқномалари
2. Чеклар
3. Хужжатлаштирилган аккредитивлар
4. Инкассо

4.5. “Умумий тўлов айланмаси” тушунчаси ва унинг таркиби.

Мижозлар ҳисоб рақам очишда банкларни эркин танлаш ҳуқуқига эга. Барча нақдсиз тўловлар тўловчининг жорий ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Амалиётда бир тижорат банкининг мижози иккинчи бир тижорат банкининг мижози фойдасига нақд пулсиз тўловни амалга оширади. Бир банкдан 2-банка ўтаётган тўловлар банкларнинг Ностро вакиллик рақамлари орқали ўтади. Банкларнинг 2 турдаги ностро вакиллик ҳисоб рақамлари мавжуд:

3. Вертикал вакиллик ҳисоб рақами
4. Горизонтал вакиллик ҳисоб рақами

Одатда ҳар бир тижорат банки миллий валютада битта вертикал битта горизонтал вакиллик ҳисоб рақамига эга бўлади.

Вертикал вакиллик ҳисоб рақами Марказий банкнинг балансида очилади.

Горизонтал вакиллик ҳисоб рақами мамлакатнинг бошқа тижорат банкида очилади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари миллий валютада фақат битта ностро вакиллик ҳисоб рақамга эга. Бу ҳисоб рақам Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг балансида очилган. Аниқроғи Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармасида очилган.

Тўловчининг ва тўловчининг банкни ликвидли бўлиши. Тўловчининг ва тўловчининг банкни ликвидли бўлиши деганда уларни ўз мажбуриятларини пул маблағлари билан ўз вақтида ва тўлиқ тўлай олиш қобилиятига айтилади.

Жаҳон банки экспертларининг бу коэффициентининг энг паст норматив даражасини 1.25 қилиб белгиланган.

5. Тўловни амалга ошириш учун тўловчининг розилиги бўлиши керак. Аммо қонунчиликда айрим ҳолларда тўловчидан сўрамай унинг пулидан олиб қўйишга рухсат этилган. Мисол учун солиқ инспекцияси томонидан қўйилган Инкассо топшириқномалар, судларнинг қарори билан қўйилган ижро варақалари тўловни тўловчининг розилигисиз амалга оширилади.

- Тўловларнинг муддатлилиги
- Нақдсиз ҳисоб китобларни тўғри амалга оширилганлиги устида ўтказиладиган назоратнинг мавжудлиги
- Нақд пулсиз ҳисоб китобларда иштирок этувчи томонларнинг мулкый жавобгарлигининг мавжудлиги.
- Халқаро банк амалиётида нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг 4 шаклидан фойдаланади.


Тўлов топшириқномалари

Чеклар

Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар

Инкассо

Тўлов топшириқномалари орқали нақд пулсиз ҳисоб китобларни амалга ошириш тартиби:



1-тўловларнинг олди-сотди шартномасини тузиш. 2-товарларни жўнатиш. 3- товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни сотиб олувчига жўнатиш. 4-сотиб олувчи ўз банкига тўлов топшириқномасини ёзади. 5-сотиб олувчининг банки тўлов топшириғига асосан тўловни амалга оширади. Тўлов суммасини сотиб олувчи жорий ҳисоб рақамидан олиниб, мол етказиб берувчининг востро ҳисоб рақамига ўтказилади. 6-сотиб олувчининг банки мол етказиб берувчининг банкини 5-операция бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади. 7-мол етказиб берувчининг банки тўлов суммасини мол етказиб берувчининг жорий ҳисоб рақамига ўтказиши. 8-мол етказиб берувчининг жорий ҳисоб рақамидан кўчирма. Тўлов топшириқномаларига хос бўлган асосий авзаллик бу товарларнинг сифатини назорат қилишнинг мумкинлигидир. Бу шакл қуйидаги камчиликларга эга:


1. Тўлов кафолатланмаган

2. Тўлов топшириқномаларида товарлар суммасининг маълум қисмини олдиндан тўлаб қўйиш қўлланилади. Бунда сифатсиз товарлар етказиб бериш ва товарларни вақтида етказиб бермаслик rischi юзага келади. Европа давлатларида ва АҚШда нақд пулсиз ҳисоб китобларда тижорат банкларининг кафолатларидан фойдаланилади. Тижорат банки берадиган кафолатнинг 2 тури мавжуд:

1. Мижознинг тўлов мажбуриятлари бўйича бериладиган кафолат

2. Етказиб бериладиган товарларнинг сифати бўйича бериладиган банк кафолати

Тараққий этган мамлакатларда юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб китобларда ҳисоб китоб чеклари кенг қўлланилади. Ушбу чеклар орқали ҳисоб китоблар қуйидагича амалга оширилади:



1-товарларни олди сотди шартномасини тузиш. 2-сотиб олувчи ўз банкига чек ёзиш учун ёзма кўрсатма беради. 3-сотиб олувчининг банки чекни ёзади. 4-сотиб олувчининг банки сотиб олувчига узатади. 5-мол етказиб берувчи товарларни жўнатади. 6-мол етказиб берувчи товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни жўнатади. 7-сотиб олувчи мол етказиб берувчига чекни узатади. 8-мол етказиб берувчи чекни ўз банкига узатади. 9-мол

етказиб берувчининг банки чекни текширади ва қабул қилиб олади. 10-мол етказиб берувчининг банки сотиб олувчининг банкига тўлов учун жўнатади. 11-сотиб олувчининг банки чекни тўлаб беради. Агар сотиб олувчининг жорий ҳисоб рақамида пул маблағлари бўлмаса чек қайтарилади. Чунки чек суммаси тараққий этган давлатларда депозит қилинмайди. Европа тараққиёт ва тиклаш банки екпери Н. Акаматсунинг тадқиқотлари кўрсатдики, Европа ва АҚШда чеклар бўйича тўловсизлик муаммосининг мавжуд эмаслиги тижорат банклари кредитлари ҳисобидан чекларнинг тўланаётганлиги билан изоҳланади. Ҳисоб китоб чекларининг асосий камчилиги тўловнинг кафолатланмаганлигидир. Ҳисоб китоб чекларининг авзаллиги – товарларнинг сотилишини тезлаштиради.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг 5 та асосий шакли мавжуд:

1. Чақириб олинadиган аккредитивлар – бу аккредитив уни очган банк томонидан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.


2. Чақириб олинмайдиган аккредитивлар – бу аккредитивлар бекор қилиниб бўлмайди

3. Тасдиқланадиган аккредитивлар - бу аккредитивлар 3-банк томонидан тасдиқланади. Одатда кичик банклар томонидан катта суммага очилган аккредитивларни йирик банклар тан олмайди. Шунда улар бу аккредитивни 3-банк тасдиқлашини талаб қилади.

4. Тасдиқланмайдиган аккредитив

5. Таъминланган аккредитивлар- бу шаклда Ўзбекистонда кенг қўлланилади. Бунда аккредитив суммаси миқдорнинг жорий ҳисоб рақамидан олиниб, алоҳида счёта депонент қилинади.(22602)

Ҳозирги вақтда дунё амалиётида чақириб олинмайдиган аккредитивлар кенг қўлланилади.



1-тўловларни олди сотди қилиш шартномасини имзолаш. 2-сотиб олувчи ўз банкига аккредитив очиш тўғрисида ариза беради. 3-аккредитивни

очиш, сотиб олувчининг банки мол етказиб берувчининг банкига аккредитив телеграммасини жўнатади. Бу аккредитивнинг очилганлигини билдиради. Мана шу вақтдан бошлаб сотиб олувчининг банки тўлов юзасидан кафилга айланади. 4-мол етказиб берувчининг банки мол етказиб берувчини аккредитив очганлиги ҳақида хабардор қилади. 5-мол етказиб берувчи товарларни жўнатади. 6-мол етказиб берувчи товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни ўзининг банкига узатади. 7- мол етказиб берувчининг банки ҳужжатларни текширадига қабул қилиб олади. 8-мол етказиб берувчи банки товар ҳужжатларини сотиб олувчининг банкига тўлов учун жўнатади. 9-сотиб олувчининг банки аккредитив бўйича тўловни амалга оширади. 10-сотиб олувчининг банки сотиб олувчига товар ҳужжатларини беради. 11-сотиб олувчи банки мол етказиб берувчи банкни тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади. 12-мол етказиб берувчи банки тўлов суммасини мол етказиб берувчининг жорий ҳисоб рақамига ўтказди. 13-мол етказиб берувчининг жорий ҳисоб рақамидан кўчирма.

4.6.Тўлов айланмасининг таркиби.

Пул-тўлов айланиши пул айланишининг бир қисми бўлиб, унда пуллар қандай шаклда тақдим этилганидан қатъи назар тўлов воситаси сифатида фаолият юритади. Бошқача айтганда, бундай ҳолда иқтисодий субъектлар ўртасида нақд пуллик ва нақд пулсиз шаклда айирбошлаш воситаси сифатида амал қиладиган пул маблағлари кўриб чиқилади.

Пул маблағлари ҳаракатининг ҳар бири бўйича муқобил ҳаракат ҳам амалга оширилади. Бошқача айтганда, пулларнинг айланиши кўп йўналишли бўлади ва хўжалик фаолияти субъектларини қамраб олади.

Тўлов айланиши ушбу мамлакатда амал қиладиган тўлов воситаларининг узлуксиз ҳаракат қилиш жараёнидир. Бошқача айтганда, пул айланиши деганда тўлов воситаларининг шаклидан қатъи назар бундай барча воситаларнинг мажмуи тушунилади. Бевосита пул маблағларининг ҳаракати ва чеклар, депозит сертификатлари ва векселларнинг кўчиб юриши шунга киради. Пул айланиши тўлов айланишининг бир қисмидир.

Пул айланиши нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пул белгиларининг узлуксиз ҳаракат қилиш жараёнидир.

Ўз навбатида пул айланиши тўлов воситалари муомаласининг икки шаклига: пул муомаласи (ёки нақд пуллар айланиши) ва пул-тўлов айланишига бўлинади.

Пул муомаласи пул айланишининг нақд пул маблағлари муомаласи, пул белгиларининг бир юридик ёки жисмоний шахслардан бошқа шахсларга доимий тарзда ўтиб юриши билан боғлиқ қисмидир. Бошқача айтганда, бу иқтисодий субъектлар ўртасидаги муомалада қатнашадиган бевосита нақд пул массасидир. Шу туфайли пул муомаласини баъзан нақд пулларнинг айланиши деб ҳам аташади.

Пул-тўлов айланиши пул айланишининг бир қисми бўлиб, унда пуллар қандай шаклда тақдим этилганидан қатъи назар тўлов воситаси сифатида

фаолият юритади. Бошқача айтганда, бундай ҳолда иқтисодий субъектлар ўртасида нақд пуллик ва нақд пулсиз шаклда айирбошлаш воситаси сифатида амал қиладиган пул маблағлари кўриб чиқилади.

5-МАВЗУ. ПУЛ МАССАСИ ВА ПУЛ АГРЕГАТЛАРИ

5.1. Пул массаси ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар.

5.2. Пулларга бўлган талаб ва пуллар таклифи.

5.3. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш услублари.

И.Фишернинг “алмашув тенгламаси”.

5.4. К.Маркснинг муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш формуласи.

5.5. Пул агрегатлари

Таянч иборалар: пул муомласи, пул муомласи қонуни, талаб, таклиф, муомала учун пуллар,, пул миқдори

5.1. Пул массаси ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар.

Пул муомласини ташкил қилиш ва тартибга солиш бир нечта омилларга асосланади:

1. Ана шундай муҳим омиллардан бири пул-товар муносабатларининг мавжудлиги ҳисобланади.

2. Яна бир омил пул маблағларининг товарсиз ҳаракатланиши ҳисобланади.

3. Пул муомласининг меёрий ҳуқуқий асосларининг мавжудлиги.

4. Пул муомаласини ташкил қилувчи ва тартибга солувчи институтларнинг мавжудлигидир. Одатда пул муомласини Марказий банк томонидан ташкил қилинади ва тартибга солинади. Лекин пул муомаласини ташкил қилишда банк тизимининг 2-чи поғонасида турувчи тижорат банклари рол ўйнайди.

Пул массаси- юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли бўлган нақд ва нақдсиз кўринишдаги пул маблағларининг йиғиндисидир.

Пул мултипликатори – муомаладаги пул массасини қай даражада ўсиб ёки камайиб бораётганини кўрсатади.

$$PM = \frac{M2}{\text{Pul bazasi}}$$

ПМ – пул мултипликатори

Пул базасига қуйидагилар киради:

1. Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар

2. Тижорат банклари томонидан Марказий банк фойдасига қилинган мажбурий захира ажратмалари.

Марказий банклар тижорат банклари жалб қилган ресурсларнинг бир қисмини мажбурий тартибда олиб қўяди. Ўзбекистонда тижорат банкларининг мажбурий захира ажратмалари суммасини Марказий банк уларнинг балансидан олиб қўяди. АҚШда ва Европада мажбурий захира ажратмалари суммаси тижорат банкларининг балансида қолади.

Пул агрегатлари, уларга тавсифнома ва пулни тартибга солиш амалиёти ва унга таъсир қилувчи омиллар.

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида пул муомаласини тартибга солиш ва барқарорлаштиришда Марказий банкнинг роли.

1. Пул муомаласи қонуни

Қиймат қонуни ва унинг муомала доирасида юзага чиқиш шакли – пул муомаласи қонуни товар-пул муносабати мавжуд бўлган барча ижтимоий тузумларга хосдир. Қиймат шакллари ва пул муомаласи тараққиёт йўлини таҳлил қилаётиб, К. Маркс пул муомаласининг қонунини очди. Бу қонунга асосан муомала воситаси функциясини амалга ошириш учун керак бўлган пул миқдори аниқланади.

Металлик пул муомаласида муомаладаги пул миқдори стихияли тарзда, пулларнинг хазина функцияси ёрдамида тартибга солиб турилган. Агар пулга эҳтиёж камайса, ортиқча пуллар (олтин танга) муомаладан хазинага оқиб ўтиши кузатилган ёки аксинча. Шундай қилиб, муомаладаги пул миқдори керакли даражада ушлаб турилган. Кейинчалик, муомалага банкноталар чиқарилиши ва уларнинг металллар (олтин ёки кумуш)га эркин алмашилиши ҳам муомалада пулнинг ортиқча миқдори бўлишини инкор этади.

Агар муомалада олтинга алмашинмайдиган банкноталар ёки қоғоз пуллар (хазина билетлари) амал қилса, у ҳолда нақд пул муомаласи пул муомаласи қонунига асосан амалга ошади.

Қоғоз пуллар миқдори муомала учун керак бўлган олтин пулларнинг назарий миқдорига тенг бўлганда пул муомаласида ҳеч қандай салбий жараёнлар юз бермайди. Юқорида кўрсатилган талаб пулнинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек, пул муомаласи мавжуд бўлган барча ижтимоий тузумларда ўз кучига эга.

Пул муомаласи қонуни муомаладаги товарлар массаси, уларнинг нарх даражаси ва пул муомаласи тезлиги орасидаги иқтисодий алоқадорликни акс эттиради. Бу қонунга асосан муомала учун зарур бўлган пул миқдорини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$\begin{array}{ccccccc} \text{Реализация} & & \text{Кредитга} & & \text{Мажбуриятлар} & & \text{Бир-бирини қоп-} \\ \text{қилинадиган} & & \text{сотилган} & & \text{бўйича тўловлар-} & & \text{лайдиган тўлов-} \\ \text{товарлар нархи} & \text{—} & \text{товарлар} & \text{+} & \text{суммаси} & \text{—} & \text{лар суммаси.} \\ \text{суммаси} & & \text{нархи суммаси} & & & & \end{array}$$

Пулнинг муомала ва тўлов воситаси сифатида ўртача айланиш тезлиги.

Шундай қилиб, муомала учун зарур бўлган пул миқдорига ишлаб чиқариш ривожини ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлган турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорига таъсир

кўрсатувчи асосий омил – бу товарлар ва хизматлар баҳоси ҳисобланади. Пул миқдори товарлар ва хизматлар баҳосига тўғри пропорционал, яъни товарлар ва хизматлар баҳосининг ошиши муомалага кўп пул чиқаришни талаб қилади. Пул миқдорига таъсир қилувчи иккинчи омил – бу пулнинг айланиш тезлиги ҳисобланади. Бу омил пул миқдорига тескари таъсир кўрсатади. Одатда, пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам талаб қилинади ва аксинча.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини камайтириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш муҳимдир. Булар:–истеъмол кредитни ривожлантириш; кредитга қанчалик кўп товар сотилса, шунча кам миқдорда пул муомалада керак бўлади;

– нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг ривожланиши;

– пулларнинг муомала тезлигини оширишга эришиш ва бошқалар.

Ҳар бир жамият пул муомаласи қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши зарур. Чунки пул муомаласи қонунининг бузилиши пул барқарорлигига путур этказади. Бу ҳолда муомалага чиқарилган пул миқдори муомаладаги товарлар баҳосидан ошиб ке-тиши, яъни инфляция бўлишига ёки пул танқислигига (етишмовчилигига) олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, пул муомаласини ушлаб туриш шарт-шароитлари ва қонуниятлари икки омилнинг ўзаро таъсири билан, яъни хўжаликнинг пулга бўлган эҳтиёжи ва амалда пулларнинг муомалага бориб тушиши билан белгиланади. Амалиётда кўпроқ учрайдиган ҳол бу айланмада хўжаликка керак бўлганидан кўпроқ пулнинг бўлишидир. Бу, албатта, пулнинг қадрсизланишига – пул бирлиги харид қобилиятининг тушишига олиб келади.

Пул агрегатлари – бу пул массасини муқобил ўлчаш имкониятини берувчи кўрсаткичлардир. Халқаро амалиётда қуйидаги пул агрегатларидан кенг фойдаланилади:

1. M_0 – бу агрегатни ҳисоблаш учун Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган яъни эмиссия қилинган барча нақд пуллар суммасидан банклар ва корхоналарнинг кассасидаги нақд пулларнинг қолдиғи айириб ташланади. Тарққий этган мамлакатлар банк амалиётида M_0 ҳисобга олинмайди.

2. $M_1 = M_0 +$ талаб қилиб олинадиган депозитлар + йўл чеклари. Айрим мамлакатларда кредит карталари ҳам M_1 таркибига киритилади.

3. $M_2 = M_1 +$ муддатли депозитлар + жамғарма депозитлар. M_2 ҳисоблашда суммаси унча катта бўлмаган муддатли ва жамғарма депозитлар олинади.

4. $M_3 = M_2 +$ йирик суммадаги муддатли депозитлар + депозит сертификатлари + жамғарма сертификати.

M_4 (L- АҚШда) = $M_3 +$ давлатнинг қисқа муддатли облигациялари + корпоратив облигация + жамғарма облигациялар + банк акцептлари + пул бозори ўзаро фондлари пайлари.

Таниқли олим Ф.Мишкеннинг фикрига кўра Марказий банк пул агрегатларининг қисқа муддатли даврий орқалидаги ўсишини эътиборга

олмаслиги лозим, чунки пул агрегатларининг қисқа даврда ўсиши мавсумий омиллар таъсисирида бўлади. Шунинг учун пул массасининг йиллик ўсиш суръатларини назорат қилиш лозим.

Пул муомаласининг муҳим кўрсаткичи пул массаси ҳисобланади. Пул массаси ҳўжалик айланмасидаги нақд пуллик ҳисоб-китобларни аҳоли, корхоналар, давлат муассасаларига тегишли харид ва тўлов воситаларининг ялпи ҳажмини ўзида ифодалайди.

Пул муомаласининг белгиланган муддат ва белгиланган даври учун миқдорий ўзгаришларини билиш учун, шунингдек, пул массаси ҳажми ва ўсиш суръатларини тартибга солиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқариш учун турли хил кўрсаткичлар (пул агрегатлари) дан фойдаланилади.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг молия статистикасида пул массасини аниқлашда қуйидаги асосий пул агрегатлари тўпламидан (гуруҳидан) фойдаланилади:

М-1 агрегати – муомаладаги нақд пуллар (банкноталар, тангалар) ва жорий банк счётларидаги маблағларни ўз ичига олади;

М-2 агрегати – М-1 агрегати ва тижорат банкларидаги муддатли ва жамғарма қўйилмаларидан (тўрт йилгача) таркиб топган;

М-3 агрегати – ўз ичига М-2 агрегати ва ихтисослашган кредит муассасаларидаги жамғарма қўйилмаларини киритган;

М-4 агрегати – М-3 агрегати ҳамда йиллик тижорий банкларининг депозитли сертификатларидан иборат.

АҚШ да пул массасини аниқлаш учун 4 та пул агрегати, Япония ва Германияда – 3 та, Англия ва Франтсияда – иккита пул агрегатидан фойдаланилади.

Пул массаси таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш Марказий банк томонидан тўғри пул-кредит сиёсати олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Россия Федерацияда муомаладаги жами пул массаси ҳисоб-китоби учун қуйидаги пул агрегатлари қўлланилади.

М-О агрегати – нақд пуллар;

М-1 агрегати – М-О агрегати ва ҳисоб-китоб, жорий ва бошқа счётлар (махсус счётлар, капитал қўйилмалар счётлари, аккредитив ва чек счётлари, маҳаллий бюджет счётлари, бюджет, касаба, уюш-малари, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг счётлари, давлат суғурта маблағлари, узок муддатга кредитлаш фонди) даги маблағлар ти-жорат банкларига қўйилмалар ва жамғарма банкларидаги талаб қилиб олинадиган депозитларнинг йиғиндисига тенг;

М-2 агрегати – М-1 агрегати ва жамғарма банкларидаги муддатли қўйилмалардан иборат;

М-3 агрегати – М-2 агрегати ҳамда депозитли сертификатлар ва давлат заём облигатсиялари йиғиндисидан иборат.

Пул массаси таркибини унинг ҳаракатига қараб иккига бўлиш мумкин, яъни пул массасининг актив қисми – бу пул маблағларининг ҳўжалик фаолиятидаги турли хил шаклдаги ҳисоб-китобларни олиб бориш билан

боғлиқ қисми ва иккинчиси пассив қисм – жамғар-мадаги пуллар ва ҳисоб рақамлардаги қолдиқлар ҳисобланади.

Пул массаси нақд пуллардан ташқари муддатли ҳисоб рақамдаги маблағ ва жамғармаларни, депозит сертификатлари, инвестицион фондларнинг акцияларини ўз ичига олади. Пул массасининг юқоридаги элементлари «квази» - “қарийб пуллар” деб ҳам юритилади. Квази - пуллар ликвид активлар бўлиб, улар тез орада пулга айланиши мумкин.

5.2. Пулларга бўлган талаб ва пуллар таклифи.

Давлатнинг пул айланишига кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Пул айланиши тузилмаси турли белгилар бўйича белгиланади:

1) унда пулларнинг фаолият юритиши шаклига қараб. Ушбу белгига қараб нақд пулсиз ва нақд пуллик пул айланишини ажратиш мумкин, чунки барча пул белгилари у ёки бошқа шаклга эга бўлади;

2) ушбу пул айланиши хизмат кўрсатадиган муносабатлар тусига қараб. Бу ерда пул-ҳисоб-китоб айланиши, пул-кредит айланиши, пул-молия айланиши ажратиб кўрсатилади;

3) пул маблағларининг ҳаракати юз берадиган субъектларга қараб. Ушбу тасниф бўйича қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: пул маблағларининг юридик шахслар ўртасида банклараро, банкларда айланиши, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги айланиш ва, ниҳоят, пул маблағларининг фақат жисмоний шахслар ўртасидаги айланиши.

Шунга тегишлича, иқтисодиётда қўлланиладиган пул айланиши ҳажмига таъсир қиладиган омилларнинг муайян гуруҳини ҳам ажратиш мумкин. Барча омилларни сиёсий, иқтисодий ва техник омилларга ажратиш мумкин. Табиийки, пул айланиши тузилмасини шакллантиришнинг иқтисодий омиллари асосий аҳамиятга ва бевосита таъсир кучига эга бўлади. Бундай омилларга иқтисодиётда ишлатиладиган пуллар турлари, пул муомаласи тезлиги, товар айланиши миқдори ва шу кабилар киради. Бинобарин, мавжуд пул айланиши миқдорларини вужудга келадиган эҳтиёжларга мувофиқ ўзгартиришга ёки пул айланишининг мавжуд ҳажмларини товар айланишининг реал эҳтиёжларига мувофиқлаштиришга фақат иқтисодий услублар воситасида пул айланиши ҳажмига таъсир кўрсатадиган ушбу омиллар орқали таъсир қилиш мумкин.

Иқтисодиётда фаолият юритадиган, фақат ҳукуматнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ва иқтисодиётнинг эҳтиёжларидан мустақил пул маблағлари миқдоридаги ўзгаришлар сиёсий омиллар ҳисобланади.

Техник омиллар пул айланиши тузилиши ва ҳажмига фақат билвосита таъсир кўрсатади, лекин шунга қарамасдан, уларни ҳисобга олиш зарур. Бундай омилларга у ёки бошқа ҳисоб-китобни ўтказиш учун талаб этиладиган вақтни камайтириш ёки ҳисоб-китобнинг ўзини амалга оширишга имкон берадиган ҳисоб-китобларнинг техник воситалари киради. Масалан, банк пластик карталарига хизмат кўрсатувчи техник воситаларнинг кенг оммалашганлиги аҳоли ўртасида ушбу тўлов воситасининг оммалашувига ва, бинобарин, нақд пулсиз пул маблағларининг қўлланилишининг ошишига

олиб келади. Нақд пулсиз пул маблағлари қўлланилиши частотасининг кўпайиши пул муомаласининг умумий таркибида нақд пулларнинг камайишига ва давлатнинг пул айланишини тартибга солиш асосий услубларининг ўзгаришига олиб келади.

Пул муомаласи – бу пулларнинг мамлакатнинг ички иқтисодий айланиши, ташқи иқтисодий алоқалар тизимидаги, товарлар ва хизматларнинг сотилишига, шунингдек, уй хўжалигидаги товарсиз тўловларга хизмат кўрсатадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги ҳаракатидир. Товар ишлаб чиқариш пул муомаласининг объектив негизи бўлиб, ундаги товар олами товарларнинг икки турига: товарларнинг ўзига ва товар-пулларга бўлинади. Нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пуллар ёрдамида товарлар, шунингдек, ссуда ва фиктив капиталларнинг муомаласи жараёни амалга оширилади.

Шундай қилиб, пул муомаласи жараёнларидан пул айланиши тушунчасини ажратиб олиш мумкин.

Пул айланиши - нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пул белгиларининг узлуксиз ҳаракат жараёнидир. Қийматнинг ўзидан ажралганлик ҳозирги пул айланишининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳозирги пул айланиши металл пуллар муомаласи шароитидаги каби қийматли эмас, чунки пул белгисининг қиймати номиналдан анча кам ва унинг аҳамияти бўлмаслиги мумкин.

Пул айланиши пул маблағлари ҳаракатининг муайян йўлларида таркиб топади:

1. Маблағларнинг марказий банк билан тижорат банклари ўртасидаги ҳаракати. Бундай ҳаракат пул маблағлари эмиссияси жараёнлари ва тижорат банклари маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мажбурий захиралаш фондига кўчирилиши билан боғлиқ. Тижорат банкларининг кредитлаш жараёнлари муносабати билан пул маблағларининг кўчирилишини ҳам шунга киритиш мумкин;

2. Пул маблағларининг тижорат банклари ўртасидаги ҳаракати. Бу ҳолда ушбу банкларнинг миқдорларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ пул кўчиришлар ёки тижорат банкларининг ўзаро кредитлашлари назарда тутилади;

3. Фирмалар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағларининг ушбу иқтисодий субъектлар ўртасидаги ҳаракати товарлар айланиши ва бундай товарлар айланишидаги, шунингдек, ўзаро талабларни ҳисобга олишдаги ҳақ тўлаш жараёнлари билан боғлиқ;

4. Банклар, фирмалар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағларининг ушбу субъектлар ўртасидаги ҳаракати асосан кредитлаш ва қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш операциялари, шунингдек, пул маблағларини сақлаш ва кўчиришга доир операциялар билан боғлиқ;

5. Банклар ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағлари истеъмолчилик кредитини бериш ва пул маблағларининг аҳолининг даромадларини сақлаш ва кўпайтириш мақсадларидаги ҳаракатига доир фаол жараён сабабли кўчирилади;

6. Фирмалар, ташкилотлар ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат. Пуллар ҳаракатининг бу йўли маблағларнинг товар айланиши операцияларига ҳақ тўлаш ва уй хўжаликларининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаши муносабати билан кўчиб юришидан иборат бўлади;

7. Банклар ва молия институтлари ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағларининг ушбу иқтисодий муносабатлар субъектлари ўртасидаги ҳаракати ўзаро кредитлаш операциялари ва иқтисодий фойда олишга ёки учинчи субъектларнинг муайян операцияларини расмийлаштиришга ёрдам берувчи бошқа молиявий ҳаракатлар доирасида амалга оширилади;

8. Молия институтлари ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағларининг бу ҳолдаги ҳаракати аҳолининг, одатда, ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида муайян молия операцияларини бажариши билан боғлиқ;

9. Жисмоний шахслар ўртасидаги ҳаракат. Пул маблағлари ҳаракатининг бу йўли энг сезилмайдиган, лекин пул маблағларининг қайта тақсимланиши тизимидаги энг муҳим йўллардан бири ҳисобланади, чунки у маблағларнинг аҳоли ўртасида кўчиб юришидан иборат. Одатда, бундай кўчиб юришнинг мақсади маиший масалаларни ҳал этиш ва ўз оиласи аъзолари фаровонлигининг муайян даражасини тутиб туришдир.

5.3.Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш услублари. И.Фишернинг “алмашув тенгламаси”.

Сиёсий иқтисод математик мактабининг йирик вакили, Халқаро иқтисодий жамият асосчиларидан бири ва унинг биринчи президенти (1931-1933) **Ирвинг Фишер** (1867-1947) пулларнинг миқдорий назариясини замонавийлаштиришга катта ҳисса қўшди. У «Пулларнинг харид қилиш кучи. Унинг белгиланиши ва кредит, фоизлар ва таназзулларга муносабати» асарида (1911) пуллар массаси билан товарлар нархлари даражаси ўртасидаги боғлиқликни формаллаштиришга ҳаракат қилган. Товарлар учун тўланган пуллар сони ва сотилган товарлар нархлари суммаси тенг бўлгани учун бунини И.Фишер тарози билан ўхшатмоқчи бўлади.

Математик шаклда айирбошлаш тенгламасини қуйидаги формула шаклида тасаввур этиш мумкин:

$$M V = \sum PQ,$$

бунда: $\sum$ – (Expenditure) – пул муомаласининг умумий ҳажми, яъни мазкур жамиятда шу йил давомида товарларни сотиб олиш учун сарфланадиган пуллар суммаси; M (Money) – ушбу жамиятда йил давомида муомалада юрган пулларнинг ўртача миқдори;

$$V = \frac{\sum PQ}{M}$$

(Velocity) – неъматларга айирбошлашдаги пуллар айланишларининг ўртача сони; P – (Price) – ушбу жамиятда сотиб олинган ҳар қандай алоҳида товарнинг ўртача сотиш нархи; Q – (Quantity) – товарларнинг жами харид қилинган сони.

Фишер формуласи олтин тангали стандарт шароитида тўғри бўлмайди, чунки у пулларнинг ички қийматини ҳисобга олмайди. Бироқ олтинга алмаштирилмайдиган қоғоз пуллар муомала қиладиган шароитда у муайян мазмун касб этади. Бундай шароитда пул массасининг ўзгариши, гарчи И.Фишер товарлар нархларининг мутлоқ эластиклигини назарда тутиб, нарх механизмини маълум маънода идеаллаштира-да, лекин товарлар нархлари даражасига таъсир кўрсатади. Бошқа неоклассиклар каби Фишер ҳам мукамал рақобатчиликка асосланади ва ўз хулосаларини монополиялар ҳукмронлик қиладиган ва нархлар олдинги эластиклигини жиддий йўқотган жамиятга тегишли деб билади.

Кўпгина ҳозирги иқтисодчилар айирбошлаш тенгламасини бир хиллик, яъни $MV=PQ$ сифатида тавсифлашади. Гап шундаки, бу тенглама $D - T$ айирбошлаш ҳаракатини товарларнинг жами массасига дахлдор деб ифодалашга уринади, яъни товарлар сотиб олинган пуллар суммаси сотиб олинган товарлар нархлари суммасига тенг (бир хил). Бу тавтологиядир ва шунинг учун айирбошлаш формуласи нархларнинг умумий (мутлоқ) даражасини изоҳлаш учун хизмат қила олмайди.

Микдорий назария тарафдорларининг фараз қилишича, айирбошлаш формуласи мутлоқ катталикини EQ_0 ни изоҳлайди (айни бир вақтда талаб ва таклиф механизми ундан нисбий тебранишларни изоҳлайди).

И.Фишер ва унинг издошлари шундай нуқтаи назарга амал қилишган. Улар пулларнинг айланиш тезлиги (V) ва ишлаб чиқариш даражаси (Q) муомалада юрган пуллар микдори (M) ва нархлар даражасига (P) боғлиқ бўлмаслигини асослашга уринишган. Улар пулларнинг айланиши тезлиги аввало демографик (аҳолининг зичлиги ва ҳоказо) ва техник (транспорт воситаларининг сони ва сифати ва ҳоказо) параметрларга боғлиқ бўлади, деб фараз қилишган. Ишлаб чиқариш даражаси эса асосан меҳнат бозорида юзага келаётган шарт-шароитлар билан белгиланиб, нархлар даражаси ва муомалада юрган пуллар сонига боғлиқ бўлмайди. Шубҳасиз, бозор ҳўжалиги ҳукмронлик қиладиган шароитда бундай қоидалар яққол нореал тус касб этади.

5.4. К.Маркснинг муомала учун зарур бўлган пул микдорини аниқлаш формуласи.

Қиймат қонуни ва унинг муомала доирасида юзага чиқиш шакли - пул муомаласи қонуни товар-пул муносабати мавжуд бўлган барча ижтимоий формацияларга хосдир. қиймат шакллари ва пул муомаласи таракқиёт йўлини таҳлил қилаётиб, КМаркс пул муомаласининг қонунини очди. Бу қонунга асосан қомала воситаси функциясини амалга ошириш учун керак бўлган пул микдори аниқланади. Металлик пул муомаласида муомаладаги пул микдори стихияли тарзда, пулларнинг қазина функцияси ёрдамида тартибга солиб турилган: агар пулга эҳтиёж қамайса, ортиқча пуллар (олтин танга) муомаладан қазинага оқиб ўтиши қузатилган ва аксинча. Шундай қилиб, муомаладаги пул микдори керакли даражада ушлаб турилган. Кейинчалик муомалага банкноталар чиқарилиши ва уларнинг металлар

(олтин ёки кумуш)га эркин алмашилиши муомалада пулнинг ортиқча миқдори бўлишини инкор этади.

Агар муомалада олтинга алмашинмайдиган банкноталар ёки қоғоз хар (хазина билетлари) амал қилса, у ҳолда нақд пул муомаласи пул муомаласи қонунига асосан амалга ошади.

Қоғоз пуллар миқдори муомала учун керак бўлган олтин пулларнинг миқдорига тенг бўлганда пул муомаласида ҳеч қандай салбий жараёнлар юз бермайди. Юқорида кўрсатилган талаб пулнинг барқарорлигини таъминлайди, шунингдек пул муомаласи мавжуд бўлган барча ижтимоий формацияларда ўз кучига эга.

Пул муомаласи қонуни муомаладаги товарлар массаси, уларнинг нархи ва пул муомаласи тезлиги орасидаги иқтисодий алоқадорликни акс эттиради.

Шундай қилиб, муомала учун зарур бўлган пул миқдорига ишлаб чиқариш ривожини ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлган турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорига таъсир кўрсатувчи асосий омил - бу товарлар ва хизматлар баҳоси ҳисобланади. Пул миқдори товарлар ва хизматлар баҳосига туғри пропорционал, яъни товарлар ва хизматлар баҳосининг ошиши муомалага кўп пул чиқаришни талаб қилади. Пул миқдорига таъсир қилувчи иккинчи омил - бу пулнинг айланиш тезлиги ҳисобланади. Бу омил пул миқдорига тесқари таъсир кўрсатади. Одатда пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам талаб қилинади ва аксинча.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини бошқаришда шу муҳим омилларга алоҳида эътибор берилиши зарур.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини камайтириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш муҳимдир. Булар: истеъмол кредитни ривожлантириш; кредитга қанчалик кўп товар сотилса, шунча кам миқдорда пул муомалада керак бўлади;

- нақд пулсиз ҳисоб - китобларнинг ривожланиши;
- пулларнинг муомала тезлигини оширишга эришиш ва бошқалар.

Хар бир жамият пул муомаласи қонуни талабларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши зарур. Чунки пул муомаласи қонунининг бузилиши пул барқарорлигига путур етказди. Бу ҳолда муомалага чиқарилган пул миқдори муомаладаги товарлар баҳосидан ошиб кетиши, яъни инфляция бўлишига, ёки пул очарчилигига (етишмовчилигига) олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, пул муомаласини ушлаб туриш шарт-шароитлари ва қонуниятлари икки омилнинг ўзаро таъсири билан, яъни:

хужаликнинг пулга бўлган эҳтиёжи ва амадда пулларнинг муомалага бориб тушиши билан белгиланади. Амалиётда кўпроқ учрайдиган ҳол бу оборотда хужаликка керак бўлганидан кўпроқ пулнинг бўлишидир. Бу албатта, пулнинг қадрсизланишига - пул бирилигининг харид қобилятининг тушушига олиб келади.

5.5. Пул агрегатлари

Пул агрегатлари пул массасини ўлчовчилардан (кўрсаткичларидан) иборат. Пул агрегатлари статистикада пуллар ҳаракатининг муайян санага бўлган ёки муайян вақт давридаги ўзгаришини таҳлил этиш учун қўлланилади.

Пул агрегатларини қуриш учун моддий неъматларнинг ликвидлилиги даражасига қараб уларнинг босқичма-босқич жойлаштирилиши асос қилиб олинган. Моддий неъматларнинг ликвидлилиги деганда ушбу неъматларнинг тез ва унчалик кўп зарарларсиз пулга айланиши қобилияти тушунилади. Моддий неъматларнинг ликвидлилиги вақт билан ўлчанади. Моддий неъматни пулга айлантириш учун қанчалик кам вақт талаб қилинса, унинг ликвидлилиги шунчалик юқори бўлади. Нақд пуллар мутлоқ ликвидлиikka эга, чунки уларни пулга айлантириш учун зарур бўладиган вақт нулга тенгдир.

Муомаладаги нақд пуллар M^0 агрегатини ташкил этади. Нақд пуллар банкноталар, ғазна патталари (билетлари) (агар мамлакатда иккита эмиссия маркази мавжуд бўлса) ва металл тангалардан иборат бўлади. Металл тангалар нақд пулларнинг жуда кам қисмини (ривожланган мамлакатларда 2%-3% ни) ташкил қилади. Уларни кейинчалик ёмбига айлантириб сотишга йўл қўймаслик учун одатда арзон металллардан зарб қилинади. Шунинг учун танганинг реал қиймати номинал қийматидан бирмунча пастроқ бўлади.

M^0 агрегатини пул базасидан фарқлаш зарур. Пул базаси таркибига тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари киради. M^0 агрегатининг таркибига тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари расман кирмайди.

M^0 агрегатига камроқ ликвидли маблағларни изчиллик билан қўша бориш билан M^1 , M^2 , M^3 ... M_N гача бўлган агрегатлар олинади.

Пул агрегатларининг сони ва таркиби мамлакат кредит тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва тузилишига ҳамда унинг молия бозорларининг ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Пул массаси алоҳида элементлардан иборат бўлиб, бундай элементлар пул массасининг ҳолатини баҳолаш жараёнида қўлланилади ва уни тартибга солиш услублари ва ҳажмларини бирмунча аниқроқ танлашга имкон беради.

Ушбу пул агрегатлари асосан тўловнинг турли шаклларда ифодаланган у ёки бошқа воситаларини ҳисобга олиш асосида ажратилади. Одатда, ҳар бир агрегат номинал рақамга эга бўлади. Рақамнинг ўсиб бориши билан ушбу агрегат ёрдамида ҳисобга олинadиган воситалар сони ҳам ошади. Шундай қилиб, катта сонли коэффициентли агрегат кичик индексли (рақамли) агрегатларда ҳисобга олинган барча пул маблағларини ўз ичига олади. Фақат муомалада бўлган нақд пул маблағларини ҳисобга оладиган M^0 пул агрегати ўз маъноси ва моҳиятига кўра биринчи бўлиб ҳисобланади.

M_1 – муомаладаги нақд пул маблағлари (яъни, M^0 агрегати), корхоналарнинг ҳисоб-китоб, жорий ва махсус ҳисобварақларидаги маблағлари, суғурта компаниялари маблағлари, аҳолининг тижорат банкларидаги «талаб қилиб олингунгача» ҳисобварақларидаги депозитлари.

$M_2 - M_1$ агрегати + аҳолининг банклардаги муддатли омонатлари.

$M_3 - M_2$ агрегати + давлат заёмларининг сертификатлари ва облигациялари.

$M_4 - M_3$ агрегати + хорижий валютадаги депозитлар.

Шуни ҳисобга олиш керакки, бундай агрегатларнинг белгиланиши турли мамлакатларда турлича амалга оширилади. Ушбу агрегатлар ўз ҳолича мамлакат тўлов обороти соҳасида юз берадиган жараёнлар, жамғармалар ҳажмлари, шунингдек, ушбу жамғармани амалга оширишда қўлланилган воситаларнинг сонли ифодаси воситалари ҳисобланади. Улар иқтисодиётнинг жорий ҳолатини белгилашга имкон беради ва кейинги вазиятни прогноз қилишда кўмаклашади.

Пул массаси агрегатлари, иқтисодиёт монетизацияси коэффициентини ҳисобга олиш ёрдамидаги ҳисоб-китоб энг намунали ҳисоб-китобдир. Монетизация коэффициенти иқтисодиётнинг пуллар билан таъминланиши даражаси ёки товар айланишининг тўлов воситалари билан таъминланиши

даражасини акс эттиради. Бундай коэффициент М2 пул агрегати суммаси ва ушбу иқтисодиётда мавжуд бўлган хорижий валютадаги депозитларнинг ЯМИ ҳажмига ўзаро нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади. Ушбу коэффициентни ҳисоб-китоб қилишда сурагга бирданига М2 агрегатини ва хорижий валютадаги депозитларни ўз ичига оладиган М4 пул агрегатини қўйиш қулайроқ бўлади. Ушбу коэффициент моҳияти идеалда бирга тенг бўлади. Шунга қарамадан, 0,7 ёки 0,8 даражасидаги натижалар йўл қўйилиши мумкин моҳиятлар деб ҳисобланади.

6-МАВЗУ. ПУЛ ТИЗИМИ: МАЗМУНИ, ТУРЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

6.1. “Пул тизими” тушунчасининг мазмуни. Пул тизимининг шакллари.

6.2. Пул тизимининг элементлари.

6.3. “Пул тизими” тушунчасининг мазмуни. Пул тизимини ташкил қилиш шарт-шароитлари. Пул тизимини ташкил қилиш принциплари.

6.4. Пул тизимининг шакллари: биметаллизм; монометаллизм; қоғоз ва кредит пуллари тизими.

6.1. “Пул тизими” тушунчасининг мазмуни. Пул тизимининг шакллари.

Пул тизими пул муомаласини ташкил этишнинг тарихий жиҳатдан қарор топган ва қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган шаклидир. Бошқача айтганда, бу пул муомаласининг аниқ бир мамлакатда муайян вақт ичида қўлланиладиган қоидалари ва нормалари мажмуидир.

Миллий валюта тизими пул тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Пул маблағлари иқтисодиётда амал қиладиган шаклга қараб пул маблағларининг икки тури: металл пуллар муомаласи тизими ва пул белгилари муомаласи тизими фарқланади.

Металл пуллар муомаласи тизимлари пуллик товар (олтин ва кумуш) бевосита муомалада бўлган шароитда амал қилган. Бунда мазкур металл пулларнинг барча функцияларини бажарган, мавжуд кредит пуллар эса металлга эркин алмаштирилган.

Металл пул белгиларининг муомаласи тизимида биметаллизм даври ва монометаллизм даври фарқланади. Бундай ҳолда биметаллизм иқтисодий жараёнларда иккита асл металлларнинг бир вақтда фойдаланиши билан тавсифланади, монометаллизм эса умумий эквивалент сифатида бир металлга ўтишни англатади. Бунда биметаллизм ҳолатида қуйидагича хиллар ажратиб кўрсатилади:

1) параллел валюта тизими – олтин билан кумуш ўртасидаги ўзаро нисбат бозорда стихияли равишда белгиланади;

2) қўшалок валюта тизими – икки металл ўртасидаги ўзаро нисбат давлат томонидан ушбу металлларга бўлган талабга, шунингдек, ушбу давлатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятга қараб белгиланади;

3) нуқсонли валюта тизими – металллар иқтисодий тизимда мавжуд бўладию, лекин тенг ҳуқуқларга эга бўлмайди. Одатда, давлат кумуш валютанинг зарб қилиниши ва фойдаланишига чеклашлар киритади.

Фақат бир металлнинг амал қилиши тизими сифатидаги монометаллизмда ҳам айрим ўзгаришлар юз берди:

1) олтин тангали стандарт – тўлақонли олтин валютанинг амал қилиши, унда товарларнинг қиймати ҳам ушбу валюта билан ҳисобланади;

2) олтин ёмбили стандарт – олтин муомалада булмайди, лекин унга катта миқдорлардаги (ёмби миқдорида) алмашилиш амалга оширилади;

3) олтин валютали (олтин девизли) стандарт – пулларнинг алмашилиши фақат олтин ёмбили стандартли мамлакатларнинг валюталарига амалга оширилади.

Валюта тизими - бу, мамлакатлар ўртасида валюта муносабатларини ташкил этиш шаклидир.

Валюта тизими - бу, хўжалик алоқаларини байналмилаллашуви асосида тарихан шаклланган, валюта амали билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

Валюта тизимининг моҳияти, ташкил этилиш шакллари ва роли жамиятнинг иқтисодий тизими билан белгиланади.

Валюта тизими давлат, резидент ва норезидент шахсларга ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун шароит яратиб беради. Субъектларнинг ушбу фаолияти амалга ошишида валюта қонунчилиги алоҳида аҳамият касб этади.

Махсус адабиётларда валюта тизимларининг 3 кўриниши фарқланади, яъни миллий, жаҳон ва ҳудудий валюта тизимлари.

6.2. Пул тизимининг элементлари.

Замонавий пул тизими қуйидаги элементларни уз ичига олади: пул бирлиги; валюта курсини ўрнатиш қоидалари, баҳолар масштаби; пул кўринишлари; эмиссия тизими; давлат ёки кредит аппарати.

Пул тизимининг таркибий қисми миллий валюта тизимидир.

Пул бирилиги - қонуний тарзда ўрнатилган пул белгиси булиб, барча товарлар баҳосини ўзаро солиштириш ва ифодалаш учун хизмат қилади. Купинча пул бирилиги майда булинувчи қисмларга ажралади. Купчилик мамлакатларда *унлик* булиниш тизими ўрнатилган. Масалан, 1:10:100 (АҚШ доллари 100 центга, 1 фунт стерлинг - 100 пенсга, 1 Индонезия рупияси - 100 сенга тенг ва х.к)

Расман баҳолар масштаби ўзининг иқтисодий маъносини давлат монополистик капитализми ривожланиши ва кредит пулларни олтинга алмашилиши тўхтатилгандан сўнг йўқотди. 1976-1978 йилда ўтказилган

Ямайка валюта ислохоти натижасида олтиннинг расмий нархи ва пул бирликларнинг олтин таркиби бекор қилинди.

Қонуний тўлов воситаси бўлган пул кўринишлари - булар асосан банк кредит билетлари, қоғоз пуллар (хазина билетлари) ва тангалардир. Масалан, АҚШ да муомалада куйидаги пуллар мавжуд: 100, 50, 20, 15, 5 ва 1 долларлар, банк билетлари. Хазина билетларидан ташкари кумуш-мис ва мис-никель тангалар (50, 20, 10, 5, 1 центли) чиқарилади Буюк Британияда муомалада 50, 20, 10, 5, 1 ф. ст. банкноталар: 1 ф. ст., 50, 10, 5, 2 пенни, 1 ва 1/2 пенни тангалар амал қилади. Яна эски 2 ва 1 шиллинг тагалари юритилади, улар янги

10 ва 5 пенсга тенг. Агар ривожланган мамлакатларда асосан банк билетлари чиқарилса, қатор ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ хазина билетлари чиқариш кенг тарқалган. Масалан, Индонезияда 50, 25, 10, 5, 1 сен қийматли, Хиндистонда - 1 рупия қийматли хазина билетлари чиқарилади.

Республика ҳукумати томонидан иқтисодий мустақилликка эришиш борасида қатъий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу, айниқса, иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартиришда, шу жумладан анъанавий секторларни замонавийлаштириш ва мамлакат ичида нисбатан юқори даражадаги қўшилган қиймат ҳосил қилишга қодир бўлган янги тармоқларни ташкил этишда яққол кўзга ташланди. Мазкур чора-тадбирлар охир-оқибатда миллий пул тизимини шакллантириш ва иқтисодиётда ислохотларнинг навбатдаги босқичини амалга оширишнинг пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Юзага келган вазият ва пул тизими ривожининг юқорида кўрсатилган вариантлари таҳлили асосида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўм-купонларни муомалага киритишни жорий қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб оралиқ валюта сифатида «сўм-купон» 1 сўм - 1 рубль нисбатда муомалага киритилди.

1994 йилда миллий валютанинг муомалага киритилиши банк тизими ривожланишининг биринчи босқичини яқунлади ва иккинчи босқичини бошлаб берди. Бу иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотларда сифат жиҳатидан янги босқич бошланганидан дарак берарди. Бу даврда Марказий банк асосий эътиборни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва шу асосда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий ўсиш учун қулай шароитлар яратишга қаратди.

Шу пайтдан бошлаб, Марказий банкнинг асосий куч ва воситалари мустақил пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, самарали тўлов тизимини йўлга қўйишга эришишга йўналтирилди.

Бу даврда пул тизимининг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, банк қонунчилиги такомиллаштирилди. 1995 йили «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва 1996 йили Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши замонавий пул тизимини ташкил этилишини, тижорат банкларини халқаро молия бозорларига чиқишини,

аҳоли, корхоналар ва хорижий сармоядорларнинг пул тизимига бўлган ишончини мустаҳкамланишини, барқарор иқтисодий ўсишни ҳамда халқ фаровонлигини оширилишини таъминлашга қаратилган истикболларни белгилаб берди.

6.3. “Пул тизими” тушунчасининг мазмуни. Пул тизимини ташкил қилиш шарт-шароитлари. Пул тизимини ташкил қилиш принциплари.

Тизим деганда ўзаро боғлиқ элементларнинг бирлиги тушунилади.

Пул тизими – бу бир бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракатланувчи ва пул тизимининг яхлитлигини таъминловчи элементларнинг йиғиндисидир.

Пул тизими – бу мамлакатда ёки алоҳида олинган иқтисодий ҳудудда пул муомаласини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шаклидир.

Пул тизимини обектив ва субектив асослари мавжуд. Пул тизимининг обектив асосларига товар пул муносабатларининг ривожланганлик даражаси киради. Пул тизимининг субектив асосларига тўлов ҳужжатларини ва воситаларини ҳамда улардан фойдаланиш тартибини қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилиши киради.

Пул тизимининг иккита жиҳати мавжуд:

1. Функционал жиҳат(аспект) – пул тизими функциянал жиҳатидан пул муомаласидан ташкил қилиш принциплари, шакллари ва усулларининг йиғиндисидир.

2. Институтционал жиҳат – институтсионал жиҳатдан пул тизими пул муомаласини ташкил қилувчи ва тартибга солувчи институтларнинг йиғиндисидир. Бундай институтларга Марказий банк, тижорат банклари, клиринг марказлари, ҳисоб уйлари каби муассасалар киради.

Пул тизимини ташкил қилиш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади

1. Пул тизимининг барқарорлиги ва эластиклиги принципи. Пул тизимининг барқарорлиги деганда пулнинг барча функцияларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш тушунилади. Пул тизимининг эластиклиги деганда пул тизимининг иқтисодиётнинг пул маблағларига бўлган талабини ўзгаришига ўз вақтида жавоб бера олишига айтилади.

2. Муомалага чиқарилган пулларнинг таъминланганлик принципи. XX асрнинг 70-йилларига қадар муомалага чиқарилган нақд пуллар олтин билан таъминланар эди. Муомаладаги ҳар бир АҚШ доллари 1\$=0.88 грамм соф олтин асосига эга эди. 1 унсия = 35\$ баҳода алмаштириб берди. 1 унсия = 31.1 грамм соф олтинга тенг. Миллий валютанинг олтин билан таъминланиши баҳо масштаби деб аталади. 1976-1978- йилларда бўлиб ўтган Ямайка жаҳон валюта тизимида олтинни демонитизатсия қилиш тугатилди. Бу олтиндан тўлов воситаси сифатида фойдаланишни таъқиқлаш. Натижада баҳо масштаби дунё мамлакатларида бекор бўлди, энг охириги давлат Шветсария баҳо масштабини 2011-йилда бекор қилди. Ҳозирги даврда

муомалга чиқарилаётган пуллар Марказий банкнинг активлари билан таъминланади.

3. Пул айланмасини режалаштириш ва прогност қилиш принципи.

4. Пул айланмасини назорат қилиш принципи

Пул тизимлари XVI-XVII асрларда ишлаб чиқариш капи-талистик усулининг юзага келиши ва қарор топиши муносабати билан шаклланган, бироқ шундай бўлса ҳам, унинг айрим элемент-лари бундан анча олдин пайдо бўлган. Товар-пул муносабатлари ва ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули ривожланиши билан пул тизимида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Пул тизими турлари пул қандай шаклда амал қилишига боғлиқ, яъни умумий эквивалент - товар сифатида ёки қиймат белгиси сифатида бўлишига қараб қуйидагича пул тизимлар мавжуд бўлган.

1. Металл пул муомаласи тизимлари. 2. Қоғоз ва кредит пуллар муомаласи тизимлари.

Биринчи тизимда металл пул бевосита муомалада бўлади ва пул-нинг барча функцияларини бажаради, кредит пуллар эса металлга алмашилиши мумкин;

Кредит ва қоғоз пуллар муомалага киритилиши билан қоғоз пуллар муомаласи тизими юзага келган.

Мамлакатда умумий эквивалент сифатида қабул қилинган ме-таллга ва пул муомаласи базасига қараб пул тизими биметализм ва монометализм пул тизимларига бўлинади.

6.4.Пул тизимининг шакллари: биметализм; монометализм; қоғоз ва кредит пуллари тизими.

Мамлакатда умумий эквивалент сифатида қабул қилинган металлга ва .т муомаласи базасига қараб пул тизими биметализм ва монометализм пул тизимларига бўлинади.

Биметализм - пул тизимида умумий эквивалент ролини металл (купинча ;тин ва кумуш) бажарган, бу тизимда иккала иккала металлдан ҳам шгаларнинг эркин муомалага чиқарилиши ва уларнинг чексиз алмашилишига мал қилинган.Параллел валюта тизимида икки металл қиймати стихияли, металлнинг юзор баҳосига муносиб тарзда белгиланган. Бу пул тизимида давлат металллар эрасидаги мутаносибликни урнатиб қуйган. Олтин ва кумуш тангаларнинг чиқарилиши ва уларнинг ахоли томонидан қабул қилиниши ана шу мутаносибликка мувофик амалга оширилган.

Биметализм XVI-XVII асрларда кенг тарқалган бўлиб Гарбий Европанинг катор мамлакатларига эса XIX асргача етиб келган. 1865 йили Франция, Бельгия, Швейцария ва Италия мамлакатлари биметализмни халқаро сулх - Лотин танга Иттифоки ёрдамида саклаб қолишга уринишган. Тузилган конвенцияда иккала металлдан ҳам 5 франк ва ундан юкори қийматли тангаларни чиқариш, олтин ва кумуш уртасида 1:15,5 қиймат мутаносиблигини урнатиш шартлари кузда тутилган.

Бироқ, биметаллик пул тизимининг кулланилиши ривожланган капиталистик хужалик эҳтиёжларига мос келмасди, чунки қиймат улчови сифатида бир вақтнинг узида икки металл - олтин ва кумушнинг қўлланилиши пулнинг ушбу функцияси табиатиға тўғри келмаган. Умумий қиймат улчови бўлиб факат биргина товар хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари икки металл орасидаги давлат томонидан ўрнатиладиган нисбат уларнинг бозор нархиға тўғри келмас эди. XIX аср охирида кумуш ишлаб чиқаришнинг арзонлашиши ва унинг қадрини йўқотиши натижасида олтин тангалар муомаладан хазинаға кета бошлади. Бунда Коперник-Грешемнинг қонуни юзаға чиққан, яъни ёмон пуллар муомаладан яхшиларини чиқариб ташлаган.

Капитализм тараққиёти мустаҳкам пул, ягона умумий эквивалент бўлишни талаб қилди, шунинг учун биметализм ўз ўрнини монометализмға бўшатиб берди.

Монометализм - бу пул тизимида ягона металл (олтин ёки кумуш умумий эквивалент ва пул муомаласининг асоси бўлиб хизмат қилади. Амал қилаётган танға ва бошқа қиймат белгилари қимматбаҳо металллар алмашиналиди.

Кумуш монометализми Россияда 1843-1852 йилларда, Голландияда 1847-1875 йй. да мавжуд бўлган.

Чор Россияда кумуш монометализми тизими 1839-1843 йилларда ўтказилган пул ислохати натижасида қабул қилинган. Пул бирлиги кумуш рубли бўлган. Кейинчалик муомалаға кредит билетлари ҳам чиқарилган, улар кумуш танға билан тенг муомалада қатнашган ва эркин тарзда металлға алмаштирилган. Лекин бу ислохот сунаётган крепостнойлик тизими давлат бюджети ва ташқи савдо баланси тақчилиги шароитида пул муомаласини узокроқ муддатға тартибға сола олмаган. 1853-1856 йиллардаги Крим уруши кўп миқдорда қўшимча кредит пуллар эмиссиясини талаб қилди ва натижада улар қоғоз пулға айланиб қолди.

Илк бор олтин монометализми (стандарт) пул тизими сифатида Буюк Британияда XVIII аср охирида қарор топган ва қонун билан 1816 йилда тасдиқланган. Кўпчилик бошқа давлатларда у XIX асрнинг охирларида жорий қилинган: германияда - 1871-1873 йилда, Швеция, Норвегия, Данияда - 1873 йилда, Францияда - 1876-1878 йилда, Австрияда - 1892 йилда, Россия за Японияда - 1897 йилда, АКШ да - 1900 йилда.

Олтин танға стандарти капитализмнинг эркин рақобатиға жуда мос келган, ишлаб чиқариш, кредит тизими, жаҳон савдо капитали келиб чиқишининг ривожланишиға ёрдам берган.

7-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПУЛ ТИЗИМИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси пул тизими элементлари

7.2. Ўзбекистон Республикаси пул тизимининг ривожланиши.

7.1. Ўзбекистон Республикаси пул тизими элементлари

Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимининг таркибий қисми бўлиб, валюта муносабатларининг йиғиндиси сифатида майдонга чиқмайди, балки ушбу муносабатларни фақат қонунчилик актлари билан ташкил этилиш тартибини белгилайди. Валюта муносабатларини ташкил этишнинг бундай тартиби биринчи навбатда валюта тизими элементларини белгилашни ўз ичига олади.

Миллий валюта тизимининг қонунчилик асосида белгиланадиган элементларига қуйидагилар киради:

Миллий валюта ва унинг номи;

Миллий валюта паритетини белгилаш;

Миллий валютанинг конвертация шартлари;

Миллий валюта курсининг режими;

Халқаро кредит муомала қуролларидан фойдаланишни тартибга солиш (регламентация);

Халқаро захира активлари таркибий қисмлари (компонентлари) ўртасидаги нисбатни аниқлаш;

Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китобларини тартибга солиш (регламентация);

Миллий валюта ва олтин бозорлари фаолиятининг режими;

Валюта чекланишларининг ўрнатилиш тартиби;

Валюта муносабатларига хизмат кўрсатувчи ва уларни мувофиқлаштирувчи миллий органлар мақоми.

Юқорида зикр этилган элементлар йиғиндиси халқаро валюта-кредит ва ҳисоб-китоб муносабатларини амалга ошириш учун давлат томонидан белгиланадиган валюта механизмидир.

Миллий валюта ва унинг номи миллий валюта тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади, у қонун асосида давлатнинг пул бирлиги сифатида белгиланади. Халқаро иқтисодий муносабатларда ишлатиладиган миллий пуллар валютага айланади. Халқаро ҳисоб-китобларда одатда хорижий валюта, яъни бошқа мамлакатларнинг эркин муомалада юрадиган валюта мақомига эга пул birlikлари ишлатилади. Ушбу пул birlikлари билан девиз тушунчаси боғлиқ.

7.2. Ўзбекистон Республикаси пул тизимининг ривожланиши.

Ўзбекистон Республикасининг замонавий пул тизими 1994-йил 1-июлда миллий валюта муомалага киритилгандан сўнг шаклланди. Чунки миллий валюта ҳар қандай мамлакат пул тизимининг асосий элементи ҳисобланади. Курс Республика валюта биржасида аниқланади. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш тўғрисида қонунига кўра сўмнинг курс режими эркин сузиш режимидир, яъни сўмнинг номинал алмашув курсини АҚШ долларига бўлган талаб ва таклифга қараб аниқланишини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 4-февралидаги 63-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул массасининг ўсишини назорат қилади. Бунда М2 пул агрегати назорат объекти сифатида олинган. Ўзбекистонда Марказий банк пул тизимини тартибга солувчи расмий орган ҳисобланади. Ўзбекистонда пул тизими тўғрисидаги махсус қонун 1993-йилда бекор қилинган, шу сабабли ҳозирги кунда пул тизимининг меъёрий ҳукуқий асослари бўлиб, қуйидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади.

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси
2. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонун
3. Ўзбекистон Республикасининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун

4. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонуни (1-март бу қонун 1993-йил 7-майда қабул қилинган, 2003-йил 11-декабрда эса Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун янги таҳрирда қабул қилинди)

Ўзбекистон республикаси пул тизимида нақд пул айланмасини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодчи олимларнинг нақд пул айланмасига бағишланган тадқиқотлари шуни кўрсатадики республика нақд пул айланмаси билан иқтисодий фаоллик ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд.

Нақд пулларга бўлган талабни қисқартириш мақсадида республикада пластис карточкалар муомаласини ривожлантиришга устувор йўналиш деб қаралмоқда. Муомаладаги миллий пул бирликларининг барчаси банкноталар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги пул эмиссияси соҳасида ҳеч қандай ваколатга эга эмас.

«Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллиги-нинг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир»¹

Ҳар бир жамиятда пулга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши иқтисодий ва ижтимоий ўсишни рағбатлантиради, пул қадрининг тушиши эса тартибсизликка, жамият ривожланишида бош-қа тўқинликлар бўлишига олиб келиши мумкин.

Пулнинг барқарорлиги деганда, пулнинг сотиб олиш қиймати-нинг ўзгармаслиги ва валюта доимийлиги тушунилади.

Пулнинг сотиб олиш қобилияти шу пул бирлигига тўғри келув-чи товар ва хизматлар миқдори билан ифодаланади. Бинобарин, пул-нинг сотиб олиш қобилиятини ифодаловчи «кўрсаткич» товарлар ва хизматлар баҳоси ҳисобланади. Агар товар ва хизматлар баҳоси бар-қарор бўлса, пулнинг сотиб олиш қобилияти ҳам барқарор бўлади. Агар пул ўзгармаган шароитда товарлар баҳоси ошадиган бўлса, бу ҳол пулнинг сотиб олиш қобилияти

¹И. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» Т.: «Ўзбекистон» 1995, 217 бет.

тушганини кўрсатади ва аксинча, товар ва хизматлар баҳосининг тушиши пулнинг сотиб олиш қобилиятини ошганлигидан далолат беради.

Демак, пулнинг қадри товарлар ва хизматлар баҳосига тескари пропорционал – нарх пасайса, пул қадри ошади ёки нарх ошса пулнинг қадри тушади.

Пул товар бўлганлиги учун ҳам унга талаб ва таклиф таъсир қилади. Пул таклифи муомалага чиқарилган турли шаклдаги пулларнинг йиғиндиси бўлиб, у талабдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Муомалага чиқарилган пул миқдори пулнинг айланиш тезлигига қараб ҳам ўзгариб туриши мумкин.

Пулга бўлган талаб мамлакат пул айланмаси асосида аниқланади. Пул талаби корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, аҳоли, давлат ташкилотлари олиб борадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз айланма учун зарур пул миқдори асосида аниқланади. Пулга бўлган эҳтиёж хўжалик субъектлари - ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида бўладиган пуллик жараёнларнинг кўламига ва тезлигига боғлиқ. Пулни кўллаш йўли билан бажариладиган жараёнларнинг кўлами қанча кенг бўлса, пулга бўладиган талаб шунча кўп бўлади. Агар пул билан боғлиқ оператсиялар тез бажарилса, пулга бўлган талаб шунча кам бўлади демак, муомалага кам пул чиқариш керак бўлади.

Пулга бўлган таклиф ва талабнинг тенглиги пул мувозанатини билдиради. Пулга бўлган таклиф, унга бўлган талабдан ошмаса пул барқарор деб хулоса қилиш мумкин, аксинча бўлса, пулнинг қадри тушиб кетади ва пулдан қочиш жараёни бошланади. Амалиётда пулни жамғаргандан кўра уни товарларга айлантириб қўйиш ёки бошқа бир қадрлироқ валютани жамғариш қулай бўлиб қолади.

Пулнинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан яна бири бюджет тақчиллигининг бўлмаслигидир. Давлат бюджети харажатларининг даромадларидан ошиб кетиши натижасида юзага келадиган бюджет тақчиллиги муомалага товарлар билан таъминланган пуллар чиқариш ҳисобидан қопланади. Бу тадбир муомалада таъминланган пулнинг кўпайишига, оқибатда пул қадрининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат пул тақчиллиги бўлмаслигига ёки унинг салмоғи сезиларсиз бўлишига эришиши керак.

Пулнинг барқарорлигини таъминлашнинг яна бир йўналиши бу олтин ва валюта захираларининг мавжудлиги ва уларнинг кўпайишидир. Олтин валюта захираларининг салмоғи қанча кўп бўлса, пул шунча барқарор бўлиши мумкин.

Миллий валютани мустаҳкамлашнинг яна бир шarti – инфляцияга қарши пухта ўйланган сиёсат юритишдир. Муомалага чиқарилган ҳар бир сўм муайян миқдордаги товар ва хизматлар билан таъминланган бўлиши зарур. Ички бозоримизни товарлар билан тўлдириш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг сифати ва турларини ошириш ҳам миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир давлат ўзининг пул тизимига эга бўлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиши унинг мустақил пул тизимига эга бўлишини тақозо қилди. Мустақил пул тизими жорий қилинишининг I босқичи

1993 йилдан бошлаб «сўм-купон»ларнинг муомалага чиқарилиши ҳисобланади. Ўзбекистон пул тизимини қуришнинг иккинчи босқичи – 1994 йил июлдан бошлаб миллий валюта–«сўм»нинг муомалага чиқарилиши бўлиб, у Ўзбекистон тарихида жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир давлатнинг пул тизими маълум элементлардан ташкил топади ва қонун асосида юқори давлат органлари орқали бошқариб борилади.

Ўзбекистон Республикаси пул тизими элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- пул бирлигининг номи;
- пул бирлигининг турлари - қоғоз ва металл пуллар;
- уларни муомалага чиқариш қоидалари;
- пул, кредит, валюта бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари;
- нақд пулсиз тўлов айланмаси ва кредит пуллар (чек, вексел) муомаласини олиб боришда давлат томонидан белгиланган шартлар;
- миллий валютани четга олиб чиқиш ва четдан олиб келиш қоидалари;
- халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари;
- миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш тартиби ва давлат томонидан ўрнатилган валюта курси.

Алоҳида олинган давлатнинг пул тизими ўз хусусиятларига эга бўлиб, унинг элементлари у ёки бу томонга ўзгариши мумкин.

Пул тизими ижтимоий ҳаётнинг кўзгуси ҳисобланади, десак хато бўлмаса керак. Шунинг учун ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни пул тизимини объектив талаблар, яъни пул тизимининг ягона бўлиши, пул бирлиги қийматининг доимийлиги ва пул муомаласининг талабга қараб ўзгариб туриши кераклигини қўяди.

Собиқ СССРнинг давлат сифатида тарқалиб кетиши марказлашган пул тизимининг ҳам тугашига олиб келади. Натижада баъзи республикалар рублни миллий валютаси сифатида ишлатиб тургани ҳолда, ўз пул сиёсатини олиб борди. Эстония, Латвия, Литва, Украина биринчи бўлиб рубл зонасидан чиқиб ўз миллий валютасини қабул қилишди. Кейинчалик, Озарбайжон, Қирғизистон ва Молдавия республикалари бу йўналишни давом эттирдилар. Рубл тизимида вужудга келган тартибсизликлар, миллий валюталар ва купонларнинг муомалага чиқарилиши, ягона пул–рубл зонасининг тугашига, унинг ҳар хил курсга эга бўлишига олиб келади.

1992 йил охирига келиб Россияда товарлар баҳосининг ойлик ўсиши 25-30 фоизгача кўтарилди. Москва валюта биржасида рубл-нинг номинал қиймати бир долларга 125 рублдан, 1992 йил декабрда 485 рублгача, 1993 йил мартда 1 доллар 660 рублгача тенглашди. Пул қадрининг тушиши, нақд пул етишмовчилигига, охири эса иш хақи, нафақаларни тўлашда қийинчиликлар бўлишига олиб келди. Мустақил давлатларда Марказий (ёки миллий) банклар ташкил қилинди.

Россия Марказий банки пул эмиссияси билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш ҳуқуқини ўз қўлига олди. Бундан ташқари, давлат пул белгиларини босиб чиқарувчи муассаса Россияда жойлашган эди. Мустақил давлатлар Марказий банкларининг пул муомаласини олиб бориш

бўйича ҳаракатлари чеклаган эди. Натижада пул тақчиллиги юзага келди ва у алоҳида олинган республикаларда ҳар хил даражада намоён бўлди. Масалан, Россия Марказий банки муомалага чиқарган пулларда Россиянинг салмоғи 1991 йил декабрда 64 фоизни ташкил қилган бўлса, 1992 йил июнга келиб эмиссиянинг 77 фоизи Россияни нақд пул билан таъминлашга йўналтирилган. Қолган барча Республикаларни нақд пул билан таъминлаш учун муомалага чиқарилган пулларнинг фақат 23 фоизигача сарфланган, яъни бошқа республикалар эҳтиёжини пул билан таъминлаш салмоғи тушиб кетган. Масалан, Белоруссия, Грузиянинг салмоғи 3 фоиздан 1,5 фоизгача, Украина ва Болтиқбўйи республикаларининг салмоғи янада кўпроқ қисқарган. Ўзбекистонда ҳам пул ресурслари тақчиллиги нақд пулга бўлган талабнинг қондирилмаганлигида намоён бўлган. Шу иқтисодий танглик шароитида пул тизимини шакллантириш бўйича мустақил давлатлар олдида икки мунобаҳа йўли турарди.

– Ягона пул тизими зонаси – рубл зонасида қолиш ва ягона пул сиёсатини олиб бориш;

– Ўз миллий валютасини муомалага чиқариб, ўз пул тизимига эга бўлиш ва кўшни мамлакатлар инфляциясидан ўзини ҳимоя қилиш.

Пул тақчиллиги давом қилаётган ва Россия рубллари барқарор бўлмаган шароитда пул тақчиллигини йўқотиш мақсадида кўпгина республикалар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг биринчи йилларида пул тизимини шакллантириш лойиҳаси тузилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, муомалага купон талонлар чиқарилди ва кейинчалик Ўзбекистон ўзининг миллий валютасини муомалага чиқарди.

Ўзбекистон миллий пул тизимининг асосий элементи бўлмиш сўм жамият манфаатларига хизмат қилади. Шунинг учун пул тизимининг асосий вазифаси миллий пулимизнинг кадрини мустаҳкамлашдан иборат. Бу жуда масъулиятли ва осон бўлмаган вазифа. Ўзбекистоннинг ўз иқтисодиётини бозор талабларига мос равишда ривожлантиришга қаратиши, бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги миллий валютанинг барқарор бўлишини тақозо қилади.

Ҳозирги кунимиз, иқтисодиётимизнинг ривожланишида амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар, катта қурилишлар ва молиялаштиришлар Ўзбекистон иқтисодий мустақилликка эришиш учун тўғри йўл танлаганини кўрсатиб турибди. Зеро, мустақил пул тизимига эга бўлмасдан иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат барпо этиш мумкин эмас.

8-МАВЗУ. ИНФЛЯЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ЙУЛЛАРИ.

8.1. “Инфляция” тушунчасининг мазмуни ва инфляциянинг турлари. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

8.2. Инфляцияга қарши кураш ва пулнинг барқарорлигини таъминлаш йўллари. “Инфляция” тушунчасининг мазмуни.

8.3. Инфляцияни юзага келтирувчи сабаблар.

8.4. Инфляциянинг макроиқтисодий ўсиш суръатларига таъсири. Инфляциянинг инвестицион жараёнларга таъсири.

8.5. Пул массасининг ўсишини жловлашга қаратилган монетар сиёсатни амалга ошириш

8.6. Пуллар таклифини тартибга солиш

Таянч иборалар: пулни харид қуввати, баҳоларни ўсиши, пул миқдорини ўсиши, талаб, таклиф, сокин, иқтисодий оқибатлар.

8.1. “Инфляция” тушунчасининг мазмуни ва инфляциянинг турлари. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

Инфляция XVIII асрнинг ўрталирида муомалага таъминланмаган жуда кўп миқдорда пул чиқариши натижасида пул тизимидаги инқироз ҳолат асосида юзага чиққан. Инфляция (лотинча «inflation» сўзидан олинган ва шишиш, кўпчиш, кўтарилиш маъносини англатади) ўз моҳиятига асосан пулнинг қадрсизланиши, товар ва хизматларга бўлган баҳоларнинг мунтазам равишда ошиб бориши жараёнини англатади. Шунини таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар тажрибаси инфляция нисбатан меъёр даражасидаги пул массаси ҳолатида ҳам юзага чиқиши мумкин.

Ҳозирги замон инфляцияси нафақат товарлар ва хизматларга бўлган баҳоларни мунтазам ўсиши натижасида пулнинг сотиб олиш қобилиятини пасайиши билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнидаги номутаносиблик, пул муомаласи, молия ҳамда кредит соҳасидаги салбий омиллар билан таснифланади. Инфляциянинг юзага чиқишининг асосий сабаблари бўлиб иқтисодиёт тармоқлари, жамғарма ва истеъмол, талаб ва таклиф, давлат даромадлари ва харажатлари, хўжаликларнинг пул массаси ва унга бўлган талаби ўртасидаги мутаносиблик ҳамда марказий банкнинг кредит экспансияси ҳисобланади. Ушбу таъкидлаб ўтган омиллар ўз моҳиятига асосан инфляцияга, унинг даражасига турлича таъсир этиши мумкин.

Халқаро амалиётда инфляциянинг нархларини ўсиши, яъни пулларнинг миқдори ўсиши жиҳатидан асосан уч шаклини ажратилади:

1. Сокин (ползучая, умеренная) инфляция. Ушбу инфляция иқтисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига ўртача 3% дан 10% гача ошиши мумкин. Бу мамлакатларда муомаладаги пул массаси сақланиб туради ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти сақланиб туради.

2. Шиддатли (галопирующая) инфляция. Ушбу инфляция иқтисодий ривожланаётган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар,

бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига ўртача 10% дан 100% гача баъзи ҳолатларда 200% гача ошиши мумкин. Бунинг натижасида муомаладаги пул массаси кўпаяди ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти тушади. Мамлакат аҳолиси ўртасида пулнинг моддийлаштириш, яъни миллий пул бирлигини жамғариши эмас, балки олтин, кўчмас мулк ҳолатида жамғариши жараёни кучаяди.

3. Жиловланмаган (гиперинфляция) инфляция. Ушбу инфляция ҳолатида маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига 1000% дан ортиқ ёки ойига 100% дан ортиқ даражада ошади. Ушбу ҳолатда миллий иқтисодиётда инкироз юзага чиқади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва бозор бошқарувсиз фаолият кўрсатадиган, нарх-наво ва иш ҳақи ўртасидаги фарқ ортади. Мамлакат аҳолиси қўлидаги қоғоз пулларга товарлар сотиб олади. Бу ҳолат эса муомалада товар массаси билан товар ва хизматлар билан таъминланмаган ортиқча қоғоз пулларни тўлиб-тошишига олиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инфляциянинг асосий сабаби одатда бир эмас, балки бир нечта бўлиб ўзаро маҳкам боғланган бўлади ва нарх-навонинг кўтарилиб бориши билангина намоён бўлиб қолмайди, балки нарх-навони бошқарилишига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу жихатдан қуйидаги инфляция шакллари ажратилади:

1. Ошкора инфляция. Талаб томонига қараган макроиқтисодий тенгсизлик доимий равишда нарх-навонинг кўтарилиб бориши билан ифодаланадиган бўлса, бундай инфляция ошкора инфляция деб аталади. Ошкора инфляция бозор механизмини бузмайди: нарх-наво баъзи бозорларда кўтарилиши билан бир вақтда бошқа бозорларда пасайиб бориши мумкин. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, бозор механизмлари ўз таъсирини давом эттириб, миллий иқтисодиётга баҳолар тўғрисидаги маълумотларни ошкора етказиб туради, инвестицияларни илгари суриб, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан таклифни рағбатлантириб боради.

2. Яширин инфляция. Инфляциянинг ушбу тури шундай кўринишда бўладики, бундай ҳолатда баъзи бир истеъмол маҳсулотларига нарх-наво маъмурий тарзда давлат томонидан ўрнатилади ва тартибга солиб турилади. Бундан асосий мақсад, давлат томонидан баъзи маҳсулотларга нарх-навони «ижтимоий паст» даражада белгилайди. Яширин инфляция шароитида нарх-навонинг кескин ўсиши кузатилмаслиги мумкин. Лекин миллий пул бирлигининг қадрсизланиши, маҳсулотлар аҳоли пул маблағларига керакли маҳсулотларни харид қилиб бўлмаслиги ҳолатлари пайдо бўлади.

Иқтисодиётда яширин инфляция юзага чиққанда маҳсулотларнинг нарх-навоси ҳамда аҳолини даромадларини ўсиши вақтинча тўхтатилади. Яширин инфляцияни вужудга келишини асосий сабабларидан бири бу нархлар устидан маъмурий назорат ўрнатишдир. Бунинг натижасида бозор механизми деформацияланади. Унинг қайси даражада ва ўзгарганлиги даражаси ва давомийлиги давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатга ҳамда тартибга солиш шаклига бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу инфляциянинг

салбий томони шундан иборатки, инфляция даврида ишсизлик даражаси ошади, чунки ишлаб чиқариш ривожланмайди.

Ҳар бир мамлакатда инфляция мавжудлиги ундаги иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига сабаб бўлади. Ушбу салбий ҳолатлар қуйидаги йўналишларда юзага чиқади:

1) Ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради, чунки нарх-наволарнинг доимий тарзда тебраниб туриши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бўлган истиқболларга ишончни йўқотишга олиб келади;

2) Ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал савдо ва воситачилик операцияларига оқиб ўтиши кузатилади. Чунки савдо ва воситачилик соҳаларида капитал айланиши тез амалга ошади ва катта фойда келтиради. Инфляция юқори бўлган даврда аҳоли ўртасида пулдан қочиш ҳолати кузатилади, яъни кишилар қўлларидаги пуллардан имконият даражасида тезроқ сарфлашга ҳаракат қиладилар. Улар пулларга турли товарлар сотиб оладилар. Бунинг натижасида савдо ва воситачилик дўконида товарлар тез сотилади;

3) Нарх-навоининг кескин ва нотекис ўзгариши натижасида чайқовчилик кенгаяди. Инфляция натижасида товар танқислиги (дефицит) юзага чиқади. Ушбу тақчиллик нарх-навоининг кескин кўтарилишига олиб келади;

4) Давлат молия ресурслари кадрсизланади. Давлат бюджети даромадлари бюджет харажатлари амалга оширилгунча қадар даврда кадрсизланади. Бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш қийинлашади ва бунинг натижасида бюджет тақчиллиги (дефицити) юзага чиқади;

5) Мамлакатда кредит операциялари чекланади. Чунки инфляция даражаси туфайли юридик ва жисмоний шахсларга тижорат банкларида бериладиган кредитларнинг фоиз даражасининг юқори даражада ўрнатилади. Ушбу салбий ҳолат ишончни пасайтиради.

Инфляциянинг энг асосий ижтимоий оқибати бўлиб даромадлар ва бойликларни қайта тақсимланиши амалга ошириш ҳисобланади. Ушбу қайта тақсимланиши қуйидаги омиллар натижасида амалга ошади:

- мамлакат аҳолисининг даромадлари индексация қилинмаслиги;
- тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар баҳолар индексларининг ўзгаришини ҳисобга олинмаган ҳолда берилишлиги.

Инфляция шарт-шароитларида мамлакатда ички маҳсулот ва миллий даромад қуйидаги йўналишларда қайта тақсимланади:

1) Миллий иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш соҳалари ва мамлаат ҳудудлари ўртасида нарх-навоининг нотекис ўсиши натижасид;

2) Мамлакат аҳолиси ва давлат ўртасида. Бунда давлат томонидан муомаладаги ортиқча пул массасидан қўшимча даромад сифатида фойдаланади. Халқаро амалиётда бу инфляцион солиқ деб номланади;

3) Мамлакат аҳолисининг синфлари ва турли тоифалари ўртасида.

Маҳсулотлар ва хизматларга бўлган нарх-навоининг нотекис ўсиб кетиши натижасида аҳоли ўртасида ижтимоий тоифаларга бўлинишини (бойлар,

камбағаллар, қашшоқлар), мулкӣ ҳолатидаги фарқни чуқурлашувига, жамғармалар ва жорий истеъмолнинг кескин ўзгариши юзага чиқади. Инфляциянинг ижтимоӣ салбий таъсири энг аввало қатъий белгиланган даромадлари олувчи шахслар ҳисобланган – нафақахўрлар, ногиронлар, кўп фарзандли оилалар ва давлат хизматчилари (ўқитувчилар, врачлар, боғча ходимлари ва бошқалар) учун жуда оғир кечади;

4) Дебиторлар ва кредиторлар ўртасида. Ушбу ҳолатда олинган қарзларни пул қадрсизланиши натижасида дебиторлар даромад олади ва бунинг акси, кредиторлар қўшимча зарар кўради.

8.2.Инфляцияга қарши кураш ва пулнинг барқарорлигини таъминлаш йўллари. “Инфляция” тушунчасининг мазмуни.

Жаҳоннинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида инфляцияга қарши кураш олиб боришда жуда катта назарий ва амалий тажриба тўпланган. Инфляцияни бутунлай йўқотиш имконияти йўқ. Чунки уни юзага чиқишига сабаб бўлган омилларни (ички ва ташқи, пуллик ва пулсиз) тўлиқ йўқотиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳозирги даврда энг асосий мақсад инфляциянинг бутунлай йўқотиш эмас, балки уни бошқарувчан қилиш ва унинг салбий иқтисодий – ижтимоӣ оқибатларини заифлаштириш ҳисобланади.

Дунёнинг турли мамлакатларида ҳукумат томонидан мавжуд иқтисодий-ижтимоӣ шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда инфляцияга қарши турли антиинфляцион сиёсатни ишлаб чиқарадилар ва уни амалга оширадилар. Давлат томонидан антиинфляцион сиёсатни олиб боришда турли чора-тадбирлар ҳисобланган бюджет, ижтимоӣ, солиқ, баҳо, кредит-молия, саноат-инвестиция, ташқи иқтисодий ва эмиссияни амалга оширадилар.

Бюджет сиёсати – бу давлатнинг асосий иқтисодий сиёсати ҳисобланади ва унинг асосий мақсади мамлакатнинг аниқ белгиланган муддат мобайнида ижтимоӣ-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари белгиланади ва амалга оширилади. Бюджет сиёсати ёрдамида солиқлар ва йиғимлар асосида йиғилган давлат молия ресурсларини умуммиллий вазифаларини бажариш учун қайта тақсимланиши амалга оширилади. Бюджет сиёсатининг асосий таркибий қисми бўлиб ижтимоӣ сиёсат ҳисобланади. Чунки мамлакатдаги ижтимоӣ тадбирларни молиялаштириш асосан давлат бюджети томонидан амалга оширилади.

Солиқ сиёсати – бу давлатнинг иқтисодий, ижтимоӣ ва сиёсий вазифаларини бажариши учун зарур молия маблағларини йиғиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолисидан солиқлар, тўловлар ҳамда мажбурий ажратмаларни белгилаш, уларни ундириш юзасидан қонун асосида белгиланган тизимдир.

Баҳо сиёсати – бу маҳсулотлар, хизматлар ва тўловга қобилиятли талаб ўртасидаги мутаносибликга эришиш ҳамда уни тартибга солиб туриш билан боғлиқ сиёсатдир.

Кредит-молия сиёсати – бу Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий заҳиралар меъёри ва очик бозордаги операциялар орқали мамлакат банк-кредит тизимини бошқариш ҳамда тартибга солиб туришдан иборат.

Саноат-инвестиция сиёсати – бу ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини таъминловчи мамлакат саноат-технологик қудратини ривожлантиришга қаратилган сиёсатдан иборат.

Ташқи иқтисодий фаолият сиёсати – бу давлат томонидан хорижий мамлакатлар бўлиб ташқи иқтисодий фаолиятни бож-тариф дастаклари ёрдамида тартибга солиб туришдан иборатдир.

Эмиссия сиёсати – бу Марказий банк томонидан миллий иқтисодиётнинг ҳолатига асосан муомалага қоғоз пул чиқариш, уларнинг айланишини тартибга солиш ва муомаладаги ортиқча пулларни айланмадан чиқариб туришдан иборат сиёсатдир.

Дунёнинг ҳар бир мамлакатидан ҳукумат томонидан антиинфляцион сиёсати мавжуд инфляцияни тартибга солишга ҳамда уни ўсиш суръатларини пасайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундай сиёсатни олиб боришда асосан икки шакллардан фойдаланилади:

- 1) Пул ислоҳотларини амалга ошириш;
- 2) Инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туриш;

Пул ислоҳотлари – бу мамлакатдаги пул муомаласини тартибга солиш ва кучайтириш мақсадида давлат томонидан мавжуд пул тизимини тўлиқ ёки қисман ўзгартиришларини амалга оширишдир. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланган ҳолати, пулларнинг таъминланганлиги даражасига асосан пул ислоҳотларининг ревальвация, девальвация ва деноминация усулларида фойдаланилади. Иқтисодиёти ривожланган давлатлардан Германия Федератив Республикаси, Исроил ва бошқаларда ревальвация усулидан фойдаланилди. Ревальвация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигини хорижий валютага нисбатан курсини кўтариб қўйишдан иборат. Пул ислоҳотининг иккинчи усули бўлиб девальвация ҳисобланади. Девальвация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигини хорижий валютага нисбатан тушириб қўйишдан иборат. Девальвация усулидан асосан иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда кенг фойдаланилади. Пул ислоҳотининг учинчи усули бўлиб деноминация ҳисобланади. Деноминация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигидаги ортиқча нолларни олиб ташлаб муомалага янги пулларни чиқаришдан иборат. Деноминация усулида Россия (3 дона нолни олиб ташлади) ва Турция (лирадан 6 дона нолни олиб ташлади) ҳукуматлари фойдаланишди.

Инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туриш ўз моҳиятига асосан мамлакатда маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволарни ўсиб боришини чеклаш ва пул тизимини барқарорлаштириш масадида давлат томонидан аниқ чора-

тадбирларни амалга оширишдан иборат. Ушбу чора-тадбирлар икки йўналишда олиб борилади:

1) Деинфляцион сиёсат. Ушбу сиёсат мамлакатда пулга бўлган талабни пул-кредит ва молия механизмлари ёрдамида тартибга солиб турилади. Деинфляцион сиёсат давлат харажатларини қисқартриш, кредитлар учун фоиз ставкаларини ошириш, солиқ юкини кучайтириш (солиқлар сони ва уларни фоиз ставкаларини кўтариш) ва пул массасини чеклашни ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш лозимки, деинфляцион сиёсат мамлакатдаги иқтисодий ўсишни секинлашувига сабаб бўлади;

2) Даромадлар сиёсати. Ушбу сиёсат олиб боришда давлат томонидан маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишларга бўлган нарх-наво ва иш ҳақи устидан бирданига назорат этилади ҳамда уларни ўсишини маълум чегараси ўрнатилади ёки бутунлай «музлатиб» қўйилади. Даромадлар сиёсати ўз моҳиятига кўра қатъий сиёсат ҳисобланади ва у аҳоли ўртасида норозиликни келиб чиқариши мумкин. Лекин инфляция билан курашишда айрим мамлакатларда даромадлар сиёсатидан фойдаланилади.

3) Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишида юзага келувчи диспропорциялар сабабли товарлар ва хизматлар баҳосининг умумий ёки тухтовсиз ўсиши ва натижада пул муомаласи қонуниқинг бузилиши оқибатда пул бирилигининг қадрсизланишига инфляция деб айтилади.

8.3. Инфляцияни юзага келтирувчи сабаблар.

Ҳозирги замон инфляцияси нафақат товарлар ва хизматларга бўлган баҳоларни мунтазам ўсиши натижасида пулнинг сотиб олиш қобилиятини пасайиши билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнидаги номутаносиблик, пул муомаласи, молия ҳамда кредит соҳасидаги салбий омиллар билан таснифланади. Инфляциянинг юзага чиқишининг асосий сабаблари бўлиб иқтисодий тармоқлари, жамғарма ва истеъмол, талаб ва таклиф, давлат даромадлари ва харажатлари, хўжаликларнинг пул массаси ва унга бўлган талаби ўртасидаги мутаносиблик ҳамда марказий банкнинг кредит экспансияси ҳисобланади. Ушбу таъкидлаб ўтган омиллар ўз моҳиятига асосан инфляцияга, унинг даражасига турлича таъсир этиши мумкин.

Халқаро амалиётда иқтисодчи олимлар инфляциянинг юзага чиқадиган омиллар асосан икки гуруҳга: ички ва ташқи омилларга ажратадилар. Биз ушбу омилларнинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

1. Ички омилларни моҳиятига асосан пуллик (монетар) ва пулсиз омилларга ажратиш мумкин. Пуллик омилларга давлат молиясининг инқирози, бюджетнинг тақчиллигини мавжудлиги, давлат қарздорлигини ортиши, пул эмиссияси, кредит дастакларининг айлланишини кўпайиши, пул айланмасининг тезлиги ва бошқалар қиради. Пулсиз омилларга миллий иқтисодий тармоқлари ўртасидаги номутаносиблик, тармоқлар иқтисодий ривожланишдаги бир маромсиз даража, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида монополиянинг (олигополия) мавжудлиги, нарх

шакллантиришдаги давлат монополияси, марказий банкнинг кредит экспансия ва бошқа омилларни киритиш мумкин;

2. Ташқи омиллар ўз моҳиятига асосан бирон аниқ давлат ривожланишига таъсир этадиган дунёда амалга ошаётган жараёнларни акс этади. Ушбу омилларга дунё мамлакатларда юзага чиқадиган соҳа инқирозлари ҳисобланадиган хом-ашё, энергетика, нефть, валюта инқирозларни киритиш мумкин. Ушбу омиллардан ташқарии бирон-бир давлатнинг бошқа давлатларга нисбатан олиб борадиган давлат миқёсидаги валюта сиёсатини, яширин ҳолатда валюта, олтинни экспортини амалга оширилишини ҳам киритиш мумкин.

8.4. Инфляциянинг макроиктисодий ўсиш суръатларига таъсири. Инфляциянинг инвестицион жараёнларга таъсири.

Инфляция асосан уч йўналишда юзага чиқади. Биринчи йўналишда маҳсулотлар, ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нархларни асоссиз равишда ўсиб кетиши туфайли пул қадрсизлана бошлайди. Бунинг натижасида миллий валютанинг харид қилиш қобилияти тушиб кетади. Иккинчи йўналишда, хорижий валюталарга нисбатан миллий валютанинг курси пасайиб кетади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолиси эркин муомаладаги хорижий валюталари (АҚШ доллари, евро, швейцария франки ва бошқаларни) жамғара бошлайди. Учинчи йўналишда олтинга бўлган миллий пул бирлигида ифодаланган нарх кўтарилиб кетади. Бунинг натижасида мамлакат аҳолиси ўртасида олтиннинг тўпланиб қолиши, яъни тезаврация амалга ошади.

1 чизма. **Инфляциянинг юзага чиқиш шакллари.**



бирлигининг
харид қилиш
қобилиятини
пасайиши

субъектларида
хорижий
валютанинг
жамғарилиши

олтиннинг
тўпланиши
(тезаврация)

2015 йилда Марказий банк томонидан қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги ҳамда Ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инфляцияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва унинг белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишига эришилди.

2015 йил якуни бўйича истеъмол баҳолари индекси асосида ҳисобланган инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил этди ва 2014 йилга (6,1 фоиз) нисбатан 0,5 фоиз бандга пасайди.

Хусусан, 2015 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари 1,3 фоизга ошиб, инфляция даражасига таъсири 0,6 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 8,8 фоизга ошиб, инфляция даражасига таъсири 2,9 фоизни ташкил этди.

2015 йилда кўрсатилган хизматлар нархлари 10,7 фоизга ошди ва инфляция даражасига таъсири 2,1 фоизни ташкил қилди.

Инфляция даражаси, пул массасининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, қайта молиялаш ставкаси 2015 йилнинг 1 январидан йиллик 10 фоиздан 9 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмаган ҳолда сақлаб турилди.

Умуман олганда, пул-кредит соҳасида амалга оширилган ушбу тадбирлар пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан паст бўлишини таъминлаш ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини берди.

Ўз навбатида, депозитлар ва банклараро пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайиши тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайишига хизмат қилди. Хусусан, 2015 йилда тижорат банкларининг кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йиллик ҳисобда 10,5 фоиздан 9,5 фоизгача пасайди.

2015 йилда иқтисодиёт реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳажми 2014 йилдагига нисбатан 27,7 фоизга ошиб, уларнинг тижорат банклари жами кредит портфелидаги салмоғи 79,8 фоизни ташкил этди.

Банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб бормоқда. Банклар томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари

ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2015 йилда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 10,2 трлн. сўм ёки 2014 йилдагига нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

8.5. Пул массасининг ўсишини жиловлашга қаратилган монетар сиёсатни амалга ошириш

Ҳозирги вақтда инфляция табиатини ўрганишда иқтисодчи олимлар унинг монетар сабабларини, яъни товар масасига нисбатан пул массасининг ҳажмини ўзгаришини асоси қилиб кўрсатадилар. Инфляция билан олиб бориладиган фаолиятда унинг даражасини ўлаш учун дастак лозим бўлади. Ушбу дастак бўлиб баҳолар индекси ҳисобланади. Баҳолар индекси жорий умумий истеъмол нархларининг базис давридан нархларга нисбатан ўсиши (пасайиши) билан аниқланади. Ушбу индексни аниқлашда мамлакат фуқороларининг истеъмол саватига киритилган маҳсулотлар в хизматларнинг чакана нархларидан фойдаланадилар. Ушбу формула қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ИПЦ} = \frac{\text{ПК}_\text{т}}{\text{ПК}_\text{б}} \times 100 \%$$

Бу ерда: ИПЦ – истеъмол нархларининг индекси;

ПК_т - истеъмол саватининг жорий нархи;

ПК_б - истеъмол саватининг базис нархи.

Инфляция даражасининг ўсишини бир баҳосини ўсиши билан аниқлаш мумкин. Масалан 1 литр бензиннинг базис давридаги нархи 500 сўм бўлган ва унинг жорий даврдаги нархи 585 сўмга тенг. Демак, биз кузатган давр ичида 1 литр бензиннинг нархи 117 % га ортган.

Шунингдек, мамлакатимизда 2015 йилда банк тизими соф ташқи активлари кўпайиши ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидликнинг инфляцион босимга таъсири олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан ўтказиб борилган стерилизация операцияларининг ўртача ойлик ҳажми 2014 йилга нисбатан 1,1 мартага ошди

Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланишда асосий эътибор банк тизимида ортиқча ликвидликни шакллантирувчи ва инфляцион босимнинг ошишига олиб келиши мумкин бўлган омилларга қаратилди.

2015 йилда банк тизими соф ташқи активлари кўпайиши ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидликнинг инфляцион босимга таъсири олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан ўтказиб борилган стерилизация операцияларининг ўртача ойлик ҳажми 2014 йилга нисбатан 1,1 мартага ошди,

2015 йилда мажбурий резерв талаблари инструментида тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифни тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилди.

Бунда мажбурий резерв меъёрлари инфляция ва пул массасининг 2015 йилга белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун – 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан ушлаб турилди.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқариш ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилди.

Инфляция даражаси, пул массасининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, қайта молиялаш ставкаси 2015 йилнинг 1 январидан йиллик 10 фоиздан 9 фоизга туширилди ва 2016 йил давомида ўзгартирилмаган ҳолда сақлаб турилибди.

Умуман олганда, пул-кредит соҳасида амалга оширилган ушбу тадбирлар пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан паст бўлишини таъминлаш ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини берди.

8.6. Пуллар таклифни тартибга солиш

Инфляциянинг келиб чиқиш сабабларига кўра унинг икки тоифасини кўрсатиш мумкин: талаб инфляцияси ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ инфляция (таклиф инфляцияси).

Талаб инфляцияси. Инфляциянинг бу анъанавий тури талаб ошиб кетганда юзага келади. Ишлаб чиқариш соҳаси аҳолининг талабини тўла қондира олмайди, таклифга нисбатан талаб ошиб кетади. Натижада товарлар баҳоси ўсади. Кам миқдордаги товарларга кўп пул массаси тўғри келади.

Талаб инфляциянинг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) ҳарбий харажатларнинг ўсиши ва иқтисодиётнинг милитарлашуви.

Ҳарбий техника сотиб олиш ва бошқа ҳарбий харажатларни қоплаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар муомала учун керагидан ортиқча пул чиқаришнинг омили ҳисобланади;

б) давлат қарзларининг ўсиши ва бюджет тақчиллигининг мавжудлиги.

Бюджет тақчиллиги, одатда, заёмлар чиқариш ёки банкноталарни эмиссия қилиш йўли билан қопланади. Бу, ўз навбатида, қўшимча муомала воситалари бўлишига, қўшимча талаб юзага келишига олиб келади. Ўзбекистонда бюджет тақчиллиги юқоридагидан ташқари, 1996 йилдан бошлаб давлат қисқа муддатли мажбуриятларини (ДҚМО) сотиш орқали ҳам қопланмоқда;

в) халқ хўжалигига ортиқча кредитлар бериш натижасида муомалада кредит билан боғлиқ муомала воситалари юзага келади. Булар товар ва хизматларга бўлган талабни оширади.

г) чет эл валютасининг мамлакатга кириб келиши ва унинг миллий валютага алмашинуви натижасида, муомалада пул массаси ортиб боради, миллий пулга нисбатан чет эл валютасининг қадри ошади;

д) халқ хўжалигининг этакчи тармоқларини керагидан ортиқча инвестициялаш ҳам айланмага қўшимча пул эквивалентларини чиқаришга олиб келади.

Шундай қилиб, талаб инфляцияси умумий талабнинг ўсиши натижасида баҳолар ўсиши билан намоён бўлади.

2. Инфляциянинг социал иқтисодий оқибатлари. Пул муомаласини барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф қилиш йўллари.

Инфляциянинг ҳар томонлама авж олиб кетиши мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қарамақаршиликлар юзага келишига олиб келади. Шунинг учун давлат инфляциянинг олдини олиш, пул муомаласини барқарорлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқади. Инфляцияга қарши курашнинг асосий шакллари— инфляцияга қарши сиёсат ва пул ислоҳоти ҳисобланади.

9-МАВЗУ. ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ

9.1. Пул ислоҳотларини амалга оширишнинг зарурлиги. Пул ислоҳотларини амалга ошириш шарт-шароитлари.

9.2. Пул ислоҳотларини амалга ошириш усуллари.

9.3. Деноминация ва уни амалга ошириш тартиби. Нуллификация ва уни амалга ошириш тартиби.

9.4. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч иборалар: пулни харид қуввати, ислоҳот, револвация, деволвация, деноминация, нулификация.

9.1. Пул ислоҳотларини амалга оширишнинг зарурлиги. Пул ислоҳотларини амалга ошириш шарт-шароитлари.

Пул ислоҳотлари - миллий валютани мустаҳкамлаш, пул бирлигини барқарорлаштириш ва пул муомаласини тартибга солиш мақсадида давлат томонидан мамлакат пул тизимини тўлиқ ёки қисман қайта ташкил этиш. Пул ислоҳотлари қоғоз пул белгиларининг ҳаммаси ёки бир қисми қадрсизланганда ва уларнинг ҳажми кўпайиб, янгиси (қоғоз ёки металл) билан алмаштириш лозим бўлганда, пулнинг олтин қиймати ёки валюта курси ўзгарганда, пул тизимига ўзгартиш киритиш зарур бўлганда ўтказилади. Пул ислоҳотларимамлакатдаги иқтисодий ҳолатга, пулнинг қадрсизланиш даражасига ва давлатнинг сиёсатига боғлиқ ҳолда турли усулларда: ортиқча қоғоз пулларни йўқ қилиш билан пул ҳажмини

камайтириш (дефляция); эски пул белгиларини йўқ қилиб, янги қоғоз пул белгиларини зарур миқдорда чиқариш (нуллификация); эски пул белгиларини йирикроқ янги пул белгиларига алмаштириш (деноминация); пул бирлиги ёки қоғоз пул бирлиги курсининг металл қиймати ва чет эл валютасига нисбатан курсини пасайтириш (девальвация); пул бирлигидаги металл қиймати ёки қоғоз пул курсини ташки давлатлар валютасига нисбатан ошириш (ревалвация) ва б ошқа шаклларда амалга оширилади.

Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудларида муҳим пул ислохотлари Амир Темур ҳукмронлик қилган даврдан бошланган. Унинг ташаббуси билан ўша давргача муомалада бўлган майда мис тангалар ўрнига сифат ва ҳажм жиҳатдан бир неча марта ортиқ бўлган, йирик қийматга эга олтин ва кумуш тангалар зарб этила бошлаган. Амир Темур тасарруфида бир неча зарбхоналар бўлганлиги ва уларда зарб этилган тангалар Европада ҳам машҳур бўлганлиги ҳақида кўп маълумотлар бор. Биргина Ғарбий эрон ва Озарбайжонда Амир Темурнинг номи битилган 120 турдан ортиқ олтин ва кумуш тангалар муомалага киритилган. Мирзо Улуғбек томонидан 1428 й. амалга оширилган пул ислохотларида илгари зарб этилган мис тангаларнинг муомалада бўлиши тақиқланган. Бир қатор шаҳарларда — Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шохрухия, Андижон, Қарши ва Термизда янги тангалар зарб этила бошлаган. Эски тангаларни янги тангаларга алмаштириш тугаллангандан кейин, фақат Бухородаги зарбхона фаолияти саклаб қолиниб, қолганлари ёпилган.

Шайбонийлар даврида ҳам тангалар зарб қилишда янгилик киритилган. Олдинги ҳукмдорлар томонидан зарб этилган тангалардаги ёзувлар устига янги тамғалар зарб қилиниб, муомалага чиқарилган. Бу даврда, асосан, динор номи билан юритилган жуда кўп миқдордаги мис тангалар ва вазни 3 г бўлган кумуш тангалар муомалада бўлган.

19-асрнинг бошларидан Бухоро амирлигида вазни 4,5 г лик "тилло" номи (олтин) билан тангалар зарб этилган. Кумушдан ишланган танга деб аталувчи пул бирликлари 1920 й.га қадар муомалада юрган. Бухоро амирлигида 1918 й.дан бошлаб муомалага номинали 20, 60, 100, 200, 300, 500, 1000, 2000, 3000, 5000 ва 10000 тангалик қоғоз пуллар чиқарилган. 1921 йиларда Бухоро Халқ банки муомалага янги, номинали рублда кўрсатилган қоғоз пулларни чиқара бошлади. Бу пуллар 3000, 10000 ва 20000 рубл номиналига эга бўлган. 1922 й.да Бухоро Халқ банки томонидан деноминация амалга оширилиб, пулнинг номинали юзлаб марта камайтирилган ва 1, 5, 10, 25, 100 рубллик янги пуллар муомалага чиқарилди. Аммо кўп ўтмасдан, кучли инфляция натижасида паст номиналдаги пул белгилари бозор эҳтиёжларини қондира олмади ва 1000, 2500, 5000 рубллик пуллар босиб чиқарилди. 1920—21 йилларда Хоразм Совет Халқ Республикаси (ХСХР) томонидан муомалага 250, 500, 750, 1000, 2000, 5000 ва 10000 рубл номиналида ипакдан қўлда тўқилган махсус пул белгилари чиқарилган. Ушбу пуллар ХСХР тугатилганга қадар, яъни 1924 йилларгача муомалада бўлган. Юқори инфляция натижасида 1922 — 23 й.ларда ХСХР томонидан деноминация амалга оширилиб, эски пулларнинг устига

уларнинг янги номиналини кўрсатувчи тамгалар босилган. 1921—22 ва ундан кейинги йилларда пул ислохотни ўтказишга қаратилган қатор тадбирлар Туркистон АССРда амалга оширилди. 1923—24 й.ларда Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг пул белгилари РСФСР пул белгилари (рубл червон) билан алмаштиридди. Фуқаролар уруши даврида Туркистон фронтлар ҳалқаси ичида қолганда Тошкентда Туркистон АССРнинг пули — туркбонлар чиқарилган. Кейинчалик 1921 йил 1 январдан бошлаб Туркистонда 3 ой давомида Пул ислохотлари ўтказилиб, туркбон РСФСР пул бирлигига 10:1 нисбатда алмаштирилди. 1947 йилда собиқ СССРда Пул ислохотлари ўтказилди, маҳсулотларни тақсимлашда карточка тизими тугатилди ва давлат кооператив чакана савдоси нар-хида ягона тартиб ўрнатилди. Муомаладаги ҳамма пул белгилари 10:1 нисбатда янги пул белгиларига алмаштирилди. 1950 йилга келиб олтин товар захирасининг кўпайиши, чет эл валютасига нисбатан пул курсининг ошиши, нархлар масштаби ўзгариши 1961 йилда муомаладаги пул белгиларини 10:1 нисбатда янги пул белгиларига алмаштирилишига олиб келди.

Ўзбекистон Давлат мустақиллигига эришгач, Россия ўз миллий валютасини чиқаргунга қадар бошқа собиқ Иттифоқ республикалари сингари вақтинча рубл зонасида қолди ва мамлакатда амалда бўлган иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, ўз миллий валютасини муомалага киритишни икки босқичда амалга оширди. Биринчи босқич: 1993 й.нинг 15 ноябрдан иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақа ва аҳоли даромадларининг ўз вақтида тўланишини, республика ички истеъмол бозорини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов воситаси сифатида 1961—92 йиллардаги рубл банкнотлари ва Россия банкининг 1993 йилдаги рубли билан параллел равишда 1:1 нисбатда оралиқ валюта сифатида "сўм купон" муомалага киритилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 сўм купон қоғоз пулларни чиқарди. Иккинчи босқич: 1994 й. 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўм 1 сўм = 1000 сўмкупон нисбати билан муомалага киритилди. Марказий банк муомалага қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўм бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин бўлган металл тангалар чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий валютасини муомалага киритиши, икки босқичли банк тизими ва мустақил пул тизими ташкил этилиши пул-кредит сиёсатини эркин юритиш имконини берди. Ҳисоб-китобларни енгиллаштириш мақсадида 1997 йилдан бошлаб муомалага 200 сўмлик, 1999 йилдан 500 сўмлик ва 2001 й.дан 1000 сўмлик банк қоғоз пуллари (банкнотлар) муомалага чиқарилди.

9.2. Пул ислохотларини амалга ошириш усуллари.

Агар инфляция суръатлари юкори булса, деноминация ўтказиш хеч қандай самара бермаслиги мумкин. Факат пул ислохотини ўтказиш йули билан пул тизимини барқарорлаштириш мумкин бўлади.

Пул ислохотини ўтказиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

- муомаладаги пул массасини камайтириш мақсадида, дефляция курси бўйича пулларни янги пулларга алмаштириш:

- аҳоли ва корхоналарнинг банклардаги жамғармаларини вақтинча (тўлиқ ёки қисман) ҳаракатсиз ушлаб туриш (қотириб қўйиш):

- иккала усулни биргаликда қўллаш йўли орқали пул ислохотини ўтказиш: бу усул халқаро амалиётда “шок йули” билан даволаш номи билан машхурдир.

Бу усул 1948 йилда Ғарбий Германияда ҳарбий давлат бошқарувидан бозор иқтисодига ўтишда қўлланилган. “Шок йули” билан даволашда иш ҳақини тўлашни тўхтатиб қўйиш, ишлаб чиқаришни қисқартириш, пул ислохотини ўтказиш, иш ўринларини қисқартириш каби қаттиқ чоралар қўлланилиши мумкин. Масалан, Ғарбий Германияда 1948 йилнинг июнь ойида ўтказилган пул ислоҳотида аҳолининг нақд пуллари ва жамғармалари 6,5 янги немец маркасига 100 эски рейхсмарка қилиб алмаштирилди. Аҳолининг пул жамғармаларини тўлаш вақтинча тўхтатилган, кейинчалик фақат 30 фоиз атрофида тўланган ва ҳар бир кишига 60 немец маркаси миқдорида нафақа ажратилган. Натижада давлатнинг рейх маркасидаги қарзи, мамлакатда бўлган дисбаланс тугатилган ва шу йўл билан инфляциянинг ўсиш суръатлари тухтатилган. “Шок йули” билан даволаш Японияда 1949-50 йилларда ўтказилган ва у “Додж режаси” деган номини олган. Бу режага асосан Японияда инфляцияга қарши жуда қаттиқ чора-тадбирлар амалга оширилган. Эркин баҳога ўтиш билан бир вақтнинг ўзида ер ислоҳоти ўтказилди, бюджет камомадини йўқотиш йўллари ишлаб чиқилди. Японияда мавжуд зарар билан ишловчи корхоналарга давлат томонидан бериладиган субсидия бекор қилинди, корхона, ташкилотларга кредит бериш шартлари мукаммаллаштирилди, аҳоли жамғармалари ишлатилмасдан қотириб қўйилди. Иқтисодни “шок йули” билан даволаш Шарқий Европа мамлакатлари - Югославия, Польша каби мамлакатларда ҳам қўлланилган.

9.3. Деноминация ва уни амалга ошириш тартиби. Нуллификация ва уни амалга ошириш тартиби.

Деноминация ўз моҳиятига асосан миллий пул бирлигидаги ортиқча нолларни олиб ташлаб муомалага янги пулларни чиқаришдан иборат. Деноминация усулида Россия (3 дона нолни олиб ташлади) ва Турция (лирадан 6 дона нолни олиб ташлади) ҳукуматлари фойдаланишди.

Инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туриш ўз моҳиятига асосан мамлакатда маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволарни ўсиб боришини чеклаш ва пул тизимини барқарорлаштириш мақсадида давлат томонидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Ушбу чора-тадбирлар икки йўналишда олиб борилади:

4) Деинфляцион сиёсат. Ушбу сиёсат мамлакатда пулга бўлган талабни пул-кредит ва молия механизмлари ёрдамида тартибга солиб турилади. Деинфляцион сиёсат давлат харажатларини қисқартриш, кредитлар учун фоиз ставкаларини ошириш, солиқ юкини кучайтириш (солиқлар сони ва уларни фоиз ставкаларини кўтариш) ва пул массасини чеклашни ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш лозимки, деинфляцион сиёсат мамлакатдаги иқтисодий ўсишни секинлашувига сабаб бўлади;

5) Даромадлар сиёсати. Ушбу сиёсат олиб боришда давлат томонидан маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишларга бўлган нарх-наво ва иш ҳақи устидан бирданига назорат этилади ҳамда уларни ўсишини маълум чегараси ўрнатилади ёки бутунлай «музлатиб» қўйилади. Даромадлар сиёсати ўз моҳиятига кўра қатъий сиёсат ҳисобланади ва у аҳоли ўртасида норозиликни келиб чиқариши мумкин. Лекин инфляция билан курашишда айрим мамлакатларда даромадлар сиёсатидан фойдаланилади.

Халқаро амалиётда ривожланаётган мамлакатларда инфляцияга қарши қараш олиб бориш тажрибасида биз таъкидлаб ўтган икки йўналишдан оқилона биргаликда фойдаланилган.

Иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларда инфляцияга қарши курашиш ва миллий пул тизимини мустахкамлаш учун асосан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- миллий иқтисодиётни соғломлаштириш, инвестиция фаолиятининг тушиб кетишини бартараф этиш ва иқтисодий ривожланишнинг оқилона даражасини таъминлаш;

- рақобатбардош, юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни ривожлантириш мақсадида давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш;

- халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш фондларининг таркибини ўзгартириш ва унда замонавий техника ҳамда технологияларни жорий этиш;

- тижорат банкларининг инвестиция ва кредит фаолиятини рағбатлантириш;

- солиқ тизимини такомиллаштириш ва ушбу йўналишда асосий эътиборни солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясига қаратиш;

- давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

- мамлакат ичида маҳсулотлар, валюта, кредит ер, кўчмас мулк, меҳнат ва қимматли қоғозларининг ягона бозорини шакллантириш ҳамда уни ривожлантириш;

- пул-кредит сиёсатини иқтисодиётнинг ривожланиши ҳолатига асосан ўзгартириб туриш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва маҳсулотлар, ишлар, хизматларни экспорт қилишни рағбатлантириш;

- эркин бозор баҳоларини сақлаган ҳолда даромадлар, харажатлар ва нарх-навони давлат томонидан тартибга солиш ва уни назорат қилиш;

- давлат бюджет тақчиллигини ноинфляцион йўллар билан қисқартириш;
- давлатнинг стратегик олтин-валюта захираларини чуқур таҳлил этиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборатдир.

9.4.Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган пул ислохотлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистондаги инфляция бу мустақил Ўзбекистон заминида вужудга келган инфляция эмас. Тарихан бу инфляция собиқ СССР да юзага келган. Бу инфляциянинг умумий иктисодий сабаби давлат бошқарувида иктисодга нисбатан сиёсатга куп эътибор берганидадир. Натижада ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетди. Товар камёблиги яширин жараён бўлиб, товарларни ишлаб чиқариш учун кўп харажат қилинсада (хом-ашёларнинг нархи юқорилиги туфайли) товарлар паст баҳода сотилган. Фарқ давлат бюджетидан қоплана борган. 1992 йилнинг бошидан эркин баҳоларга ўтиш натижасида (озик оват ва ёкилги ресурслардан ташқари) инфляция юзага отилиб чиқди ва тез суръатлар билан ривожланиб кетди.

Шу туфайли Ўзбекистондаги инфляция собиқ СССР даврида юзага келган инфляциянинг қолдиғидир ва уни даволаш узоқ вақтни талаб қилади. Собиқ СССР да, жумладан Ўзбекистонда 90 - йиллардаги инфляциясининг асосий сабаблари:

- иктисодий мувозанатнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш суръатларининг тушиб кетиши натижасида режали иктисодиётдаги инкироз;
- махсулотлар сифатининг, меҳнат унумдорлигининг пастлиги;
- ишлаб чиқаришда харажатлар салмоғининг ошиб кетиши, беҳуда сарфлар, иктисод принципларига риоя қилмаслик ва бошқалар ҳисобланади..

Ундан ташқари ривожланган бозор шароитига ўтмасдан туриб баҳоларнинг эркинлашуви, товар массаси устидан баъзи бўлимларининг яқка ҳукмронлик ўрнатиши, баҳоларни хохлагача бошқариш, кредит, молия сиёсатларининг нотўғри олиб бориш, иктисоднинг “долларлашуви”, “рубль зона” сининг емирилиши, валюта тушумлари ва миллий бойликнинг четга оқиб кетиши ва бошқалар инфляция жараёнининг яна ривожланишига олиб келган.

Инфляция жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

1. Мамлакат иктисодий аҳволини танг ҳолга олиб келади:

- ишлаб чиқариш ҳажми тушиб кетади ва баҳоларнинг ошиб бориши ишлаб чиқариш истикболларига тўғаноқ бўлади.
- капиталнинг асосий қисми ишлаб чиқаришдан савдо (муомала) соҳасига, воситачилик соҳасига оқиб ўтади. Чунки ишлаб чиқаришдан кўра, савдо соҳасидаги капитал тезроқ ва кўпроқ фойда келтиради;
- баҳоларнинг ўзгариб туриши олибсотарликни ривожлантиради, арзон вақтида олиб, қиммат бўлганда сотиш жараёни, товар захираларини яшириш жараёнлари авж олади;

– кредит бериш жараёнлари чекланган бўлади. Қарз олувчилар кўпаядию, қарз берувчилар сони қисқаради, чунки қарз берган ютқазиши мумкин;

– давлатнинг молия ресурслари кадрсизланади ва ҳ.к.

Аҳолининг кам даромад олувчи қисмининг ижтимоий аҳволи ёмонлашади. Уларнинг реал даромадлари камаяди. Номинал даромаднинг баҳолар ўсишидан тушиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси пасаяди. Айниқса, нафақа, давлат ташкилотларидан маош олувчиларнинг аҳволи қийинлашиши мумкин. Инфляция аҳоли жамғармаларининг кадрсизланишига олиб келади. Инфляция аҳоли баъзи қатламларининг (савдосотиқ соҳасида) бойишига олиб келади.

Давлат аҳолининг даромадлар даражасини тенглаштириш мақсадида даромад ва солиқларни индексация қилиб боради.

10-МАВЗУ. КРЕДИТНИНГ ЗАРУРЛИГИ, МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

10.1. Кредит иқтисодий категория сифатида. Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.

10.2. Кредитнинг моҳияти. Кредитнинг функциялари. “Кредит” тушунчасининг мазмуни.

10.3. Кредитнинг принциплари.Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.

10.4.Капиталнинг доиравий айланиши ва айланиши.

10.5. Аҳолининг кредитга бўлган талабининг пайдо бўлиши. Давлатнинг кредит ресурсларига бўлган талабининг пайдо бўлиши. Кредитнинг шакллари.

10.6. Кредит қонунларининг зарурлиги ва объективлиги.

10.7.Кредитнинг характерли ва хусусиятли белгилари

10.8. Кредитнинг қайта тақсимлаш ва муомала воситаларини яратиш функцияси.

Таянч иборалар: кредит, иқтисодий муносабат, тамойиллари, характерли томонлари, хусусиятлари, қиймат ҳаракати,

10.1. Кредит иқтисодий категория сифатида. Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.

„Кредит” –сўзи *лотинча* „credo” сўзидан олинган бўлиб ишонч деган маънони англатади. Кредит – бу пул ва товар шаклидаги ресурсларни қайтариб беришлик, муддатлилик ва фоиз тўлашлик шартлари асосида бериш натижасида юзага келадиган қийматнинг ҳаракатидир. Кредит муносабатларининг субекти бўлиб кредитор ва кредит олувчи ҳисобланади, кредитнинг обекти бўлиб пул ва товар ҳисобланади.

Банк кредитининг обекти бўлиб пул маблағлари ҳисобланади. Тижорат кредитининг обекти товарлардир. Ҳозирги кунда кредитнинг судхўрлик

шакли мавжуд эмас, бу шакл кредит муносабатларининг дастлабки шаклланиш босқичларида мавжуд эди.

Кредит инсониятнинг буюк кашфиёти ҳисобланади:

1) Кредит хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш имконини беради.

2) Кредит мамлакатнинг экспортнинг салоҳиятини юксалтириш имконини беради.

3) Кредит иқтисодиётдаги тўловнинг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради.

4) Кредит давлатнинг ўз функцияларини бажарилишини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

5) Кредит аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш имконини бери.

Кредит ўзининг аниқ принципларига эга.

1) Қайтариб беришлик принципи;

2) Муддатлилик принципи;

3) Фоиз тўлашлик принципи;

4) Таъминланганлик принципи.

Кредитлар одатда биринчи тоифали гаров объектлари билан таъминланади. (ер, олтин ва бошқа металлар)

5) Мақсадлилик принципи.

Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.

1) Кредитнинг зарурлигини белгиловчи энг асосий омил бу капиталнинг доиравий айланиши ва айланишидир.

П-ишлаб чиқариш воситалари....ишлаб чиқариш жараёни-Т`-П`

бу жараённинг такрорланиши капитал айланиши дейилади

2) айрим тармоқларда ишлаб чиқаришнинг мавсумий ҳарактерга эга эканлиги.

3) давлат бюджетининг дефицитининг мавжудлиги.

4) аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашнинг зарурлиги.

Кредитнинг объекти иккитага бўлинади:

-пул маблағлари;

-товарлар.

Банк кредитларни пул маблағлари шаклида берилади.

Объекти товар бўлган кредит тижорат кредити дейилади. Бунда сотилган товарларнинг пули кечиктириб тўланади яъни маълум муддат ўтгандан сўнг тўланади. Тижорат кредити одатда тижорат вексели билан расмийлаштирилади.

Ҳозирги даврда банк кредитларини бериш тизими тижорат кредитлари бериш тизимига қараганда юксак даражада ривожланган. Бунинг асосий сабаби пулнинг юқори ликвидли акти эканлигидир.

Кредитнинг субъектлари бўлиб қуйдагилар ҳисобланади.

- Банклар;

-нобанк кредит ташкилотлари, кредит уюшмалари, ломбардлар, микромолиялаш ташкилотлари, кредит корпоративлари ва бошқалар;

- корхоналар;
- жисмоний шахслар;
- давлат;
- давлат органи;
- ҳалқаро молия кредит ташкилотлари.

Кредит-қийматнинг ҳаракати бўлиб пул ва тавар кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлилик, муддатлилик ва фоиз тўлашлилик асосида бериш натижасида юзага келади.

Кредит орқали жамиятимизда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олди олинади;

иккинчидан, такрор ишлаб чиқаришни кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

Кредитнинг вужудга келиши реалликка айланиши учун муайян шароитлар бўлиши зарур. Шу масала бўйича баъзи иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, иқтисодчилар томонидан кредит юзага келишининг қуйидаги шартларига кўпроқ эътибор берилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Кредит муносабати бўлиши учун:

биринчидан, кредит муносабати иштирокчилари – қарз берувчи ва қарз олувчи – ҳуқуқий жиҳатдан мустақил субъект бўлиши керак. Мустақил субъект сифатида ҳар иккала томон бирбири билан ўзаро алоқалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришини моддий жиҳатдан кафолатлай олиши керак. Мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил ҳуқуқий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак.

иккинчидан, қарз берувчи ва қарз олувчи манфаатлари бирбирига мос тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар, авваламбор, объектив жараёнлар, ўзаро манфаатларни тақозо этувчи аниқ вазият билан боғлиқ.

Кредитор(қарз берувчи) томонидан пул маблағларини қарзга бериш бўйича, қарз олувчи томонидан эса шу маблағларни олиш бўйича қизиқиш туғилган тақдирдагина кредит муносабатлари вужудга келади.

Кредитнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг йўналишига боғлиқ. Томонлар манфаатларининг мос келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди. Лекин кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафақат вақт ва макон жиҳатдан, шунингдек, сифат жиҳатдан ҳам мос тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга, кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир бўлишининг асосий сабаби бўлаолмайди. Кредит вужудга келиши учун, юқорида айтилгандек, аниқ бир иқтисодий асос фондларнинг доиравий айланиши ва шунга ўхшаш бошқа аниқ шароитлар бўлиши зарур. Фақатгина ана шу таъсир этувчи омиллар бўлган тақдирдагина кредитнинг вужудга келиши реалликка айланади.

Баъзи иқтисодий адабиётларда кредитнинг зарурлиги хусусида бир неча бошқа фикрлар ҳам учрайди. Масалан, кредит корхоналар фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш учун зарур, деб таъкидланади. Агар бу фикр тўғри деб қарайдиган бўлсак, кредитнинг зарурлиги фақат кредитор учун тушунарли бўлади, чунки у қарз бериш орқали қарз олувчи фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундай шароитда кредитнинг чегараси ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига асосланган объектив жараёнларга эмас, балки банкнинг кредит оператсиялари орқали қарз олувчининг фаолиятини назорат қилиш истагига боғлиқ бўлиб қолади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фондларнинг доиравий айланиши қонуниятларига асослангандир.

Кредитга зарурат туғилганда қуйидаги манбалардаги бўш маблағлардан кредит ресурслар сифатида фойдаланиш мумкин. Бу манбалар асосан қуйидагилардир:

- асосий фондларни тиклаш, капитал тамирлаш учун ажратиладиган амортизация сифатидаги пул маблағлари;

- товарларни сотиш ва янги моддий ресурсларни сотиб олиш вақтларининг бирбирига мос келмаганлиги туфайли юзага келган бўш пул маблағлари;

- товарлар реализатсиясидан тушган тушум билан иш ҳақини тўлаш вақтлари орасида вақтинча бўш туриб қолган пул маблағлари;

- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган қўшимча маблағлар;

шахсий сектор даромадлари, жамғармалари ва бошқа бўш пул маблағлари

Кредитнинг зарурлигини ифодаловчи омиллар моҳиятини очишда, уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини кредит шартномасини тузиш даражасига олиб келиш хато ҳисобланади. Алоҳида олинган бир омилнинг ўзи кредит берилиши учун у ёки бу даражада этарли бўлмаслиги мумкин.

10.2. Кредитнинг моҳияти. Кредитнинг функциялари. “Кредит” тушунчасининг мазмуни.

Моҳият сўзи иқтисодий ёки ижтимоий ҳодиса ёки воқеликнинг ички хусусиятини англатади. Кредитнинг моҳияти унунг бир қатор ички хусусиятларида намоён бўлди, аввало, кредит қийматнинг ҳаракати бўлиб ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради, лекин кредит ҳар қандай қийматнинг ҳаракати эмас. У вақтинчалик фойдаланишга бериладиган пул ва товар шаклидаги маблағларнинг ҳаракатидир. Кредитнинг яна бир ички хусусияти унинг субектлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Кредитни субъектлари 2 та:

- кредитор;
- кредит олувчи.

Кредитнинг 3 муҳим хусусиатлари шундан иборатки кредит унга бўлган объектив талаб туфайли юзага келади.

Айри ҳолларда миждозлар кредитни қайтара олмайди. Бу эса кредитни қайтариб беришлилик хусусиатларини инкор этмайди.

Кредитнинг моҳиятан фарқланувчи асосий жиҳати ҳам унинг қайтариб олинишидир. Тараққий этган давлатларда ссуда капитали бозори яхши ривожланган. Бу бозор икки қисмдан иборат:

1) биринчи сегмент пул бозори дейилади. Бу бозорда қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкалари шакилланади.

2) Иккинчи сегмент сапитал бозори дейилади. Бу бозорда ўрт ва узок муддатли кредитларнинг фоиз ставкалар шакилланади.

Либор+Спред=Либид

Бу ерда:

Либор-кредит фоиз ставкаси;

Спред-банк фойдаси;

Либид-кредитнинг қиймати.

Маржа-банк билан миждоз ўртасидаги муносабатларни ҳарактерлайди.

Спред-банк билан банк ўртасидаги муносабатларни ҳарактерлайди.

Кредитнинг моҳиятини англашда кредит қонунлари муҳим ўринни эгаллайди. Кредитнинг 3 та қонуни бор:

1) қайтарилиш қонуни;

2) қийматнинг сақланиш қонуни;

3) мувозанат қонуни- берилаётган кредитлар ва уларнинг ресурслар таминоти ортасида мувозанат бўлиши керак.


Кредитнинг моҳиятини янада аниқлаштириш учун унинг таркибини, ҳаракат босқичларини, иқтисодий тушунча сифатидаги муҳим белгиларини ва ижтимоий иқтисодий ҳарактеристикасини кўриб чиқамиз. Кредитнинг моҳиятини тушуниш учун, авваламбор, унинг таркиби нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш зарур. Кредит муносабат бўлиши учун унинг зарур элементлари – кредитнинг объекти ва субъекти бўлиши зарур.

Кредит муносабатларида субъектлар икки хил бўлади:

1. *Кредитор (қарз берувчи)*

2. *Қарз олувчи*

Бундан ташқари, кредит муносабатлари таркибининг элементи сифатида кредитнинг объекти юзага келади.



Кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари.

Кредит объекти бу (кредитор) қарз берувчидан қарз олувчига бериладиган ва қарз олувчидан кредитор (қарз берувчи)га қайтиб бериладиган қийматдир.

Бунда қарзга берилган маблағ ўз қийматини сақлаб қолиши кредитнинг асосий сифати ҳисобланади.

Кредит таркиби унинг элементлари бирлигини ифодалайди.

Кредитнинг ҳаракат босқичлари ҳам унинг муҳим белгиси ҳисобланади. Қарзга берилувчи қиймат ҳаракатини қуйидаги схемада ифодалаш мумкин:

$$B_k \quad O_{kz} \quad I_k \dots V_p \dots K_k \quad \Phi_{kc}$$

B_k – кредитнинг берилиши;

O_{kz} – кредитнинг қарз олувчи томонидан вақтинчалик эҳтиёжларини қондириш учун олиниши;

I_k – кредитнинг ишлатилиши қарз олувчининг кредитни нима мақсадда олганлиги билан узвий боғлиқ бўлади;

V_p – қарз олувчининг хўжалигида қарзга олинган қиймат айланмаси тугалланишини ресурсларнинг айланмадан чиқарилишини ифодалайди;

K_k – кредитни қайтариш;

Φ_{kc} – вақтинчалик берилган қийматни кредитор қўлига қайтиб келиши (% билан).

Кредитнинг моҳиятини малум вақтдан кейин қайтариб бериш ва фоиз билан қайтариш шарти янада кенгроқ очиб беради. Бу ҳар иккала шартдан ташқари, кредитнинг иқтисодий категория сифатида ҳаракат қилишини асослаш учун иқтисодий муносабатларнинг чуқур ижтимоий иқтисодий белгиларини ҳисобга олиш зарур.

Кредит моҳиятининг таҳлили узлуксиз жараён. Таҳлил жараёнида янгидан янги белгилар, хусусиятлар юзага чиқиши мумкин.

Ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг функцияларига эга бўлгани каби кредит ҳам ўзининг бир қатор функцияларига эга. Ижтимоий иқтисодий тизимда кредитнинг ўрни ва аҳамияти бажараётган функциялари билан аниқланади. Кредитнинг функцияси – бу кредитнинг иқтисодиётдаги фаолияти конкрет равишда намоён бўлишидир.

Кредитни таҳлил қилишда, функция, унинг моҳияти ва аҳамияти ўртасидаги оралиқ бўғин сифатида кўриб чиқилади.

Кредитнинг функциялари ҳақида олимлар ўртасида ягона изчиллик йўқ.

И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини таҳлил қилишда иккита эчилмаган муаммо мавжуд:

1. Функцияни тушунишнинг услубий асослари.
2. Функцияларнинг таркиби ва структураси.

Кредитнинг таркибий қисмидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги муносабатларга хос функциялар тааллуқли:

а) кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;

б) қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали;

в) қарзга берилувчи қиймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

10.3. Кредитнинг принциплари. Кредитнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.

Кредит муносабатлари иктисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари бўлган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамойиллар асосида олиб борилади. Бу тамойиллар кредит ривожланишининг биринчи боскичида кўзга ташланган эди. Кейинчалик эса улар умумдавлат ва халқаро кредит конунчилигида яққол уз аксини топди. Иктисодий категория сифатида кредит бир неча тамойилларга эга. Булар кредитнинг қайтариб беришлилиги, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, мақсадлилиги ва тўловлилиги тамойилларидир.

Кредитнинг қайтариб беришлилик тамойили.

Бу тамойил кредитнинг мустакил иктисодий категория эканлиги шартидир, қайтиб беришлик кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади, қайтиб беришлилик ўз-ўзидан вужудга келмайди: у моддий жараёнларга, қийматнинг айланишини тугашига асосланади. Аммо доиравий айланишнинг тугаши – бу қайтариб бериши эмас, фақат қайтариб бериш учун замин тайёрлашдир. Кредитни қайтариш айланишдан чиққан маблағлар қарз олувчига пул маблағларининг қайтариш имкониятини берган тақдирда қайтарилади, қайтариб беришлилик икки ёқлама жараёни ифода этади, у кредитор учун ҳам, қарз олувчи учун ҳам бир хил даражада муҳимдир.

Қийматни қайтарувчи ҳаракатида ҳуқуқий томони ҳам муҳимдир. Муайян бир муддатга бериладиган қийматга эгалик ҳуқуқи кредитордан қарз олувчига ўтмайди.

Қарзга бериладиган қиймат фақат муайян бир муддатгина ўз эгаси қўлидан узоқлашади, лекин эгасини ўзгартирмайди.

Бўш турган ресурсларни аккумуляция қилувчи банклар бу ресурслардан ўз ресурслари сифатида фойдалана олмайди. Банк қарзга берувчи маблағнинг эгаси бўлиб корхона, ташкилот, алоҳида шахслар ҳисобланади.

Қайтариб беришлилик муайян шартномада ўзининг ўрнини топади.

Қайтариб беришлилик объектив белги ҳисобланади. Кредитни қайтариб беришлилик томони уни бошқа иктисодий категориялардан, шу жумладан, молиядан фарқ қилиш имконини беради.

Кредитдан самарали фойдаланиш асосидаги қайтариб беришлилик – бутун банк фаолиятининг марказий пункти ҳисобланади. Кредитнинг бу тамойили амалиётда кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса ҳисобига кўчириш йўли билан тўланади. Шу йўл

билан банклар кредит ресурсларининг қайта тикланишини таъминлайдилар. Собик иттифок даврида марказлашган режали иктисодиёт шароитида кредитлашнинг «қайтарилмаган ссуда» деб аталадиган норасмий тушунчаси бор эди. Кредитлашнинг бу шакли халқ хўжалигининг кўп тармокларида айникса қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг тарқалган эди. Кредит давлат банки томонидан қарз олувчининг молиявий аҳволини ҳисобга олмаган ҳолда берилар эди. Ўзининг иктисодий моҳиятига кўра қайтарилмайдиган ссудалар бюджет субсидияларини қўшимча шакли сифатида намоён бўлади. Бозор иктисодиёти шароитида «қайтарилмас кредит» тушунчаси бозор иктисодиёти тамойилларига ёт бўлиб бундай кредитнинг амалиётда бўлиши иктисодиёт учун жуда хавфли ҳисобланади.

Кредитнинг муддатлилиги.

Бу тамойил кредит берувчидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариб бериш муддатини, яъни кредитнинг қандай муддатга берилганлиги билан характерланади. Бунда шу муддатлилиқ тамойилига кўра узоқ ва қисқа муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитнинг муддатлилиқ тамойили қарздор учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда эмас, балки кредит битимида кўрсатилган маълум муддатда кредитни қайтарилиши зарур эканлигини билдиради. Кредитнинг муддатлилиги ҳар иккала томон, кредитор ва қарз олувчи учун муҳимдир. Агар кредитор фоизни билан ўз вақтида қайтариб олса, уни эгасига қайтариш ёки яна кредитга бериш имкониятига эга бўлади. Қарз олувчи кредитни самарали ишлатиб, уни ўз вақтида кредиторга қайтариш ва шу билан шартномадаги жазо чораларидан қутулишидан манфаатдор. Кредитнинг муддати бўйича кредит шартномада кўрсатилган шартларнинг бузилиши натижасида қарз берувчи қарз олувчига иқтисодий чоралар (жарималар шаклида, кредит бўйича фоиз даражасини ошириш, кредитни муддатини қисқартириш ва бошқа) ни қўллаш мумкин.

Кредитнинг таъминланганлиги.

Бу таъмойил ёрдамида халқ хўжалигининг ривожланишида қиймат ва моддий ишлаб чиқариш ўртасида бўлиши зарур бўлган пропорцияларнинг бир меёрга бўлиши таъминланади. Бу тамойилнинг асосий моҳияти шундаки, бунда хўжалиқ айланишида иштирок этувчи банк маблағларининг ҳар бир сўмига муайян бойликларнинг бир сўми қарама-қарши туриши керак. Банклар томонидан халқ хўжалиги тармоқларига берилган кредитлар тўлиқ товар моддий бойликлари ва маълум харажатлар билан таъминланган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, кредитнинг таъминланганлик таъмойили қарз олувчи ўзига олган мажбуриятларни бузиш шароитида қарз берувчининг мулкдорлик манфаатларини химоя қилишни таъминлайди ва ўзининг амалий аксини кредитни бирор гаров ёки молиявий кафолат асосида беришда топади. Бу умумиктисодиёт барқарорликка эришиш даврида айникса муҳимдир.

4. Тўловлилиқ тамойили.

Бу тамойил айланма фондларнинг доиравий айланишини, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи тўлов ресурслари суммасини аванслаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағлари учун кредиторга фоиз шаклида тўловни ўтказадилар. Кредитнинг тўловлиги уни тўлиқ суммада ўз эгасига қайтарилишинигина эмас, шу билан кредит учун фоиз шаклидаги тўлов билан қайтарилишини ифодалайди. Демак, кредитор ўз маблағларини ҳеч вақт ўз хажмида қайтариб олиш шарти билан бермайди, бунда у маблағни қарзга берганлиги учун муайян тўлов талаб қилади. (фоизсиз имтиёзли кредитлар бундан мустасно).

Кредитнинг тўловлиги нафакат банклар фаолиятининг мақсадига, балки корхоналарнинг бевосита фойдасига боғлиқ бўлади ва ижобий таъсир кўрсатади.

Кредит учун ҳақ тўлашнинг иқтисодий моҳияти қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги қўшимча олинган фойданинг тақсимланишини қайд қилишда намоён бўлади.

5. Кредитнинг мақсадлилиги.

Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, қарз олувчи томонидан олинган кредитлар аниқ бир мақсадни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши зарур. Кредитнинг қайси мақсадга йўналтирилганлиги, масалан, товар моддий бойликлар сотиб олишга ёки бирор ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга ва ҳақозо аниқ бирор объектга мақсадли йўналтирилганлиги корхона билан банк ўртасида тузиладиган кредит шартномада кўрсатилган бўлади. Корхона олган кредитини фақатгина кредит шартномада кўрсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак.

Бунда кредит муайян, аниқ объектга: ишлаб чиқариш харажатларига, ишлаб чиқариш захираларига, тайёр махсулотга, жўнатилган товарларга, хисоб-китоб ҳужжатларига ва ҳақозоларга берилади.

Юқорида келтирилган тамойиллар кредитнинг иқтисодий категория сифатида мавжуд бўлиши ва ҳаракат қилишининг муҳим томонларини ўзида ифодалайди.

Кредитнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ғарб мамлакатлари амалиётида кредитлашнинг биз учун янги қоидаси қўлланилади. Бу қоида кредитлашда «5 «С» лар қоидаси» деб юритилади.

10.4.Капиталнинг доиравий айланиши ва айланиши.

Кредит-қийматнинг ҳаракати бўлиб пул ва товар кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлилик, муддатлилик ва фоиз тўлашлилик асосида бериш натижасида юзага келади.

Кредит орқали жамиятимизда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олди олинади;

иккинчидан, такрор ишлаб чиқаришни кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

Кредитнинг вужудга келиши реалликка айланиши учун муайян шароитлар бўлиши зарур. Шу масала бўйича баъзи иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, иқтисодчилар томонидан кредит юзага келишининг қуйидаги шартларига кўпроқ эътибор берилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Кредит муносабати бўлиши учун:

биринчидан, кредит муносабати иштирокчилари – қарз берувчи ва қарз олувчи – ҳуқуқий жиҳатдан мустақил субъект бўлиши керак. Мустақил субъект сифатида ҳар иккала томон бирбири билан ўзаро алоқалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришини моддий жиҳатдан кафолатлай олиши керак. Мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил ҳуқуқий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак.

иккинчидан, қарз берувчи ва қарз олувчи манфаатлари бирбирига мос тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар, авваламбор, объектив жараёнлар, ўзаро манфаатларни тақозо этувчи аниқ вазият билан боғлиқ.

Кредитор(қарз берувчи) томонидан пул маблағларини қарзга бериш бўйича, қарз олувчи томонидан эса шу маблағларни олиш бўйича қизиқиш туғилган тақдирдагина кредит муносабатлари вужудга келади.

Кредитнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг йўналишига боғлиқ. Томонлар манфаатларининг мос келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди. Лекин кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафақат вақт ва макон жиҳатдан, шунингдек, сифат жиҳатдан ҳам мос тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга, кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир бўлишининг асосий сабаби бўлолмайди. Кредит вужудга келиши учун, юқорида айтилгандек, аниқ бир иқтисодий асос фондларнинг доиравий айланиши ва шунга ўхшаш бошқа аниқ шароитлар бўлиши зарур. Фақатгина ана шу таъсир этувчи омиллар бўлган тақдирдагина кредитнинг вужудга келиши реалликка айланади.

Баъзи иқтисодий адабиётларда кредитнинг зарурлиги хусусида бир неча бошқа фикрлар ҳам учрайди. Масалан, кредит корхоналар фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш учун зарур, деб таъкидланади. Агар бу фикр тўғри деб қарайдиган бўлсак, кредитнинг зарурлиги фақат кредитор учун тушунарли бўлади, чунки у қарз бериш орқали қарз олувчи фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундай шароитда кредитнинг чегараси ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига асосланган объектив жараёнларга эмас, балки банкнинг кредит оператсиялари орқали қарз олувчининг фаолиятини назорат қилиш истагига боғлиқ бўлиб қолади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фондларнинг доиравий айланиши қонуниятларига асослангандир.

Кредитга зарурат туғилганда қуйидаги манбалардаги бўш маблағлардан кредит ресурслар сифатида фойдаланиш мумкин. Бу манбалар асосан қуйидагилардир:

- асосий фондларни тиклаш, капитал таъмирлаш учун ажратиладиган амортизатсия сифатидаги пул маблағлари;
 - товарларни сотиш ва янги моддий ресурсларни сотиб олиш вақтларининг бирбирига мос келмаганлиги туфайли юзага келган бўш пул маблағлари;
 - товарлар реализатсиясидан тушган тушум билан иш ҳақини тўлаш вақтлари орасида вақтинча бўш туриб қолган пул маблағлари;
 - кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган қўшимча маблағлар;
- шахсий сектор даромадлари, жамғармалари ва бошқа бўш пул маблағлари

10.5. Аҳолининг кредитга бўлган талабининг пайдо бўлиши. Давлатнинг кредит ресурсларига бўлган талабининг пайдо бўлиши. Кредитнинг шакллари.

Кредитнинг вужудга келиши реалликка айланиши учун муайян шароитлар бўлиши зарур. Шу масала бўйича баъзи иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, иқтисодчилар томонидан кредитнинг юзага келишининг қуйидаги шартларига купрок эътибор берилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Кредит муносабат бўлиши учун:

биринчидан, кредит муносабат иштирокчилари - қарз берувчи ва қарз олувчи - ҳуқуқий жихатдан мустақил субъект бўлиши керак. Мустақил субъект сифатида ҳар иккала томон бир-бири билан ўзаъро алоқалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришини моддий жихатдан қафолатлай олиши керак. Мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил ҳуқуқий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак.

иккинчидан, қарз берувчи ва қарз олувчи манфаатлари бир-бирига мос тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар авваламбор, объектив жараёнлар, ўзаъро манфаатларни тақозо этувчи аниқ вазият билан боғлиқ.

Кредитор (қарз берувчи) томонидан пул маблағларини қарзга бериш бўйича, қарз олувчи томонидан эса шу маблағларни олиш бўйича кизиқиш туғилган тақдирдагина кредит муносабатлари вужудга келади.

Кредитнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг йўналишига боғлиқ томонлар манфаатларнинг мос келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди. Лекин, кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафақат вақт ва фазо жихатдан, шунингдек сифат жихатдан ҳам мос тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир бўлишининг асосий сабаби бўлаолмайди. Кредит вужудга келиши учун, юқорида айтилгандек аниқ бир иқтисодий асос -

фондларнинг доиравий айланиши ва шунта ухшаш бошқа аник шароитлар бўлиши зарур. Факатгина ана шу таъсир этувчи омиллар бўлган тақдирдагина кредитнинг вужудга келиши реалликка айланади.

Баъзи иқтисодий адабиётларда кредитнинг зарурлиги хусусида бир неча бошқа фикрлар ҳам учрайди. Масалан, кредит корхоналар фаолиятини назорат қилшни амалга ошириш учун зарур деб таъкидланади. Агар бу фикр тўғри деб қарайдиган бўлсак кредитнинг зарурлиги фақат кредитор учун тушунарли бўлади, чунки у қарз бериш орқали қарз оловчи фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Накд пулсиз шаклидаги ҳисоб китобларнинг банк орқали утишида ишлатиладиган маблағлар кам ссуда капитали шаклланишининг янги манбаи бўлиб, бу маблағлар айланма маблағларнинг доиравий айланиш жараёнида юзага келади. Корхоналарда молиявий ресурсларнинг вақтинча буш бўлиб қолишининг қуйидаги асосий сабабларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

-ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш вақти билан олинган хом ашё, материаллар, ишчиларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни амалга ошириш вақтининг мос келмаслиги;

-асосий фондларнинг эскиришини қоплаш учун мўлжалланган пул ажратмаси, яъни амортизация фондининг шакллантирилиши.

Кредитнинг иккита асосий шакли мавжуд:

1. Банк кредити
2. Тижорат кредити

Тижорат кредити товарлар сотиш жараёнини тезлаштиришда ва корхоналарнинг айланма маблағларини хўжалик фаолиятидан тезроқ бўшашини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Истеъмол кредити. Истеъмол кредити ўзининг мақсади билан кредитнинг бошқа шаклларида фарқ қилади. Унинг фарқли белгиси - жисмоний шахсларни кредит ҳисобланади. Кредитнинг бу шаклида кредит берувчи сифатида махсус кредит муассасалари билан бирга товар ва хизматларни сотишни амалга оширадиган жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Истеъмол кредити икки шаклда: пул шаклида ёки товар шаклида берилиши мумкин. Жисмоний шахсларга кўчмас мулкка эгалик қилиш учун, қиммат бўлган даволанишни тўлаш, хар-хил товарлар ва уй-жиргалари сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун истеъмол кредитлари берилиши мумкин.

Ипотека кредити кўчмас мулк (ер, бино, уй-жой қабиларни) гаровга қўйиб олинадиган кредит. Одатда, ипотека кредитидан қишлоқ хўжалигида асосий фондларни янгилаш, йирик капитал қўйилмаларини қоплаш учун фойдаланилади.

Давлат кредити. Кредитнинг бу шаклининг асосий хусусияти кредит муносабатларида давлатнинг қатнашувидир. Давлат кредитида давлат бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз оловчи сифатида иштирок қилиши мумкин. Қарз берувчи вазифасини бажара туриб, давлат, давлат

кредит институтлари, жумладан Марказий банк орқали иқтисоднинг ҳар хил соҳаларини кредитни ўз зиммасига олади. Давлат томонидан:

- иқтисодиётнинг устувор тармоқларини кредит;
- молиявий ресурсларга эҳтиёж сезаётган давлат аҳамиятига эга бўлган аниқ тармоқ ёки минтақаларга, агар бюджетдан молиялаштириш имконияти тугаган бўлса, вақтинча фойдаланишга маблағ ажратиши мумкин.

Давлатнинг қарзлари купайган ҳолларда давлат бюджети камомадини молиялаштириш мақсадида, давлат қарз олувчи сифатида, давлат қарзларини жойлаштириш жараёнини амалга оширади.

Давлат кредитининг характерли хусусияти шундаки, давлат томонидан олинган қарз маблағлари ишлаб чиқариш фондлари айланишида ёки моддий бойликлар яратишда иштирок қилмайди. Бу маблағлар давлат қарзларини қоплаш учун ишлатилади.

Давлат давлат хазина мажбуриятлари чиқариш, молия бозорларида давлат қимматбаҳо қозғаларини жойлаштириш, давлат заемларини чиқариш ва сотиш йули билан банкларнинг аҳолининг ва бошқа молия-кредит институтларининг пул маблағларини йиғади ва уларни давлат қарзи ва бюджет камомадини қоплашга (молиялаштиришга) сарфлайди.

Халқаро кредит. Кредит муносабатларининг халқаро миқёсда (давлатлар ўртасида) амалга оширилиши халқаро кредитнинг юзага келишига олиб келади. Кредитнинг бу шаклининг бевосита иштирокчилари миллатлараро молия-кредит институтлари, тегишли давлат ҳокимияти, кредит ташкилотлари ва алоҳида юридик шахслар бўлиши мумкин.

Халқаро кредит бир давлат, шу давлат банки, юридик шахс томонидан иккинчи бир давлатга, унинг банкларига, бошқа юридик шахсларига муддатлилик ва тўловлилик асосида бериладиган кредит ҳисобланади.

Халқаро кредит давлат ва халқаро институтлар иштирок этган муносабатларда пул (валюта) шаклида, ташқи савдо фаолиятида эса товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

- қарз олувчи ва қарз берувчи сифатида давлат, ташкилот ва муассасалар, юридик шахслар (банклар, компаниялар), халқаро валюта кредит ташкилотлари қатнашадилар;
- қарзга олинган маблағлар қарз олувчи мамлакат томонидан даромад келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;
- қарз берувчи мамлакатга туланадиган ссуда фоизининг манбаси қарз олувчи мамлакат томонидан яратилган миллий даромад ҳисобланади.

Халқаро кредит маҳаллий кредит билан бир қаторда фондлар айланишининг барча босқичларида қатнашади.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида қуйидаги функцияларни бажаради:

- мамлакатлар ўртасида капиталнинг қайта тақсимланишини таъминлайди;

- капиталнинг концентрациялашувига ва марказлашувига шароит яратади ва бу жараёни тезлаштиради;

- хар хил валюталарда халқаро ҳисоб-китобларни олиб боришда муомила харажатларини қисқартиради .

Халқаро кредитлар:

- *хараактери бўйича* - давлатлараро, хусусий, фирма кредитларига;

- *шакли бўйича* - давлат, банк, тижорат;

- *ташқи савдо тизимида туганган ўрни бўйича* - экспортни кредит, импортни кредитга;

- *муддати бўйича* - қисқа муддатли-1 йилгача, узоқ муддатли -5 йилдан ортиқ муддатга;

- *объекти бўйича* - товар ва валюта;

- *таъминланганлиги бўйича* - товар-моддий бойликлар билан ёки ҳужжатлар билан таъминланган кредитларга бўлинади. Экспортни кредитда давлат томонидан субсидия ажратилганлиги учун фирма кредитлари бўйича фоиз ставкалари одатда фоиз ставкаларининг бозор баҳосидан паст бўлади.

Халқаро банк кредитларининг банк экспорт кредитлари (хорижий импортёрларга хусусий тижорат банклари, махсус ташқи савдо банклари томонидан бериладиган кредит), еврокредит (йирик тижорат банклари томонидан евровалюта бозори ресурслари ҳисобидан евровалютада, 2 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга, ўзгарувчан фоиз ставкада кредитлар бериш) каби турлари мавжуд.

10.6. Кредит қонунларининг зарурлиги ва объективлиги.

Кредитнинг зарурлигини ифодаловчи омиллар моҳиятини очишда, уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини кредит шартномасини тузиш даражасига олиб келиш хато ҳисобланади. Алоҳида олинган бир омилнинг ўзи кредит берилиши учун у ёки бу даражада этарли бўлмаслиги мумкин.

Масалан, айтайлик корхоналарда ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланиши жараёнида уларда кредитга эҳтиёж туғилади. Шунга асосан кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади, деган шартга асосланган ҳолда кредит берилиши керак. Аммо бунда қўшимча ресурсларга муҳтожлик ўз ўзидан автоматик тарзда кредит берилиши кераклигини ифодаламайди. Бунинг учун кредитнинг зарурлигини ифодаловчи бошқа шароитлар ҳам мавжуд бўлиши керак.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири кредит муносабатларини ривожлантиришда банклар кредит учун характерли муҳим шартлар ва қонунларга асосланган ҳолда кредитлаш жараёнини амалга оширишлари зарур.

Тижорат кредитида кредитор ва қарздорлар бўлиб фаолият курсатувчилар (ишлаб чиқарувчилар) ҳисобланадилар.

Тижорат кредитининг чекланишлари мавжуд бўлиб улар:

- фаолият кўрсатувчиларнинг захира капиталлари хажми билан чекланганлиги, яъни унга ҳозирги даврда оборот (муомала) учун зарур бўлмаган капитал билан чекланганлиги;

- йўналишига кўра, уни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол қилувчиларга бериши мумкин, аммо тескариси бўлиши мумкин эмас.

Тижорат кредитидан фаркли улароқ банк кредити нафақат товарлар муомаласига хизмат курсатади, балки янада кенгрок мухитда фаолият кўрсатади.

Банк кредити - пул эгалари, банклар ва бошка кредит институтлари томонида ишлаб чиқарувчиларга, ҳамда бошка қарз олувчиларга пул шаклида бериладиган ссудалардир.

Банк кредитининг объекти- пул капиталидир.

Банк кредитида ишлаб чиқарувчи шахслар (фаолият курсатувчилар) фақат қарз олувчи сифатида иштирок этадилар, кредиторлар бўлиб эса ссуда капитали эгалари ҳисобланадилар.

Банк кредити жамият барча синфларини пул даромадлари ва жамғармаларини капиталга айлантириб капитални жамғарилишига сабабчи бўлади.

Тижорат кредити вексель билан хужжатлаштирилади. Тижорат кредитининг фоизи, товарлар пағонасига ва вексель суммасига қўшилади ва у банк кредити фоизидан паст бўлади. Банк кредит фоизининг мақсади ссудалар ҳисобига даромад (фойда) олишдир.

10.7.Кредитнинг характерли ва хусусиятли белгилари

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини моддий ва меҳнат омиллари таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг бу омиллар билан бир текисда таъминланиши муаммодир.

Кредит орқали жамиятимизда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, буш қолган мабалгларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олдин олинади;

иккинчидан, такрор ишлаб чиқаришки кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

Кредитнинг вужудга келиши реалликка айланиши учун муайян шароитлар бўлиши зарур. Шу масала бўйича баъзи иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, иқтисодчилар томонидан кредитнинг юзага келишининг қуйидаги шартларига кўпроқ эътибор берилганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Кредит муносабат бўлиши учун:

биринчидан, кредит муносабат иштирокчилари - қарз берувчи ва қарз олувчи - ҳуқуқий жихатдан мустақил субъект бўлиши керак. Мустақил субъект сифатида ҳар иккала томон бир-бири билан ўзаъро алоқалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришини моддий жихатдан қафолатлай олиши керак. Мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини ҳисобга олган

холда мустакил ҳукукий субъект сифатида томонлар иқтисодий муносабатга киришишлари керак

иккинчидан, қарз берувчи ва қарз олувчи манфаатлари бир-бирига мос тушган тақдирдагина кредит заруриятга айланади. Бу манфаатлар авваламбор, объектив жараёнлар, ўзаъро манфаатларни тақозо этувчи аниқ вазият билан боғлиқ.

Кредитор (қарз берувчи) томонидан пул маблағларини қарзга бериш бўйича, қарз олувчи томонидан эса шу маблағларни олиш бўйича қизиқиш туғилган тақдирдагина кредит муносабатлари вужудга келади.

Кредитнинг вужудга келиши кредит муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг йўналишига боғлиқ томонлар манфаатларнинг мос келиши кредит шартномаси тузилишини таъминлайди. Лекин, кредит муносабатлари иштирокчилари манфаати нафақат вақт ва фазо жихатдан, шунингдек сифат жихатдан ҳам мос тушган тақдирдагина бу муносабатлар реалликка айланади. Шу билан бирга кредитнинг бу муҳим сифатлари кредит муносабатлари содир бўлишининг асосий сабаби бўлаолмайди. Кредит вужудга келиши учун, юқорида айтилгандек аниқ бир иқтисодий асос - фондларнинг доиравий айланиши ва шунга ўхшаш бошқа аниқ шароитлар бўлиши зарур. Фақатгина ана шу таъсир этувчи омиллар бўлган тақдирдагина кредитнинг вужудга келиши реалликка айланади.

Тижорат банкларининг актив операциялари ичида кредит жараёни асосий ўринни эгаллайди. У қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- кредит олиш учун берилган миқдорнинг ариза талабномасини кўриб чиқиш;
- қарз олувчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилигини банк томонидан ўрганиб чиқиши;
- кредит кўмитасининг қарори;
- кредит битимини расмийлаштириш;
- кредит берилиши;
- ссуда ва у бўйича фоиз тулашни банк томонидан назорат қилиниши.

Кредит асосан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа иқтисодий муносабатларни рағбатлантиради. Чунки кредитнинг иқтисодий асоси фақат томонларни манфатига хизмат қилади. Шунинг учун кредит операциялари нафақат томонларни балки ҳам микро ҳам макро даражадаги аҳамияти томонлари ҳам бекиёс. Бу мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ўсишига ва ниҳоят мамлакатни ижтимоий иқтисодий ўсишига олиб боради. Мазкур ўсишга кредитнинг таъсири аҳамиятли ҳисобланиб, бунда унинг характерли томонларини очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бу қуйидагилардан иборат:

- кредит четда туриб қолган бўш пул маблағларини ҳаракатга келтиради;
- кредит кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини доимий пул маблағлари билан таъминлайди;
- кредит асосий ишлаб чиқаришни доимий рағбатлантириб боради.

Кредит ва уни тўлаш жараёни кредит шартномасида кўрсатилган бўлиб, кредит ва қарз олувчи ўртасидаги мажбурият ва ҳуқуқларни белгилаб беради.

Унда кредитнинг мақсади ва объекти, кредит миқдори, ссудани бериш ва уни тўлаш муддати, кредит таъминотининг турлари, кредит учун фоиз ставкаси ва бошқалар кўрсатилади. Ссуда тўлашни назорат қилиш банкнинг кредит портфелини мунтазам таҳлил қилиш асосида олиб борилади ва кредитларнинг сифат даражаси аниқланади.

Тижорат банклари томонидан бериладиган барча кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади.

Молиялаштириш манбаларига ва қарз олувчининг минтақавий ўрни ва манзилига қараб тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш мумкин. Тижорат банклари таснифлашни асосан миллий валютада олиб борадилар ва баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар бугунги кунда тижорат банклари кредит портфелининг маълум бир қисмини муаммоли кредитлар ташкил этади. Ажратилган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида, тижорат банкининг кредит портфели доимий равишда таснифланиб боради. Кредитларни ўз навбатида 5 та турга, яъни яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредит турларига таснифлаш мумкин. Шубҳали ва умидсиз кредит деб таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар деб қаралади. Муаммоли кредитлар тижорат банклари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Банкларнинг асосий вазифаси, кредит бериш ўрнига кредитларнинг ўз муддатида қайтарувчанлигини таъминлашдангина иборат бўлиб қолмоқда. Чунки, муаммоли кредитлар тижорат банкининг фойда олиб келадиган активларини камайтиради, бу эса ўз навбатида, банкнинг истиқбол режаси кўрсаткичларига эриша олмаслигидан далолат беради.

Хозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар ҳукуматимизнинг чиқарган қарорларига асосан, устувор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада берилади. Қайта молиялаштириш ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар мижоз кредитга лаёқатли бўлганда миллий валютада ёки хорижий давлат валютасида берилиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятида турли хил рисклар учраб туради. Лекин уларнинг фаолиятида кўпроқ кредит rischi, ликвидлик rischi ва фоиз ставкаси таъсир қилади. Тижорат банклари фаолиятининг асосий қисми кредитлар бериш ва шу асосда фойда олишга йуналтирилган бўлганлиги учун улар фаолиятида бу рискларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади.

Ссуда капитали капитал бозорида муҳим ўрин тутиб миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини қондиради. Ссуда капиталининг ўзига хос хусусиятлари, унинг кредитордан қарз олувчига бўлган ҳаракатида ва аксинча бўлган жараёнида кўпроқ кўринади. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ссуда капитали капитал сифатида - бу мулк унинг эгаси қарз олувчига капиталини доимий эгаликка эмас, балки вақтинча фойдаланиш учун беради. Бу ҳолда капиталга бўлган эгалик капитал ҳаракатидан ажралади. Капитал корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишнинг бошидан охиригача қатнашиб, унинг ҳажми ортиб борсада, белгиланган капитал миқдори охир оқибатда ўз эгаси - кредиторга қайтиб тўланиши лозим.

2. Ссуда капиталининг ўзига хос хусусияти, унинг товар сифатида

эканлигидир. Кредитор томонидан пул маблағлари қарздор корхонага “сотилади”, Корхоналар бу капитал ҳисобидан чиқариш воситалари ва иш кучини сотиб оладилар. Ссуда капиталининг товар сифатидаги истеъмол қиймати - қарз олувчи томонидан унинг самарали ишлатилиши натижасида қарздор оладиган фойда ҳисобланади. Ссуда капиталининг истеъмол қиймати оддий товарнинг истеъмол қийматидан фарқ қилади. Ссуда капитали бўйича олинган фойданинг бир қисми ссуда фоизини тулаш учун ишлатилади.

3. Ссуда капиталининг яна бир хусусияти, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабатнинг узок давом қилишидир. Ссуда капиталининг кредитордан қарз олувчига ўтиш жараёни даврлар бўйича таркатилган тўлов механизмининг босқичларида ифодаланади. Масалан, оддий савдо сотик жараёнида сотилган товарнинг нархи шу захотиёқ тўланади. Кредит ресурслари ва улардан фойдаланганлик учун тўловлар одатда маълум вақт ўтгандан кейин тўланади.

4. Ссуда капитали ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, ссуда капитали ҳаракати саноат ва савдо капитали ҳаракатидан фарқ қилиб, “сотувчи” (кредитор) ва “харидор” (қарз олувчи) ўртасидаги муносабат, яъни капитал ҳаракати, пул (П-Т) кўринишида бўлади.

10.8. Кредитнинг қайта тақсимлаш ва муомала воситаларини яратиш функцияси.

Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча фазаларига ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмолга хизмат кўрсатади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда кредит, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки истеъмол жараёнида кечадиган функциялардан фарқли ўлароқ қайта тақсимлаш функциясини бажаради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ссуда капитали бозори вақтинча бўш молиявий ресурсларни бир фаолият жабҳасидан бошқасига йўналтирувчи ва натижада юқори фойдани таъминловчи ўзига хос дастак сифатида намоён бўлади.

Қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида корхоналар, ташкилотлар, давлат ва шахсий секторнинг бўш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, муайян тўлов асосида берилади. Бу функция ёрдамида ишлаб чиқаришдаги пропорциялар ва пул капитали ҳаракати бошқарилиб турилади.

Ўзининг турли тармоқлар ва минтақаларда табақаланиш даражасига таяниб, кредит иқтисоднинг стихияли макробошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Баъзи ҳолларда бу функциянинг амалга оширилиши бозор тизимида номуносивибликнинг чуқурлашувида олиб келиши мумкин. Худди шундай ҳолат МДХ давлатларида бозор иқтисодида ўтиш босқичида намоён бўлмоқда. Шунинг учун кредит тизимини давлат томонидан бошқаришнинг муҳим вазифаларидан бири бу иқтисодий устунликни оқилона тавсифлаш ва кредит ресурсларини у ёки бу тармоққа жалб қилишни рағбатлантиришдан иборатдир.

Муомалага тўлов воситаларини чиқариш функцияси. Бу функциянинг амалга ошиши жараёнида кредит фақатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижобий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексель, чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисобкитобларни нақдсиз операциялар билан алмаштиради. Бу эса ички ва халқаро бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу масалани ҳал этишда тижорат кредити замонавий товар алмашинувининг керакли элементи сифатида муҳим ўрин тутади.

11-МАВЗУ. КРЕДИТ БУЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

11.1. Кредитнинг туловлилик тамойили. Номинал фоиз ставкаси. Реал фоиз ставкаси. Оддий фоизлар ва уларни ҳисоблаш тартиби. Мураккаб фоизлар ва уларни ҳисоблаш тартиби.

11.2. Ссуда капиталлари бозори ва унинг сегментлари. Қисқа муддатли пул бозорида кредитлар баҳосининг шаклланиши.

11.3. Капитал бозорида ўрта ва ўзоқ муддатли кредитлар баҳосининг шаклланиши.

11.4. Кредитнинг баҳосига таъсир қилувчи омиллар.

11.5. Марказий банкнинг ҳисоб (дисконт) ставкаси. Марказий банкнинг ломбард ставкаси.

Таянч иборалар: фоиз, баҳо, норма, қайта молиялаштириш, номинал фоиз, ҳақиқий фоиз, бозор баҳоси, кредит баҳоси,

11.1. Кредитнинг туловлилик тамойили. Номинал фоиз ставкаси. Реал фоиз ставкаси. Оддий фоизлар ва уларни ҳисоблаш тартиби. Мураккаб фоизлар ва уларни ҳисоблаш тартиби.

Корхоналар фойдаланилган қарз маблағлари учун кредиторга фоиз шаклида тўловни ўтказадилар. Кредитнинг тўлаш уни тўлиқ суммада ўз эгасига қайтарилишинигина эмас, шу билан кредит учун фоиз шаклидаги тўлов билан қайтарилишини ифодалайди. Демак, кредитор ўз маблағларини ҳеч вақт ўз ҳажмида қайтариб олиш шарти билан бермайди, бунда у маблағни қарзга берганлиги учун муайян тўлов талаб қилади (фоизсиз имтиёзли кредитлар бундан мустасно).

Кредитнинг тўлови нафақат банклар хўжалик ҳисоби мақомига, шу билан бирга, корхоналарни бевосита фойдаси билан боғлиқ хўжалик ҳисобига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Кредит учун ҳақ тўлашнинг иқтисодий моҳияти қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги қўшимча олинган фойданинг тақсимланишини қайд қилишда намоён бўлади. Кўриб чиқиладиган тамойилнинг амалиётда учта

асосий функциясини бажарувчи банк фоизи меъёрини ўрнатиш жараёнида намоён бўлади.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати депозитлар ва кредитларнинг оқилона фоиз ставкаларини шакллантириш ва фоиз рискинни бошқариш билан боғлиқ тадбирлар мажмуасидир.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсатининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Фоиз сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари: фоиз сиёсатининг асосий мақсади фоиз сиёсатида аниқ белгилаб қўйилган бўлиши лозим. Айрим банкларда фоиз сиёсатининг асосий мақсади сифатида фоиз рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш белгилаб қўйилади, бошқаларида эса соф фоизли даромад даражасини ошириш курсатилади.

2. Фоиз рискинни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатлар: бундай ҳолатлар одатда кредит қўйилмаларининг ҳажмининг кескин оширилиши натижасида ёки кредитларнинг бозор ставкаларини сезиларли даражада ошиши натижасида юзага келиши мумкин.

3. Фоиз рискинни бошқариш усуллари: одатда банк амалиётида фоиз рискинни асосий бошқариш усуллари сифатида фоизли своплардан кенг фойдаланадилар, кичик банкларда эса кўпроқ кредит рискига лимитлар ўрнатиш услубидан фойдаланадилар.

4. Фоиз ставкаларини ўстирмаслик макомини белгилаш тартибининг жорий қилиш.

Тижорат банкларининг даромад олиш соҳаси фаолияти унинг фоиз сиёсати орқали амалга оширилади. Банк кредит бера туриб мижознинг фойда олиши учун шарт-шароит яратар экан, демак, ўзининг манфаатини ҳам амалга оширган бўлади. Банклар фоиз сиёсатини амалга оширишда омонатлар бўйича тўланадиган фоизни уларнинг ўзлари тақдим этадиган ссудалар учун оладиган ссуда фоизидан пастроқ қилиб белгилайди. Олинган ва тўланган фоизларнинг суммалари уртасидаги фарқ банкларнинг фойдасини ташкил этади.

Тижорат банклари ҳар бир аниқ келишувларида фоиз меъёрини ҳисоблаганда қуйидагилар эътиборга олинади:

- таъминланган ссудалар бўйича энг кредитга лаёқатли мижозлар учун аниқ муддатга бериладиган базавий фоиз ставкасининг даражасини;

- ҳар бир алоҳида келишувнинг шартларини инобатга олган ҳолда таваккалчилик учун қўшимча тўлов.

Фоиз ставкаси- жалб қилган маблағлар бўйича келишилган даромадлилик ставкасидир. Амалда маблағларни жалб қилиш турлари қанча кўп бўлса уларни фоиз ставкаси турлари ҳам ҳам шунча кўп бўлади. Мисол, қарз олувчи уй сотиб олиш мақсадида бериб турилган қарз пул учун мазкур заём бўйича фоиз ставкаси тўлайди, бу ўз навбатида қўйилган маблағ(накд, мулк ва бошқалар) бўйича фоиз ставкаси деб юритилади; а банкни фирмдан ушлаётган ставкаси эса тижорат кредити бўйича фоиз ставкаси дейилади.

Фоизларни ҳисоблашда тартиб бўйича дискрет(дискрет фоизлари) усулида; бунда ҳам ҳисоблаш даврлари ой, чорак ва йил сифатида қабул

килинади. Арим ҳоллар да ҳар кунлик ҳисоблаш қўлланилиб, (мисол, узоқ муддатли инвестицияларни анализ қилиш учун)мижозларга маъқул келиши учун айрим ҳоллар да фоизни ўзлуксиз ҳисоблаш усули қўлланилади.

Фоиз ставкани сон жиҳатдан молиявий таҳлил этишда нафақат қарз суммасини кўпайиш кууроли кўринишда, балки кенгрок маънода бевосита маблағларни бир эгасидан бошқасига оқиб ўтиш ва кўпайиш орқали тижорат ва молиявий фаолиятдан келадиган даромадлилик даражасини ўлчаш учун жорий этилади.

Фоиз ставкалар аввалги у ёки бу бошланғич суммасига ёки авалги давлар учун ҳисобланган фоиз суммасига ссудани мазкур муддатни барча давлари(оддий фоиз ставка)га қўлланилади. Шунга ўхшаш ҳисоб ставкалари ҳам қўлланилади. Мос ҳолда, асосий фоиз ставка 4 тури бир биридан тубдан фарқ қилади: оддий ва мураккаб фоиз ставкалари, оддий ва мураккаб ҳисоб ставкалари.

Амалиётда фиксирланган ставкадан ташқари *сўзиб юрувчи* ёки *ўзгарувчан* ставкалари мавжуд. Айрим ҳолатларда шартномаларда айрим базавий ставкалари(пул бозоридаги ставкани вақтлар бўйича ўзгаришидан, мисол учун Лондон банки томонидан ўрнатилган «ЛИБОР»ставкаси)га фиксирланган қўшимча даромад-маржа қўшилади. Шундай қилиб, умуман ставка қайсики, фоиз ҳисобланаётган ставка базани ўзгариши ҳисобига ўзгариб туради. Шартномалардаги маржани ҳажми вақтлар бўйича ўзгариши орқали кўрсатилиши мумкин.

Мавзуда келтирилган формулани қуйидаги белгилари қабул қилинган .
 i -ссудани барча муддати учун фоизлар.

K -йилни кунлардан иборат давомийлиги(вақтинчалик база)

P - ссудани аввалги суммаси.

S - ссудани қайтаришни охириги муддатидаги сумма.

i - фоиз ставка.

d - одди ҳисоб ставка.

p - ссудани йиллардан иборат давомилиги.

d - ссудани фойдаланган кунлар сони.

Молиявий активларни асосий формаларига қарзли мажбуриятнома, акция ва хосилавий қимматли қоғозлар киради. Қарзли мажбуриятномаларни муомалага пул билан шуғулланувчи давлат, корхона ва бошқа хужаликлар (уй-хужаликлар) чиқаради. Шундай қарзли мажбуриятномалар бозорида шундай давлат ва корпоратив облигациялари ва уй-жой ва тижоратли аванслар; шунингдек, истеъмол заёмларга ўхшаш активлар сотилади. Қарзли мажбуриятномалар фиксирланган даромадли инструментлар дейилиб, келгусида фиксирланган суммани тўлашга ваъда беради ёки қатъий белгиланган фоизли қимматли қоғозлар дейилади.

Қарзли мажбуриятномалар уни қайтариш муддатига қараб қуйидаги шаклларга бўлинади:

-қисқа муддатли қарзли мажбуриятномалар бозори-(қайтариш муддати 1 йилгача) пул бозори дейилади

-ўзоқ муддатли қарзли мажбуриятномалар ва акция бозори-(қайтариш муддати 1 йилдан юқори) капитал бозори дейилади

Пул бозорида давлат ёки ишончи бўлган хусусий сектор эгаси томонидан чиқарилган фоизли қимматли қоғозга ўхшаш афзалликка эга инструментлар (казначей векселлар, катта корхоналарни тижорат векселига ўхшаш векселлар) муомалада юради. Замонавий пул бозори интеграцияни глобллашуви ва ликвидлилик билан характерланади. Активларни ликвидлилик даражаси унинг пулини конвертация қилиш жараёнини тезлиги ва кам ҳаражат лилиги ҳамда оддийлигига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Қўшимча бўлиб эса тарафлар келишувининг предмети ҳисобланмиш қатъий белгиланган миқдор ҳисобланади ва ушбу миқдор кредит шартномаси муддати даврида одатда ўзгармайди. Ушбу қатъий белгиланган қўшимчанинг миқдори шартнома шартлари ва таваккалчилик даражасига боғлиқ бўлади.

Номинал фоиз ставкаси деганда эълон қилинган фоиз ставкаси тушунилади. Реал фоиз ставкаси деганда номинал фоиз ставкасини пулнинг қадрсизланиш даражасига мувофиқлаштирилган даражаси тушунилади. Фоизнинг номинал ставкаси (i) ва реал ставкаси (r) деб белгиланса:

$$r = i + x,$$

бу ерда, x – инфляциянинг кутилаётган даражаси.

Ривожланган давлатлар пул-кредит тизимида фоиз ставкаларнинг турли-туманлиги мавжуд. Фоиз ставкаларнинг биринчи даражаси – марказий банк томонидан тижорат банкига тақдим этиладиган кредитлар бўйича белгиланадиган расмий фоиз ставкасидир. Мазкур фоиз ставкаси ҳисоб юритиш ёки қайта молиялаштириш фоиз ставкаси деб аталади.

Фоиз ставкаларнинг навбатдаги даражаси кредит ресурсларининг банклараро бозоридаги таклиф ставкаларидан иборатдир. Етакчи банклар биринчи даражали банклар евравалюталарида ушбу банкларда депозит ҳисобварақларини очиш орқали кредитлашни таклиф ставкалари бўйича амалга оширади. Мисол сифатида ЛИБОР (LIBOR – London Inter Bank Offered Rate) Лондон банклараро таклиф ставкасини келтириш мумкин. Ушбу ставка расмий асосда белгиланмайди, балки ҳар бир тижорат банки мазкур ставкани ҳар бир иш кунининг биринчи ярми, яъни соат 11.00 ҳолатига пул-кредит бозорининг конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди. ЛИБОР ставкаси деганда ушбу банклар бўйича ўртача арифметик миқдор сифатида ҳисобланган ўртача ставка тушунилади.

$$FV = 1000 \text{ доллар} \times 1,10 = 1100 \text{ доллар}.$$

Агарда Сиз 1100 долларни ҳисоб рақамида яна бир йилга қолдирсангиз, унда иккинчи йил якунида пулингиз қанча бўлади? Иккинчи йил давомида Сиз 1100 долларли суммага йиллик 10% ҳажмида даромад оласиз ва ҳисобланган фоизларнинг суммаси $0,10 \times 1100 = 110$ долларга тенг бўлади. Демак иккинчи йилнинг охирига келиб Сиз 1210 долларнинг эгаси бўласиз.

Мураккаб фоизларнинг табиати тўғрисида аниқ бир тасаввурга эга бўлиш учун биз истикболдаги қийматни (1210 доллар) уч таркибий қисмга бўламиз. Биринчи қисм – бу дастлабки 1000 доллар. Иккинчи қисм бўлиб эса мазкур 1000 долларга биринчи йил учун 100 доллар ва иккинчи йил учун 100 доллар ҳажмида ҳисобланган фоизлар ҳисобланади. Омонатнинг асосий суммасига ҳисобланган фоизлар **оддий фоизлар** (simple interest) деб аталади

Энди, яна 10 доллар ҳажмидаги фоизлар мавжуд, улар иккинчи йили олинган бўлиб, биринчи йил учун фоизлар сифатида олинган 100 долларлик суммага ҳисобланган. Тўланган фоизларга ҳисобланган фоизлар **мураккаб фоизлар** (compound interest) деб аталади. Фоизларнинг умумий ҳисобланган суммаси (210 доллар) оддий фоизлар (200 доллар) ва мураккаб фоизлар (10 доллар)дан иборат.

$$FV = 1000 \text{ доллар} \times 1,1 \times 1,1 = 1000 \text{ доллар} \times 1,1^2 = 1210 \text{ доллар.}$$

Уч йилдан сўнг ушбу сумма

$$FV = 1000 \text{ доллар} \times 1,1 \times 1,1 \times 1,1 = 1000 \text{ доллар} \times 1,1^3 = 1331 \text{ доллар.}$$

11.2. Ссуда капиталлари бозори ва унинг сегментлари. Қисқа муддатли пул бозорида кредитлар баҳосининг шаклланиши.

Кредит ресурслари бозори бу – турли тўлов воситаларига талаб ва таклиф мавжуд бўлган бозорларнинг умумий белгиланишидир. Кредит битимлари қоидага кўра, пул қарз оладиган ва қарз берадиган кредит институтлари (банклар ва б.) ёки қимматли қоғозлар бозорида сотиладиган ва сотиб олинадиган турли қарз мажбуриятлари ҳаракати воситасида ифодаланади.

Демак, кредит ресурслари бозори корхоналар тасарруфига инвестициялар учун маблағлар тақдим этади ва айнан шу ерда иқтисодиётнинг пул маблағлари ортиқча бўлган секторларидан уларнинг етишмовчилиги ҳис этилаётган секторларга пул маблағлари кўчиб ўтиши рўй беради. Кредит бозорида корхоналар ўз инвестицияларини молиялаштириш учун пул қарз олади; баъзида корхоналар пулни қарз беради, лекин қоидага кўра, ишлаб чиқариш сектори беришдан кўра кўпроқ олади.

Шу сабабли айтиш мумкинки, кредит ресурслари бозорининг асосий вазифаларидан бири – аҳолининг жамғармалари ва бўш маблағларини воситачи шахсларга инвестицияга йўналтириш ҳисобланади.

Кредит бозорининг институционал структураси

Кредит бозорининг моҳияти унда қандай капитал: ўзининг ёки ўзгаларнинг капитали фойдаланилишига боғлиқ эмас, яъни банкир фақат ўз капитали ёрдамида иш олиб борадими ёки ундан депонентланган капитал ёрдамида – бунинг аҳамияти йўқ.

Кредит бозорининг ривожланиш қонуниятлари, фойдаланиш характери ва мазмуни ишлаб чиқаришнинг капиталистие усули ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан белгиланади. Ўз навбатида, ушбу бозорнинг моҳияти у давлат-монополистик капитализми замонавий механизмида бажарадиган муайян ролни белгилаб беради.

Кредит бозори ишлаб чиқариш ва товарайланмасининг ўсишига, мамлакат ичкарасида капитал ҳаракатига, пул жамғармаларининг капитал

қўйилмаларга айланишига, илмий-техника инқилобини амалга оширишга, асосий капитални янгилашга хизмат қилади. Бу маънода бозор турли ишлаб чиқариш босқичларини билвосита ифодалайди, у ердан қўшимча пул ресурсларини оладиган моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ўзига хос таянчини билвосита ифодалайди.

Банклар орасидаги ресурсларни жалб қилиш учун рақобатли курашда муҳим восита бўлиб турлича фоиз сиёсати ҳисобланади, чунки қўйилган маблағларга даромад олиш мижозларнинг қўйилма қўйишга ундовчи муҳим омил ҳисобланади. Депозит фоиз ставкалари даражасини ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳисоб ставкаси, пул бозори ҳолати ва ўзининг депозит сиёсатидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгилайди. Депозит счетларининг алоҳида кўринишлари бўйича даромад ҳажми қўйилма муддати, суммаси, ҳисобварағини амал қилиш хусусияти, хизматлар ҳажми ва характери ва, ниҳоят, мижознинг қўйилма шартномаси шартларига амал қилишига боғлиқ.

Талаб қилингунгача бўлган депозитлар бўйича ҳисобварақалари эгалари томонидан жорий операцияларни амалга ошириш учун ишлатилади ва улар қолдиқнинг номунтазамлиги билан характерланади. Шунинг учун бундай счетлар гуруҳи даромадлиқ даражаси билан ажралиб туради. Юридик шахсларга очилган талаб қилингунча ҳисобварақаларидаги маблағлар қолдиғи бўйича фоизлар умуман тўланмаслиги мумкин. Бундай фойда, одатда, мижозларни ҳисоб касса хизматлари учун тўлов маблағларини талаб қилингунча ҳисобварақаларда маблағларни минималлаштириш ва ортиқча суммаларни қўйилмаларнинг даромадлироқ шаклларига жойлаштиришга ундайди.

Жисмоний шахслар учун очилган талаб қилингунча варақалар бўйича фоизлар деярли мажбурий тартибда ўрнатилади, аммо у бўйича даромад ҳамиша муддатли қўйилмаларга қараганда пастроқ бўлади. Муддатли қўйилмалар бўйича фоиз ставкаси ҳажмини ўрнатишдаги муҳим омил бўлиб, маблағлар жойлаштирилган муддат ҳисобланади.

Марказий банк эмиссия маркази сифатида макроиктисодий даражадаги пул айланиши ҳамда банк тизимининг ликвидлилиги нуқтаи назаридан тижорат банкларининг улар томонидан жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш имкониятларини доимий равишда тартибга солиб туради.

Назарий жиҳатдан замонавий банк тизимида нақд пулсиз айланишларнинг ривожаланиши натижасида дастлабки шакллантирилган депозитларни (дастлабки ёки реал депозитлар Марказий банк томонидан чиқарилган нақд пуллар асосида шаклланганликни тақозо қилади) чекланмаган тарзда бир банкдан иккинчи банкка ўтказиш, шу билан бирга, тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларни чексиз ошириш имконияти мавжуд. Хорижий назарияда бу жараён депозит мультипликацияси (яъни маблағларнинг бир банкдан бошқасига занжирсимон шаклда ўтказилиши) ва кредит экспанцияси деб ном олган.

Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий захира талаблари банк тизимида депозит ва кредитларни оширишнинг бевосита чекловчиси бўлиб хизмат қилади.

11.3. Капитал бозорида ўрта ва ўзоқ муддатли кредитлар баҳосининг шаклланиши.

Кредит бозорининг функциялари унинг моҳияти ва капиталистик хўжаликда бажарадиган роли, шунингдек, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини такрор ишлаб чиқариш бўйича вазифалар билан белгиланади.

Кредит бозорининг бешта асосий функциясини ажратиб кўрсатиш лозим:

- кредит орқали товар муомаласига хизмат кўрсатиш;
- корхоналар, аҳоли, давлат, шунингдек, хорижий мижозларнинг пул жамғармаларини жамғариш ва тўплаш;
- пул фондларини бевосита ссуда капиталига айлантириш ва ундан ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш учун капитал қўйилмалар кўринишида фойдаланиш;
- давлат ва истеъмол харажатларини қоплаш учун капитал манбалари сифатида давлат ва аҳолига хизмат кўрсатиш;
- капитал марказлашувини жадаллаштириш, кучли молия-саноат гуруҳлари шаклланишига кўмаклашиш.

Кредит бозорининг айтиб ўтилган функциялари ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулини қўллаб-қувватлаш, давлат-монополистик капитализми иқтисодий тизимининг фаолиятини таъминлашга йўналтирилади.

Пул капитали жамғарилиши ва ҳаракатини акс эттирар экан, кредит бозори унинг пул шаклидаги қиймати ҳаракати, кредит ресурслари ва қимматли қоғозлар кўринишида турли пул фондлари ҳосил бўлиши ва фойдаланилиши билан уйғунликда боғланган бўлади. Бозор воситасида капиталистик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таъсирига сарфланадиган пул фондлари ҳаракати, ҳажми ва йўналишини аниқлаш ва ўлчаш мумкин.

Кимошди савдолари турли усуллар билан: америкача ва голландча тизим, шунингдек, қатъий белгиланган фоиз ставкаси билан ўтказилиши мумкин. Кимошди савдоси ўтказишнинг америкача усулида талабнома банклар томонидан таклиф этиладиган фоиз ставкалари бўйича қондирлиади. Россия Федерациясида банк талабномаларида таклиф этилаётган фоиз ставкаси Марказий банк томонидан таклиф этилган минимал ставкадан паст бўлиши мумкин эмас. Бунда фоиз ставкаси минимал ставкага тенг бўлган талабнома сотилмаган кредитлар қолдиғига пропорционал равишда қондирилади. Голландча усулда барча талабномалар қондирилган талабномалар рўйхатига (отсечение??? ставкаси бўйича) киритиладиган охирги фоиз ставкаси бўйича қондирилади. Қатъий белгиланган фоиз ставкали кимошди савдосида барча талабномалар қондирилади. Бироқ, бундай ставкада талабномалар умумий миқдори кимошди савдосига таклиф

этилган кредит ҳажмидан ошиб кетганида талабномалар қисман кондирилади. Қондирилган талабномалар даражаси кимошди савдоси кредити умумий ҳажмининг талабномалар миқдорига нисбатига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 1996 йил 20 апрелдаги 41-сонли Кредит ресурслари кимошди савдосини ўтказиш Тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида (ЎзРВБ) молиявий воситаларни сўмда ва хорижий валютада жойлаштириш бўйича кимошди савдолари ўтказиш тартиби белгиланган.

Кимошди савдоларида қуйидаги турда операциялар амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (бундан кейин - Марказий банк) кредитларини кимошди савдосида жойлаштириш;
- депозит омонатларини кимошди савдосида жойлаштириш;
- банклараро кредитларни кимошди савдосида жойлаштириш.

Кредит ресурслари кимошди савдосини амалга оширишдан асосий мақсад ички молия бозорини соғломлаштириш ва мустаҳкамлаш ҳисобланади.

11.4.Кредитнинг баҳосига таъсир қилувчи омиллар.

Банкнинг фоиз сиёсати кредит сиёсатининг асосий бўлими ҳисобланади. Бу сиёсат турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган қуйидаги 3 омилларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси;
2. кредит ресурслари (ўз ва жалб қилинган маблағлари) манбалари;
3. кредитлаш, қарздорлар турлари ва йўналишлари

Кредитларни баҳосига қуйидаги омиллар таъсир этади.

Банк томонидан берилган кредитларнинг иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида жойлаштирилганлик ҳолати.

• Ушбу йўналишнинг аҳамияти шундаки, тижорат банклари кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезонларидан бири кредитларни миқдорларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлаштирилганлиги ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, ушбу йўналиш кредит сиёсатининг самарадорлигини белгилашда ҳисобга олинadиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

II. Тижорат банки томонидан берилаётган қисқа ва ўзоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати.

Тижорат банклари фаолиятининг мазмунига кўра, аввалло, қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади. Улар хўжалик субъектларининг айлانма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди. Кўпчилик ривожланаётган давлатларда инфляция даражасининг нисбатан юқори ва нобарқарор эканлиги тижорат банкларининг кредит портфелида қисқа муддатли кредитларнинг салмоғининг янада ошишига сабаб бўлади.

Инфляция даражаси нисбатан юқори бўлмаган ва барқарор бўлган шароитда ўзоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш тижорат банки даромад базасини мустаҳкамлашнинг синалган усулларида бири ҳисобланади.

- *III. Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши.*

Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда банк амалиётида, хусусан, Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида муддати ўтган кредитлар жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори 5 фоизни ташкил қилади.

- *IV. Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш.*

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи омилларидан бири кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги юқори ва барқарор даражасини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун банклар ялпи даромадининг асосий қисмини кредитлаш фаолиятидан олишлари лозим.

- *V. Кредитлаш шаклларида фойдаланиш даражаси.*

Кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзида фойдаланиш кредит сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредитлаш шакллари банкнинг кредитлаш имкониятини оширишга бевосита таъсир қилади.

Ҳозирги вақтда, республикада банк амалиётида кредитлашнинг асосан икки шаклдан фойдаланилмоқда. Бўлар мижозни алоҳида ссуда ҳисобрақамидан кредит линияси очмасдан туриб кредитлаш шакли ва факторинг шаклидир.

Республикада тижорат банклари томонидан кредитлашнинг овердрафт, контокоррент, кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш, форфейтинг шаклларида фойдаланилмаётганлиги уларнинг кредит сиёсатининг самарадорлигига салбий таъсир қилади.

- *VI. Фоизларни ўстирмаслик мақомига эга бўлган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар миқдорининг ўзгариши.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги “Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида”ги Низомга кўра, банклар қуйидаги ҳолларда кредитларга фоиз ҳисоблашни тўхтатадилар:

- а) Бир йилгача муддатга берилган кредитлар учун кредитнинг асосий суммасини ва фоизларни тўлаш 90 кун ва ундан ортиқ муддатга

кечиктирилган ҳолда, яхши таъминланган ва тиклаш жараёнидаги кредитлар бундан мустасно;

- б) Бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар учун кредитнинг асосий суммасини ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш 90 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда, яхши таъминланган ва тиклаш жараёнидаги кредитлар бундан мустасно;

- в) Берилган кредитнинг асосий суммаси ёки унга ҳисобланган фоизларни қайтарилиш муддати неча кунга кечиктирилганлигидан қатъий назар банкларда шубҳа уйғотган ҳолда.

Фоиз ҳисоблаш тўхтатилган кундан бошлаб ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақамидан чегириб ташланиши лозим. Бунда тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақами дебетланади, 16309-“Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар” ҳисобрақами кредитланади.

- VII. *Банкларнинг кредитлаш фаолиятида гаров объектларидан фойдаланиш самарадорлиги.*

Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида кредитларни гаров асосида бериш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, гаров объектларидан унумли фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор гаров объектларини сотиш эвазига кредитларнинг асосий қарз суммаси ва уларга ҳисобланган фоизларни ундиришга қаратилади.

VIII. *Тижорат банкларининг етарли даражада барқарор ресурс манбаларига эга эканлиги.*

Тижорат банкларининг самарали кредит сиёсатини амалга ошириш имконияти бевосита уларни етарли даражада кредит ресурслари билан таъминланганлигига боғлиқ.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини тўзишда ҳар бир тижорат банки мустақил бўлиб, улар кредит сиёсатининг моҳияти, мақсади ва таркибини такомиллаштириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш учун авваламбор, банкларнинг кредит сиёсатини турли ишлаб чиқишга эътибор бериш зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялар туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатини оқилона танлаш ва ўтказишни тақазо қилади.

11.5. Марказий банкнинг ҳисоб (дисконт) ставкаси. Марказий банкнинг ломбард ставкаси.

Марказий банкнинг ҳисоб (дисконт) сиёсатининг моҳияти шундаки, у тижорат банклардан векселларни сотиб олади. Айтайлик мол сотиб олувчи корхонанинг етказиб берилган мол (товар ва хизматлар ва х.к)нинг қактини тўлаш учун маблағи етарли бўлмаса, у товар учун туловни маълум вавк

5тгандан кейин амалга ошириши тугрисида вексель беротпи мумкин. Мол сотувчи корхонага пул маблағлари зарур бўлган вақтда у векселни тижорат банкига сотиши мумкин. Тижорат банки векселни сотиб олганда унда кўрсатилган суммадан кам суммага (маълум фоиз ушлаб уолган холда) сотиб олади. Зарур бўлганда тижорат банки векселни Марказий банкда ҳисобга қўйиши мумкин. Бу холда Марказий банк ҳам ўз фойдасига маълум фоиз - ҳисоб ставкасини ушлаб қолиши мумкин. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси алоҳида олинган давлатларда зкар хил - 5% дан 15 % гача бўлиши мумкин. Тижорат банклари векселларни сотиб олишда Марказий оанкнинг ҳисоб ставкасига таянадилар. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси тижорат бавклари ўрнатадиган ҳисоб ставканинг энг паст чегараси ҳисобланади. Одатда тижорат банкларининг ҳисоб ставкаси марказий банкнинг ҳисоб ставкасидан юкори (0,5дан - 2%гача) бўлади.

Тижорат банкларининг қайтамолиялаштириш сиёсати -бу тўғридан-тўғри кредитлаш, векселларни ҳисобга олиш, кимматбаҳо вргозларни гаровга олган холда кредитлар бериш ва кредит аукционларни утказиш йули билан амалга оширилади. Бундан келиб чиккан холда марказий банкнинг қайтамолиялаштириш операцияси қуйидаги усулларда олиб борилиши мумкин:

- тижорат банкларининг ихтиёридаги векселларни ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш,

- тижорат банклари ихтиёридаги кимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлар бериш. Бундай кредитлар ломбард кредитлар дейилади.

Ўзбекистон республикасида Марказий банк ўрнатилган қоидаларга асосан, қуйидаги активларни гаровга олган холда 3 ойгача бўлган муддатда кредитлар бериши мумкин:

- олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар,

- давлатнинг қарз мажбуриятлари ва давлат томонидан қафолатланган. бошқа қарз воситалари,

- Марказий банкда депозитга ўтказилган ва унинг депозитарийси учун макбўл бўлган, харид қилиниши ва сотилтишига рухсат берилган ва Марказий банк улар билан ушбу қонун доирасида бошқа хил операциялар ўтказиши мумкин бўлган активлар,

- тўланишига банклар қафолат берган тижорат векселлари асосида кредитлар берилиши мумкин.

Ломбард кредитини бериш, қайтариш ва улардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш тартиби умумий асосларда амалга оширилади ва у алоҳида қарз ҳисобварағи бўйича кредит тартибига ўхшашдир.

Асосий фаолият билан боғлиқ товар моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш мақсадида тўзилган пул ҳисоб - китоб ҳужжатлари пулини тўлаш учун қабул қилинади. Қарз олувчи банкка гаровга қўйган қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадларга фоизлар қўшилмайди.

Қимматли қоғозларни гаровга олиб кредит шартномаси тузилгандан кейин банк қимматли қоғозлар эмитентига унинг қимматли қоғозларини гаровга қўйиш битими тўзилганлигини ҳамда қимматли қоғозлар бўйича даромадлар киритилиши лозим бўлган депозит ҳисобварағи номерини маълум қилади. Ломбард кредити бериладиган ҳолларда гаровга қўйилган қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар қарз олувчининг муддатсиз депозит ҳисобварағига қўйилади (депозит шартномасини расмийлаштирмасдан) ва, биринчи навбатда, уларни сақлаш харажатларини қоплашга, шунингдек, кредитдан фойдаланиш учун фоизларни тўлашга йўналтирилади.

Кредит жараёнида банк гаровга қўйилган қимматли қоғозлар котировкаси биржа курсидаги ўзгаришлар тўғрисида телекс, компьютер алоқаси ва алоқанинг бошқа турлари ёрдамида ахборот тўплаб борилади.

Кредит давомида фонд биржасида ўтказилган савдо натижаларига кўра, гаровга қўйилган қимматли қоғозлар қиймати пасайган бўлса, у ҳолда кредит кўмитасининг қарорига мувофиқ қарз олувчига шу суммада қўшимча таъминот бериш талаби билдирилиши ёки кредит миқдори қайтарилади.

Товар (мол) гарови остидаги ломбард кредити. Ломбард кредити учун гаров кўринишида фақатгина нисбатан баҳоли товарлар, қайсики уларнинг савдоси биржада юритилиши, товар партиясини миқдори ва сифатини белгилаш билан бир вақтда баҳосини ҳам аниқлаш имконини бериши шартидир.

Қимматбаҳо металл гарови остидаги кредит. Бу ломбард кредитининг эски усулларида бўлиб, ҳозирда у жуда кам ишлатилади. Гаровни баҳолашдаги қиймати бу асосан олтин тангалар, слиткалар, кумуш, платина ва бошқалар қарийб 95% фоиз қимматбаҳо металл нархига мос келади.

Ломбард кредити - кредитлашнинг бу усули асосан ликвид мол мулк ҳисобланган тилло тақинчоқлар гаров асосида кредит беришга асосланади. Бу кредит кредит муассаси учун деярли риск даражаси паст ҳисобланади. Чунки тилло буюмлар эскитдан юқориликвидли товар сифатида тарихга эга. Биз кредитлашнинг бу усули орқали пул маблағларига мухтож бўлган ишлаб чиқариш ва савдо мажмуаларини молиявий қўллаб қувватланиб борилади.

Шу тарзда Марказий банклар бозорларнинг ўртача фоиз ставкаларини белгилайди. Бу мазкур шароитда барча бозорлар хусусан кредит ва капитал бозорлари учун базавий фоиз ставкалари қабул қилинади.

Банк кредит сиёсати банк ресурслари, уларнинг жойлаштирилиши билан чамбарчас боғлиқ. Банк ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар, жумладан юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитларидан ташкил топади. Шунингдек, ҳозирги кунда жалб қилинган ресурслар ичида банклараро кредит ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Депозитлар бўйича белгиланган фоиз ставкалари, ҳамда бошқа банкдан олинган кредит учун фоиз ставкалари банк томонидан бериладиган кредитнинг фоиз ставкалари билан боғлиқ бўлади. Кредит сиёсатининг аниқ ва мукамал тайёрланиш ва изохланиш ҳар бир банк учун кредитлаш жараёнини ижобий ташкил этиш учун асос бўлади. Банк томонидан тўпланган ресурсларни тўғри ва оқилона

жойлаштириш банкнинг кредит сиёсатининг сифатига боғлиқ бўлади. Кредит сиёсати сифатига ва ҳолатига қараб банк жалб қилган ресурсларини тўғри жойлаштириш ва олдиндан кўзланган даромад олиш имконияти яратилади

12-МАВЗУ. БАНКЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА БАНК ТИЗИМИ

12.1. Банкларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган тарихий шарт-шароитлар.

12.2. Банкларнинг турлари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Банк тизими ва унинг элементлари.

12.3. Пул ва кредит хўжаликларининг барқарор шакллари юзага келиши. Марказий банкларнинг юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитлари.

12.1. Банкларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган тарихий шарт-шароитлар.

Банклар пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иқтисодий тўзумларда банкларнинг ҳам бўлишини такозо килади.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқда давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган корхоналарга ссудалар беришган. Бу пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Банк сўзи италянча “banca” сўзидан олинган бўлиб “стол”, банкнота “пуллик стол” деган маънони англатади. Урта асрларда италиялик пулдорлар ҳамёнларидаги, идишлардаги монеталарни стол устида куйиб ҳисоб-китоб қилганлар.

XII асрларда Генуяда пул алмаштирувчиларни “bancherii” деб аташган. Агар пулдорлардан бирортаси ишончни окламаса ва ишига маъсулиятсизлик қилса, у утирган стол синдириб ташланган ва уни “Banco rotto”, яъни банкрот деб аташган. Яъни, бизга маълум бўлган “банкрот” сўзи ҳам “banca” сўзидан олинган.

Банклар пайдо бўлишининг бошлангич нуктаси бўлиб XVI асрда Флоренция ва Венецияда ташкил қилинган кичик жиробанклар ҳисобланади.

Бу банклар асосан ўз миждозлари-савдогарларга хизмат қилган, улар уртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб борган. Бу банклар ўз миждозларини монеталар таркиби бузулишидан зарар кўришдан ҳимоя қилишган. Улар зҳисобларни маълум суммадаги Кимматбаҳо металлни ифодаловчи махсус пул бирлигида олиб боришган ўзларининг бўш пул маблағлариний жиробанклар давлатга қарзга, шаҳарларга, чет эл савдогарларига ссуда берган. Англия банк тизими (XVI аср) юзага келган ва ривожланган биринчи давлат ҳисобланади. Англия банкирлари олтин

(олтинни сақлаб бериш) билан шуғулланувчилар (масалан, биз Лондонда банк ишини илк бор ривожлантирган Чайльд номли пулдорни айтиш мумкин) ва савдогарлардан келиб чиққан.

Қадимги Грецияда пул алмаштирувчи одамларни “*трапезида*” (грекча-стол), Қадимги римда “*менсарилар*” (лотинча-стол) деб аташган.

Дастлабки банклар валюта айирбошлаш операцияларидан ташқари, одамларнинг пул бойликларини сақлаш ва омонатчиларга ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш билан ҳам шуғулланганлар. Кейинчалик банкирлар шу нарсани тушиндики, банкда ҳаракасиз ётган пулларни маълум фоиз эвазига бериб даромад олиш мумкин. Шу тариқа банкларнинг кредит операциялари пайдо бўлган.

Банкларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва талабларнинг ошиши, савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хужалик муносабатларининг тугаши савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёлланма меҳнатни жалб қилишга олиб келган. Ёлланма меҳнат учун ҳақнинг пул шаклида тўланиши, доимий пул айланишини юзага келтирди. Пул айланишини эса банк томонидан бошқариш зарур эди. Шундай қилиб, банклар фаолият кўрсата бошлади ва улар маблағларни йиғиш ва тақсимлаш орқали ссуда капитали ҳаракатини бошқара бошлади. Ссуда капиталистидан фарқли ўлароқ банкир тадбиркор сифатида иш олиб борган.

Агар саноат соҳасидаги пулдор ўз капиталини саноатга, савдогар ўз маблағини савдога қўйса, банкир ўз капиталини банк ишига қўяди. Ссуда капиталисти асосан ўзининг бўш капиталини қарзга берса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларга таянади. Ссудага маблағ берувчи пулдорнинг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даромади банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона, таш-килот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пулларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклашуви ва улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг махсус корхоналар – кредит муассасаларига айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хўжалиги мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йўналтирилган фоиз ва жойлаштирган ресурслар бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

Банклар фаолияти ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- Давлат ва аҳоли томонидан банкларга бўлган ишончнинг ортиши уларнинг ихтиёридаги вақтинча бўш пул маблағларни банкка жалб қилиш имконини беради. Кейинчалик ишлаб чиқарувчи кохоналар ҳам ўз пул маблағларини депозит сифатида банкларга жойлаштира бошлади

•XVI асрда Америкадан Европага жуда катта миқдорда олтин ва кумушнинг кириб келиши Италия ва Голландия банкларининг монополиясига барҳам берди. Натижада Европада банклараро рақобат шаклланди.

•Банклар фаолияти ривожланиб бориши билан улар эндигона қимматли қоғозлар бзорида пайдо бўлган. Шу тариқа банкларнинг янги операциялари пайдо бўлди.

•Банклар ўзининг специфик яъни “ўзига хос” хусусиятига кўра миллий тўлов тизимининг таянчига айлантирилди. Энди иқтисодиётдаги барча тўловлар банклар орқали ўтадиган бўлди. Бу банкларнинг иқтисодиётдаги мавқеини кескин оширди.

Биринчи Марказий банк 1650-йилда Швецитанинг *Рикс банки*;
1694-йилда Англия Марказий банки;
1800-йилда Франция Марказий бани;
1893-йилда Италия Марказий банки ;
1913-йилда АҚШ федерал захира тизими ташкил этилди.

12.2. Банкларнинг турлари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Банк тизими ва унинг элементлари.

Кредит тизими деб кредит муносабатлар мажмуаси ва кредит муносабатларни ташкил қилувчи ва амалга оширувчи кредит институтлар йигиндисига айтилади. Кредит тизими орқали ҳукукий ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш маблағлари йиғилади ва корхона, ташкилотларга, давлатга вақтинча фойдаланишга берилади. Кредит тизими бир неча бўғинлардан иборат бўлиши мумкин. Маблатларни жалб қилиши ва тақсимланишига қараб кредит тизими бўғинлари ўз хусусиятларига эга қилади. Жаҳон амалиётида кредит тизими ўзининг ташкил қилиниш турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

- Марказий банк
- Тижорат банклар
- махсус-кредит институтлар

Бозор иқтисодиёти шароитида икки поғонали кредит банк тизими кўп мамлакатлар иқтисодининг асоси ҳисобланади. Бу Марказий банк, банк институтлари ва нобанк кредит муассасаларидир.

Банк институтларига қуйидаги банклар қиради:

- тижорат банклар;
- инвестиция банклари;
- жамғармалар жалб қилувчи банклар (Ўзбекистонда Халқ банки);
- ипотека банки;
- савдо банклари;
- ташқи иқтисодий алоқалар бўйича банклар;
- тармоқлар бўйича ихтисослашган банклар ва бошқалар.

Нобанк кредит ташкилотларга:

- инвестиция компаниялари;
- суғурта компаниялари;

– нафақа ва бошқа фондлар киради.

Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан банк - тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва ҳукукий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, туловлилик, муддатлилик, қайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради.

Банклар - товар-пул хужалигининг ажралмас атрибутидир. Тарихан булар ёнма-ён ривожланиб келдилар. Шунинг учун қийматнинг пул шаклининг муомаласининг бошланиши банк ишининг бошланиши деб ҳисоблаш, ҳамда банк фаолиятининг ривожланишидаги етуқлиги доимо иқтисодиётдаги товар-пул алоқаларининг ривожланиш даражасига мос келган.

Банклар-молиявий бозорнинг ташкилий тузилишининг бир қисми бўлган кредит ташкилоти бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини жамғириш, йиғиш, жамланган (аккумуляция қилинган) маблағларни ўз номидан қайтариб беришлилик, муддатлилик асосида бериш ҳамда мижозларнинг топшириғига кўра, туловларни амалга ошириш вазифаларини амалга оширадilar.

Бу «банкнинг илк» белгилари бўлиб, улар аслида тарихан банкларнинг шаклланишидаги 3 асосий йўналишни ўзида акс эттиради. Маълум бир шартлар асосида ушбу йўналишларга черковларнинг ўзларига топширилган пул маблағларини сақлаб беришни таъминлаш фаолиятини, судхурлик кредитларини, кейинчалик уларнинг тижорат кредитига айланишини, алмаштирув (меняли) «столларининг» идораларининг «хисоб-китоб» ва валюта билан фаолиятларини мумкин. Ҳақиқатда эса охириги йўналиш бу ташкилотларга ном бериш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Банклар маълум белгиларига қараб қуйидаги турларга бўлинади.

- мулк шаклига қараб: акционер, ноакционер, кооператив, коммунал, давлат, аралаш, халқаро банкларга бўлинади;
- кредит берувчи банкларга;
- миллий мавқеи бўйича: миллий ва хорижий банкларга;
- фаолият кўрсатиши ва бажарадиган функцияларига қараб: депозит, универсал, ихтисослашган банкларга бўлинади.

Акционер банклар акционер компаниялар сифатида юзага келган банклар бўлиб акциялар чиқариш ҳисобидан улар капиталининг асосий қисми юзага келтирилади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимининг асосий қисмини акционер банклар ташкил қилади.

Ноакционер банклар пайчилар маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар бўлиб, улар бир ёки бир неча шахс ихтиёрида бўлиши мумкин.

Маида ишлаб чиқарувчилар, хунармандларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кооператив банклар ташкил қилинади. Бу банкларнинг маблағлари иштирокчиларнинг маблағлари ҳисобидан вужудга келтирилади ва мижозларга уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун енгил шароитда кредит берилади. Коммунал банклар ихтисослашган кредит ташкилотлар

бўлиб, коммунал хужалик ва уй-жой қурилишини кредитлаш ва молиялаштириш билан шуғулланади.

Давлат банклари давлат ихтиёрида бўлган кредит муассаса бўлиб, ўзининг биринчи куртаклари кадимий Римда, Египетда, кейинчилик XVI-XVII асрларда Европада вужудга келган.

Ихтисослаштирилган банкларнинг турдаги сифатида инвестиция, жамғарма, ривожланиш ва тараққиёт банкларини келтириш мумкин. Кредит тизимининг яна бир қисми нобанк кредит муассасалари бўлиб, давлат ва корхоналарни молияштириши, узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади.

12.3. Пул ва кредит хўжаликларининг барқарор шакллариининг юзага келиши. Марказий банкларнинг юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитлари.

Кредит молия-тизимининг барқарорлигининг таъминлаш, унинг алохида бўғинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси хисобланади. Марказий банкнинг яна бир асосий вазифаларидан кредит органларини (тизимини) фаолиятини тартибга солиш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Узоқ йиллар мобайнида тижорат банклари ва эмиссион банкларининг бажарадиган функциялари кўшилиб кетди. Булар қаторига банкнотларни эмиссия қилишнинг марказлашуви бир қўлда ёки бир неча банкларнинг қўлида яъни давлатнинг махсус қонуний далолатномалари билан қўллаб-қувватладиган банклар қўлида ушлаб туриши, кейинчалик эса улар орасидан йирикларини ажратиб сўнг эмиссия чиқариш ҳуқуқини берилишини, ёки алохида марказий эмиссион банклар деб номланувчи банкларнинг пайдо бўлиш жараёнларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Замонавий икки погонали банк тизими кўп сонли тижорат банклари ва ягона Марказий банкга асосланган банк тизими шу йўл билан вужудга келди. Одатда Марказий банк - бу давлат балки, масалан, Англия банки, Франция банки, Бундес банк, Япония банки, Швецария миллий банки, Финляндия банки ва ҳақозо ягона банклардан ташкил топади. Бирок АКШ Марказий банк 12 ҳудудий Федерал банклардан, яъни федерал захира тизими (ФРС) бошқарув кенгаш томонидан бошқариладиган бўлимлардан иборатдир.

Марказий банк капиталига бўлган мулк шаклига кўра улар Давлат (капитал давлатга тегишли) акционер ва аралаш капиталли турларига бўлинади.

Баъзи Марказий банклар Давлат банклари кўринишларида шаклланадилар. Уларга Немис Федерал Банки (Германия Бундес банки). 1957 йилда Рехс банкнинг давомчиси (1975 йилда пайдо бўлган) сифатида шаклланди. Баъзи Марказий банклар- олдин хусусий банк масалан, Англия банки (1694), Франция банклари (1800й.) сифатида кейинчалик эса миллийлаштирилиб давлат банкига айлантирилган.

Акционер туридаги Марказий банк каторига АКШ ФРТ (Федерал Резерв тизими) киритиш мумкин. ФРС 1913 йилдаги Федерал Резерв асосида пайдо бўлган аралаш турдаги Марказий банклар жумласига капиталида давлат, акционер ва хусусий ва капитал иштирок этган банклар киради. Бу гуруҳлар каторига кирувчи Япония банклар (1882й.) мисол қилиниб келтирилиши мумкин. Конун буйича 1942йилда 55% устав капитали давлатга тегишлидир. Деярли барча мамлакатларда Марказий банк ҳуқуқий меъёрларини тартибга солувчи, аниқловчи (белгиловчи) қонунлар мавжуддир. Турли мамлакатларда Марказий банкларга турли функцияларни белгилаб берилиши мумкин. Лекин Марказий банк доимо Давлат ва банк белгиларини ўзида мужассамлаштирилган ўзида Давлатнинг тартибга солувчи органи бўлиб қолади.

Мамлакатнинг Марказий Банки - шу давлат банк тизимининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Марказий банк- биринчи уринда давлат ва иқтисодиёт ўртасида воситачи бўлиб хизмат килади. Аммо Марказий банк ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймайди.

Марказий банкларнинг пайдо бўлиши қуйидаги сабаблар билан белгиланади:

1. Нақд пулларни эмиссия қилишнинг битта марказда тўпланишининг зарурлиги

2. Тижорат банкларининг инқироз пайтида нақд пул эмиссияси бўйича мажбуриятларини тامينлай олмасди. Бунга мисол қилиб , 1907-йилда АКШдаги инқирозни айтиш мумкин.

3. Давлатни молиявий танг, оғир аҳволдан қутқариш. Англия Марказий банкининг монарх Карл III ни давлат молия мажбуриятларини бажариш учун ташкил этилган.

4. Хусусий тижорат банкларининг ўзи ҳам пул эмиссия қилишдан беғиз қилишди. (*Сенвораж*-нақд пул эмиссиясидан олинадиган даромад)

Лекин, умуман олганда Марказий банклар томонидан бажариладиган операциялар қуйидаги турт гуруҳга (турга) бўлинади:

1. Банкнотларнинг монопол эмиссиясини амалга ошириш;

2. Марказий банк- банклар банки ҳисобланади;

3. Марказий банк- ҳукумат банкири ҳисобланади;

4. Марказий банк пул- кредитни тартибга солади ва банк назоратини амалга оширади.

Марказий банкларга давлат вакили сифатида қонуний тарзда банкнотларни монопол равишда эмиссия қилиш бириктирилган, яъни умуммиллий кредит пулларини босиб чиқариш юклатилган. Таъкидлаш керакки, саноати ривожланган мамлакатларда банкноталар пул массасининг сезиларсиз қисмини ташкил этади, шунинг учун Марказий банкнинг монопол эмиссия функцияси бирмунча пасайтирилган. Бироқ, банкноталарни чиқариш функцияси мамлакатдаги пул захираларини ташкил қилувчи, чакана пул муомаласини нақд банкноталар билан таъминлаш ва кредит тизимини ликвидлилигини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Бу функциялар нақд пул муомаласи улуши сезиларли бўлган мамлакатларда катта аҳамиятга эгадир.

Марказий банк бевосита тадбиркорлар ва аҳоли билан ҳеч қандай фаолият олиб бормайди. Унинг асосий мижозлари бўлиб тижорат банклари ҳисобланади. Тижорат банклари иқтисодиёт ва Марказий банк орасида (ўртасида) воситачи сифатида фаолият кўрсатадилар. Марказий банклар банки сифатида тижорат банкларининг захираларини сақлайди, жумладан, мажбурий захира талаблари шаклидаги пул маблағларини сақлайди, уларнинг кредиторлари сифатида иштирок этади, тижорат банкларининг Марказий банкда очадиган ҳисоб варақлари орқали (Ўзбекистон Республикаси- ҳисоб-касса маркази) мамлакат миқёсида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадилар; банклар ва бошқа кредит институтлари устидан назоратни олиб борадилар.

Капиталидаги мулк шаклидан қатъий назар Марказий банк давлат билан ўзвий боғлиқдир. Ҳукумат банкири сифатида- Марказий банк ҳукумат ғазиначиси ўрнида ва кредитори сифатида, вакили (агенти), Молиявий маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради.(иштирок этади). Бу ўринда Марказий банк ҳукумат ташкилотларининг ва корхоналарнинг ҳисоб рақамларини юритади, солиқларни ва бошқа тушумларни йиғади, тўловларни амалга оширади. Марказий банк, қоидага биноан, давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширади. Давлатга солиқлар ва заёмлардан (облигациялардан) тушган даромадлар ҳукумат харажатларини қопловчи Марказий банкдаги казначейликликнинг фойсиз рақамига ўтказилади. (Молия вазирлиги).

Ҳукуматнинг кредитори сифатида, Марказий банк давлат заёмларини янгиларини муомалага чиқариш, жойлаштириш, ўзининг портфелини тўлдириш учун давлат қоғозларини сотиб олиш, давлатга (ҳукуматга) тугри газна кредитларини бериш билан шугулланади.

Давлат бюджетининг дефицити шароитида кўпгина мамлакатларда Марказий банкнинг ҳукуматни кредитлаш ва давлат қарзини бошқариш функциялари кучаяди. Марказий банк давлат қарзини бошқариш учун усуллардан фойдаланади. Масалан, давлат мажбуриятларининг курсларига таъсир кўрсатиш мақсадида уларни сотади ва сотиб олади, сотиш шартларини ўзгартиради, турли йўллар билан хусусий инвесторлар учун уларни жозибadorлигини оширади.

Давлатнинг вакили (агенти) функциясида, Марказий банк мамлакатнинг олтин-валюта захираларидан фойдаланади, миллий пул бирлиги курсини ушлаб туриш учун валюта бозорларида валюта интервенцияси каби воситалардан фойдаланади. Марказий банк халқаро валюта-кредит ташкилотларда ўз мамлакати номидан қатнашади.

Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва кичик бизнес вакилларига кенг имкониятлар ҳамда шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси бир қатор қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинди.

2012 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-339-сонли, 2015 йил 20 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». ЎРҚ-391-сонли конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли, 2015 йил 24 апрелда “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли, 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2164-сонли қарорлари қабул қилинди.

Мазкур Қонун, Фармон ва қарорлар бугунги кунда хусусий тижорат банкларининг ҳам сони кўпайиб бораётганлиги, уларни ҳам ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

13-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ

13.1. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими.

13.2. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва банклар фаолиятининг ҳукукий асослари

13.3 Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланиш босқичлари ва таркиби.

Кредит - банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши - иқтисодий ислохатларни амалга оширилишининг ажралмас белгиларидан (хусусиятларидан) биридир. Бу шу билан таъкидланадики, банк тизими ҳар қандай турдаги иқтисодиётнинг марказий тизимини ташкил қилувчи унсурларидан ҳисобланади. Банк тизими вақтинчалик бўш турган пул маблағларини аккумуляция қилиш функциясини амалга оширади. Банк тизимининг мувоффақиятли ишидан иқтисодиётни самарали фаолият кўрсатиши, умуман олганда мамлакатдаги иқтисодий ўсиш боғлиқ бўлади. Банк деб пул маблағларини йиғувчи, саклаб берувчи, кредит-ҳисоб ва бошқа ҳар-хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади.

Агар мамлакатда етарли даражада банк фаолиятини кўрсатаётган банклар, кредит ташкилотлар ҳамда иқтисодий ташкилотлар мавжуд бўлса у холда банк тизими мавжудлиги тўғрисида гап юритса бўлади. Ушбу шароитда банклар ва кредит ташкилотлари турли шаклларида ҳамда доимо ўз мижозлари- иқтисодиёт субъектлари, Марказий банк, бошқа органлар, давлат ҳокимиятлари ва давлат бошқарув органлари, ўзаро ёки ёрдамчи ташкилотлар билан мулоқотда (муносабатда) бўлиб турадилар.

Банк тизими - ташкилий тўзилма сифатида йирик тизим бўлиб - мамлакатнинг иқтисодий тизимига киради. Бу шунинг билдирадики, банкларнинг фаолияти ва ривожланишини моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол қилиш билан боғлиқ холда кўриб чиқиш зарурдир. Ўзининг амалий фаолиятида банклар хўжалик ҳаётини тартибга солиш механизми билан ўзвий равишда боғлиқ.

Тижорат банкларини белгиларига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин. Мулкчилик шаклига қараб банклар: давлат банкига, акциядор банкларга, кооператив, хусусий, минтакавий, аралаш мулкчиликка асосланган банкка бўлинади. Акциядор банклар акциядор жамият каби очик турдаги ёки ёпиқ турдаги акциядор банклар бўлиши мумкин. Акциядорлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йули билан амалга оширилади. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар банкларнинг акцияларини сотиб олиши ва акциядорлар бўлиши мумкин.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг қатнашчилари ҳам ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар - жисмоний шахснинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Жойлашиш белгисига қараб тижорат банклар: халқаро, республика, минтакавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Бажарадиган операцияларига қараб тижорат банклар - универсал ва махсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, ҳар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Махсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, ўз фаолиятини шу йўналишларда ютуқларга, самарадорликка эришишга бағишлайди. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб боровчи банклар, инвестиция банклари, ипотека-замин банклари кириши мумкин.

Сегментланган банк тўзилмаси тижорат ва нобанк кредит ташкилотларига фаолият муҳитини (операцияларини) қатъий қонуний томонидан чегаралаб қўйилишини билдиради. Бундай ҳолат ҳозирда АКШ, Япония, Канада каби давлатларда мавжуд бўлиб уларда корпоратив мижозларнинг қимматли қўғозларни чиқариш ва жойлаштириш операциялари билан шуғулланишлари таққиланади. Бироқ, бугунги кунда АКШ 1933 йилда қабул қилинган Гласс-Стегал қонуни бекор қилиниши кутилмоқда.

Аммо, ривожланган мамлакатларга бир ёки икки поғонали банк тизими хосдир.

Бир поғонали банк тизими варианты мамлакатда ягона марказий банк хали мавжуд бўлмаса ёки битта марказий банкдан иборат бўлсагина реал (хақиқатда) мавжуд бўлиши мумкин.

Аммо цивилизация даражасидаги бозор иқтисодиёти шароитига икки поғонали банк тизими хос. Бунда биринчи поғона банклари-бу Марказий банк, иккинчи куйи поғона эса-тижорат банклари ва кредит ташкилотларидир.

Марказий банк-банк тизими мавжуд бўлган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил қилади. Марказий банкнинг молия бозоридаги ўрни мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғлиқ.

Бу эса ўз навбатида икки поғонали банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунки бунинг тепасида Марказий банк бўлади.

Икки поғонали банк тизимининг зарурли бозор муносабатларининг қарама-қаршиликларида келиб чиқади. Бир томондан, бу хусусий молия маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилади. Бу куйи поғона банклар-тижорат банклари орқали амалга оширилади. Иккинчи томондан, бу муносабатларни маълум миқдорда тартибга солиш назорат қилиш мақсадли йўналтириш зарур. Бундай махсус институт сифатида Марказий банк юзага чиқади.

Банк фаолиятини махсус лицензия асосида амалга ошириладиган фаолиятдир. Биз айтганимиздаги Ўзбекистон Республикаси Тижорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида фаолият олиб борадилар. Уларга қўшимча рецензия зарур эмас (фақат валюта операцияларидан ташқари).

Бозор иқтисодиёти ва жаҳон ҳўжалиги ривожланиши билан банк тизими ҳам ривожлана борди. Хозирги шароитда банклар тобора кўпроқ фақат соф банк операцияларини бажарадиган эмас.

Тижорат банклари куйидаги операцияларни бажаради:

- пассив операциялар;
- актив ссуда операциялари;
- банк хизматлари ва воститачилик операциялари;
- банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

Шу билан бирга банклар молиявий хизматлар кўрсатадиган молиявий муассасаларга айланмокда, бу банк балансида акс эттирилмайди, лекин жуда катта даромад келтиради. Масалан: банклар валюта операцияларини бажарганда саррофлар-брокерлар сифатида майдонга чиқадилад ва катта миқдорда воситачилик ҳақи оладилар. Лекин бу операциялар банк балансида акс эттирилмайди. Хозирги пайтда йирик тижорат банклари қарийиб 350 турдаги молиявий хизмат кўрсатмокда.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда тижорат банкларининг қуйидаги операциялари қайд қилинган:

1. Мижозларнинг ҳисоб варақаларини олиб бориш;
2. Мижозларга касса хизмати кўрсатиш;
3. Мижознинг топшириғига биноан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бажариш;
4. Қиска ёки узок муддатли кредитлар бериш;
5. Шартнома ёки пуллик асосида буюртмачининг топшириғига биноан капитал қуйилмаларни маблағ билан таъминлаш;
6. Бўш пул маблағлари-депозитларини муомалага жалб қилиш;
7. Аҳолидан омонатларни қабул қилиш;
8. Факторинг операцияларини амалга ошириш;
9. Лизинг операцияларини амалга ошириш;
10. Тижорат банки давлатнинг ҳамда бошқаларнинг қимматли қоғозларини харид қилиш ва сотиш;
11. Хорижий валюта ва қимматли металлларни харид қилиш ва сотиш;
12. Ўз мижозлари учун қафолат ва мажбуриятлар бериш;
13. Бюджетнинг касса ижросини бажариш;
14. Банк операциялари бўйича маслаҳатлар бериш ва бошқа операциялар.

Улар орасида энг кўп тарқалгани векселларни ҳисобга олиш усулидир. Банк вексел сакловчидан нақд ҳисоб-китоб қилиш йўли билан вексел сотиб олади. Унда қайд этилган суммадан ҳисобга олиш фоизини - кўрсатилган хизмат учун ҳақ ушлаб қолади. Вексел бўйича тулов муддати келганида банк уни векселни сотган вексель сакловчига эмас, балки векселни берган шахсга тақдим этади.

Қимматли қоғоз гаровга олиниб, бериладиган ссудалар, шунингдек мана шундай қоғозларни харид қилиш бўйича операциялар фонд операциялари деб юритилади.

Товар эвасига бериладиган ссудалар омборлар йўлдаги ва савдо айланмасидаги бўлган товарларни гаровга олиб тақдим этилди. Ссудалар ўз муддати тўланмаган ҳамма ҳолларда гаровга қўйилган қимматли қоғозлар ва товар моддий бойликлари банк ихтиерига мулк бўлиб ўтади. Тўлов қобилиятига шубҳа йўқ йирик мижозларга банк ҳеч қандай таъминотсиз ссудалар еки банк кредитлари деб аталадиган қарзлар беради.

Жумладан,

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-391-сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф

этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармонига асосан хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида белгилаб берилган янги меъёрларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

1. Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, ғайриқонуний равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” номли янги **XVI¹-боб** билан тўлдирилиб, қуйидаги моддалар киритилди:

241¹-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга ҳилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, оз миқдордаги талон-торој аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, —энг кам иш ҳақининг **йигирма бараваридан олтмиш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

241²-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга ҳилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказиш, —мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг **йигирма бараваридан олтмиш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

241³-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича оператсияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича оператсияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш, —мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг **йигирма бараваридан олтмиш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

241⁴-модда. Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағлари ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, –энг кам иш ҳақининг **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

241⁵-модда. Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этиш, –мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

241⁶-модда. Имтиёзлар ва преференсияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш

Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференсияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, –мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

241⁸-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш

Қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни талаб қилиб олиш, – мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг **йигирма бараваридан олтмиш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

241⁹-модда. “Давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш”

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва муддатларини бузиш, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларини бузиш, худди шунингдек давлат хизмати кўрсатишни ғайриқонуний равишда рад этиш ёхуд уни кўрсатишдан бўйин товлаш, – мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг **йигирма бараваридан ўттиз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

241¹⁰-модда. “Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар талаб қилиб олиш”

Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни, шунингдек ўзга ҳужжатларни, шу жумладан банк ҳисобварағини очишда ортиқча ҳужжатларни талаб қилиб олиш, худди шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олиш, — мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахслар ва хизматчиларга энг кам иш ҳақининг **йигирма бараваридан ўттиз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1.2 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга ҳилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи бошқа жиноятлар” номли **янги XIII¹-боб билан тўлдирилиб, қуйидаги моддалар киритилди:**

192¹-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга ҳилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг бир **юз эллик бараваридан уч юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш** ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —энг кам ойлик иш ҳақининг **уч юз бараваридан беш юз бараваригача** миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан **уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг **беш юз бараваридан олти юз бараваригача** миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, **уч йилдан беш йилгача**

озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

192²-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга ҳилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг **бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –энг кам ойлик иш ҳақининг **уч юз бараваридан беш юз бараваригача** миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, **бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг **беш юз бараваридан олти юз бараваригача** миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, **уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

192³-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича оператсияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича оператсияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –энг кам ойлик иш ҳақининг **бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –энг кам ойлик иш ҳақининг **уч юз бараваридан беш юз бараваригача** миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, **бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

192⁴-модда. Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

192⁶-модда. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш

Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

192⁸-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш

Қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни талаб қилиб олиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1.3. Шунингдек, Жиноят кодексининг 184-моддаси тўртинчи қисм билан тўлдирилиб, унга кўра биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан **ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши** белиланди.

2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида қонун ҳужжатларига қуйидагича ўзгартиришлар киритилди:

2.1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 39-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилди:

Кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда **кўпи билан тўрт йилда бир марта**, бошқа тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта, фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан ўтказилиши мумкин.

Хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар **кўпи билан беш йилда бир марта** амалга оширилади.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки **уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди**, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг бюджет маблағларидан ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки **икки йил мобайнида** режали текширувлардан ўтказилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан **ўтказиш муддатлари ўттиз календар кундан ошмаслиги** лозим. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни ўтказиш муддатлари **ўн календар кундан** ошмаслиги керак.

Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида **ўттиз календар кун олдин** тадбиркорлик субъектини текширув ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда **хабардор қилиши шарт**.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, улар текширувлар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда тақдим этган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича қоидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини **текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин**.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўтказиладиган текширувлари уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун тўсиқларни юзага келтирмаслиги керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича текширувлар уларни ўтказишнинг барча босқичларида **тадбиркорлик субъектлари томонидан жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда** (тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиши ҳоллари бундан мустасно) **амалга оширилади**.

Текшириш бошланишидан олдин, текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг текширишда иштирок этиш учун адвокатни жалб этиш ёки унинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда тушунтирилади, бу ҳақда баённома тузилади. Бунда адвокат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқининг рад этилиши тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширувнинг кейинги босқичларига жалб этиш учун монелик **қилмайди**.

Бозорлар, савдо мажмуалари ҳудудларидаги ва уларга туташ, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бир марталик йиғим, ижара ҳақининг тўлиқ тушиши ҳамда уларнинг топширилиши ҳисобга олиниши, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилиши, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширувлар давлат солиқ хизмати органларининг фақат

конун хужжатларида ваколат берилган бўлинмалари томонидан мазкур бўлинмалар бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилинади.

Қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги Ўзбекистон Республикасининг прокуратура, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш учун асос бўлади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъектининг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолиятигина текширув билан қамраб олинishi мумкин, бу ҳақда текширув тайинланганлиги тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари текширув ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текширув ўтказишига йўл қўймаслик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича қўйган талабларини бажармаслик ҳамда текширув предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқига эга.

Текширувлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилиб, текшириш тугаган куни унинг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик фаолияти субъектида қолдирилади.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди:

Хусусий корхоналарнинг — кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини режали текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган тартибда **кўпи билан тўрт йилда бир марта**, бошқа хусусий корхоналарнинг фаолиятини текширишлар эса **кўпи билан уч йилда бир марта** амалга оширилади.

Янги ташкил этилган хусусий корхоналарнинг — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан **дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди**, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган хусусий корхоналар — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек хусусий корхоналар — кичик тадбиркорлик субъектларининг бюджет маблағларидан ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди.

2.3. Солиқ кодексининг:

- 89-моддаси қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилди:

Солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг ижроси суд томонидан тўхтатилган тақдирда, солиқ текширувини ўтказиш муддатини ҳисоблаш ҳам тўхтатилади.

- **91-моддасининг** ўн биринчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилди:

Бунда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат охирги режали текширишдан кейинги, лекин янги текшириш ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги беш календар йилдан кўп бўлмаган даврни қамраб олади.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 21-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ **Лицензияловчи орган** лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига аудиторлик ташкилоти томонидан риоя этилишини назорат қилади ҳамда уч йилда кўпи билан бир марта мазкур масалалар юзасидан текширув ўтказди. Микрофирма ва кичик корхоналар жумласига кирувчи аудиторлик ташкилотларида текширув режали тартибда фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан тўрт йилда кўпи билан бир марта ўтказилади.

3. Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган имтиёзлар (преференциялар) фойдаланишни енгиллаштириш ва назорат қилишнинг ягона механизмини белгилаш мақсадида:

3.1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра:

кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган **имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга ва ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органларига, давлат статистика органларига, банкларга ва бошқаларга) ёзма равишдаги мурожаатларсиз қўлланилади.**

Шунингдек, Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгиланб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрини шакллантириш ҳамда доимий равишда янгиланб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3.2. Мазкур Қонуннинг 30¹-моддасига мувофиқ давлат органлари,

уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш тартибини ўз ваколатлари доирасида тушунтириши, шунингдек уларнинг қўлланилишини таъминлаши шартлиги белгиланди.

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича:

4.1. Кодекснинг 18-моддасида Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли эканлиги белгиланди.

4.2. Кодекснинг 44-моддасида Солиқ ҳисоботини тузиш солиқ тўловчи томонидан имзоланиши керак, шунингдек агар у **кичик тадбиркорлик субъекти бўлмаган** юридик шахс бўлса, унинг муҳри билан тасдиқланиши, агар ҳисобот электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши белгиланди.

4.3. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун думалоқ муҳрга эга бўлиш мажбурияти бекор қилинганлиги муносабати билан, **Солиқ кодекснинг 64-моддаси еттинчи қисм олтинчи хатбошига** киритилган ўзгартиришда, солиқ тўловчи билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак: солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг тарафлар муҳри билан тасдиқланган (**муҳр мавжуд бўлган тақдирда**) имзолари, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно деган мазмунда;

4.4. Солиқ кодекснинг 95-моддасига киритилган ўзгартиришда ҳам ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш тўққизинчи қисм ҳужжатлар асл нусха ёки солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган (**муҳр мавжуд бўлган тақдирда**) кўчирма нусхалар кўринишида олиб қўйилиши деган мазмунда қўшимчалар киритилди.

4.5. Кодекснинг 108-моддасининг

- саккизинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилди:

Солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санксиялар унча оғир бўлмаган молиявий санксияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилади. Бунда жариманинг **узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмас.**

- қуйидаги тўққизинчи қисм билан тўлдирилди:

Агар солиқ тўловчи биринчи иш бўйича қарор чиқарилгунига қадар солиққа оид яна бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги иш бўйича қарор чиқарилганидан сўнг аниқланса, ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган қоидалар бўйича жарима қўлланилади. Бу ҳолда, **суд томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича тайинланган жарима миқдорида биринчи қарор бўйича тўланган жариманинг суммаси ҳисобга олинади.**

4.6. Кодекснинг 112-моддасига киритилган тўртинчи қисмга мувофиқ, қўлланиладиган молиявий санксия ҳуқуқбузарликнинг оқибатларига номутаносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд ушбу Кодекснинг 17-бобида назарда тутилган молиявий санксиянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санксия энг кам миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни албатта кўрсатган ҳолда молиявий санксия қўллашга ҳақли эканлиги белгиланди.

4.7. Кодекснинг 114-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди:

Кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган санксия қўлланилмайди.

4.8. Кодекснинг 180-моддаси 9-бандига мувофиқ Якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлганлар – якка тартибдаги тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномасига кўра бажарган ишлари учун олган даромадлари бўйича, солиқ солишдан тўлиқ озод қилинади.

4.9. Солиқ кодексининг 276 ва 291-моддаларига киритилган ўзгартиришларда жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар жойдан ёки ер участкасидан унда истиқомат қилиш билан бирга товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун ҳам фойдаланган тақдирда, мол-мулк ва ер солиқларини жисмоний шахслар учун белгиланган ставкалар бўйича тўлаш белгиланди.

4.10. Кодекснинг 311-моддасига мувофиқ Суғурта бадаллари солиқ тўловчининг календар ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, мажбурий тартибда қуйидагича тўланиши белгиланди:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

2) якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан (бундан буён матнда якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари деб юритилади) – ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

3) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан – ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

оиланинг бошқа аъзолари томонидан (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) – ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, шунингдек И ва ИИ гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. Имтиёзга бўлган ҳуқуқ календар йил давомида вужудга келган ёки бекор бўлган тақдирда, суғурта бадалларини қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган ёки бекор бўлган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Суғурта бадалларини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан – ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

юримдик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари томонидан – ҳисобот йилининг 1 октябригача. Бунда суғурта бадалларининг миқдори тўлов кунига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юримдик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан суғурта бадалларини тўлаш улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Суғурта бадалларини тўлаш мажбурияти қуйидагиларнинг:

юримдик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзолари учун – оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш юритадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг;

якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари учун – ушбу ходимлар билан меҳнат шартномасини тузган якка тартибдаги тадбиркорнинг зиммасига юклатилади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, идентификатсия рақами ва тўлов тўланаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оила аъзолари – оилавий тадбиркорлик иштирокчилари ва ходим ёллаган якка тартибдаги тадбиркорлар бўйича тўлов топшириқномаси (кирим ордери) ҳар бир оила аъзоси учун ва якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун алоҳида-алоҳида ёзилади. Агар тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга ошириляётган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун – йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар суғурта бадалларини жами йиллик даромад тўғрисидаги декларатсияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасидан келиб чиққан ҳолда, суғурта бадалларини тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларатсияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида ихтиёрий равишда тўлайди.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан суғурта бадалларини тўлаш жами йиллик даромад тўғрисидаги декларатсия

маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддатларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг суғурта бадалларини тўлаш бўйича мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг зиммасига юклатилади. Суғурта бадалларини тўлаш ушбу Кодекс 310-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти мазкур Кодекснинг 373-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун суғурта бадалини ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходимига суғурта бадалларини ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Агар фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркор якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкасини давлат солиқ хизмати органига белгиланган муддатларда тақдим этмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича суғурта бадалларини ҳисоблаш тўхтатилмайди.

4.11. 373-модданинг учинчи қисми куйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилди:

Бунда ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкаларини ҳам белгиланган муддатларда топширади.

4.12. Кодекснинг “Ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари” номли 374¹-моддасига биноан:

Ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур бобда белгиланган тартибга мувофиқ тўлайди.

Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига унинг ҳар бир ходими учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга ошириладиган фаолият бўйича назарда тутилган ставканинг **30 фоизи** миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятнинг бир нечта турини амалга оширган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий

белгиланган солиқ фаолиятнинг тегишли турлари учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқнинг энг юқори ставкасининг **30 фоизи** миқдорида тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркор солиқ солиш мазкур фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган фаолият тури билан шуғулланган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ битта физик кўрсаткич учун ойига ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасининг **30 фоизи** миқдорида тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлаш учун белгиланган муддатларда, меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтиш жойи бўйича амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркор якка тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқни ўзи рўйхатдан ўтказилган жой ва фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жой бўйича белгиланган ставкалар ўртасидаги юқори ставканинг **30 фоизи** миқдорида ўзи рўйхатдан ўтказилган жойга тўлайди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун ҳар бир ёлланган ходимга қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туришга асос бўлади.

Агар ўз фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркор давлат солиқ хизмати органига якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкаларини белгиланган муддатларда тақдим этмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш тўхтатилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор якка тартибдаги тадбиркорнинг касб-хунар коллежи битирувчиси бўлган ходими учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан ушбу ходим коллежни тамомлаганидан эътиборан ўн икки ой мобайнида озод этилади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган солиқни тўлашдан қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча озод этилса, мазкур имтиёз якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ тўлашга ҳам татбиқ этилади.

4.13. Кодекснинг 329-моддаси 37-банд билан тўлдирилиб, унга кўра мулкдорлар – хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан умумий юрисдиксия судларида давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланди.

4.14. Кодекснинг 330-моддаси 30 ва 31-бандлар билан тўлдирилиб:

30) мулкдорлар – хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш

органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

31) аризачи ва жавобгар – ҳукукий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича **Хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилинди.**

5. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо калити сертификатига эга бўлган шахслар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдалана олиши белгиланганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2455-сонли қарори билан Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар.

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 8-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 2015 даражасида – 7,5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Тижорат банклари учун солиқ ставкаси ҳам 2015 йил даражасида – 15 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

2016 йилнинг 1 январидан бошлаб мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун рентабеллик даражасидан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича солиқ ставкалари қуйидагича белгиланди:

рентабеллик даражаси 20 фоизгача - 7,5 фоиз миқдорида;

рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлган фойда суммасига - 50 фоиз миқдорида.

Рентабеллик фойда солиғини тўлагунга қадар фойда суммасининг сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига нисбати сифатида аниқланади.

Бунда, экспорт улуши бўйича пасайтириладиган ставкалар рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлган фойда суммаси бўйича қўлланиладиган 50 фоизлик ставкага нисбатан қўлланилмайди.

2. Экспорт қилувчи корхоналар учун ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улушига боғлиқ ҳолда фойда солиғи ставкасини пасайтириш тартиби сақланиб қолинди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотлари мустасно.

Экспорт улуши:

- сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;
- сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда, белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

3. Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 2015 йил даражасида 35 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

4. Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга солиқ ставкаси 10 фоиз миқдорида сақланиб қолинган.

II. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича

Жисмоний шахслардан олинадиган даромадсолиғи ставкаларидасолиқ солинадиган даромаднинг иккинчи шкаласи **1 фоизли пунктга** камайтирилиб, қолган ставкалар 2015 йил даражасида сақланиб қолинди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 9-иловасига мувофиқ қуйидаги миқдорларда тасдиқланди:

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 0 фоизи
Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан (+1 сўм) беш бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 7,5 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+ 1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган сумманинг 17 фоизи
Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+ 1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган сумманинг 23 фоизи

III. Ягона солиқ тўлови бўйича

1. Ягона солиқ тўловининг ставкалари микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 10-1-иловасига мувофиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун 10-2-иловасига мувофиқ ҳамда айрим тоифадаги корхоналар учун 10-3-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

2016 йил 1 январдан бошлаб иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги микрофирма ва кичик корхоналар(бундан 10-1-илованинг 2-7-бандларида назарда тутилганлар мустасно) учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиз миқдорида белгиланди.

2. Божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар (божхона брокерлари) учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдаги солиқ ставкасига нисбатан 1 фоизли пунктга пасайтирилиб, 2016 йил 1 январдан бошлаб 5 фоиз қилиб белгиланди.

3. Экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича 2015 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматларнинг, (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улушига боғлиқ ҳолда солиқ солишнинг регрессив шкаласи сақланиб қолинди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатдаги хом ашё товарлари мустасно. Экспорт улуши:

– сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;

– сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда, белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

4. Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи микрофирма ва кичик корхоналар, шунингдек ломбардлар учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 2015 йил даражасида 30 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

5. Қуйидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун:

тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар бундан мустасно) ҳисобланадиган, шунингдек воситачилик, топшириқ шартномаси ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 33 фоиз миқдорида;

қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 13 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Бунда, ушбу бандда кўрсатилган микрофирма ва кичик корхоналар учун солиқ солинадиган база ҳақ суммаси (ялпи даромад) кўринишида аниқланади.

6. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини реализация қилиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган (ижарага беришдан олинадиган даромад 60 фоиздан юқори бўлган) корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилги даражада солиқ солинадиган базага

нисбатан 30 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

7. Умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 10 фоиз, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари учун эса – солиқ солинадиган базага нисбатан 8 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

8. Қуйидаги жойларда жойлашган чакана савдо корхоналари учун (бундан улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари мустасно):

аҳоли сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда – ягона солиқ тўлови ставкаси 4 фоиз миқдорида;

бошқа аҳоли пунктларида – ягона солиқ тўлови ставкаси 2 фоиз миқдорида;

бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда – ягона солиқ тўлови ставкаси

1 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

9. Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи корхоналар учун (бундан дорихона ташкилотлари мустасно) ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йил даражасида 5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

10. 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб фаолиятни юритиш жойидан қатъи назар бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ, шунингдек алкогольли

ва тамаки маҳсулотларини сотувчи чакана савдо корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси унификация қилиниб, товар оборотига нисбатан 4% миқдорида белгиланди.

11. Улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи дорихона ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси жойлашган жойига қараб қуйидагича белгиланди:

аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда – 3 фоиз миқдорида;

бошқа аҳоли пунктларида – 2 фоиз миқдорида;

бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда – 1 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

12. Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли туманлари таркибига киритиш “Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага (Адлия вазирлиги

томонидан 2008 йил 11 ноябрда 1868-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ амалга оширилади.

13. Чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган

ва турли аҳоли пунктларида жойлашган, улар бўйича ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган бир нечта савдо шохобчаларига эга бўлса, улар томонидан ҳар бир савдо шохобчаси бўйича товар айланмасининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган

ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби сақланиб қолинди.

14. Ягона солиқ тўлови тўловчилари учун (чакана савдо корхоналари бундан мустасно) ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблашда ягона база этиб, улар эгаллаб турган ер участкаси майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч карра миқдоридаги суммани белгилаш тартиби сақланиб қолинди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шунингдек, чакана савдо корхоналари учун айнан шу турдаги фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини ҳисоблаш тартиби сақланиб қолинди.

15. Лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (мазкур фаолият тури доирасида) учун ягона солиқ тўлови ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 33 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

IV. Қатъий белгиланган солиқ бўйича

1. Юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 11 ва 12-иловаларига мувофиқ тасдиқланди.

2. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойи бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаси:

Тошкент шаҳри учун – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,1 баравари миқдорида;

Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,06 баравари миқдорида;

бошқа аҳоли пунктлари учун – 1 кв.метр учун ойига ЭКИХнинг 0,04 баравари миқдорида сақланиб қолинди.

Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслардан болалар ўйин автоматлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаси:

Тошкент шаҳри учун – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИХнинг 3,0 баравари миқдорида;

Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар учун – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИХнинг 2,0 баравари миқдорида;

бошқа аҳоли пунктлари учун – жиҳозланган ўринлар сони (бирликда)дан келиб чиқиб, ойига ЭКИХнинг 1,0 баравари миқдорида сақланиб қолинди.

3. Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2015 йил даражасида сақланиб қолинди.

4. Қатъий белгиланган солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошига – 2016 йил 1 январь ҳолатига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (130 240 сўм) келиб чиқиб

аниқланади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди.

V. Қўшилган қиймат солиғи бўйича

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

VI. Акциз солиғи бўйича

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 13-1 ва 13-2-иловаларига мувофиқ тасдиқланди.

VII. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 14-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

2. Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари (2 - 4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари), деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар), шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланадиган жисмоний шахслар учун **1 куб. метр** ер усти сув манбалари учун **71,2 сўм** ва ер ости сув манбалари учун **90,4 сўм** миқдорида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари белгиланди.

Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланган сув ҳажмларининг **1 куб. метри** учун **11 500 сўм** миқдорида ҳамда бошқа мақсадлар учун **1 куб. метр** ер усти сув манбалари учун **71,2 сўм** ва ер ости сув манбалари учун **90,4 сўм** миқдорида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари белгиланди. Бунда мазкур корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни солиқ солиш тартибидан (умумбелгиланган ёки соддалаштирилган солиқ солиш тартиби) қатъи назар тўлайдилар.

VIII. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқ ва махсус тўловлар

а) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 15-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2015 йилда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 15-иловасида келтирилган норуда қурилиш материалларидан ташқари) амал қилган ставкалар даражасида сақланиб қолинди.

Бунда, 2016 йил 1 январдан бошлаб норуда қурилиш материалларига (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 15-иловасида келтирилган) ер қаъридан

фойдаланганлик учун солиқ ставкалари бирхиллаштирилиб, солиқ солинадиган базага нисбатан ягона 5 фоиз ставка белгиланди.

б) бонуслар бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 16-1-иловасига асосан имзоли бонус ставкалари, 16-2-иловасига мувофиқэса тижоратбоп топилма бонуси ставкалари тасдиқланган.

2016 йил учун:

– фойдали қазилмаларни разведка қилиш ва қидириш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун энг кам иш ҳақининг 100 дан 10 000 бараваригача миқдорда белгиланган имзоли бонуснинг энг кам ставкаси;

– тижоратбоп топилма бонуси ставкаси солиқ солинадиган базага нисбатан 0,1 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

в) қўшимча фойда солиғи бўйича.

қўшимча фойда солиғи ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 17-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Бунда, 2016 йил 1 январдан бошлаб полиэтилен гранула ва клинкер (муқобил ёқилғи – кўмир асосида ишлаб чиқарилган клинкердан ташқари) маҳсулотлари солиқ солинадиган базасининг миқдори индексация қилинди.

IX. Мол-мулк солиғи бўйича

1. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 18-иловасига мувофиқ тасдиқланган.

Мол-мулк солиғининг базавий ставкаси 2015 йилдаги 4 фоизли ставка ўрнига 2016 йилда 5 фоиз миқдорида белгиланди.

Белгиланган (меъёрий) муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки баравар ставкада тўланади.

2. 2016 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича модернизация қилинган аэропортлар ва “Махсус авиация ишлари” авиакомпанияси учун 5 йил муддатга мол-мулк солиғини ўрнатилган ставкаларга 0,4 миқдорида пасайтирувчи коэффициентни қўллаб тўлаш тартиби жорий этилди.

3. Экспорт қилувчи корхоналар учун мол-мулк солиғи бўйича 2015 йилда амал қилган, реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматларнинг (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги экспорти улушига боғлиқ ҳолда солиқ солишнинг регрессив шкаласи сақланиб қолинди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатдаги хом ашё товарлари мустасно. Экспорт улуши:

– сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганда, белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади;

– сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда,

белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади.

Бунда, белгиланган (меъёрий) муддатларда тугалланмаган қурилиш ва ишга туширилмаган ускуналар қийматига нисбатан пасайтирилган ставкалар қўлланилмайди.

4. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 19-иловасига мувофиқ, мол-мулкларнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,5 фоиз (2015 йил 1,3 фоиз) миқдорида белгиланди.

2016 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан

500 кв.метргача бўлган турар жой ва квартираларга 1,6 фоиздан 1,8 фоизга, майдони 500 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун эса 2,2 дан 2,5 фоизга оширилди.

2016 йил 1 январдан бошлаб:

бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари мол-мулкларнинг инвентаризация қийматига нисбатан—1,8 фоиз миқдорида белгиланди;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни кадастр хужжатларидаги инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, бироқ 3 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдордан келиб чиқиб ҳисобланади;

жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича органлар белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20 328,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда

8 833,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати сақланиб қолинди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг шартли қийматининг икки бараваридан келиб чиққан ҳолда ундирилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш мақсадида солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг **60 кв.м** ҳажмида белгиланади.

Жисмоний шахслар томонидан солиқ солинадиган объектлардан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда ёхуд уларни юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахслар томонидан турар уй-жой фонди объектлари нотурар жой фонди тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотурар жой фонди объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганда, жисмоний шахсларнинг

мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Х. Ер солиғи бўйича

1. Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 20-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 20-иловаси 7 ва 8-жадвалларида келтирилган ставкаларга ер участкалари жойлашган жойидан келиб чиқиб, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: Тошкент шаҳри атрофида 20 км радиусда – 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида

15 км радиусда – 1,20, туман марказлари атрофида 10 км радиусда – 1,15 ва бошқа шаҳарлар атрофида 5 км радиусда – 1,10.

Ер участкаларигача бўлган масофа автомобиль йўллари бўйича шаҳарлар

ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб белгиланади. Агар ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қўлланилади.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблашда белгиланган норматив доирасидаги ер участкалари учун 5 ва 6-жадвалларда келтирилган базавий ставкалари бўйича, белгиланган нормативлардан юқори ер участкаларига эса базавий ставкаларга 1,5 кўпайтирувчи коэффициент қўлланилади.

Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаш мақсадида ер участкаларининг қўйидаги нормативлари белгиланди:

Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар бўйсунувидаги шаҳарлар бўйича – 0,06 га;

бошқа аҳоли пунктлари бўйича (деҳқон хўжаликларидан ташқари) – 0,1 га.

ХІ. Ягона ер солиғи бўйича

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 21-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Ягона ер солиғи ставкаси 2015 йилдаги 6 фоизли ставка ўрнига 2016 йил

1 январдан қишлоқ хўжалиги ерларининг қайта ҳисобланган норматив қийматига нисбатан **0,95 фоиз** миқдорида белгиланди.

Бунда, ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти “Ўздаверлойиха” томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18

августдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли қарорининг 5-бандига асосан, тасдиқланган Низомга мувофиқ аниқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш 2016 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 7-бандига асосан, норматив қийматни аниқлаш даври ҳар йили ўтказилади.

ХII. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 22-иловасига мувофиқ, 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг энг юқори ставкалари қуйидагича белгиланди:

1. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи соф фойданинг 8 фоизи миқдорида сақланиб қолинди.

2. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ ставкалари қуйидагича белгиланди:

- бензин ёқилғиси – 1 литр учун 335 сўм / 1 тоннага 445 000 сўм;
- дизель ёқилғиси – 1 литр учун 335 сўм / 1 тоннага 407 025 сўм;
- суюлтирилган газ – 1 литр учун 230 сўм;
- сиқилган газ – 1 куб метр учун 275 сўм.

Бунда, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин ва дизель ёқилғисини реализация қилишда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ 1 литр ҳисобида, бошқа ҳолларда эса

1 тонна ҳисобида ҳисоблаб чиқарилади.

3. Давал хом ашёсидан ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ ставкаси миқдори транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни ҳисобга олган ҳолда бензин ва дизель ёқилғисининг чакана қиймати доирасида шаклланади. Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинган хомашёдан хомашёэгасига қайтариб бериш шарти асосида ишлаб чиқариладиган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни тўловчилар ҳамда ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Воситачилик шартномаси бўйича импорт қилинган хомашёсидан хом ашё эгасига қайтариб бериш шарти асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғисининг транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Адлия

вазирлигида рўйхатга олингандан сўнг солиқ тўловчиларга белгиланган тартибда етказилади.

4. Айрим турдаги товарлар (алкоголли маҳсулотлар ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар) билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ставкалари сақланиб қолинди.

5. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим 2015 йилда белгиланган миқдорда сақланиб қолинди.

ХIII. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиққа тортиш объектлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 23-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 24-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Бунда:

ишлаб чиқарилган давлатидан қатъи назар ихтисослаштирилган савдо тармоғида харид қилинадиган янги автотранспорт воситалари учун Республика йўл жамғармасига йиғим миқдори – харид қийматиданягона 3 фоиз ставкада белгиланди;

аравачали ёки аравачасиз мотоцикллар (шу жумладан мопедлар) ва ёрдамчи двигателли велосипедлар учун Республика йўл жамғармасига йиғим жорий этилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасигамажбурий ажратмаларставкаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум ҳажмига нисбатан2015 йил даражасидаги1,6 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум ҳажмига нисбатан 2015 йил даражасидаги 1,4 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларставкаси товарларни

(ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум ҳажмига нисбатан 2015 йил даражасидаги 0,5 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича хўжалик субъектларига қонун ҳужжатлари билан аввал татбиқ этилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларга татбиқ этилади.

XIV. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар

1. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 25-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

2. Микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси солиқ солиш базасига нисбатан 2015 йил даражасида - 15 фоиз миқдорида сақланиб қолинди.

Бунда, мазкур тоифа корхоналари учун ягона ижтимоий тўлов суммаси қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	14,8 %
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	0,1 %
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши	0,1 %

Бошқа тўловчилар учун ҳам ягона ижтимоий тўлов ставкаси 2015 йил даражасида 25 фоиз миқдорида сақланиб қолинди. Бунда ягона ижтимоий тўлов суммаси қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	24,8 %
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	0,1 %
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши	0,1 %

3. 2016 йил учун фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ставкаси 2015 йилда амал қилган 7,0 фоиз ўрнига 7,5 фоиз миқдорида белгиланди.

XV. Солиқ солишнинг алоҳида масалалари бўйича

1. Юридик шахслар учун кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолиниб, унга мувофиқ мазкур даромадлар шартнома бўйича ўрнатилган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, аммо давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари бўйича ҳисоблаб чиқилган миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

2. Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 26-иловасига мувофиқ тасдиқланиб, 2015 йил даражасида сақланиб қолинди. Хусусан, ижара тўловининг энг кам ставкалари:

турар жойни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида – 3 000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – 2 000 сўм ва бошқа аҳоли пунктларида – 1 000 сўм;

нотурар жойларни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида – 6 000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – 4 000 сўм ва бошқа аҳоли пунктларида – 2 000 сўм;

енгил автомобилларга (йўловчилар, юк ташиш учун мўлжалланган ва ўриндиқлари сони ҳайдовчини ҳисобга олмаган ҳолда 8 та жойдан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси) 1 автотранспорт воситаси учун – 220 000 сўм;

микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобилларига 1 автотранспорт воситаси учун – 430 000 сўм ижара тўловининг энг кам миқдорларидан иборат.

3. Мобил алоқа хизмати кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов 2015 йил амалда бўлган ҳар ойга 750 сўм ўрнига 1500 сўм миқдорда белгиланган бўлиб, маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 27-иловасига мувофиқ тақсимланади.

4. Ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратиш учун солиқ қарзининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 28-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

Ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратишда солиқ қарзининг энг кам миқдори йил бошида – 2016 йилнинг 1 январида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан (130 240 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдори йил давомида ўзгарганда ҳам қайта кўриб чиқилмайди.

5. 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси томонидан автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларига (балансида автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари мавжуд юридик шахсларни ўз ичига олган ҳолда) сотадиган табиий газнинг улгуржи-сотиш нархига солиққа тортилмайдиган махсус инвестиция устама ҳақи бир куб. метр учун 500 сўм миқдорида белгиланди.

6. Импорт қилинган углеводород хомашёсидан хомашё эгасига қайтариб бериш шarti асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғисининг ҳажмлари, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқнинг солиқ солиш объектига киритилиши белгиланди.

7. Минтакаларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдават солиқлари ва бошқа даромадлар бўйича тушумлар:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ (2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорнинг 11-иловасида назарда тутилган);

якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ (2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорнинг 12-иловасида назарда тутилган);

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи;

чакана савдо тармоқларида сотиладиган олтиндан ясалган заргарлик буюмларига акциз солиғи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 29-иловасига мувофиқ давлат божлари, йиғимлар ва жарималар тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари даромадларига ўтказилади.

Мобил алоқа хизматини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми, абонентнинг рўйхатга олинган жойига қараб Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

8. Ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлашни иш берувчилар ҳисобидан амалга ошириш тартиби 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

XVI. Имтиёзлар бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2455-сонли қарорининг 36-иловасига асосан 2016 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

1. 2018 йил 1 январга қадар қуйидаги:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорининг 3-бандида белгиланган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ-733-сонли қарорининг 3-бандида белгиланган тўқимачилик саноати корхоналари учун мол-мулк солиғи тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзлар;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сонли қарорининг 5-бандига асосан “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси корхоналарига контракт тузиш пайтида вужудга келган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархлар бўйича эркин муомаладаги валютага (қўшилган қиймат солиғини ноль ставка бўйича ҳисоблаган ҳолда) ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж, полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) харид қилишига истисно тариқасида рухсат бериш тарзидаги имтиёзларнинг муддати узайтирилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 36-иловасига асосан, 2016 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сонли қарори билан тасдиқланган “Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилди:

“Бунда республика корхоналари учун пахта толасини сотишда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, пахта толасига тасдиқланган прејскурант нархларидан паст бўлган жаҳон нархлари амал қилган даврларда пахта тозалаш заводлари қўшилган қиймат солиғини: чегирмани ҳисобга олган ҳолда жаҳон нархи х $20/120$ формуласи бўйича 15% миқдордаги чегирмани ҳисобга олиб, хомашё етказиб берилган куни амалда таркиб топган жаҳон нархларига асосланиб ҳисоблаб чиқаришади.”;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги “Ислом тараққиёт банки иштирокида “Хоразм вилояти Тошсоқа тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-1849-сонли қарорининг 9-бандига қўшимча киритилиб, унга кўра “Хоразм вилояти Тошсоқа тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш даврида лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олиб келинаётган ва харид қилинаётган товар (иш ва хизмат)лар, ускуналар ва транспорт воситалари қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилди;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини молиялаштириш Тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарорининг 4-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилди:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш

Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 2007 йил 19 сентябрдаги

ПФ-3923-сон Фармонида мувофиқ тиббиёт муассасаларига берилган солиқ имтиёзлари натижасида бўшаб қоладиган маблағлар тиббиёт муассасасини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш билан бир қаторда, тиббиёт мақсадидаги эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари ва бошқа буюмларни сотиб олишга йўналтирилиши мумкин.”;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш Тартибининг 1-иловасига киритилган ўзгартиришларга асосан, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан экспорт қилишдан тушган хорижий валютани сотиш мажбурий бўлган товарлар рўйхати кенгайтирилди. Унга кўра мис ва мисдан тайёрланган буюмларни экспорт қилишдан тушган хорижий валюта тушумларидан мажбурий сотув амалга оширилади;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарори билан тасдиқланган “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификацияси”нинг 427-сатрига ўзгартириш киритилиб, автомобиль хўжалиги (ХХТУТ-51121) тармоғида фаолият юритувчи кичик корхоналарга ходимлар сонини 25 тадан 50 тагача ошириш ҳуқуқи берилди;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги “Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги 251-сонли қарорининг 8-банди тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“Белгилансинки, “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” ОАЖнинг биржа битишувларидан ундириладиган воситачилик йиғимларининг чекланган миқдорларини декларация қилиш чоғида “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” ОАЖ томонидан “Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси” очик акциядорлик жамияти учун фойда солиғини ҳисоблашда харажатлар билан чегириладиган юқори ликвидли турдаги товарларни сотиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун 0,1% миқдордаги воситачилик йиғимлари ҳисобга олинади, улар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тенг улушларда ўтказилади.”;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги 354-сонли қарори билан тасдиқланган “Концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 41 ва 42-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“41. Давлат божли лицензия талабгорлари томонидан лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига тўланади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

30 фоизи – республика бюджетига;

70 фоизи – Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамига.

Давлат божи ставкалари ўзгарганда тўланиши лозим бўлган давлат божи лицензиянинг ставкалар ўзгаргандан кейинги амал қилиш даври учун қайта ҳисоблаб чиқилади.

Давлат божи лицензия берилган муддат мобайнида ҳам бирйўла ва ҳам чораклар бўйича тўланиши мумкин.

Лицензиат илгари давлат божи тўланган давр тамом бўлган пайтдан бошлаб уч ой мобайнида навбатдаги давр учун давлат божи тўламаган тақдирда лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш чораларини кўради, айти пайтда лицензия амал қилишининг барча даври учун тўланмаган давлат божини белгиланган тартибда ундириб олади.

Лицензия берилган санадан бир йил ўтмасдан лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ёки лицензия бекор қилинганда давлат божи бир йиллик миқдорда ундирилади.

42. Давлат божини чораклар бўйича тўлашда лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ёки лицензия бекор қилинганда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

Давлат божи бирйўла тўланганда ортиқча тўланган давлат божи суммасини қайтариш лицензиатнинг ёзма аризаси асосида тўловни қайтариш тўғрисидаги ариза берилган санадан бошлаб ўттиз иш куни мобайнида амалга оширилади. Лицензия берилган санадан бир йил ўтмасдан лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ёки лицензия бекор қилинганда давлат божининг ортиқча тўланган суммасини қайтариш унинг бир йиллик миқдорида ошган қисми бўйича амалга оширилади.”.

Бундан ташқари, концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат божи ставкалари ўзгартирилди. Бунда ушбу ставкалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги 354-сонли қарорининг 2-иловасида (янги таҳрири) келтирилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорининг 35 ва 36-иловаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари ўзқучини йўқотганлиги ва бекор қилинганлиги тўғрисида ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, 2016 йил 1 январдан бошлаб:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 29 апрелдаги “Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 166-сонли қарорининг 7-бандидаги “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси ва “Маҳаллий саноат” корпорацияси тизимларида фаолият кўрсатаётган ва устав жамғармасида хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этган қўшма корхоналар, солиқнинг бутун миқдорини халқ истеъмол товарлари, биринчи навбатда болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва

кенгайтиришга қайта инвестиция қилганлари тақдирда, фойда (даромад)дан олинадиган солиқдан озод қилиниши тарзидаги имтиёз;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги “Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 349-сонли қарорининг

4-банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги “Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш

ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 168-сонли қарори 1-иловасининг 7-бандида белгиланган фойда солиғини ҳисоблашда юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган инвестициялар суммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда камайтирилиши тарзидаги имтиёз;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-433-сонли қарори 1-банди

учинчи хатбошида белгиланган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) кўрсатилган хизматларга пластик карточкалар қўлланиб тўланган ҳажмидан фойда солиғи ёки ягона солиқ тўловининг амалдаги ставкасига нисбатан 5 фоиз пасайтирилган ставка бўйича тўлаш тарзидаги имтиёз;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида кумуш буюмлар ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо этиш тўғрисида”ги 158-сонли қарорининг 11-банди иккинчи хатбошидаги “Фонон” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига хорижий бошқарув ва техник ходимларни таклиф этиш, уларнинг меҳнатига ҳам сўмларда, ҳам АҚШ долларида ҳақ тўлаш, бунда даромад солиғи, ана шу тўловларни чет элга ўтказишга солинадиган солиғини ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқларни олмаслик тарзидаги берилган ҳуқуқ;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июлдаги “Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 363-сонли қарорининг 20-банди иккинчи хатбошида белгиланган республика мева-сабзавот хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг янги боғ ва токзорлари майдонлари улар ҳосилга киргунга қадар ер солиғидан озод қилиш тарзидаги берилган имтиёз бекор қилинди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарорига

асосан,

2016

йил

1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сонли қарорининг 8-бандида келтирилган имтиёзлар муддати 2021 йил

1 январига қадар узайтирилди.

Бундан ташқари, 2021 йилнинг 1 январига қадар наслдор чорвачилик субъектлари асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-396-сонли Қонуни билан 28 та Ўзбекистон Республикаси Қонун (шу жумладан 1 та конституциявий қонун)ларига ҳамда 6 та кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154–I-сонли қонунининг 4 та моддасига валюта биржалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан тегишли тўлдириш ва ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармонидан келиб чиқиб, қонунчиликни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223–I-сонли Қонунининг 8 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Шунингдек юқорида қайд этилган Президент фармонидан келиб чиқиб, қонунчиликни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279–I-сонли Қонуни 20-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этиладиган бўлди:**

«Акциядорлик жамиятлари, шунингдек суғурта ташкилотлари, банклар ва бошқа молия ташкилотлари ҳар йилги молиявий ҳисоботни акциядорларнинг ёки бухгалтерия ҳисоби субъектининг бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин ижобий аудиторлик хулосаси билан бирга эълон қилиши шарт».

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 34-банд билан тўлдирилиб, унга кўра акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятидан олган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солинмайдиган даромадлар таркибига киритилди.

Солиқ кодексининг **308-моддасининг иккинчи қисми** тўртинчи хатбоши билан тўлдирилиб, акциядорлик жамиятларининг бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган чет эллик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмаслиги белгиланди.

Акциядорларга давлат божини тўлаш муддатининг кечиктирилиши юзасидан Солиқ кодексининг **337-моддаси** қуйидаги мазмундаги **йигирма еттинчи қисм** билан тўлдирилди:

“Акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинади”.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Суғурта фаолияти тўғрисида**»ги 358–II-сонли Қонуни 10-моддасининг учинчи қисмидаги «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси, «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси» деган сўзлар «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти, «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонунига қуйидаги ўзгартишлар киритилди:

1) 5-модда биринчи қисмининг 8-бандидаги «шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот тақдим этилмаган» деган сўзлар «шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаган» деган сўзлар билан алмаштирилди.

2) 7-модданин иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этиладиган бўлди:

«Давлат солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молия органлари, банклар солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, ўтказилаётган текширувлар тўғрисида ўзаро келишув бўйича аниқланадиган тартибда бир-бирини хабардор қилади, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик қилишдан фойдаланган ҳолда хабардор қилади, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади».

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонуни (янги таҳрири)нинг 34-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилди:

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди:

«Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади»;

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида» ги қонун қабул қилиниши муносабати билан, қонунчиликни мувофиқлаштириш мақсадида 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»**ги 71–II-сонли Қонунининг 5 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–341-сонли Қонунинининг 5 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилди. Жумладан кодекснинг 24 та моддаси ва 1 та бобга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-398-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

Жумладан, мазкур қонун билан Солиқ кодексининг 39 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Асосан мазкур қонун билан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига таҳририй ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Солиқ кодексининг 329-модда. **“Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилиш”**га қуйидаги мазмундаги 38 ва 39-бандлар билан тўлдирилди:

«38) якка тартибдаги қурувчи билан тузилган шартномага кўра қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш чоғида буюртмачининг вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси юридик шахснинг зиммасига юклатилган бўлса, ўша юридик шахс — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш

масалалари юзасидан якка тартибдаги қурувчилар билан низоларни ҳал этиш тўғрисидаги даъволар бўйича;

39) қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ қайси тижорат банкларининг зиммасига юклатилган бўлса, ўша тижорат банклари — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчиларнинг кредиторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича»;

Шунингдек, Солиқ кодексининг ягона солиқ тўловига доир **354-модда. “Махсус қоидалар”**га қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилди:

«Ушбу Кодекс 352-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этмаган ҳолда қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашга ўтишга ҳисобот йили бошланишидан эътиборан ҳақлидир».

2015 йил 9 декабрда Ўзбекистонда электрон ҳукумат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги ЎРҚ-395-сонли қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунда электрон давлат хизматларининг турлари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра электрон давлат хизматлари ахборот ва интерактив давлат хизматлари тарзида бўлиши мумкин.

Ахборот давлат хизмати ариза берувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган, давлат органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ва бошқача тарзда тарқатиш йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизматиدير.

Интерактив давлат хизмати ариза берувчига ариза берувчи ва электрон давлат хизмати кўрсатувчи давлат органи ўртасида икки томонлама электрон ҳамкорлик йўли билан кўрсатиладиган электрон давлат хизматиدير.

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунда электрон давлат хизматларига доир талаблар қайд этилган бўлиб, унга кўра ахборот давлат хизматлари тўлиқ ва ишончли ахборотни ўз ичига олиши керак. **Мазкур қонун, 10 ююндан бошлаб (яъни расмий эълон қилинган кунидан эътиборан олти ой ўтгач) кучга киради.**

Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” мавзусида маъруза қилди.

Президентимиз маърузасида таъкидланганидек: мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз аynи пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2015 йилда 56,7 фоизни ташкил этди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди.

Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича **дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани** албатта барчамизга мамнуният етказди.

Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида **Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф** этилди.

Ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул

килинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир.

2015 йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз **аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун** мустаҳкам асос яратди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсгани ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори.

Юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффиценти» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди. Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир. Айтиш керак – бошқалар ҳавас қиладиган бундай натижаларга эришиш албатта осон эмас. Бу йўлда бир йиллик ёки беш йиллик давр ҳам камлик қилади. Бундай мақсадларга эришиш учун сўзда эмас, амалий ҳаракатларимиз билан кундалик ҳаётимизни ўзгартиришимиз керак.

Аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгаймоқда. Чакана савдо айланмаси бир йилда 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10,8 фоизга ўсди.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, биз олдимизга аниқ мақсадни – яъни, 2030 йилга бориб **мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор.**

Бу йўлда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан sanoatни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015 йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришмоғимиз керак.

2016 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажмини 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда. Инфляция даражасини 5,5-6,5 фоиз доирасида сақлаб қолиш,

аҳолининг реал даромадларини 9,5 фоизга, ўртача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда, 15 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Мазкур маърузада Президентимиз томонидан 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб берилди. Мазкур вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Бошланган тизимли демократик ислохотларни ва мамлакатни модернизациялашни, иқтисодиётда, энг аввало саноат ва қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини изчил камайитириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш;

2. 2015-2019 йилларда муҳандислик коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий тадбирларини сўзсиз амалга ошириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш;

3. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини янада ошириш;

5. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш;

6. Иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, “Электрон ҳукумат” тизими яратилишини тубдан жадаллаштириш;

14-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ БАНК ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

14.1. Марказий банк фаолиятининг мақсади. Марказий банкнинг ташкилий тўзилиши. Марказий банкнинг функциялари.

14.2. Марказий банк фаолиятининг мақсади ва вазифалари. Марказий банкнинг ташкилий тўзилиши.

14.3. Марказий банкнинг функциялари: эмиссион функция; “банкларнинг банки” функцияси.

14.4. Марказий банкнинг “давлатнинг банки” функцияси; расмий олтин-валюта захираларини бошқариш функцияси.

14.5. Марказий банкнинг актив операциялари: тижорат банкларига кредит бериш; ҳукуматга кредит бериш; хорижий банкларга депозитлар жойлаштириш; мамлакатнинг халқаро валютадаги резерв позициясини шакллантириш; ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш; олтин-валюта захираларини шакллантириш; асосий воситалар сотиб олиш.

14.6. Марказий банкнинг пасив операциялари: нақд пулларни эмиссия қилиш; мажбурий захира ажратмаларини шакллантириш;

депозит операциялари; банк қимматли қоғозларини муомалага чиқариш.

Таянч иборалар: пул барқарорлиги, эмиссион, банклар баки, давлат банки, валюта, захира

14.1. Марказий банк фаолиятининг мақсади. Марказий банкнинг ташкилий тўзилиши. Марказий банкнинг функциялари.

Одатда Марказий банк - бу давлат балки, масалан, Англия банки, Франция банки, Буидес банк, Япония банки, Швецария миллий банки, Финляндия банки ва бошқа ягона банклардан ташкил топади. Бироқ, АКШ Марказий банк 12 ҳудудий Федерал банклардан, яъни федерал захира тизими (ФРС) бошқарув кенгаш томонидан бошқариладиган булимлардан иборатдир.

Марказий банк капиталига бўлган мулк шаклига кўра улар Давлат (капитал давлатга тегишли) акционер ва аралаш капиталли турларига бўлинади.

Баъзи Марказий банклар Давлат банклари кўринишларида шаклланадилар. Уларга Немис Федерал Банки (Германия Буидес банки). 1957 йилда Рехс банкнинг давомчиси (1975 йилда пайдо бўлган) сифатида шаклланди. Баъзи Марказий банклар- олдин хусусий банк масалан, Англия банки (1694), Франция банклари (1800й.) сифатида кейинчалик эса миллийлаштирилиб давлат банкига айлантирилган.

Акционер туридаги Марказий банк қаторига АКШ ФРТ (Федерал Резерв тизими) киритиш мумкин. ФРС 1913 йилдаги Федерал Резерв асосида пайдо бўлган аралаш турдаги Марказий банклар жумласига капиталида давлат, акционер ва хусусий ва капитал иштирок этган банклар киради. Бу гуруҳлар қаторига кирувчи Япония банклар (1882й.) мисол килиниб келтирилиши мумкин. Қонун буйича 1942йилда 55% устав капитали давлатга тегишлидир. Деярли барча мамлакатларда Марказий банк ҳукукий меъёрларини тартибга солувчи, аниқловчи (белгиловчи) қонунлар мавжуддир. Турли мамлакатларда Марказий банкларга турли функцияларни белгилаб берилиши мумкин. Лекин Марказий банк доимо Давлат ва банк белгиларини ўзида мужассамлаштирилган ўзида Давлатнинг тартибга солувчи органи бўлиб қолади.

Мамлакатнинг Марказий Банки - шу давлат банк тизимининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Марказий банк- биринчи ўринда давлат ва иктисодиёт уртасида воситачи бўлиб хизмат килади. Аммо Марказий банк ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб кўймайди.

Марказий банкнинг асосий мақсади бўлиб миллий валюта курсини барқарор ҳолатда сақлаш ва шу орқали мамлакат ҳудудида баҳолар барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг молия-кредит тизимида энг асосий ва муҳим ўринни расмий пул-кредит сиёсатини юргизувчи - Марказий банк эгаллайди. Ўзнавбатида пул-кредит сиёсати бюджет сиёсати билан биргаликда иқтисодиётни бутун мамлакат миқёсида тартибга солишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Банклар пайдо булишининг бошлангич давларида улар марказий эмиссия ёки тижорат банклари тариқасида юзага келган эмас, яъни улар ўртасида ҳозиргидек бўлиниш булмаган. Банк иши ивожланишининг биринчи босқичларида ривожланган мамлакатларда ижорат банклари капиталларни йиғиш мақсадида муомалага банкноталар чиқарганлар. Банкларнинг йириклашуви, банк ишининг ривожланиши натижасида банкноталарни муомалага чиқариш йирик тижорат банклар қўлига ўта борган ва кейинчалик бирор йирик банк ихтиёрига берилган. Бу банк миллий ёки эмиссион банк кейинчалик Марказий банк деб аталган. Марказий банк яъни кредит тизимини бошқариб турувчи, барча банклар фаолиятини назорат қилиб турувчи кредит институтга сифатида намоён бўлади.

Жаҳон амалиётида Марказий банклар вужудга келишининг икки асосий йўли мавжуд.

Биринчи йўл - бу узок давр давомида тижорат банкларининг ривожланиши натижасида, уларни миллийлаштириш йўли билан Марказий банкларнинг таткил қилиниши. Бунга мисол қилиб Англия банкини 1844йил, Франция банкини 1848 йил, Испания банки 1874 йил, Германия Рейхсбанки - 1875 йил, Италияда 1893 йилда, Испанияда 1874 йилда мавжуд банкларнинг эмиссион марказ сифатида фаолият кўрсатишга мослашганлигини келтириш мумкин.

Иккинчи йўл - ташкил қилинган Марказий банк -эмиссион марказ сифатида қабул қилинган банклар. Бундай банкларга АКШнинг Федерал банклари, 1913 йилларда купгина Лотин Америка мамлакатларда ташкил қилинган банклар, Австрия банки ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

АКШда Марказий банк функциясини 12 федерал резерв банкдан иборат Федерал Резерв тизими бажаради. Федерал резерв банклар акционер банклар бўлиб, бу банкларнинг акционерлари сифатида миллий тижорат банклари фаолият кўрсатади. Тижорат банклар акционер сифатида дивиденд олишади. Дивиденд миқдори 6% дан ошмаслиги керак

Марказий банклар ижрочи ташкилотлар таъсирисиз, ўз фаолиятини олиб боришлари керак

Жаҳонда ўз фаолиятини олиб боришда энг мустақил бўлган банклардан бири бу Немис Федерал банки - Бундес банк ҳисобланади. Баъзи бир давлатларда Марказий банк парламентга ҳисобот беради- Кўпгина ҳолларда Марказий банклар ўз фаолиятида мустақил бўлсада, шу билан бирга давлат банки ҳисобланади:

14.2. Марказий банк фаолиятининг мақсади ва вазифалари. Марказий банкнинг ташкилий тўзилиши.

Марказий банк қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

- банкноталар (накд пуллар) эмиссияси,
- давлатнинг олтин - валюта захираларини саклаш,
- пул-кредит сиёсати инструментлари ёрдамида иқтисодни мувофиқлаштириш,
- кредит институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш,
- давлат банки сифатида фаолият кўрсатиш,
- тўлов-хисоб муносабатларини ташкил қилишни белгилаб бериш,
- валюта курсини мувофиқлаштириш.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида банкноталарни муомалага чиқариш функцияси Марказий банкларнинг асосий функцияларидан бири хисобланади ва у бу соҳада монополь ҳуқуқга эга. Кредит пуллар Марказий банк томонидан қонунда белгиланган равишда чиқарилади ва Марказий банк муомалага чиқарилган пулларнинг қайтиб банкга келиб тушиши чораларини ишлаб чиқишлари зарур.

Давлатнинг олтин - валюта резервларини бошқариш функцияси. Марказий Банк давлатнинг олтин, кимматбаҳр металл ва камёб тошларни валюта захираларини бошқаради. Давлатнинг расмий олтин-валюта захиралари халқаро хисоб-китобларда активлар резерви, хисоб-китоблар бўйича давлатнинг кафолатли суғурта фонди сифатида намоён бўлади. Одатда мамлакат олтин захираларининг асосий қисми Марказий банк ихтиёрига берилган бўлади. Баъзи давлатларда олтин захиралар молия министрлиги ихтиёрида бўлиб, марказий банк олтин билан операцияларни олиб боради.

Марказий банклар мамлакат валюта резервларини ўзида йиғди ва бу резервлар халқаро хисоб-китобларни амалга ошириш, тўлов баланси дефицитини қоплаш ва мамлакат уиллий валютаси курсининг барқарорлигини таъминлаш учун ишлатилади.

Марказий банк орқали давлатнинг иқтисодий сиёсати, янада аниқроғи давлатнинг пул-кредит сиёсати олиб борилади. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати давлатнинг шугисодни бошқариш сиёсатининг бир қисми бўлиб, муомаладаги пул массаси, кредит хажми, фоиз ставкалари даражасини ва бошқа пул муомаласи ва ссуда капитали бозори кўрсаткичларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар йиғиндисидан ташкил топади.

Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат.

Пул-кредит сиёсати икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Биринчи йўналиш - кредит экспанцияси бўлиб, бу сиёсат пул-кредит эмиссиясини рағбатлантириш йўли билан олиб борилади, яъни ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетган ҳолда, конъюнктурада ривожланишга эришиш мумкин. Иккинчи йўналиш - кредит рестрикция сиёсати бўлиб, у иқтисодий ўсиш даврида пул-кредит эмиссиясининг қисқаришига асосланади.

Марказий банк “тор” ва “кенг” маънода пул -кредит сиёсатини олиб бориши мумкин. “Тор” сиёсатда валюта бозорида инвестиция, хисоб ставкаси ва қисқа муддатли кредитлар буйича *фоиз* ставкаларига таъсир қилувчи бошқа инструментлар ёрдамида валюта курсини мақбуллилига эришиш тушунилади. “Кенг” сиёсатда муомаладаги пул массасига таъсир қилиш орқали инфляцияга қарши кўраш олиб бориш тушунилади. Пул-кредит сиёсатининг халқаро жихатлари валюта курси, валюта резервлари ва тўлов баланси каби масалаларнинг ечимига қаратилган бўлади. Марказий банк рўхсат этилган инструментлар ёрдамида пул муомаласини бошқариб боради. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатининг асосий инструментлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- минимал мажбурий резерв нормаларини ўрнатиш,
- фоиз (дисконт) сиёсати ,
- тижорат банкларини қайта молиялаштириш,
- очиқ бозор сиёсати,
- таргетлаш **ва** бошқалар.

14.3. Марказий банкнинг функциялари: эмиссион функция; “банкларнинг банки” функцияси.

Марказий банк банкноталарни муомалага чиқариш бўйича монопол мавқеига эга. Бу «банкнота якка ҳокимлиги», деб ҳам аталади. Банкноталар мамлакат ҳудудидаги ҳисоб-китобларда чекланмаган миқдорда қабул қилинувчи ягона тўлов воситасидир. Марказий банкнинг нақд пулларни бериш жараёнидаги монопол мавқеи, унинг барча пул массасининг ҳажмини, шу жумладан, тижорат банкларининг ҳисоб-рақамларидаги пул маблағларини ҳам назорат қилишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳақидаги қонуннинг 34-38-чи моддаларида Марказий банк мамлакатда муомалага пул чиқариш ҳуқуқига эга бўлган монопол банк эканлиги қайд этилган. Шу нуқтаи назардан, у муомаладаги пул массасининг барқарор равишда айланишига жавобгардир.

Марказий банк учун банкноталарнинг харид қобилятини барқарор даражада сақлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, энг аввало, муомаладаги банкноталар миқдорининг ўзгаришига боғлиқ. Бу ҳолатни ҳисобга олган бир қатор марказий банклар, хусусан, Германия Марказий банки раҳбарияти муомаладаги нақд пул массасини тартибга солишни, кредитлаш ҳажмини назорат қилиш билан бир қаторда, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шarti, деб ҳисоблайди.

«Банкларнинг банки» функцияси.

Марказий банкнинг «банкларнинг банки» сифатидаги функцияси, бизнинг фикримизча, асосан, қуйидаги тўрт йўналишда намоён бўлади:

Барча тижорат банклари ўз маблағларининг маълум қисмини Марказий банкдаги *фоизсиз* ҳисоб-рақамларида минимал резервлар сифатида сақлашга мажбурдирлар.

Хусусан, Германия Федератив республикасида 1984 йилдан бошлаб, асосан, барча тижорат банклари билан бир қаторда узоқ муддатли

қўйилмалар билан шуғулланувчи кредит институтлари ва қурилиш жамғарма кассалари ҳам минимал резервларини Марказий банкда сақлашга мажбур бўлдилар.

Банк миждозлари ўзжамғармаларининг ёки кредитларининг маълум қисмини Марказий банк билетларида, яъни нақд пулларда оладилар. Миждозларнинг бу талабини тижорат банклари Марказий банкдаги муддатсиз жамғармаларининг исталган пайтда нақд пулга алмаштириладиган қисми ҳисобидан қондирадилар. Марказий банк ана шундай йўл билан бутун банк тизимининг тўловга қобиллигига таъсир қилади. Аммо, бундан ҳар бир тижорат банки ўзининг нақд пулларга бўлган талабини фақатгина икки муҳим вазифани ҳал қилиш имкониятига эга бўлиб турибди. Биринчидан, минимал эмиссион банк маблағлари ҳисобидангина қондира олади, деган ҳулоса келиб чиқмайди. Айрим банкларда банкноталарнинг ортиқча захираси мавжуд бўлади ва улар бошқа банкларга бу пулларни кредитга бериши мумкин. Пул бозори ривожланган мамлакатларда бу жараён техник жиҳатдан жуда силлиқ кўчади. Шуниси характерлики, тижорат банкларидаги ортиқча нақд пуллар миқдори эмиссион банк яратган пуллар миқдорига тенгдир. Демак, тижорат банкларининг банкноталарни кредитга бериш имконияти чекланган. Бу эса, уларнинг банкнота эмиссияси соҳасида Марказий банкка боғлиқлигини сақлаб қолади.

Шундай қилиб, Марказий банк резервлар тизими орқали банк тизимининг тўловга қобиллигини таъминлаётган бўлса, иккинчидан, пул бозоридаги нақд пулларга бўлган талабни бошқариш орқали тижорат банкларининг пул ва кредит экспансиясини назорат қилиш имкониятига эга бўлаяпти.

2. Марказий банк барча тижорат банклари ва бошқа кредит институтлари учун «сўнгги кредитор»дир.

Тижорат банклари вақтинчалик ликвидли кредит оладилар. Бу кредитлар, албатта, тижорат векселлари билан, давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари билан ёки банкнинг бошқа қарз мажбуриятлари билан таъминланган бўлиши керак.

Марказий банкнинг тижорат банкларини қайта молиялаштириш бўйича амалга оширадиган доимий операциялари туфайли пул бозорининг мқътадил фаолияти таъминланади. Бу эса, ўзнавбатида, тижорат банкларига миждозларга қулай бўлган фоиз ставкаларида кредитлар бериш имкониятини юзага келтиради.

Айни вақтда, Марказий банк, тижорат банкларига берган кредитлари учун белгиладиган фоиз ставкаларини қзгартириш йўли билан кредит ресурсларига бўлган талабни тартибга солиш имкониятига эга бўлади.

3. Марказий банкнинг ушбу функцияси доирасидаги учинчи йўналиш, асосан, икки ҳолатда намоён бўлади. Марказий банк мамлакат ҳудудида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар шакллари, уларни қўллаш тартибини ва муддатини белгилаб беради. Хусусан, Немис Федерал банки тўғрисидаги қонунда Бундесбанкнинг «ҳисоб-китоблар тизимининг банклар

томонидан мамлакатда ва хориж билан бўлган алоқаларда ижро этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши» белгилаб қўйилган.

Ҳаддан зиёд катта микдордаги захираларни тижорат банклари томонидан сақлаб турилиши хазина ва тижорат векселлари каби пул бозори воситаларига бўлган талабни қисқаришига олиб келади. Шу билан бирга, тқловнинг кечикиши юқори инфляция шароитида келиб тушадиган пул маблағлари реал қийматининг пасайишига, давлат ва корхоналар томонидан кредитга бўлган талабнинг кучайишига олиб келади. Бундай шароитда рестрикциявий пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши, шубҳасиз, маблағлар етишмовчилиги натижасида ижро этилмаган тўлов топшириқномаларининг тўпланиб қолишига ва корхоналарнинг ўзаро қарздорлик суммаларининг сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

4. Мамлакат банк тизимининг мўътадил фаолият кўрсатишида Марказий банкнинг қандай усуллар ёрдамида ва қай даражада тижорат банклари фаолиятини назорат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунга келиб банклар фаолиятини назорат қилиш ривожланган хорижий давлатларда марказий банкларнинг муҳим фаолиятига айланди. Фақат Буюк Британия Марказий банкигина нисбатан кеч, яъни 1979 йилда расман, қонуний асосда банклар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бундесбанкнинг бу соҳадаги ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у бевосита банклар фаолиятини назорат қилиш билан шуғулланмайди. Балки назоратни Федерал назорат маҳкамаси амалга оширади. Аммо Бундесбанк назорат маҳкамасига яқиндан кўмаклашади. Хусусан, ушбу маҳкаманинг жойларда бўлинмалари мавжуд эмас ва у тўлиқ Федерал банкнинг жойлардаги муассасаларидан фойдаланади. Бундан ташқари, қарорлар қабул қилишда назорат маҳкамаси бир қатор масалалар бўйича Марказий банкнинг розилигини олиши керак. Масалан, банкларнинг ўзкапитали ва тўловга лаёқатлилиги хусусида қарор қабул қилиниши учун албатта, Бундесбанкнинг розилиги бўлиши шарт.

Марказий банкнинг банклар фаолиятини назорат қилишининг энг асосий сабаби мамлакатда банк тизимида бўлган юксак ишончни таъминлаш. Бу ишонч тижорат банкларининг ўзмижозлари - ҳуқуқий ва жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажара олиши орқали таъминланади.

14.4. Марказий банкнинг “давлатнинг банки” функцияси; расмий олтин-валюта захираларини бошқариш функцияси.

Марказий банк, давлат банки сифатида, Давлат бюджетининг кассали бажарилишини амалга оширади, давлат органларининг нақд пулсиз операцияларини маълум қисмини амалга оширади, ҳукуматнинг ташқи қарзларини тўлашга хизмат қилади, бюджет дефицитининг маълум қисмини қоплашга ва бошқа давлат муассасаларининг харажатларини

молиялаштириш мақсадларига қисқа муддатли кредитлар беради. Ҳамда ҳукуматга пул-кредит ва валюта масалалари бўйича маслаҳатлар беради.

Масалан, Бундесбанк давлат банки сифатида Федерацияга, маъмурий-худудий бўлинмаларга ҳамда Федерациянинг парабюджет фондларига кредитлар бериш ҳуқуқига эга. Бу кредитлар ҳажми чекланган бўлиб, қисқа муддатли характерга эгадир.

Давлат банки сифатида Бундесбанк, ҳукумат номидан унинг облигацияларини, молиявий векселларини сотади ва уларни сотиш учун эълон қилади. У федерал заёмлар курсини барқарор даражада сақланиши учун жавобгар ҳисобланади.

Марказий банк давлатнинг асосий банкири ва ҳукуматнинг молиявий маслаҳатчиси бўлиб ҳисобланади. Бу борада:

- ҳукумат миқёсидаги ташкилотларнинг ҳисоб рақамларини юритади;
- давлат заёмларини чиқариш, сақлаш ва улар билан тегишли операцияларни амалга оширади;
- ҳукуматга кредит беради;
- давлатнинг олтин-валюта ва қимматбаҳо тошлардан иборат резервини ўзида сақлайди ва бошқаради;
- мамлакат миқёсида валюта курсини ўрнатади, фоиз сиёсатини юргизади ва давлатнинг бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятларига жавоб беради. Улар билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатади ва олиб боради.

Марказий банкнинг давлат банки сифатидаги функциясининг муҳим кўринишларидан бири ҳукуматнинг ташқи қарзларини тқлаш жараёнида намоён бўлади.

Олтин-валюта захираларини бошқариш функцияси.

Ривожланган давлатларда ҳукуматнинг одатда, чет эл валюталарида ҳисоб-рақамлари бўлмайди. Мамлакатнинг олтин-валюта захираларини бошқариш Марказий банк зиммасида бўлиб, уларнинг суммаси Марказий банк балансида акс этади. Ҳукуматнинг эса, чет эл валюталарида ташқи қарзлари мавжуд бўлади. қарзни тқлаш муддати келиши билан ҳукумат Марказий банкка тқлов топшириқномаси ёзади. Банк қзининг валюта захиралари ҳисобидан ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлайди ва тўланган сумманинг миллий валютадаги эквивалентини ҳукуматнинг ҳисоб рақамларидан чегириб олади.

Ривожланган индустриал давлатларда Марказий банк бажарадиган анъанавий функциялардан бири - валюта захираларини бошқаришда Марказий банкнинг монопол мавқеига эга эканлигидир. Хусусан, Австрия, Буюк Британия, Германия, АҚШ каби давлатларнинг марказий банклари мамлакат валюта захираларини бошқаришда ана шундай ҳуқуққа эгадирлар.

Марказий банкларнинг маслаҳатлар бериш ва маълумотлар билан таъминлаш функциясини унинг давлат банки сифатидаги функциясига киритиш мумкин.

Марказий банкнинг маълумотлар талаб қилиш ҳуқуқи тўғрисида тижорат банклари учун ҳисоботлар шаклини ва топшириш муддатини белгилаб беришлигини Марказий банкнинг маълумот - тадқиқот функциясининг бир кўриниши сифатида кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий банкнинг функциялари қўйилган мақсадларга эришишни таъминлаш учун хизмат қилади. Шу сабабли асосий мақсадга эришиш йўлида белгиланган у ёки бу вазифани ҳал этиш Марказий банк функцияларининг айримларини бошқаларига нисбатан фаолроқ жалб қилинишини талаб этади.

Юқорида қайд этиб қтилган Марказий банкнинг асосий анъанавий функциялари халқаро банк тизимида анъанавий кўриниш сифатида кенг тарқалган, яъни ҳар бир ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар Марказий банкларининг функциялари бир-бирига ўхшаб кетади.

14.5. Марказий банкнинг актив операциялари: тижорат банкларига кредит бериш; ҳукуматга кредит бериш; хорижий банкларга депозитлар жойлаштириш; мамлакатнинг халқаро валютадаги резерв позициясини шакллантириш; ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш; олтин-валюта захираларини шакллантириш; асосий воситалар сотиб олиш.

Ўзбекистон банклари миллий иқтисодиётга таъсир этувчи қудратли тузилмага айланиш учун ривожланишнинг узоқ эволюцион, яъни тадрижий йўлини босиб ўтишига, анчагина машаққатларни бартараф этишига тўғри келди.

1991 йилда қатор банклар шакллана бошлади. Улар Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ўзгарувчан шароитларида фаолият юритиб, замонавий иш услубларини ўзлаштирган ҳолда тобора янги қирраларга эга бўла борди. 1991-1992 йиллар банклар фаолиятига доир қарашларда чинакам бурилиш йиллари бўлди. Ўзбекистон Республикаси ["Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги](#) Қонунининг қабул қилиниши икки даражали банк тизимининг таркиб топиши ва мамлакат Марказий банки зиммасига янги вазифалар юкланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Унинг олдида пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизими ҳамда тўлов тизимини шакллантириш вазифалари қўйилди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларини молиялаштириш энди ташкил этиладиган, замонавий тамойил ва талаблар асосида фаолият юритувчи ихтисослашган тижорат банклари томонидан амалга оширилиши лозим эди.

1993–1994 йилларда банк тизимидаги ислохотлар давом этди. 1994 йилнинг 1 июлидан еътиборан миллий валюта — сўмнинг муомалага киритилгани мустақил банк тизимининг, умуман, Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу Марказий банк ўз фаолиятида тўлиқ мустақил бўлганини, келгусида бозор инструментлари орқали миллий пул тизимини тартибга солиш самарали ташкил этилишига ёрдам бериши мумкин эканини англатар эди. Айнан шу вақтдан бошлаб Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини юритиш, валютага оид ишларни тартибга солиш, банк фаолиятини бошқариш ва кейинчалик

самарали тўлов тизимини яратиш бўйича фаолияти тўлақонли равишда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

1995 йил банк қонунчилигини такомиллаштириш даври бўлгани билан ажралиб туради. Тарихий муҳим ҳужжат — [“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги](#) Қонун нафақат банк тизимининг ҳуқуқий асосини бойитди, балки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги, алоҳида мақоми ва ваколатларини, асосий мақсад-вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди. Шу билан бир қаторда мазкур йилда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, кредит ва депозит бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур шароитлар яратилди. Банкларнинг капитал ҳажмига жалб этиладиган аҳоли жамғармалари миқдорини чекловчи қоида бекор қилинган, банк муассасаларининг имкони-ятлари сезиларли даражада кенгайди ва рақобат кучайди. Бунинг самараси дарҳол намоён бўлди. Агар 1994 йил бошида аҳоли жамғармаларининг 98,5 фоизи Жамғарма банки (ҳозирги Халқ банки), 1,5 фоизи эса бошқа банклар ҳиссасига тўғри келган бўлса, ўша йил охирида бошқа тижорат банкларининг ҳиссаси ҳам кўпайиб, бу борадаги кўрсаткич 12,8 фоизга этди. Бугунги кунга келиб, бу борадаги кўрсаткич 83,2 фоизни ташкил этмоқда.

1996 йил. Ушбу йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг [“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги](#) Қонуни иккинчи даражали банк тизими — тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосини аниқлаштирди.

Банк тизимига тааллуқли икки асосий ҳужжат — [“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги](#) ҳамда [“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги](#) Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ишлаб чиқирилишида ривожланган молия тизимига ега мамлакатлар тажрибаси инобатга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур қонунлар, шунингдек, [“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги](#) Қонун нодавлат банкларнинг хусусий ва акциядорлик-тижорат шаклида ташкил этилишига қулай ҳуқуқий шароит яратди. Бу даврда банк тизими ривожига алоҳида таъсир етган икки омилни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси, олиб борилган ислохотлар натижасида 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар бошқарув ва банк назоратининг тўла ҳуқуқли органи бўлди. Иккинчиси, Ўзбекистон Республи-каси [“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги](#) Қонуни иккинчи даражали банк тизими – тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосини аниқ-пухта белгилаб берди. Унда банк активларини диверсификациялаш ва хорижий капитал жалб қилиш асосида универсал тижорат банкларини шакллантириш принциплари мустаҳкамланган.

Бу даврда иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига хизмат кўрсатувчи кредит-молия ташкилотлари ташкил этилди. Бундай ихтисослашув қишлоқ хўжалиги, автомобил саноати, авиасозлик каби халқ хўжалигининг муайян соҳа ва тармоқларини молиялаштириш зарурати билан боғлиқ эди. Келгусида ихтисослашган банклар ўз операциялари ва мижозлари доирасини мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг янги даражаси ва бизнес-муҳит талабларига кўра кенгайтира боради.

Мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк секторини бошқарувчи ва назорат қилувчи орган сифатида шаклланиш жараёнлари давом этди. Банк тизимига тааллуқли қонунчилик базаси сифат жиҳатидан янгилашиб, халқаро банк амалиёти билан мувофиқлаштирилди.

1997 йил. Ушбу йилда ислохотларнинг стратегик йўналишларидан бири банк секторига хусусий капитал оқимини рағбатлантиришдан иборат бўлди.

Мазкур жараён 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ёллон қилинганидан сўнг жадаллашди. Унда жисмоний шахсларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган улуши билан банклар очиш учун имтиёзлар тақдим этиш кўзда тутилган эди. 1997 йил банк тизимининг ривожланиш тарихида банк фаолиятида ахборот тизимларини жорий этиш бошлангани билан аҳамиятлидир. Маълумки, ўша вақтгача республика ҳудудида амалдаги барча ҳисоб-китоблар кун бўйи олиб борилад эди. 1997 йилнинг март ойидан янги дастурий таъминот жорий этилиб, барча ҳисоб-китоблар автоматик режимда амалга оширила бошланди. Бу эса тўловларни республика ташқарисида 15 дақиқа мобайнида, Тошкентдан чекка жойларда атиги 3 дақиқада амалга ошириш имконини берди.

Айнан ўша вақтда ҳисоб-китоблар механизми ишлаб чиқилди ва банклараро электрон тўловларнинг замонавий тизими жорий этилди. Банкларга ўша вақтдаги ноёб имконият — компьютер ва телекоммуникация ускуналарини харид қилиш ва департаментларни улар билан жиҳозлаш имконияти берилди. Улар маблағларни ўз фаолияти учун зарур ускуна-анжомларни модернизация қилишга йўналтириши ҳисобга олиниб, қатор солиқ тўловларидан озод қилинди.

Шу тариқа, молиявий ва иқтисодий ахборотнинг сифат жиҳатидан янги истеъмолчилари — маҳаллий ва хорижий инвесторлар пайдо бўлди.

1998 йил. Ушбу йилда республика банклари Базел тавсияларига мувофиқ ҳолда фаолият кўрсатиш учун зарур тадбирлар амалга оширилди.

Банк назорати ва халқаро амалиёти бўйича Базел кўмитасининг тавсияларидан келиб чиқиб, тижорат банклари фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари доирасида тартибга солувчи комплекс меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бунда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида улар балансида мавжуд муаммоларни олдиндан аниқлаш ҳамда банк ликвидлиги пасайиши ва капитал тугаши юзага келишидан олдин огоҳлантирув чораларини кўриш тамойилларидан фойдаланилди.

1999–2000 йиллар. Ушбу йилларда валюта сиёсати янада либераллаштирилган ҳолда, биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валюталар савдоси механизми амалга киритилди.

Мазкур механизм ваколатли банкларнинг хорижий валютада талаб ва таклифдан келиб чиқиб, ўз мижозларидан шартнома асосида эркин курс бўйича валюталарни сотиб олишини кўзда тутди.

2000–2010 йиллар. Мазкур давр Ўзбекистон банк тизимини мустаҳкамлашда салмоқли ютуқларга эришилгани билан аҳамиятлидир.

Айнан шу йилларда замонавий инфратузилмага эга самарали банк тизимини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Банк тизими олдида унинг ривожланиш истиқболларини белгилаб берувчи стратегик вазифалар қўйилди. Вазифаларнинг биринчиси банклар молиявий барқарорлигини ошириш ва ички бозорда молиявий хизматлар доирасини кенгайтиришдан иборат бўлса, иккинчиси — Ўзбекистон банкларининг халқаро капитал бозорида фаоллигини таъминлашдир.

Мазкур даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимиз молия-банк тизимини ривожлантириш, унинг фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратди. Шу муносабат билан қатор етакчи банклар (“Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асака” банки ва бошқалар)нинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрокредитбанк” устав фондини кўпайтириш тўғрисида”ги Фармони мазкур банкни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича асосий кредит марказларидан бирига айлантирган ҳолда унинг фаолиятини сифат жиҳатидан янада яхшилади.

Ушбу даврдаги ҳар бир йил мамлакат банк-молия тизимининг изчил ривожланишида янги босқич сифатида қайд этилади.

2001 йил. Ушбу йилнинг 1 июлидан эътиборан кичик бизнес корхоналари ўзлари ишлаб чиқарган экспорт товарлар (иш ва хизматлар)ни банк муассасалари кассалари орқали белгиланган тартибда валюта улушини ўз ҳисобига ўтказиш йўли билан нақд хорижий валютада амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Республикамиз ҳукумати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришни ҳамда унинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш борасида муҳим қадам қўйди. Айнан шу йили еркин айирбошловчи валютадаги Бирлашган барқарорлашган жамғарма ташкил этилди. Бу ўз навбатида, Ўзбекистонда биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилди.

Бу вақтда банк тизими билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада ривожланди. Мазкур ҳамкорлик ривожига тўғридан-тўғри берган муҳим омиллар сифатида банклар томонидан хизмат кўрсатиш сифатининг тобора яхшиланиши, банкларда рақобатчилик муҳитининг юзага келиши, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ жараёнларни кўрсатиш мумкин. Айнан шу даврда банклар кредитлаш сиёсати кучайганини, миқдорлар сўровларини синчковлик билан ўргана бошлаганини ва банк ходимларида миқдорларнинг талаб-эҳтиёжларига жавобан тез ҳаракат қилиш қобилияти шаклланиганини яққол кузатиш мумкин.

14.6. Марказий банкнинг пассив операциялари: нақд пулларни эмиссия қилиш; мажбурий захира ажратмаларини шакллантириш; депозит операциялари; банк қимматли қоғозларини муомалага чиқариш.

2002 йил аҳолининг банклардаги омонатларини ҳимоялашнинг ишончли ва самарали механизми яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни доирасида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилди. Давлат-тижорат Халқ банкидан ташқари, республикамиз ҳудудида ўз фаолиятини олиб боровчи барча банклар унга аъзо бўлди. Ишончлилиқ, хизмат кўрсатишнинг юқори сифати, барча мижозлар билан ўзаро шериклик муносабатлари Ўзбекистон банклари фаолиятида асосий принципларга айлана борди.

Банк тизими фаолиятининг институционал асослари такомиллаштирилди. Банк секторини либераллаштириш ва ислоҳ қилишни кўзда тутиб қабул қилинган дастурий ҳужжатлар унинг самарадорлигини оширишни олдиндан белгилаб берди. Мазкур ҳужжатлар замирида банк фаолиятини либераллаштириш жараёнининг тизимли ва босқичма-босқичлик тамойиллари ётади. Ушбу тамойилларга амал қилиш аҳолининг мамлакат банкларига нисбатан ишончини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Бундай ёндашув, шубҳасиз, барқарор ва ишончли банк тизимини ташкил қилиш жараёнида улкан ютуқдир.

2003–2004 йиллар. Мамлакатимизда либераллаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида банк тизимини ривожлантириш даври.

Бу даврда аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, банкларни республикамиздаги янгиланишларнинг молиявий таянчига айлантириш мақсади қўйилди. Унинг муваффақияти банкларнинг келгуси ривожда долзарб аҳамият касб этиши лозим эди. Корхоналарни акциядорлаштириш ва уларнинг мулкчилик шаклини ўзгартириш жараёнлари жадаллашди. Банклар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг янги босқичи талабларидан келиб чиқиб, ўз ривожланиш концепциясига риоя етган ҳолда стратегиясини такомиллаштириб борди. Уларнинг ресурс базасини кенгайтириш ва капиталлашув даражасини ошириш ўз фаолиятини диверсификациялаш, янги акциядорларнинг маблағларини жалб этиш, ИТ-технологиялар асосида янги банк маҳсулотлари ва инструментларини ишлаб чиқиш ҳисобига амалга оширилди.

Валюта бозорини либераллаштиришни давом еттириш ва жорий халқаро операциялар бўйича сўм конвертациясини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш билан боғлиқ бўлган омиллар ҳам банклар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатди. Чунончи, 2003 йилнинг 15 октябридан Ўзбекистон Республикаси Халқаро Валюта жамғармаси Битимининг ВИИИ моддасидаги мажбуриятни қабул қилди. Натижада корхоналар жорий операциялар бўйича конвертацияни амалга ошириш имкониятига ега бўлди. Бу масала юзасидан Ўзбекистоннинг ташқи маблағларни жалб етмай, амалда ўз ресурсларига таяниб мақсадга еришгани юксак эътирофга сазовор. Мазкур чоралар миллий валюта конвертациясидан фойдаланган маҳаллий тадбиркорлар фаолиятини кенгайтиришга яқиндан ёрдам берди.

Бу ҳақиқатан ҳам бой ва сермахсул фаолиятнинг қизиқарли даври эди. Марказий банкнинг валюта сиёсати инфляция даражасини ушлаб туриш ва миллий валюта курси кескин тебранишининг олдини олиш баробарида экспортни рағбатлантириш ҳамда валюта ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган эди. Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарларига нисбатан дунё бозорларида қулай нарх конъюнктураси, шунингдек, экспортга йўналтирилган валюта сиёсатининг олиб борилиши экспорт ва олтин-валюта захиралари ҳажмининг ошишига имкон берди.

Банк тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ишлар давом еттирилди. Унинг асосий йўналишлари сифатида банклар бошқарувида акциядорларнинг ролини ошириш орқали корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлаш, банклар молиявий барқарорлигини уларнинг активлари, жумладан, валюта активлари сифатини яхшилаш евазига кучайтириш, банк ишини янада такомиллаштириш ва банклар томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини тобора кенгайтириш, тижорат банкларининг инвестицион жараёнлардаги ролини ошириш ва мулкчиликнинг барча шаклидаги тадбир-корлик тузилмаларининг кредит ресурсларидан (жумладан, халқаро молиявий ташкилотларнинг линиялари бўйича ҳам) фойдаланиш механизми такомиллаштирилганини қайд этиш жоиз.

2005–2006 йиллар. Мамлакатимиз банклари капиталлашув даражасининг ошиши ва уларнинг инвестиция жараёнларида ҳамда иқтисодий-тузилмавий ўзгаришларда иштироки янада фаоллашган даври. Ўша кезларда мамлакат ҳукумати банкларнинг фойда (даромад) солиғидан озод қилинишига банклар фаоллиги ошувининг яна бир захираси сифатида қаради. Боз устига, тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ, тижорат банкларининг мини-банклар ташкил этиш билан боғлиқ харажатлари ҳам солиқ ундириш базасидан чиқарилди.

Шу тариқа, асосий эътибор пул муомаласини мустаҳкамлаш ва миллий валюта, унинг айирбошлаш курси барқарорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди. Бу эса фуқароларда катта рағбат уйғотиб, уларнинг банкларга нисбатан ишончини янада орттирди. Аҳолининг банкларда депозит ҳисобрақамлар очишга киришиши билан боғлиқ ижобий ҳолатлар кўпайди. Банкларнинг депозит базаси ҳажми ошди, банк хизматлари бозори шакллана бошлади. Эътиборлиси, банк маҳсулотлари қаторидан янги хизмат турлари, масалан, лизинг хизматлари жой ола бошлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда чакана хизматлар ривожини халқаро банк ва молия капиталини кенг жалб қилган ҳолда қўшма банкларнинг ташкил этилишига таъсир кўрсатди. Республикамиз банк бозори 100 фоизли хусусий капитал асосидаги янги банкларнинг вужудга келиши натижасида тубдан ўзгарди. Хусусий банкларнинг хизматлар бозоридаги рақобатни кучайтириб юборгани мамлакат банк тизими ривожига енг муҳим босқичлардан бири бўлди. Мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банки солиқ имтиёзлари ва кадрларни тайёрлаш жараёнида техникавий қўмак тақдим етган ҳолда уларнинг ривожланишини мунтазам рағбатлантириб бормоқда.

Айни пайтда хусусий банклар сони тижорат банклари умумий сонининг қарийб ярмини ташкил этади.

Республикамизда хусусий банклар ривожланишини изчил рағбатлантириш рақобатни кучайтиришга, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилашга ва молиявий ресурсларнинг самарали тақсимотига туртки берди. Бу эса, ўз навбатида, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2006–2007 йиллар. Ипотекавий кредитлашнинг ривожланиш даври. Банк хизматларининг мазкур янги шакли маҳаллий аҳоли томонидан дарҳол ижобий баҳоланди. Аҳолининг барча қатламларини, айниқса, ёшларни ижтимоий ҳимоялашни кўзда тутувчи ушбу манба Ўзбекистон Республикаси “Истеъмол кредити тўғрисида”ги ва “Ипотека тўғрисида”ги Қонунлари орқали мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонуни истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур қонун турар-жой ва маиший шароитларни яхшилаш борасида аҳолининг имкониятларини янада кенгайтиришга, бинобарин, банкларда истеъмол кредитлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошишига хизмат қилади.

2006 йилнинг октябр ойида эса Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги қонуни кучга кирди. Кўчмас мулкни харид қилиш учун кредитлар ажратишнинг ҳуқуқий механизмини ўзида мустаҳкамлаган ушбу қонун ҳужжати банк ипотекавий кредитлаш ривожига муҳим аҳамият касб этди. Ундан кўзланган асосий мақсад кўчмас мулкка гаров қўйишда юзага келувчи муносабатларни тартибга солишдан иборат эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида уй-жойлар қурилишини узоқ муддатли ипотекавий кредитлаш тизимида бир қатор механизмлар жорий этилди.

Бу даврда, шунингдек, банкларнинг стратегиялари нақд пул муомаласини мустаҳкамлашга, ҳар бир филиалда нақд пул захираларини шакллантиришга ва ўз фаолиятида самарадорликни оширишга қаратилди.

“2005–2007 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури”да белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банклар капиталлашув даражаси ва кўрсаткичларининг барқарор ўсишини таъминлаган ҳолда, банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва либераллаштиришда муҳим омил бўлди. Бу борада пул муомаласини мустаҳкамлаш ва миллий валюта, унинг айирбошлаш курси барқарорлигини ошириш, банкларда аҳоли омонатларини кўпайтиришни рағбатлантиришга устувор йўналишлар сифатида ётибор қаратилди. Ривожланиш сари доимий равишда интилаётган тижорат банкларига мамлакатимиз ҳукумати томонидан ўз вақтида тақдим этилган имтиёзлар кредит муассасалари ўз янги инструментларини ишлаб чиқадиган ва таклиф қиладиган банк-молия бозорининг шаклланишини олдиндан белгилаб берди.

2008–2009 йиллар. Ушбу йилларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун банк чакана маҳсулотларини ривожлантириш банк фаолиятининг муҳим йўналишига айланди.

Мазкур йўналишда банклар ўз фаолиятини дунёвий амалиётнинг “олтин” принциpidан келиб чиққан ҳолда олиб бордилар. Яъни, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг жозибадорлиги тадбиркорларнинг кредитлардан фойдаланиш кенг имконияти билан мутаносиб ҳолда ривожлантирилди. Давом еттирилган ислохотлар банк фаолиятини аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб етувчи, илгари қабул қилинган “Истеъмол кредити тўғрисида”ги ва “Ипотека тўғрисида”ги қонунлар доирасидаги фаоллигини янада кучайтирди.

Ўзбекистон тижорат банклари республикамиздаги ва жаҳон банк ҳамжамиятидаги янги воқеликка жавобан ўзлари таклиф етаётган хизматлари тўпламини кенгайтди, бозорга янги банк маҳсулотларини чиқарди ва айни пайтда молия институтлари фаолиятининг халқаро стандартларини фаол жорий этишга киришди.

2010 йил. Ўзбекистон тижорат банклари, аввало, ихтисослашган кредит институтлари сифатида кўзга кўрина бошлади. Бу, бир томондан хўжаликларнинг вақтинча бўш маблағларини жалб этиши, бошқа томондан эса жалб этилган маблағлар ҳисобидан корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва аҳолининг молиявий эҳтиёжларини қондириши билан долзарб аҳамият касб этди.

Хорижий ва маҳаллий экспертларнинг қайд этишича, сўнгги йиллар давомида республикада асосий тамойил — ихтисослашувдан узоқлашиш ва банк фаолиятида универсallasштиришни чуқурлаштириш кузатилмоқда. Бу эса банк операциялари мазмуни ва кредит муносабатлари моҳиятини олдиндан белгилаб беради.

15- МАВЗУ. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ

15.1.Марказий банкнинг иқтисодий мустақиллиги ва уни баҳолаш тартиби. Марказий банкнинг сиёсий мустақиллиги ва уни баҳолаш тартиби.

15.2. Марказий банкларнинг мустақиллик шкаласи. АҚШ Федерал захира тизимининг мустақиллик даражаси.

15.3. Европа Марказий банкининг мустақиллик даражаси. Япония Марказий банкининг мустақиллик даражаси. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари Марказий банкларининг мустақиллик даражаси.

15.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мустақиллик даражаси.

Таянч иборалар: давлат банки, аралаш марказий банк, сиёсий мустақиллик, иқтисодий мустақиллик, баҳолаш

15.1.Марказий банкнинг иқтисодий мустақиллиги ва уни баҳолаш тартиби. Марказий банкнинг сиёсий мустақиллиги ва уни баҳолаш тартиби.

Марказий банкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда уни мамлакат ҳудудида бўлаётган иқтисодий жараёнларни тартибга солишдаги роли ҳақида мунозарали баҳслар бир неча маротаба ўзининг ривожланиш йўналишларини ўзгартирди ва бунинг оқибатида иқтисодиётдаги банк тизимининг биринчи поғонасида реал ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлди, бу эса биринчи навбатда давлат бошқарув органларига бўлган муносабатларда намоён бўлди.

Бу муаммони таҳлил этишда асосий жиҳат - мамлакат Марказий банк сиёсатининг давлат иқтисодий сиёсати йўналишига тобелиги, яъни аниқроғи бу тобеликнинг даражасига боғлиқ. қачонки, мамлакат Марказий банки сиёсати давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлса, бундай боғлиқликни самарали, деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, шу нарса катта аҳамиятга эгаки, бу иттифоқ Марказий банк томонидан қанчалик ихтиёрий равишда тузилган ва у кимга ҳисобдор ва банк тизимида пул-кредит сиёсатини тартибга солишдаги усулларни ва йўналишларни танлашда ҳамда қонун бўйича Марказий банк мустақиллиги даражаси ва бунга ҳақиқатда эришилганлигига аҳамият бериш лозим.

Марказий банкнинг мустақиллиги ва иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрни кўп ҳолларда миллий урф-одатлардан ва банк тизимининг миллий хусусиятларидан келиб чиқади. Лекин, умумий йўналиш (тенденция)ларни ҳам асосий иқтисодий ривожланган мамлакатларга таққослаган ҳолда кўриб чиқиш мумкин. 70-йиллар ўрталаридан 80-йиллар ўрталаригача бўлган давр мобайнида давлатнинг иқтисодиётга амалий аралашуви натижасида жаҳоннинг кўпгина етакчи мамлакатларида марказий банкларнинг “қудратлилик” назарияси тасдиқланди, марказий банкларнинг обрў-эътибори, нуфузи қсди ва бу маъмурий бошқарув усуллариининг кенгайишида намоён бўлди.

Шулар орқали, таҳлил қилинган беш омил ичидан уч асосий (аниқроғи: 2,4,5) ва икки қўшимча (1 ва 3) омилни ажратиш мумкин. Марказий банкнинг ҳукумат бошқарув органларидан мустақиллигини белгиловчи асосий объектив омилларга:

- банк раҳбарини сайлаш ва ишдан озод қилиш тартиби;
- пул-кредит сиёсатига давлатнинг аралашуви ҳуқуқи;
- ҳукуматни Марказий банк томонидан кредитлаш чегараланганлигининг мавжудлиги ва қатъийлигини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Марказий банк капиталида давлат улушини ва қонунчиликда Марказий банкнинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгиланганлиги юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, у Марказий банк мустақиллиги даражасини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнамайди ва улар иккиламчи омиллар бўлиб ҳисобланадилар.

15.2. Марказий банкларнинг мустақиллик шкаласи. АҚШ Федерал захира тизимининг мустақиллик даражаси.

Саноати ривожланган мамлакатлар Марказий банклари мустақиллигининг объектив омилларига баҳо беришда қуйидаги мезонларни киритиш мумкин:

- Марказий банк капиталида ва фойдани тақсимлашда давлатнинг иштироки;
- банк раҳбарларини тайинлаш (сайлаш) даги тартиб ва уларнинг фаолият кўрсатиши муддати ҳамда давлат томонидан миллий банкнинг фаолиятини назорат қилиш шакли;
- Марказий банк вазифаларини аниқлашнинг қонунчиликда ёритилиш даражаси;
- Марказий банк раҳбарияти қарорини давлат органлари қирғатилган қонун билан тўхтатишини ёки давлатнинг умумиқтисодий йўналиши билан Марказий банкнинг пул-кредит доирасидаги тадбирларни тартибга солишнинг мавжудлиги;
- мамлакат Марказий банкнинг давлат харажатларини тўғри ва эгри молиялаштиришини тартибга солишчи қонуннинг мавжудлиги ва унинг шакллари.

Марказий банкнинг капиталида ва фойдасини тақсимлашда давлатнинг иштироки омили Марказий банк иқтисодий мустақиллигининг қанчалик даражадалигини кўрсатади. Лекин бу қарамлик иккиламчи роль ўйнайди, чунки Марказий банкнинг капитали тўғридан-тўғри давлатга тегишли бўлмаса ҳам, қонунчиликда маълум шарҳ (изоҳ) мавжуд бўлади. Агар мавжуд бўлмаса, давлат эгри усуллардан фойдаланади.

Мисол қилиб, Австрия Миллий банки ҳақидаги қонунни олайлик. Бу банк худди ҳиссадор жамияти шаклида тузилган ва фаолият кўрсатмоқда (Марказий банкнинг 50 фоиз капитали Федерацияга, қолган 50 фоизи капитали австриялик ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга тегишли). Марказий банк капиталига фақат Молия вазирлигидан рухсат олган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларгина улуш ққша олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Пай (улуш) мерос (ворислик) орқали қтиши ёки Молия Вазирлиги рухсати билан сотилиши мумкин. Шу орқали давлат билвосита назоратни амалга ошириши мумкин.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг функция ва вазифалари қонунда кўрсатилган. Шу сабабли улуш эгалари йиғилиши чегараланган масалаларнигина еча олади. Албатта, бу масалалар банкнинг иқтисодий сиёсати билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмайди.

Шундай қилиб, мамлакат Марказий банкнинг капиталида 100 фоизи давлатнинг иштироки - кўпроқ Марказий банк салоҳиятига ва аъёналарига ҳамда улуш эгаларига ҳам боғлиқ. Мисол тариқасида АҚШнинг Федерал Резерв Тизимини ва Германиянинг Федерал банкини кўрсатиш мумкин. Иккала Марказий банк жаҳонда энг мустақил марказий банклар сифатида тан олинган. Шундай бўлса-да, Немис Федерал банкнинг 100 фоиз капитали Федерацияга, Федерал Резерв Тизими капитали эса, 100 фоиз аъзо-банкларнинг тўлиқ мулкига тегишли. Ва аксинча, банклар ва суғурта

компанияларининг мулкига тегишли бўлган Италия Марказий банки давлат бошқарув органларига қарамдир.

Бу омилнинг таҳлилидан кўринадик, марказий банклар капитали эгаларининг таркибидан қатъий назар, улар унинг пул-кредит сиёсатидаги мустақиллигига аҳамиятли таъсир кўрсата олмайди.

Марказий банкнинг мустақиллиги даражасини белгиловчи кейинги омил, банк раҳбарининг сайланиш тартиби ҳисобланади.

Бу омил Марказий банкнинг давлат органлари бошқарувидан қанчалик даражада сиёсий мустақиллигини белгилашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Биринчи қарашда, мамлакатлар ўртасидаги фарқ фақат Марказий банкнинг бошқарув лавозимида номзодларни ким тавсия этишида намоён бўлади. Кўпгина ривожланган давлатларда Япония, АҚШ, Австрия) банк раҳбариятига ҳукумат тавсия этган номзодлар сайланади ёки тайинланади.

Марказий банкларнинг раислари ва бошқарув аъзоларини қонун бўйича ишдан олиш тартиби ҳам қизиқарли ҳолатда расмийлаштирилган. Кўпгина саноати ривожланган мамлакатлар (Германия, Буюк Британия, Япония, АҚШ, Дания, Австрия, Швейцария ва Голландия)нинг марказий банклар раисларини, бошқарув аъзоларини сайланган муддатларидан илгари ишдан бўшатиб бўлмайди. Ҳукуматга юқоридаги давлатларга нисбатан қарамроқ бўлган марказий банклар бунга қармайди (Италия, Франция).

Марказий банкнинг сиёсий мустақиллигини кўрсатувчи учинчи омил, унинг қонунда кўрсатилган фаолияти даражаси ва мақсадлари ҳисобланади. Бу омил бир томондан, Марказий банк фаолиятини эркинлигига чегара қўйса, бошқа томондан, унинг қонунда кўрсатилган ваколатларини аниқлайди.

Бир қатор мамлакатларда, масалан, АҚШ, Швеция, Буюк Британия ва Италияда Марказий банк вазифаларининг таърифи қонунда қайд этилмаган ёки умумий ҳолда кўрсатилган, холос. Шундай бўлса ҳам, иккала гуруҳда жуда мустақил ва шу билан бирга қарамроқ бўлган марказий банклар бордир.

Шундай қилиб, бу омилнинг таъсирини фақат Марказий банкнинг ташкил топиши шароити ва урф-одатлар таҳлили билангина кўриш мумкин. Марказий банкнинг вазифа ва мақсадлари қонунда аниқланиш омили шу сабабли иккинчи даражали роль қўнайди.

Марказий банк мустақиллигининг белгиловчи омиллардан бири, унинг пул-кредит сиёсатига давлат органларининг аралашшини қонун бўйича қанчалик даражада қўйилганлигидир. Бу омил биринчи галда Марказий банкнинг сиёсий мустақиллигига таъсир кўрсатади.

Мустақиллик даражаси нисбатан паст бўлган марказий банкларга Франция ва Италия марказий банкларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу давлатларда пул-кредит сиёсати йўналишини ҳукумат белгилаши қонун билан мустаҳкамланган. Марказий банк эса, ҳукумат кўрсатмаларини бажаради ва унга маслаҳатчи вазифасини ўтайди.

Иккинчи жаҳон уруши давридан бошлаб Франция банки Молия Вазирлиги қармоғидир. Пул бозоридаги интервенциянинг ташаббускори

хам, немис маркасига нисбатан француз франки курсини ушлаш масаласи ҳамда Европа Ҳамжамияти бозорининг ташкил топишида валюта операцияларини тартибга солишда ҳам ҳукумат иштирок этмоқда.

Албатта, Франция Марказий банки томонидан ҳукуматнинг пул-кредит сиёсатини тартибга солишдаги ҳаракатини қоралаб чиқишлар бўлди. Масалан, 1982 йилда Марказий банк Молия Вазирлиги талабига биноан ҳукуматнинг кредитлаётган сумма миқдорини оширишдан бош тортди. Бироқ, Раисга қарши тазйиқ (сиқув)лар бўлди ва Франция банки одатдагидек, Молия Вазирлиги кўрсатмасига бўйсинишга мажбур бўлди.

АҚШнинг Федерал Резерв Тизимидан фаркли равишда Немис Федерал банки парламентга ҳисобот бермайди, у ўзфаолияти ваколатини “Немис Федерал банки ҳақида”ги қонунга мувофиқ амалга оширади.

Швейцария, Италия, Швеция ва Данияда ҳукуматни кредитлаш ҳажмини чегаралаш расман мавжуд эмаслиги, улар марказий банкларининг бу мезон бўйича давлатга қаттиқ қарамликларини кўрсатади.

Шулар орқали, таҳлил қилинган беш омил ичидан уч асосий (аниқроғи: 2,4,5) ва икки қўшимча (1 ва 3) омилни ажратиш мумкин. Марказий банкнинг ҳукумат бошқарув органларидан мустақиллигини белгиловчи асосий объектив омилларга:

- банк раҳбарини сайлаш ва ишдан озод қилиш тартиби;
- пул-кредит сиёсатига давлатнинг аралашиши ҳуқуқи;
- ҳукуматни Марказий банк томонидан кредитлаш чегараланганлигининг мавжудлиги ва қатъийлигини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Марказий банк капиталида давлат улушини ва қонунчиликда Марказий банкнинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгиланганлиги юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, у Марказий банк мустақиллиги даражасини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнамайди ва улар иккиламчи омиллар бўлиб ҳисобланадилар.

Юқорида кайд этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ривожланган мамлакатлар марказий банклари ўзларини мустақил таъсир ўтказа оладиган институт сифатида кўрсатишлари зарур. Бу бир томондан, уларга қонун асосида рухсат этилган воситалар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солишни амалга ошириш ҳуқуқини беради, бошқа томондан эса, Миллий банк ва пул тизими манфаатларининг химоячиси сифатида майдонга чиқади.

Шу муносабат билан Марказий банкнинг иқтисодиётни тартибга солиш жараёнидаги ва умуман иқтисодиётдаги мавқеини, шунингдек, мамлакат ҳукумати билан ўзаро муносабатларини таҳлил қилар эканмиз, унинг пул-кредит тизими ва ҳукумат органлари ўртасида оддий воситачи эмаслигини, балки маълумот, тадқиқот, тартибга солувчи ва назорат қилувчи марказ эканлигини алоҳида таъкидлашни истардик.

Бироқ, мамлакат пул-кредит соҳасидаги Марказий банкнинг мустақиллик даражаси масаласи ҳанузгача мунозарали бўлиб қолмоқда. Миллий пул бирлиги қадрини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар

фақатгина пул-кредит соҳасига тегишли эмас, балки у яхлит бутун иқтисодиётга таъсир қтказади, бу эса ҳар қандай даражадаги иқтисодий сиёсат билан келишишни ва давлатнинг барқарорлаштириш дастури доирасидан четга чиқмасликни тақозо этади. Бундан ташқари, Марказий банкнинг мустақиллик даражаси кўпгина макроиқтисодий кўрсаткичларга фақат билвосита таъсир кўрсатади.

15.3. Европа Марказий банкининг мустақиллик даражаси. Япония Марказий банкининг мустақиллик даражаси. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари Марказий банкларининг мустақиллик даражаси.

Кўрилатган даврда марказий банклар даражасида халқаро алоқалар муваффақиятли ривожланди. Бунга яққол мисол қилиб, Европа Валюта Тизимини ташкил топиши ва Европа Марказий банкни тузиш режасини кўрсатиш мумкин.

Бироқ, 80-йилларнинг ўрталаридан, миллийлик хусусиятларининг йўқотилиши ва марказлашмаган сиёсатларнинг бошланиши билан марказий банкларнинг “қудратли”лиги назарияси тарафдорлари чет эл илмий доираларида сезиларли даражада камайди. Шундай қилиб, 80-йилларнинг охирларида ғарбий Европада марказий банкларнинг пул-кредит сиёсатидаги роли ҳамда валюта бозоридаги операциялар устидан бўлган назоратининг пасайиши юз берди.

Шундан келиб чиқиб, Марказий банкни тартибга солиш механизмининг характерли хусусиятлари билан худди шу даврда амал қилаётган иқтисодий назариялар йўналишлари ўртасида етарли даражада ўхшашликларни мисол қилиб келтириш мумкин. Давлат аралашуви кучайган даврда (кейнсчилар тарафдорлари назарияси бўйича) Марказий банкларнинг роли ҳам кучаяди, тартибга солишнинг маъмурий методларини ққллаш кенгаяди, ва аксинча, монетаристлар назариясининг таъсири кучайиши ва давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг камайиши оқибатида марказий банкларнинг иқтисодиётни тартибга солишда бозор механизмларидан фойдаланишга мажбур бўладилар. Шундай вазиятларда Марказий банк ваколати-нинг бир қисмини ички пул-кредит ва валюта сиёсатидаги муаммоларни ечиш учун Молия Вазирлигига беради.

Бироқ, ғарб иқтисодчилари нуқтаи-назарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий банкнинг иқтисодиётдаги қрнини ўзгаришига субъектив омиллар ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин, шу жумладан, хатто банк раҳбарининг шахсий сифатларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мисол учун, ғарбий Европадаги мамлакатлар Марказий банкларининг роли ўзгаришини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда бир қатор иқтисодчилар 70-йилларда Марказий банкларнинг кучайишини шу миллий банк тизимининг бошқарувида кўзга кўринган ҳукумат ва халқаро доираларда обрў-эътибори юқори бўлган молия арбоблари бошқарганлигини

таъкидлайдилар. Бунинг оқибатида қша даврдаги миллий валюта рақобатбардошлигига хавф солувчи ҳукуматнинг иқтисодий чора-тадбирларига қарама-қарши “қаттиқ сиёсат” ққллаш мумкин бўлган эди.

У ёки бу Марказий банкнинг ўзфаолиятидаги мустақиллик даражасини аниқлаш учун уларнинг мустақиллик мезони (белгиси)га холис баҳо бериш керак. Хорижий адабиётларда марказий банклар мустақиллигини аниқлашнинг бир неча усуллари қайд этилган. Асосан марказий банкларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги ажралиб (фарқланиб) туради.

Марказий банкнинг мустақиллиги даражасини аниқлашда унинг пул-кредит сиёсатини танлаш ва қтказишда давлат бошқарув органларига кўпроқ ёки камроқ қарамлигига эътибор берилади.

Марказий банкнинг иқтисодий мустақиллиги - бу унинг ўзинструментларидан ўзи хоҳлаган йўналишда ва чегараланмаган миқдорда фойдалана олишига айтилади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар марказий банк-ларининг туркумланиши пул-кредит сиёсати масалаларини ҳал этишдаги мустақиллиги хорижий адабиётларда турли мезонларга қараб амалга оширилади.

Умуман олганда марказий банклар мустақиллигининг устунлигини крганиш тадқиқотларида ё субъектив, ёки объектив омилларга баҳо бериб, ажратиш мумкин. Масалан, субъектив омиллар сифатига мамлакат Марказий банки билан ҳукумат ўртасидаги ўзаро расмий муносабатларни ҳамда Марказий банк раҳбарларининг ҳукумат доираси билан бўлиши мумкин бўлган норасмий алоқаларни танлаб кўрсатишган. Чет эл муаллифларининг тадқиқотларида мустақилликнинг 4 баллик тизими танланган: 1-балга - марказий банкларнинг давлат бошқарувидан паст даражада мустақиллиги, яъни тқла қарамлиги; 4-баллга - мустақиллик даражаси жуда юқори бўлган марказий банклар киради.

Марказий банкнинг мустақиллиги даражасини белгиловчи кейинги омил, банк раҳбарининг сайланиш тартиби ҳисобланади.

Бу омил Марказий банкнинг давлат органлари бошқарувидан қанчалик даражада сиёсий мустақиллигини белгилашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Биринчи қарашда, мамлакатлар ўртасидаги фарқ фақат Марказий банкнинг бошқарув лавозимида номзодларни ким тавсия этишида намоён бўлади. Кўпгина ривожланган давлатларда (Германия, Буюк Британия, Франция, Дания, Швейцария, Австрия) банк раҳбариятига ҳукумат тавсия этган номзодлар сайланади ёки тайинланади.

Бундай шароитда мамлакат Марказий банк раҳбарияти бошқарувида етакчи лавозимдаги шахс катта роль қйнайди. Масалан, Немис Федерал банки раҳбарлигига Франция банки раҳбарларига қарама-қарши равишда юқори ташкилот ҳисобланган Молия Вазирлигидан чиққан хизматчилар сайланмайдилар. Франция банки раиси ва унинг биринчи 2-та ёрдамчиси Республика Президенти томонидан махсус декрет асосида тайинланади. Бу декрет Вазирлар Кенгашида тасдиқланади. Австрия миллий банкининг умумий йиғилишида бош кенгашга 6 аъзони таъсисчилар сайлайдилар; президентни, 2-та вице президентни ва кенгашнинг қолган 5 аъзосини Молия

Вазирлиги тайинлайди. Бунда, сайланаётган шахс ишлашга розилик билдирмаса ёки бошқа шахснинг номзодини кўрсатса, сайловлар тайин қилинади, агар сайланган шахс вафот этса, у ҳолда янги номзодликни Молия Вазирлиги тайинлайди. Кенгашнинг 6 аъзоси сайланиш даврида акционерлардан етарли овоз ололмасалар, уларни ҳам Молия Вазирлиги ўзи тайинлаши мумкин.

Кқрилаётган давлатлардан фақатгина Италия ва Голландияда Марказий банкнинг бошқарувига сайлаш унинг ўзномзодларидан келиб чиқади. Бироқ, бу ҳолда ҳам сайланиш давлат тузилмалари томонидан тасдиқланиши керак.

Марказий банкларнинг раислари ва бошқарув аъзоларини қонун бўйича ишдан олиш тартиби ҳам қизиқарли ҳолатда расмийлаштирилган. Кўпгина саноати ривожланган мамлакатлар (Германия, Буюк Британия, Австрия, Швейцария)нинг марказий банклар раисларини, бошқарув аъзоларини сайланган муддатларидан илгари ишдан бўшатиб бўлмайди. Хукуматга юқоридаги давлатларга нисбатан қарамроқ бўлган марказий банклар бунга кирмайди (Италия, Франция)

Кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатлар (Германия, Швейцария, Франция, Япония, Дания, Австрия)да Марказий банкнинг фаолият доираси ва асосий мақсадлари Конституцияда ва Марказий банк ҳақидаги қонун ҳамда шу каби бошқа банклар фаолияти ҳақидаги қонунчиликда ўз аксини топади.

Немис Федерал банкининг асосий мақсади ва вазифалари доираси мамлакат Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган. Бу миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш кафолатидир.

Немис Федерал банки ҳақидаги қонунда бош банк тизими олдига уч асосий вазифа:

- пул муомаласини тартибга солиш;
- иқтисодиётни кредит билан таъминлашни тартибга солиш;
- тўлов айланмасини амалга ошириш ққйилган.

Немис Федерал банкининг вазифалари, мақсадлари ва йўналишига яқинроқ бўлган Австрия Миллий банкни мисол тариқасида келтириш мумкин. Марказий банкнинг вазифаси қонунда умумлашган ҳолда акс этган ва айни вақтда унинг рухсат этилган операциялари аниқ кўрсатилгандир.

Австрия банк қонунчилигининг ўзига хос хусусияти, унинг Марказий банк қонунчилигида қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳисобланади.

Пул-кредит соҳасига тегишли қонун лойиҳаларининг ҳаммаси Марказий банкка кўриб чиқиш учун маълум вақтга берилади ва унинг розилигидан сўнггина тасдиқланади.

Бу борада Англия Марказий банки мавқеи ўзгачадир.² Унинг асосий вазифалари қонуний тартибда ҳам қайд қилинмаган, шу билан бирга Молия Вазирлигига ҳам бқйсинмайди. Англия Марказий банкининг вазифалари бу соҳада миллий урф-одатларга таянади, бу эса ўз навбатида Англия банкининг ташкил топишдаги тарихий ҳужжатларига асосланади.

² FINANCIAL TIMES, Tuesday April 1, 2007, pg 20: Cavyn Davies, Freedom balanced by scrutiny.

. Мустақиллик даражаси нисбатан паст бўлган марказий банкларга Франция ва Италия марказий банкларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу давлатларда пул-кредит сиёсати йўналишини ҳукумат белгилаши қонун билан мустаҳкамланган. Марказий банк эса, ҳукумат кўрсатмаларини бажаради ва унга маслаҳатчи вазифасини қтайди.

Иккинчи жаҳон уруши давридан бошлаб Франция банки Молия Вазирлиги қарамоғидадир. Пул бозоридаги интервенциянинг ташаббускори ҳам, немис маркасига нисбатан француз франки курсини ушлаш масаласи ҳамда Европа Ҳамжамияти бозорининг ташкил топишида валюта операцияларини тартибга солишда ҳам ҳукумат иштирок этмоқда.

Давлатнинг пул-кредит сиёсатига аралашуви қонунда кўрсатилганлиги ва унинг даражаси кенглиги омилига кейинги мамлакатлар гуруҳини Буюк Британия, Голландия, Швеция ва Япония мамлакатлари эгаллайди. Бу мамлакатларда давлат органларининг Марказий банк сиёсатига аралашуви, унга йўл-йўриқ кўрсатиши, унинг қарорини бекор қилиши ва шу кабилар қонунда аниқ белгиланган.

Англия Марказий банки ташкил топишида ўзининг ҳақиқий мустақиллигини йўқотган. Давлат билан Марказий банк ўртасидаги муносабатлар 1946 йилда қабул қилинган “Англия банки ҳақидаги қонун”нинг 1-бўлим 4-банди билан тартибга солинади. Шу қонунга мувофиқ, Молия Вазирлиги Марказий банк устидан сезиларли таъсир қтказиш учун расмий ҳуқуқга эга ҳисобланади. Шу сабабли, Англия банки вазифаларни бажаришдаги мустақиллигини йққотди ва у ҳукумат сиёсатига жиддий қаршилиқ қила олмайди.

Англия банки маъмуриятининг фикрлари Молия Вазирлиги томонидан тингланади ва пул-кредит сиёсати масалаларини ечишда эътиборга олинади, бироқ, Англия банкининг пул-кредит сиёсати Молия Вазирлигининг оддий қарорини ўзида акс этади. Фақатгина Англия банки маъмурияти аъзоларининг профессионалликлари, бизнес алоқалари ва обрў-эътиборлари уларнинг ҳукумат сиёсатига нисбатан бўлган мустақилликларини ўзида намоён қилади.

Англия банки фаолият кўрсатишга нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатишга эга. Дания ва Австрия Марказий банклари эса пул-кредит сиёсати юритишда ҳукуматнинг аралашувидан мустақиллик даражаси бўйича олдинги ўринларда турадилар. Бу давлатларнинг қонунчилиги ҳукумат Марказий банкининг пул-кредит сиёсатига аралашувига расмий равишда йўл қўймайди, бироқ, марказий банкларни ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига мослаб сиёсат юритишларини ўзаро мослашиши талаб қилинади.

Австрия Миллий банки фаолияти устидан Молия Вазирлиги назорат олиб боради. Молия вазири банк фаолиятининг қонунийлиги бўйича қонун олдида жавобгардир. У давлат комиссари ва унинг ўринбосарларини тайинлайди, улар Бош Кенгашнинг йиғилишларида ўзовозлари билан иштирок этишлари ҳамда далолатнома ва тушунтириш хатларини талаб қилишлари мумкин. Давлат комиссари Марказий банк Бош Кенгашининг

қарорини орқага суришга ҳуқуқи бор, бунда албатта қарор комиссарнинг фикрича, амал қилаётган қонунчиликка зид келиши керак.

Бироқ, Марказий банк қонунда кўрсатилган фаолиятни ва операцияларни амалга оширса, давлат комиссари ҳам Молия вазири ҳам аралашишга ҳуқуқи йўқ. Шу орқали бир томондан, Австрия Миллий банки мустақиллиги қонун билан мустаҳкамланган, бошқа томондан эса, давлат органлари Марказий банк сиёсатига бевосита раҳбар сайлаб ва назорат ўрнатиб, таъсир кўрсатиши мумкин.

Охириги тўртинчи гуруҳ мамлакатларга Германия ва Швейцарияни кўрсатиш мумкинки, бу давлатларнинг марказий банклари энг мустақил ҳисобланади. Бу мамлакатлар қонунчилигида давлат Марказий банкининг пул-кредит сиёсатига аралашуви кўрсатилмаган. Швейцария Марказий банкни ҳукумат иқтисодий сиёсатига мослашиши ҳусусида қонунчиликда қайд қилинмаган. Германияда Марказий банк сиёсати мамлакат ҳукуматидан қонун бўйича мустақил қилиб белгилаб қўйилган. 1924 йилда Германияда бўлган инфляциян инқироз даврида аниқ бўлдики, Марказий банк фаолиятини ҳукумат таъсиридан чегаралаш керак. Германия Федератив Республикаси эмиссия банкининг тўлиқ мустақиллиги 1948 йилда қайта тикланди.

Банк билан Федерал ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатлар “Немис Федерал банки ҳақида”ги қонунда қуйидагича таърифланган: “Немис Федерал банки ўз вазифаларига мувофиқ тарзда ҳукуматнинг умумиқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлашга мажбур. қонунда белгиланишича, у ўз мажбуриятларини бажаришда ҳукуматга бўйсинмайди”.³

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, Немис Федерал банки ўз сиёсати олдида бош мақсад қилиб “немис маркасининг барқарорлигини химоялаш ва инфляцияга қарши курашиш” деб белгилади. Бу мақсад, 1957 йилги “Немис Федерал банки ҳақида”ги қонунда ўз ифодасини топган ва мустақиллиги пойдеворининг асосий қисмини ташкил этади. Немис Федерал банки ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабат масаласининг бошқа томони ҳам қизиқарлидир. Аниқроғи, Немис Федерал Ҳукумати Марказий банкнинг юқори даражадаги мустақиллигини қандай баҳолайди? Конрад Аденауэр ҳукуматнинг Марказий банк мустақиллигига муносабати нуқтаи назарини таърифлаб, - “Марказий банкнинг мустақиллиги доимо маъқул эмас, лекин бу жуда хотиржам қилади”, деб айтган.⁴ Бироқ, бундай ҳамжиҳатлик табиийки, доимо амалга ошмайди. Кўпгина марказий банклардан, шу жумладан, ҳукуматдан мустақиллиги билан ном чиқарган миллий банклардан фарқли равишда Немис Федерал банки амалиётида ўзининг алоҳида мавқеига эга эканлигини бир неча бор исботлади.

Мисол тариқасида “қўшилиш” муносабатининг биринчи кунидан бошлаб, Немис Федерал банки томонидан календарь йилга пул массасининг

³ “Закон о Немецком Федеральном банке в новой редакции от 22 октября 1992 года”. Спец. изд. Немецкого Федерального банка №7, 1993 г.

⁴ Наумченко О. “Роль Центрального банка в денежно-кредитном регулировании экономики”.: Москва, 1995 г.

чегарасини қаттиқ белгилашини ва унга амал қилишини, ғарбий ва Шарқий Германиянинг қўшилишидан сўнг янги федерал ерларни ривожлантириш учун молиялаштириш бўйича сабаб бўлган мунозараларга имтиёзли ёндошилмаган ҳолда сиёсат юргизганлигини келтириш мумкин.

Немис Федерал банкининг ўша вақтдаги президенти Карл Отто Пель банк ислохотининг бошидан бошлаб унинг ҳамма механизмлари ягона банк тизимининг ривожланиши йўналишига истисно ва енгилликларсиз амалга ошиши учун қатъий турди.

Марказий банк мустақиллигининг бешинчи омилига ҳукуматнинг кредитлашни чегараланганлиги қонунда кўрсатилганлигида намоён бўлади. Ҳукуматнинг кредитлашни чегаралаши Марказий банкнинг иқтисодий мустақиллигига ҳам, сиёсий мустақиллигига ҳам таъсир кўрсатади. Бироқ, бу омил фақатгина Марказий банк томонидан ҳукуматни бевосита молиялаштириш тизимининг мавжуд эканлигида аҳамиятлидир. Бундай тизим дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида тарқалган. Истисно тариқасида АҚШ ва Буюк Британияни кўрсатиш мумкин. Чунки, бу мамлакатларда давлат заёмларининг тақсимланиши очик бозорда амалга оширилади.

Бу белги бўйича кўпроқ Германия, Австрия ва Голландия марказий банклари мустақилроқдирлар. Федерация ҳукуматининг ва ерлар (худудий бўлинмалар)ни бошқарув органларини бевосита молиялаштириш имкониятлари масалан, Австрия Миллий банки учун қонун бўйича чегараланган. Бу гуруҳнинг бошқа мамлакатлари сингари истисно тариқасида давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш орқали қисқа муддатли кредитлар берилади.

Бу белги бўйича мустақиллик даражасининг иккинчи гуруҳига Япония ва Франция Марказий банкларини киритиш мумкин. Бу давлатларда ҳукуматни кредитлаш мамлакат парламенти томонидан тасдиқланади ҳамда қонун бўйича қатъий мустаҳкамлангандир.

Швейцария, Италия, Швеция ва Данияда ҳукуматни кредитлаш ҳажмини чегаралаш расман мавжуд эмаслиги, улар марказий банкларининг бу мезон бўйича давлатга қаттиқ қарамликларини кўрсатади.

15.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мустақиллик даражаси.

Мамлакат Марказий банкининг капиталида 100 фоизи давлатнинг иштироки - кўпроқ Марказий банк салоҳиятига ва анъаналарига ҳамда улуш эгаларига ҳам боғлиқ. Мисол тариқасида АҚШнинг Федерал Резерв Тизимини ва Германиянинг Федерал банкини кўрсатиш мумкин. Иккала Марказий банк жаҳонда энг мустақил марказий банклар сифатида тан олинган. Шундай бўлса-да, Немис Федерал банкининг 100 фоиз капитали Федерацияга, Федерал Резерв Тизими капитали эса, 100 фоиз аъзо-банкларнинг тўлиқ мулкига тегишли. Ва аксинча, банклар ва суғурта компанияларининг мулкига тегишли бўлган Италия Марказий банки давлат бошқарув органларига қарамдир.

Бу омилнинг таҳлилидан кўринадики, марказий банклар капитали эгаларининг таркибидан қатъий назар, улар унинг пул-кредит сиёсатидаги мустақиллигига аҳамиятли таъсир кўрсата олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни ҳам Германия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Дания ва Россия каби давлатларнинг марказий банклари гуруҳлари қаторига киритиш мумкин, чунки бу гуруҳлар капиталининг 100 фоизи ҳам давлат мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг иқтисодиётдаги қрнини ҳам унинг мамлакат ҳукумати билан бўладиган муносабатидан билиш мумкин. Барча мамлакатларда Марказий банкларнинг фаолияти Марказий банк тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. қонунда Марказий банк фаолиятининг барча жиҳатлари ўзаксини топган бўлиши керак. Чунки, Марказий банк учун ҳукуматнинг бошқа қонун ҳужжатлари “Марказий банк фаолияти тўғрисида”ги қонун олдида устувор эмас.

Марказий банкларнинг раислари ва бошқарув аъзоларини қонун бўйича ишдан олиш тартиби ҳам қизиқарли ҳолатда расмийлаштирилган. Кўпгина саноати ривожланган мамлакатлар (Германия, Буюк Британия, Япония, АҚШ, Дания, Австрия, Швейцария ва Голландия)нинг марказий банклар раисларини, бошқарув аъзоларини сайланган муддатларидан илгари ишдан бўшатиб бўлмайди. Ҳукуматга юқоридаги давлатларга нисбатан қарамроқ бўлган марказий банклар бунга қирмайди (Италия, Франция).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ҳақида “Марказий банк фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 20, 21 - моддаларида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон Республи-каси Марказий банки раиси 5 йил муддатга сайланади. қонуннинг 22-моддасида “Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Марказий банк Раисининг тақдимида кўра Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади”, дейилган.

Шундай қилиб, Марказий банк бошқарувининг сайлови ва ишдан бўшатиш тартиби мамлакат Марказий банкнинг давлат бошқарув органларига нисбатан бўлган мустақиллигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк ҳақида”ги қонунда Марказий банкка қуйидаги вазифалар юклатилган. Булар:

- пул муомаласини тартибга солиш;
- сўмнинг қадрини оширишни таъминлаш;
- пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари фаолияти устидан назорат қрнатиш;
- ташқи иқтисодий фаолият бўйича операцияларни амалга ошириш;
- давлатнинг ташқи қарзини тўлаш ва олтин-валюта резервларини бошқариш.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка пул-кредит сиёсати механизмларини танлашда кенг мустақиллик берилган. Мисол тариқасида, кредитларнинг фоиз ставкасини, банкларга қрнатилган иқтисодий

меъёрларни, қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни, мажбурий резервлар миқдорини аниқлаш ва шу кабиларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини ҳам киритиш мумкин. қонуннинг 48-моддасида бу ҳақда қуйидагилар баён этилган:

“Кредитлар ҳукуматга Олий Мажлис тасдиқлаган миқдорда, эркин муомалада бўладиган ва олти ойлик муддат ичида қиймати тўланадиган қарз мажбуриятлари кўринишида, тасдиқланган давлат қимматли қоғозлари гаровга қўйилиши шарти билан берилади. Бундай қимматли қоғозлар Молия Вазирлиги томонидан чиқарилади, бозор ставкаси бўйича тўланадиган даромад манбаига эга бўлади ва Марказий банкка топширилади. Кредит муддатлари эркин муомаладаги қарз мажбуриятларини тўлаш муддатларига мувофиқ келиши лозим.

Кредит бериш ҳукумат ва Марказий банк ўртасида алоҳида кредит шартномаси тузиш билан расмийлаштирилади, унда кредитнинг миқдори, қайтарилиш муддатлари, тўланадиган фоизлар нормаси ва ссудани узиш тартиби келишиб олинади.

Марказий банк ҳукуматга обуна бўйича бадаллар учун ёки республиканинг у ёки бу халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқувчи бошқа тўловлар учун анча узоқ муддатли кредитлар беришга ҳақли.

Марказий банк ҳукуматга ушбу моддада назарда тутилганлардан ташқари ҳолларда молиявий ёрдам беришга ҳақли эмас”.

Бироқ, иқтисодий инқироз, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ҳамда инфляциянинг ўсиш тенденцияси давом этаётган даврда Марказий банкнинг бюджетни енгилликлар билан молиялаштириши кузатилмоқда.

Ҳукумат билан Марказий банк ўртасидаги кредитлаш борасидаги ўзаро муносабатларни жаҳон мезонларига мослаш учун 1 йилгача бериладиган кредитлардан ташқари ҳамма заёмларни Давлат қарз облигациялари сифатида қайд этиш лозим.

Шу ҳолатда Ўзбекистон банки очик бозорда операциялар ўтказиб, давлатнинг ички қарзини инвесторларга фойдалироқ шартларда қайта тақсимлаши мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида **2016 йил 5 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармони қабул қилинди.**

Фармонга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш,

уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур дастур 5 та йўналиш доирасида 42 та чора-тадбирларни қамраб олади.

Шунингдек, ушбу **Фармонга кўра 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб**: тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, юридик шахсларнинг тугатилаётганида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно; тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади; молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этиладилар; ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиладилар; тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмайди; хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва божхона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилади; тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этиладилар; тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини давлат божхона хизмати органларида ҳисобга қўйиш борасидаги талаб валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали ташқи савдо контрактлари назорати ва мониторингини сақлаб қолиш шарти билан бекор қилинади, бундан ПФ-

1871-сон Фармонининг 1, 2 ва 4-иловаларида назарда тутилган товарларни экспорт қилиш бўйича контрактлар мустасно; экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат илгари худди шундай товар учун айнан сертификат олган аризачига бир иш куни мобайнида берилади.

Шунингдек, Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги **Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласи белгилаб қўйилган.** Шу билан биргаликда, мазкур Фармонда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларга йўналтирилган асосланган таклифлар киритиши кўрсатиб ўтилган: солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни таъминлайдиган солиқ маъмурчилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш; республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солишнинг ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш; тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш; тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган ҳулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатига маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик; банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек, мижозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

Юқоридагилар билан биргаликда Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги функция ва ваколатларини босқичма-босқич суд органларига ўтказиш, иқтисодий жиноятлар содир этиш, шунингдек,

тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиб оқибатида етказилган зарарни аниқлашнинг асосланган ягона мезонлари ва асосларини ишлаб чиқиш, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш, рухсат бериш тартиб-таомиллари, лицензия бериш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қанчалик мувофиқлигини танқидий ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига эскириб қолган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган рухсат берувчи ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларининг муддатларини қисқартириш юзасидан таклифлар киритиш вазифалари юклатилди.

2016 йил 13 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини, 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш натижадорлигини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Қайд этилдики, глобал иқтисодиётнинг ривожланиши тобора секинлашиб бораётгани ва жаҳон бозорларидаги ноқулай шарт-шароитларга қарамай, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва унинг ислохотларни амалга оширишга доир бешта машҳур тамойилига асосланган мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш ва ривожлантириш стратегиясини мақсадли ва тизимли амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари сақланиб қолмоқда.

Жорий йил 9 ойи якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7,8 фоизни, саноат ўсиши 7,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми ўсиши 15 фоизни, чакана савдо айланмаси ўсиши 14,2 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Аҳолининг даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш йўналиши давом эттирилди. Ўтган 9 ойда ўртача ойлик иш ҳақи 12,6 фоизга ошган, жорий йил 1 октябрдан эса бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар яна 15 фоизга оширилди. Янги қишлоқ массивларида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 12 мингтадан ортиқ шинам ва қулай шахсий уй-жой фойдаланишга топширилди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва

баркамол авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизими моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 6,8 триллион сўмдан ортиқ ва 150 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлар, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда...”, деб белгилаб берилган вазифага қаратилди.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдида иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган дастурларнинг 2016 йилга кўзда тутилган барча чора-тадбирлари, прогноз кўрсаткичлари ва мақсадли параметрларини сўзсиз ижро этиш учун мавжуд ресурс ва захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Шунингдек, 2017 йил ва келгуси йилларда иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш учун мустаҳкам замин яратиш вазифаси топширилди.

Банк тизими барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва модернизациялашга доир инвестиция лойиҳаларига, шунингдек, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кредит ажратиш ҳажмларини кенгайтириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Саноат тармоқларини чуқур таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг – 9,4 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар – 11,2 фоизга ўсишини таъминлагани қайд этилди.

Йил бошидан буён 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 100 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани қайд этилди. Вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг йил охиригача ишга тушириш мўлжалланган 64 та йирик ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, 2017 йил учун ишлаб чиқариш дастурлари учун зарур хомашё ва материалларни, энг аввало, Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида харид қилишга шартномалар тузишни тезлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб олинди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликларига маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, жойлаш ва ташиш бўйича зарур инфратузилмани ривожлантириш

юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўзда тутган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 66 та туманнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

2016 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-411 сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан жами 6 та кодексга, 13 та қонунга, 1 та қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави ҳамда 1 та қонун билан тасдиқланган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати изоҳ қисмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги **223-И-сонли Қонунига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилди:

1) 10-модда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилди:

«Жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши камида 15 фоизни ташкил этиши лозим бўлган чет эллик инвесторлар иштирокида ташкил қилинади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлар деб ҳисобланадиган бўлди;

2) 26-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «депозитарийдаги» деган сўз чиқариб ташланди;

3) 29-модданинг биринчи қисмидаги «депозитарий томонидан» деган сўзлар чиқариб ташланди;

4) 42-модда:

иккинчи қисмидаги «депозитарийлардаги» деган сўз чиқариб ташланди;

олтинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «депозитарийлар» деган сўз «Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилди;

тўртинчи хатбошисидаги «депозитарийларнинг» деган сўз «Марказий депозитарийнинг ва (ёки) инвестиция воситачисининг» деган сўзлар билан алмаштирилди;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этиладиган бўлди:

«Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди»;

5) 43-модда:

биринчи қисмидаги «депозитарий» деган сўз «Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилди;

иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилди:

«Акциядорга унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси акция эгасининг ёки унинг қонуний вакилининг талабига кўра икки иш куни ичида депо ҳисобварағидан кўчирма бериши шарт»;

учинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этиладиган бўлди:

«Депо ҳисобварағидан кўчирма берган Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси унда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун жавобгар бўлади»;

6) 46-модданинг матнидаги «депозитарийлардир» деган сўз «Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиларидир» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сонли Қонунига (қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 48²-модда қуйидаги таҳрирда баён этиладиган бўлди:

«48²-модда. Ундирувни Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ва улар миқозларининг пул маблағларига ҳамда қимматли қоғозларига қаратиш хусусиятлари

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув улар миқозларининг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кредит ташкилотида очилган ҳисобварағидаги пул маблағларига қаратилиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув улар миқозларининг тегишли реестр юритиш тизимидаги шахсий ҳисобварақларида ҳамда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан

очилган депо ҳисобварақларида сақланаётган қимматли қоғозларига қаратилиши мумкин эмас»;

2) 53¹-модданинг:

учинчи қисми «чиқарилган сана» деган сўзлардан кейин «(акциялар бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилди;

тўртинчи қисмидаги «бундай қимматли қоғозларни ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун бошқа депозитарийга топшириш» деган сўзлар «бундай қимматли қоғозлар ўтказмаларини амалга ошириш» деган сўзлар билан алмаштирилди;

3) 54-модданинг бешинчи қисмидаги «депозитарийга» деган сўз «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ёхуд инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилди;

4) 55-модданинг биринчи қисмидаги «Депозитарийга» деган сўз «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ёки инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги **522-II-сонли Қонунига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 20-модда:

иккинчи қисми «фракцияларга (депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатасининг қўмиталарига» деган сўзлар билан тўлдирилди;

қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди:

«Давлат бюджети лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш чоғида фракциялар (депутатлар гуруҳлари) ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари билан боғлиқ қўшимча ахборотни тегишли органлардан талаб қилиб олиши мумкин»;

учинчи — ўнинчи қисмлари тегишинча тўртинчи — ўн биринчи қисмлар деб ҳисобланадиган бўлди;

тўртинчи қисми «фракциялар (депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатасининг қўмиталари» деган сўзлар билан тўлдирилди;

қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилди:

«Қонунчилик палатаси Давлат бюджети лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади»;

бешинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча олтинчи — ўн иккинчи қисмлар деб ҳисобланадиган бўлди;

еттинчи қисми «фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатаси қўмиталарининг» деган сўзлар билан тўлдирилди;

саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этиладиган бўлди:

«Фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг), Қонунчилик палатаси қўмиталарининг Давлат бюджети лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари

Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Давлат бюджети лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиладиганда у фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг), Қонунчилик палатаси қўмиталарининг келиб тушган мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда маромига етказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилиши мумкин»;

2) 26¹-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этиладиган бўлди:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан Қонунчилик палатасига тақдим этилади.

Фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатасининг қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва таклифлар Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини ҳал этишга доир фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади»;

3) 31-модда:

иккинчи қисмидаги «масъул қўмитанинг хулосаси, фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифлари» деган сўзлар «фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифлари, масъул қўмитанинг хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилди;

қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилди:

«Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар (депутатлар гуруҳлари) ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси хусусида, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати тўғрисида тегишли органлардан қўшимча ахборотни, шунингдек уларнинг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳақидаги маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин. Бунда фракциялар (депутатлар гуруҳлари) жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисобланадиган бўлди;

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523-П-сонли Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

3) 32¹-модда қуйидаги мазмундаги 32¹, 32² ва 32³-моддалар билан алмаштирилсин:

«32¹-модда. Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш

32²-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш

32³-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Сенатга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган ҳар йилги ҳисоботи Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юборилади»;

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) 329-модда қуйидаги мазмундаги 40-банд билан тўлдирилди:

«40) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

2) 330-модда қуйидаги мазмундаги 32-банд билан тўлдирилди:

«32) хорижий инвестициялар иштирокидаги акциядорлик жамиятлари — уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

3) 377-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этиладиган бўлди:

«юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталида) хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоиз, акциядорлик жамиятлари учун эса камида 15 фоиз бўлганда».

16-МАВЗУ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.

16.1. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш асослари. Тижорат банкларининг ташкилий тўзилиши.

16.2. Тижорат банкларининг функциялари. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

16.3. Тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш. Тижорат банкларининг ташқилий тўзилиши.

16.4. Жамиятда вақтинчалик бўш пул маблағларининг юзага келиши. Пул маблағларини тижорат банкларида тўпланиши.

Таянч иборалар: тижорат банк, инвестицион банк, депозит, капитал, кредит, лизинг.

16.1. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилиш асослари. Тижорат банкларининг ташқилий тўзилиши.

Таниқли иқтисодчи олимлар, жумладан Лаврушин “тижорат банки → бу ташкилот эмас балки корхона деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрига кўра тижорат банклари ҳам маҳсулот яратади. Тижорат банклари номоддий шаклга эга бўлган маҳсулотларни яратади. Мисол: **депозит** ва **кредит**. Лекин амалиётда тижорат банкларини кредит муассасаси ва кредит ташкилоти деб аташ кенг тарқалган. Тижорат банкларининг юридик шахс сифатидаги ўзига хос мақомни қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади.

Тижорат банклари бутун иқтисодиётда субектлари ҳамда аҳолини кредитлайдиган қудратли молия институтлари ҳисобланади. Бугунги кунда уларнинг кредитларисиз бирор бир мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва уй-жой муаммосини ҳал қилиш мумкин эмас.

Тижорат банклари аҳолига ва хўжалик юритувчи субект, ҳисоб-китоб касса хизмат кўрсатадиган молиявий институт ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолияти давлат томонидан қаттиқ назорат қиладиган молия институтидир. Давлат одатда тижорат банклари фаолиятини Марказий банк орқали назорат қилади. Бундай қаттиқ назоратнинг асосий сабаби банкларга депозитлар ва омонатлар бериш ҳуқуқини берилганлигидир.

Тижорат банклари шартнома асосида мижозларга молиявий хизматлар кўрсатадиган кредит институтлари ҳисобланади.

Бу молиявий хизматларнинг баҳоси банк ва мижоз ўртасидаги келишувга асосланди. Ҳеч қайси давлат органи банк хизматлари баҳосини шаклланиш жараёнида аралашшишга ҳаққи йўқ.

Тижорат банклари мижозларнинг банкка жалб этилган маблағларини сир тутиши ни кафолтлайдиган молия институте ҳисобланади. Бу кафолатлар банк сири тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топади.

Тижорат банклари ишлаб чиқариш, суғурта ва савдо фаолияти билан шуғулланиш ман этилган институти.

Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлар доирасида кредит ресурсларини ташкил қилиш ва ишлаш тамойили банк фаолиятининг пойдевори ҳисобланиб, унинг депозит ва омонатлар жалб қилишга бўлган қизиқишларини оширади, пасивларни жалб қилиш бўйича рақобат муҳитининг юзага келишига асос бўлади. Ундан ташқари четдан жалб қилинган ва қўйилган маблағлар мутаносиблиги банкларда депозитларни жалб этишга қизиқишни кучайтиради ва бу маблағлардан унумли фойдаланишга асос яратади.

Тижорат банкнинг иккинчи ва асосий тамойилларидан бири бу **ҳақиқатда мавжуд бўлган маблағлар чегарасида хизмат кўрсатишдир**. Тижорат банки бошқа банк вакиллик ҳисоб рақамига нақд пулсиз тўловни амалга ошириш, бошқаларга кредит хизматини кўрсатиш ва вакиллик ҳисоб варағида қолган қолдиқ чегарасида нақд пуллик операцияларни бажариши мумкин. Тижорат банкларининг ҳақиқатда мавжуд маблағлар чегарасида фаолият кўрсатиши деганда, банкнинг нафақат ўз ресурс ва кредит қўйилмаларининг мутаносиблиги, балки банкнинг активлари билан унинг жалб қилинган маблағлари ўртасидаги мутаносиблигини таъминлаши тушунилади. Бунда авваламбор, пасивлар ва активлар муддатларининг бир хиллиги инобатга олиниши лозим. Бинобарин, агар банк маблағларни қисқа муддатга жалб этган бўлса ва бу маблағларни ўзоқ муддатли ссудаларга жойлаштиради, банкнинг мажбуриятлари бўйича тўловларни ўз вақтда амалга ошира олиши бир мунча муаммолар билан боғлиқ бўлиши, бу эса ўз навбатида банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банк активида риск даражаси юқори бўлган ссудалар микдорининг кўпайиши, банкнинг ресурслари ҳажмида ўз маблағлар ҳиссасининг оширилишини тақозо қилади. Шунга кўра, банк фаолиятини тартибга солувчи иқтисодий нормативларни аниқлашда банк активларининг пасивларга мутаносиб бўлишини инобатга олиш лозим.

Банк қонун доирасида ўз ресурсларидан мустақил равишда фойдаланиши мумкин, лекин унинг актив операциялари ҳажмини маъмурий тақиқлов усуллари билан чегаралаш мумкин эмас.

Маъмурий чекловлар бир марталик ва фавқулодди ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бу чекловларни доимий тарзда қўллаш банкнинг тижорат асосларининг бўзилишига олиб келади. Шунга кўра, банклар фаолиятини тартибга солиш учун иқтисодий меъёрлардан кенг фойдаланилади. Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлар доирасида кредит ресурсларини ташкил қилиш ва ишлаш тамойили банк фаолиятининг пойдевори ҳисобланиб, унинг депозитлар жалб қилишга бўлган қизиқишини оширади, пасивларни жалб қилиш бўйича рақобат муҳити юзага келишига асос бўлади.

Ундан ташқари жалб этилган ва қўйилган маблағларнинг мутаносиблиги тамойили банкларда депозитларни жалб этишга қизиқишини кучайтириш ва бу маблағлардан унумлироқ фойдаланишга қаратилган. Бу тамойил асосида ишлаш тижорат банкларни ликвидлигини оширишга ёрдам беради.

Учинчи тамойил бу **банкнинг тўла иқтисодий мустақиллигидир**. Бу тамойилга асосан банк ўз ва жалб этилган маблағлардан мустақил фойдаланиши, мижозлар ва омонатчиларни ўзи мустақил равишда танлаши, кредит сиёсатини мустақил тўзиши ва амалга ошириши, фоиз ставкаларини мустақил ўрнатиши ва ўзгартириши, даромадларни мустақил равишда тақсимлаши ва бошқа фаолият турларини мустақил бажариши мумкинлиги кўзда тутилади. Банклар фаолияти тўғрисидаги амалдаги ҳуқуқий-меъёрларга

асосан барча тижорат банклари ўз фонд ва даромадларидан иқтисодий жиҳатдан мустақил фойдаланишлари мумкин.

Тижорат банкининг солиқ тўлагандан кейинги қолган фойдаси акционерларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ тақсимланади. Акционерларнинг умумий йиғилиши банкнинг ҳар турлиги фондларга ажратмаларининг норма ва миқдорини, акцияларга тўғри келувчи дивидент суммасини белгилайди.

Мажбуриятлари бўйича тижорат банки ўз маблағлари ва мол-мулки билан жавоб беради. Тижорат банки ўтказадиган операцияларнинг рискинни ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил асосида тижорат банк ва мижоз муносабатлари ётади, яъни банк ссуда бераётган бозор мезонларидан даромад, риск ва ликвидлик даражаларидан келиб чиққан ҳолда беради.

Тижорат банк фаолиятини олиб боришнинг тўртинчи тамойили **банк фаолиятининг тижоратлашуви** бўлиб, бунда банкларнинг тижорат объекти вақтинча бўш турган пул маблағлари ҳисобланади. Бу пул маблағлари банкка тегишли бўлмаган бўлсада, фаолияти давомида банк уларни ўз номидан жойлаштиради.

Банк тижорати кам инвеститсия қилиб кўпроқ даромад олиш тамойилига асослангани учун, унинг мажбуриятларининг пассивларидаги улуши кам бўлиши керак.

Тижорат банки кредит бериш ва инвеститсияларни молиялаштириш жараёнида иложи борица кўп даромад олишни мўлжаллайди.

Ундан ташқари банк фаолиятининг хавфсизлиги ҳам банк тижоратининг асосидан бири ҳисобланади. Банк ҳар доим риск билан боғлиқ фаолият кўрсатади. Банк фаолиятида риск даражаси қанча кам бўлса ва хавфсизлиги юқори бўлса, банкнинг даромади ҳам шунча кўп бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятининг яна бир муҳим тамойили шундаки, банк иқтисодий ташкилот сифатида ўзининг капитали, даромади билан риск қилиши мумкин, лекин у мижознинг даромади ёки капитали билан риск қилиши мумкин эмас. Ўйскача қилиб айтганда, банк фаолияти **“ҳамма нарса мижоз учун”** деган тамойилга асосланган бўлиши керак. Бу тамойил банк мижоз учун тўлалигича жавоб бериш зарурлигини билдиради, унинг даромадини таъминлайди.

Мижозлар томонидан қараганда банк ҳар доим шерик ташкилот ҳисобланади. Шериклик муносабатлари икки томоннинг ўзаро қизиқишларига ва розиликларига асосланган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги туфайли банк мижозлар манфаатини таъминлашни биринчи ўринга қўйиши лозим.

Тижорат банклари фаолиятининг кейинги тамойили бу банклар кўрсатадиган хизматлар ва операцияларнинг **универсаллашуви** ва **диверсификацияси** бўлиб, банклар фаолиятининг турли тармоқ ва соҳаларни қамраб олишини кам рисклилиқ асосида юқори даромад олишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Банклар қайси мулк шаклига асосланганлигидан қатъий назар уларнинг фаолияти юқоридаги тамойилларга асосланади.

Олдинги параграфда таъкидланганидек банклар акциядор жамият каби очик турдаги ёки ёпиқ турдаги акциядор банклар бўлиши мумкин. Акциядорлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар банкларнинг акциядорларини сотиб олиши ва акциядорлар бўлиши мумкин.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг қатнашчилари ҳам ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар-жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Бажарадиган операцияларига қараб тижорат банклари универсал ва махсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, ҳар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Махсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, ўз фаолиятини шу йўналишларда ютуқларга, самарадорликка эришишга бағишлайди. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб боровчи банклар, инвеститсия банклари, ипотека-замин банкларини киритиш мумкин.

Жойлашиш белгисига қараб тижорат банклар: халқаро, республика, минтақавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Тармоқларга хизмат кўрсатишга қараб: саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалик, савдо ва бошқа банкларга бўлиниши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг роли, уларнинг иқтисодиётга таъсири ўсиб бормоқда. Кредит муассислари, аҳоли, корхона, ташкилотлар, компанияларнинг бўш пул маблағларини йиғиш ва жойлаштиришдан ташқари, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради ва корхоналар фаолиятини кўзатиб бориши мумкин.

Банклар ва унинг кредити ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳаси ўртасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшимча инвеститсияга бўлган талабларни молиялаштириб, банклар халқ хўжалигида прогрессив ютуқларга эришишни таъминлаши мумкин.

Тижорат банкларининг иқтисодий роли унинг фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади. Бу сабабли тижорат банклари қуйидаги функцияларни бажаради:

-вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;

-корхона, ташкилотлар ва аҳолини кредитлаш;

-иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;

-молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш;

-иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва бошқалар.

16.2. Тижорат банкларининг функциялари. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

Тижорат банкларининг иқтисодий мавқеи фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади.

Тижорат банклари қуйидаги асосий функцияларни бажаради.

1. Вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш.

2. Корхона, ташкилотлар, давлат ва аҳолини кредитлаш;

3. муомалага кредит пуллар (муомаланинг кредит воситалари) ни чиқариш.

4. Иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш.

5. Молия - валюта бозорида фаолият кўрсатиш.

6. Иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва консултатсия хизматларини кўрсатиш.

Банклар бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш функциясини бажара туриб, мавжуд бўш пул даромадлари ва жамғармаларни йиғади. Жамғарувчи (бўш пул маблағи эгаси) ўз маблағларини банкка ишониб топширгани учун ва банк бу маблағлардан фойдалангани учун маълум фоиз ҳисобида даромад оладилар. Бўш пул маблағлари ҳисобидан ссуда капитали фонди вужудга келади ва бу фонд халқ хўжалиги тармоқларини кредитлаш учун ишлатилади.

Тижорат банклар фаолиятида асосий ўринни корхона, ташкилотларни, аҳолини, давлатни кредитлаш эгаллайди. Кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк молиявий воситачи ролини ўйнайди. У бўш турган маблағларни жалб қилади ва ўз номидан мижозларга вақтинча фойдаланишга беради. Банк кредити ҳисобидан халқ хўжалигининг муҳим тармоқлари – саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар молиялаштирилади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос бўлади.

Муомалага кредит пулларни чиқариш функцияси тижорат банкларини бошқа молия институтларидан ажратиб туради. Тижорат банклари депозит-кредит эмиссия қилганида, ссудалар берганида, пул массаси ошади ва ссуда банкка қайтарилганда, муомаладаги пул массаси камаяди.

Тижорат банклари кредит пулларни яратишнинг эмитенти ҳисобланади. Тижорат банк томонидан мижозга берилган кредит унинг ҳисоб рақамига ўтказилади ва банкнинг қарз мажбурияти ортади. Мижоз бу маблағнинг маълум қисмини нақд пул шаклида ҳисоб рақамидан олиши мумкин. Бу ҳолда муомаладаги пул массасининг миқдори ошади. Шунинг учун ҳам, Марказий банк тижорат банкларининг фаолияти устидан назорат олиб боради.

Тижорат банкларининг муҳим функцияларидан бири ҳисоб-китобларни олиб боришдир. Ҳисоб-китобларни олиб боришда банк мижозлар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банклари қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Тижорат банклари иқтисодий аҳволни назорат қилиш жараёнида мижозларга ҳар хил ахборотлар, маслаҳатлар бериши мумкин.

қилиш ва бекор қилиш каби масалаларни кўриб чиқиши мумкин.

Тижорат банкларининг юридик шахс сифатида фаолияти омонатчилар, кредиторлар, умуман, давлат ва жамият манфаатларига жиддий дахлдор бўлганлиги туфайли унинг ташкил топиши ўзоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Шу вақт ичида бўлғуси таъсисчилар ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилади, банк устав капитали учун зарур бўлган маблағлар тайёрланади, раҳбар шахслар зарур ҳужжатлар тайёрлайди, тегишли текширувдан ўтказилади ва ҳоказолар.

Тижорат банкларини ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ифодаланган. Шу қонуннинг 2-боби “Банкларни ташкил этиш ва улар фаолиятини тугатиш тартиби” деб номланиб ўз ичига 13 модда(7-19 моддалар)ни олади .

Банклар республика ҳудудида ўз фаолиятларини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширадilar.

Банкларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонунлари ҳамда банкка меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Тижорат банкларини ташкил қилиш 11 феврал 1999 йилда қабул қилинган “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги 630-сонли Низом асосида олиб борилади.

Ушбу низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби ҳамда шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, тижорат банклари очик ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Ссуда капиталисти ўз бўш капиталини қарзга берса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларга таянади. Ссуда капиталистининг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даромади - банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пулларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қулларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклашуви ва улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг махсус корхоналар - кредит муассасаларига айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хўжалиги мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни уй ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йўллайдиган фоиз билан жойлаштирган ресурслари бўйича оладиган фоиз уртасидаги фарқдан иборат бўлади.

Банк ташкил этиш жараёни бир неча босқичларга бўлиниши мумкин.

1. Тайёргарлик босқичи.

Бу даврда банк муассислари ўртасида банк ташкил этишга келишилади, ташаббус гуруҳи тузилади, ҳар бир муассиснинг устав капиталига қўшилган улуш миқдори белгилаб олинади, банкнинг таъсис ҳужжатлари мажмуи тайёрланади, банкнинг номи аниқланади, таъсисчилар ўртасидаги келишувлар дастлабки шартнома тарзида расмийлаштирилади, унинг асосида таъсис шартномаси тузилади (ФКнинг 43-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳақида»ги Қонуннинг 3-моддаси) акциядорлик тижорат банкларининг муассислари банк давлат рўйхатига олингунига қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

2. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш босқичи.

Бу босқич уч даврни ўз ичига олади:

Банк очиш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожат қилиш. Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

-янги ташкил этилаётган банкни таъсис этиш бўйича ҳужжат;

-муассислар томонидан имзоланган ва уларнинг мухрлари билан ҳамда нотариал тартибда тасдиқланган таъсис шартномаси. Таъсис этувчилар жисмоний шахс бўлганларида уларнинг имзолари нотариал тасдиқланади;

-муассис акциядорлар йиғилиши томонидан тасдиқланган ва муассислар томонидан уч нусхада имзоланган банк устави;

-банк ташкил этиш ҳақидаги қарор, устав капиталининг миқдори ва уставни тасдиқлаш, банк кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарувини сайлаш ҳақидаги қарорларни ўз ичига олган банк кенгаши раиси томонидан тасдиқланган таъсис йиғилишининг баённомаси.

Ўайд этиб ўтилган ҳужжатларнинг лойиҳалари Марказий банкнинг банкларни лицензиялаш департаменти маъқуллаганидан кейингина имзоланади ва тасдиқланади.

Бўлардан ташқари, Марказий банкка муассислар тўғрисидаги маълумотлар: банк кенгаши аъзолари рўйхати (кенгаш раиси, унинг биринчи ўринбосари) кўрсатилган ҳолда ушбу шахсларнинг Марказий банк талабларига мувофиқ келишларини тасдиқловчи маълумотлар, янги ташкил этилаётган банкнинг ташкилий тўзилиши, ички аудит тўғрисидаги Низоми, кредит сиёсати тўғрисидаги Низоми, бизнес режаси, ариза топширувчининг муассислар номидан ариза топшириш ваколатини тасдиқловчи ҳужжат, ташкил этилаётган жойдаги Марказий банк бош бошқармасининг банк ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосаси, муайян ҳудудида банк ташкил этиш мўлжалланаётганлиги ҳақида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига берилган билдиришнинг нусхаси ҳам топширилиши лозим.

Тижорат банки филиалини ташкил этиш пайтида ҳам ушбу ҳужжатлар (таъсис ҳужжатларидан ташқари) тақдим этилиши керак бўлади.

Хорижий капитал иштирокидаги тижорат банки ташкил этилаётганда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга қўшимча равишда яна қуйидагилар тақдим этилиши талаб этилади:

-тегишли хорижий муассиснинг банк ташкил этишда иштирок қилиши ҳақидаги қарори;

-норезидент банкнинг Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган устави;

-банк жойлашган мамлакат банк назорат органи томонидан муассис банк фаолиятини юритиш учун лицензияга эгалиги ва хусусан, қайтариб бериш шарти билан ўз мамлакатада пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эгалигини тасдиқловчи хат;

-банк назорати органининг муассис банкнинг ўзи жойлашган ва рўйхатдан ўтказилган жойда назорат остида эканлиги ҳақидаги ёзма тасдиқнома;

-муассис банкнинг охириги уч молия йили учун тўзилган, аудиторлик фирмаси тасдиқлаган йиллик ҳисоботлари, шу жумладан, фойда ва зарарлар ҳақидаги консолидацияланган баланси ва ҳисоботи;

-банк назорати органи муассис банк ташкил этаётган банкнинг устав капиталида иштирок этиши учун берган ёзма рухсатномаси ёки бундай рухсатнома муассис банк мансуб бўлган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб этилмаслигининг ёзма тасдиғи.

Фаолият юритиб турган банклар устав капиталидаги ҳисса хорижий шахслар томонидан сотиб олинаётганда ҳам ушбу ҳужжат хорижий шахс томонидан Марказий банкка тақдим этилиши лозим бўлади.

Бўлардан ташқари, хорижий муассислар Ўзбекистон Республика-сида янги ташкил этилаётган ёки фаолият юритаётган банкларнинг устав капиталида иштирок этган тақдирда;

-хорижий норезидентнинг тўловга қобилиятлилиги тўғрисида унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилган тасдиқнома;

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ташкил этилишида иштирок этиш учун мазкур мамлакат назорат органининг розилиги;

-муассис мансуб мамлакатнинг савдо реестридан кўчирма ёки юридик мақомини тасдиқловчи бошқа муқобил ҳужжат.

Хорижий капитал иштирокидаги банкларда банк кенгашининг камида битта аъзоси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк ташкил этиш учун зарур бўлган барча зарур ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли бўлади. Тақдим этилган ҳужжатлар Марказий банк томонидан икки ой муддат ичида кўриб чиқилиши керак.

Марказий банк банк фаолияти билан шуғулланиши учун дастлабки рухсатнома бериш масаласини ҳал этиш жараёнида ташкил этилаётган банк муассисларининг молиявий имкониятлари ва нуфузига, банк раҳбарлигига таклиф этилаётган шахсларнинг касбий маҳоратига, бизнес ва молиявий режа кўрсаткичларига, ташкил этилаётган банкнинг бинолар ва ускуналар билан таъминланганлик даражасига ҳам эътибор қаратади.

16.3. Тижорат банклари фаолиятини лицензиялаш. Тижорат банкларининг ташкилий тўзилиши.

Марказий банк тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш функциясини амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- банк фаолиятини олиб боришга лицензиялар бериш
- банклар ҳисоботларини текшириш, жойларда текширишлар утказиш,
- банк операцияларини бажаришда нормаларга риоя қилишни назорат қилиш.

Банк фаолиятини олиб боришга лицензия (рухсат) бериш орқали марказий банк ташкил қилинаётган кредит институтининг банк фаолиятини олиб бориш имкониятларини аниқлайди.

Марказий банк тижорат банклари амалга оширадиган операцияларни текшириш, ички аудит ҳолатига баҳо бериш ҳуқуқига эга. Бунда аввало бор тижорат банкларининг активлари: кредитлар ва қимматбаҳо қўғозлар ҳолати, банкларнинг ликвидлиги ва барқарорлиги текширилади. Текшириш утказишдан асосий мақсад:

- банкнинг молиявий ҳолатига объектив баҳо бериш,
- банкни бошқариш сифатига ва унинг раҳбари фаолиятига баҳо бериш,
- банкнинг молиявий аҳолини ва унинг бағқарадиган операцияларининг самарадорлигини таъминлаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш,
- банк фаолиятининг мавжуд қонунлар ва норматив ҳужжатларга мувофиқ олиб борилишини таъминлаш ва бошқалардан иборат. Марказий банк яна тижорат банкларининг олиб борадиган операцияларининг норма бўйича бажарилишини назорат қилиб боради

Тижорат банкларининг юридик шахс сифатида фаолияти омонатчилар, кредиторлар, умуман, давлат ва жамият манфаатларига жиддий дахлдор бўлганлиги туфайли унинг ташкил топиши ўзоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Шу вақт ичида бўлғуси таъсисчилар ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилади, банк устав капитали учун зарур бўлган маблағлар тайёрланади, раҳбар шахслар зарур ҳужжатлар тайёрлайди, тегишли текширувдан ўтказилади ва ҳоказолар.

Тижорат банкларини ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ифодаланган. Шу қонуннинг 2-боби “Банкларни ташкил этиш ва улар фаолиятини тугатиш тартиби” деб номланиб ўз ичига 13 модда(7-19 моддалар)ни олади .

Банклар республика ҳудудида ўз фаолиятларини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширадилар.

Банкларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонунлари ҳамда банкка меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Тижорат банкларини ташкил қилиш 11 феврал 1999 йилда қабул қилинган “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги 630-сонли Низом асосида олиб борилади.

Ушбу низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби ҳамда шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, тижорат банклари очик ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Банк операцияларини лицензиялашга бўлган зарурат банкни мамлакат иқтисодий тўлов қобилиятига таъсир этиши билан боғлиқ. Банк операцияларини ўтказувни амалга ошириши ва рўйхатга олиниши лозим. Тижорат банкини ташкил этилишида унга лицензия берилгандан кейин у лицензия асосида банк операцияларини ўтказиш ҳукуқига эга бўлади. Агар, банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган банк операцияларини лицензия олиш учун рўйхатдан ўтмай фаолият кўрсатса, бу операциялар қонунга ҳилоф деб топилади ва жавобгарликка тортилади.

Тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида давлат рўйхатидан ўтгандагина ташкил этилган деб ҳисобланади ва юридик шахс статусини олади.

Юридик ва жисмоний шахслар тижорат банкини таъсис этувчилари ҳисобланади ва улар банк ҳамда унинг устав капиталини шакллантиришда иштирок этадилар. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга асосан банк устав капиталини шакллантиришга давлат ҳокимият органлари, жамоа бирлашмалари, жамоа фондлар маблағлари, шунингдек кредитга олинган маблағлар ва гаровга олинган маблағлардан фойдаланиш ман этилади.

Банк таъсисчилари ўз зиммасига тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, устав капиталини шакллантириш, материал-техник базани яратиш, мижозлар қўламини аниқлаш, ўтказиладиган банк операциялар турини аниқлаш ва бошқа қатор масалаларни ҳал этишлари лозим.

Таъсисчилар таъсис шартномаси ёки акционер жамиятни тўзиш шартномасини расмийлаштирадилар. Бу шартномада банк бошқарув шакли, устав капиталининг тахминий миқдори ва таъсисчиларнинг устав капиталидаги ҳиссалар улуши аниқланади. Шартномада томонлар мажбурияти, ҳуқуқлари ва бошқалар акс эттирилади.

Банкни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олиш ва лицензиялаш тегишли талаблар амалга оширилгандан кейин бир ой муддат ичида ҳал этилади.

Банкларни мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этиш мумкин. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари сифатида иштирок эта оладилар. Ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги улуши “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўрсатилишича 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб устав капитали умумий миқдорининг 20 %, 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб 13% , 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб 7% дан ошмаслиги белгиланган. Шунингдек банкларнинг бошқа банклар

устав капиталида иштирокига рухсат этилмайди (аммо шўъба банклар ташкил этиш бундан мустасно).

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларида алоҳида кўрсатилади. Банк муассисларининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ҳар қандай юридик шахс сингари банклар уставига эга бўлишлари ва ўз уставлари асосида фаолият кўрсатишлари керак. Банк уставида қуйидаги моддалар ўз аксини топган бўлиши керак:

-банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва жойлашган (почта) манзили;

-банк кўрсатадиган операциялари рўйхати;

-устав капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва уларнинг устав капиталидаги улушларининг тақсимланиши;

-банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

-банк аудити тартиби, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ белгиланган ҳисоботлар ва аудиторлик дастурларининг мақсадлари кўрсатмалари.

Бўлардан ташқари банк уставида бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Қонунда кўрсатилишича, кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ва солиққа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш мумкин эмас. Аммо алоҳида олинган ҳолларда, қонунларда кўрсатилган бўлса, бюджет маблағларидан фойдаланишга рухсат бериш мумкин.

Марказий банк томонидан банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни бекор қилиш учун мавжуд лицензияни шундай ҳолатга келтириш анча мураккаб ҳуқуқий тадбир бўлиб, тижорат банклари фаолиятининг тўхташи ва тугатишида муҳим асосдир.

Банк фаолиятини тўхтатиш ва банкларни тугатиш “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ҳамда Марказий банкнинг 240-сонли “Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўрсатиб ўтилган. Жумладан банк қуйидаги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади: акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра, Марказий банк лицензияни қайтариб олганда, банкрот деб эълон қилинганда ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни Давлат рўйхатига олиш дафтарида чиқарилади. Уни фаолияти тўхтатилганлиги матбуотда эълон қилинади. Фаолиятни тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби низомда белгилаб берилган.

Қонунда кўрсатилишича, кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ва солиққа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш мумкин эмас. Аммо алоҳида олинган ҳолларда, қонунларда кўрсатилган бўлса, бюджет маблағларидан фойдаланишга рухсат бериш мумкин.

	Акционерлик тижорат банклари учун	Хусусий банклар учун
2011 йил 1 январдан	10 млн евро эквивалентида	5 млн евро эквивалентида

Банк ташкил этилганига қадар, яъни у давлат рўйхатидан ўтказилгунича унинг номидан амалга оширилган банк операциялари ҳақиқий ҳисобланмайди.

Банк рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кунлик муддат ичида солиқ тортишни ташкил этиш учун молия-солиқ органига зарур ҳужжатларни тақдим қилиш зарур.

Банк уставига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш учун банк акциядорлар йиғилиши ёки муассисларнинг қарорига мувофиқ белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат қилинади ва қуйидаги ҳужжатлар:

- уставга ўзгаришлар киритиш ҳақида банк кенгаши раиси имзолаган илтимоснома;
- банк акциядорларининг уставига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақидаги мажлиси баёни (3- нусхада);
- банк кенгаши раиси имзолаган уставига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар рўйхати (3 нусхада) тақдим этилади.

16.4. Жамиятда вақтинчалик бўш пул маблағларининг юзага келиши. Пул маблағларини тижорат банкларида тўпланиши.

Ссуда капиталисти ўз бўш капиталини қарзга берса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларга таянади. Ссуда капиталистининг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даромади - банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пулларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қулларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклашуви **ва** улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг махсус корхоналар - кредит муассасаларига айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хужалиги мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни уй ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йўллайдиган фоиз билан жойлаштирган ресурслари бўйича оладиган фоиз уртасидаги фарвдан иборат бўлади.

Банклар бажарадиган функциялар уларнинг бажарадиган вазифаларига қараб турли хил булиши мумкин- Бу мавзуда биз банкларга таалукли бўлган умумий функциялар тутрисида гапириб утмоқчимиз. Кейинги мавзуларда биз алохида-алохида олинган ҳолда биринчи **ва** иккинчи **звено** банкларининг функциялари тутрисида фикр юритамиз.

Шундай қилиб, банк тизими микёсида олиб қарайдиган булсак банклар қуйидаги функцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган маблағларни йириш ва капиталга айлантириш;
- кредит муносабатларида воситачилик қилиш;
- тулов жараёнларида воситачилик қилиш;
- муомалага кредит воситаларини чиқариш.

Халқ хужалигидаги вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш **ва** уларни капиталга айлантириш - банкларнинг илк функцияларидан бири ҳисобланади. Бу функциянинг амалга оширилиши натижасида бир томондан, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблағлари бўйича маълум микдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томонидан бу маблағлар банкларнинг кредитлаш қудратини ташкил қилади ва бу ресурсларга асосланган *холда*. банклар ссуда операцияларини олиб боради. Вақтинча бўш маблағлар банклар иштирокисиз бир корхона (тармок) томонидан иккинчи корхона (тармок)га вақтинча фойдаланишга бериладиган булса, бу муносабатларни ташкил қилишда маълум қийинчиликлар юзага келиши мумкин:

биринчидан, кредитга суралаётган сумма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сумма уртасида номутанносиблик булиши мумкин;

иккинчидан, ортиқча бўш маблағга эга бўлган корхонанинг маблағларни вақтинча фойдаланишга берадиган муддати маблағ зарур бўлган корхонани контоугирмаслиги мумкин;

учинчидан, банклар иштирокисиз корхоналарни тугридан тугри кредитлашда қарз берувчи қарз олувчи корхонанинг молиявий аҳолини тулик ургана олмаслиги мумкин. Қарз олувчининг туловга лаёқатсиз булиши кредитор корхонанинг ҳам молиявий аҳолининг ёмонлашувига ва бошқа салбий ҳолларга олиб келиши мумкин.

Халқ хужалигидаги барча бўш маблағларнинг банк томонидан йиғилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслар ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммада, зарур бўлган муддатда кредит беришга имконият яратади.

Тижорат банкларининг тўлов операциялари орқали пул айланмасининг тартибга солиниши.

Иқтисодий ривожланишининг усиши банк кредитининг қулланилиш қуламини кенгайтириб боради. Кредит факатгина ҳар қунлик фаолият билан боглик ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қика муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади. 60-йиллардан бошлаб банклар йирик миқозларга хизмат кўрсатишга ихтисослаша борди. Бу мақсадни амалга ошириш учун банклар маблағларни жалб қилиш микёсини, истеъмол учун кредитлар бериш қуламини кенгайтди.

Туловларда воситачилик функциясида банклар ўз миқозларининг топширигига асосан тулов жараёнларини амалга оширади, ҳисоб варақларига маблағларни қабул қилади, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, миқозларга пул маблағларини беради.

Хисоб-китобларнинг банк оркали олиб борилиши муомала харажатларининг камайишига олиб келади. Мижоз мамлакат ичида ва бошқа мамлакат билан кийинчиликсиз ўз маблағларини банк оркали ўз хисоб варакасидан бошқа корхона хисоб варакасига ёки бошқа мамлакат банкига ўтказиши мумкин.

Муомалага кредит воситаларини чиқариш. Банк кредитининг манбаи факат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб -колмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси ҳам амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит миқдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин.

Ундан ташқари, кредит ёрдамида муомалага нақд пуллар банкноталар чиқарилади.

Банк кредит пуллар чиқариш депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради

17-МАВЗУ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

17.1. Тижорат банкларининг актив операциялари ва уларни амалга ошириш асослари.

17.2. Тижорат банкларининг пассив операциялари. Тижорат банклари пассивларининг барқарорлиги.

17.3. Тижорат банкларининг кредит операциялари.

17.4. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари.

17.5.Тижорат банкларининг комиссион воситачилик операциялари.

17.6. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операциялари. Банкларнинг ссуда капиталлари бозоридан ресурслар жалб этиши.

Таянч иборалар: кредит, воситачилик, маблағ жалб қилиш, ликвид, тамойиллари, қимматли қоғозга актив.

17.1. Тижорат банкларининг актив операциялари ва уларни амалга ошириш асослари.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқа давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган корхоналарга ссудалар беришган.

Мобилизациялашган пул маблағлари банклар миждозларини кредитлаш учун ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни қўллабқувватлаш учун фойдаланади. Даромад олиш мақсадида банк ресурсларини жойлаштириш

билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг актив операциялари дейилади.

Вексел операциялари векселларни қайд ёки ҳисобга олиш бўйича операциялар ва векселлар бўйича ссудалар бериш операцияларига бўлинади.

Марказий банкнинг ҳудудий бошқармаларида берилган векселларни қайта ҳисобдан ўтказиши мумкин. Векселни ҳисобга олиб банк унинг вақтинчалик эгаси бўлади ва векселни эмитент қилган ёки уни ҳисобга олиш учун тақдим қилган шахсга маълум миқдорда пул тўлайди. Бу операция учун банк миждан қайд этиш фоизи ёки дисконт деб аталувчи маълум фоиз ундиради. Дисконт – бу векселда кўрсатилган сумма билан вексел эгасига тўланадиган сумма ўртасидаги фарқдир.

Бозор иқтисодиёти ва жаҳон ҳўжалиги ривожланиши билан банк тизими ҳам ривожлана бори. Ҳозирги шароитда банклар тобора кўпроқ факат соф банк операцияларини бажарадиган эмас.

Тижорат банклари қуйидаги актив операцияларни бажаради:

актив ссуда операциялари;

банк хизматлари ва воститачилик операциялари;

банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

Шу билан бирга банклар молиявий хизматлар кўрсатадиган молиявий муассасаларга айланмоқда, бу банк балансида акс эттирилмайди, лекин жуда катта даромад келтиради. Масалан: банклар валюта операцияларини бажарганда саррофлар брокерлар сифатида майдонга чиқадилад ва катта миқдорда воситачилик ҳақи оладилар.

Тижорат банкларнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида банк назорати ва мониторингини амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини бошқариш усуллариини такомиллаштириш ва халқаро талабларга мослаш, янги ҳисовлар тизимига ўтиш, ҳет эл банкларининг шубҳаларини очиш, тўлов тизимини такомиллаштириш, тижорат банкларнинг қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларини ривожлантириш, пул ва валюта бозорида банкларнинг актив фаолиятини таъминлаш каби долзарб масалалар ҳозирги кунда мустиқил банк тизимининг ривожланиши туфайли ўз ечимини топмоқда.

Халқ ҳўжалигидаги вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш **ва** уларни капиталга айлантириш банкларнинг илк функцияларидан бири ҳисобланади. Бу функциянинг амалга оширилиши натижасида бир томондан, ҳукукий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблағлари бўйича маълум миқдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томонидан бу маблағлар банкларнинг кредитлаш қудратини ташқил қилади ва бу ресурсларга асосланган *ҳолда*. банклар ссуда операцияларини олиб боради. Вақтинча бўш маблағлар банклар иштирокисиз бир корҳона (тармок) томонидан иккинчи корҳона (тармок)га вақтинча фойдаланишга бериладиган бўлса, бу муносабатларни ташқил қилишда маълум қийинчиликлар юзага қелиши мумкин:

биринчидан, кредитга сўралаётган сумма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сумма ўртасида номутанносиблик бўлиши мумкин;

иккинчидан, ортикча бўш маблағга эга бўлган корхонанинг маблағларни вақтинча фойдаланишга берадиган муддати маблағ зарур бўлган корхонани кониқгирмаслиги мумкин;

учинчидан, банклар иштирокисиз корхоналарни тўғридан тўғри кредитлашда қарз берувчи қарз олувчи корхонанинг молиявий аҳолини тўлиқ ўргана олмаслиги мумкин. Қарз олувчининг тўловга лаёқатсиз бўлиши кредитор корхонанинг ҳам молиявий аҳолининг ёмонлашувига ва бошқа салбий ҳолларга олиб келиши мумкин.

Халқ ҳўжалигидаги барча бўш маблағларнинг банк томонидан йигилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслар ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммада, зарур бўлган муддатда кредит беришга имконият яратади. Ундан ташқари банк корхоналарнинг тўловга лаёқатлилигини ҳар томонлама таҳлил қилиши, уларнинг молиявий аҳолини баҳолаб бера олиши мумкин.

Иқтисодий ривожланишининг ўсиши банк кредитининг қулланилиш қуламини кенгайтириб боради. Кредит факатгина ҳар кунлик фаолият билан боглик ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг кика муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки ўзок муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади. 60-йиллардан бошлаб банклар йирик мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослаша борди. Бу мақсадни амалга ошириш учун банклар маблағларни жалб қилиш микёсини, истеъмол учун кредитлар бериш қўламини кенгайтirdи.

Тўловларда воситачилик функциясида банклар ўз мижозларининг топширигига асосан тўлов жараёнларини амалга оширади, ҳисоб варақларига маблағларни қабўл қилади, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, мижозларга пул маблағларини беради.

Ҳисобкитобларнинг банк орқали олиб борилиши муомала харажатларининг камайишига олиб келади. Мижоз мамлакат ичида ва бошқа мамлакат билан қийинчиликсиз ўз маблағларини банк орқали ўз ҳисоб варақасидан бошқа корхона ҳисоб варақасига ёки бошқа мамлакат банкига ўтказиши мумкин.

Муомалага кредит воситаларини чиқариш. Банк кредитининг манбаи факат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб қолмасдан, кредит асосида чекдепозит эмиссияси ҳам амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит микдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чекдепозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин.

Ундан ташқари, кредит ёрдамида муомалага нақд пуллар банкноталар чиқарилади.

Банк кредит пуллар чиқариш депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабўл қилиш ва бошқа давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган корхоналарга

ссудалар беришган. Бу пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Охирги йилларда Республиканинг кўпгина тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида, давлатнинг хазина мажбуриятларини кўп миқдорда сотиб олишди. Чунки қимматли қоғозларнинг бу тури банкка кафолатланган даромад келтиради. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг таъминоти сифатида кўчмас мулк, бошқа банк ёки суғурта ташкилотининг суғурта кафолати ҳам қабўл қилиниши мумкин. Тижорат банкларининг актив операциялари ичида кредитлаш жараёни асосий ўринни эгаллайди.

Тижорат банклари актив операцияларининг яна бир тури фонд операцияларидир.

Турли қимматли қоғозлар унинг объекти бўлиб хизмат қилади. Банкларнинг қимматли қоғозлар бўйича операцияларининг 2 тури кўпроқ қўлланилади. Бўлар қимматли қоғозларни кредитнинг таъминланганлиги учун қабўл қилиш йўли билан ссудалар бериш ва уларни банк томонидан ўз ҳисобига сотиб олиш йўли билан операциялар ўтказиш.

Қимматли қоғозлар таъминоти бўйича ссудалар уларнинг тўлиқ бозор курси қиймати бўйича эмас, балки уларнинг маълум бир қисми (6080%) бўйича берилади.

Қимматли қоғозлар сохта капитални ифодаласада, улар бўйича ссудалар ҳақиқий товар ишлаб чиқариш билан боғланган жараёнга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қимматли қоғозлардаги банк инвестициялари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолда банк турли эмитентлардан қимматли қоғозларни сотиб олади ва банк қимматли қоғозлар портфели вужудга келади.

Банк томонидан қимматли қоғозларнинг харид қилинишидан мақсад – бу қимматли қоғозларни кейинчалик қайта сотиш ёки капиталнинг ўзок муддатга қўйилиши йўли билан фойда олишдан иборат.

17.2. Тижорат банкларининг пассив операциялари. Тижорат банклари пассивларининг барқарорлиги.

Пассив операциялар бу банк ресурсларини шакллантирилиши билан боғлиқ операциялардир. Пассив операциялар айланмадаги бўлган, янги ресурслар жалб қилиш (орқали) натижасида банкларнинг актив операцияларини амалга оширишга имконият яратилади.

Тижорат банк фаолиятини ташкил қилишнинг илк босқичи, улар пассив операцияларини амалга ошириш ҳисобига ресурсларини шакллантиришдан иборат. Тижорат банки мустақил фаолият юритувчи субъект сифатида ўз фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган талаблардан бири, бу банкнинг талаб даражасидаги ўз потенциалларига эга бўлишидир. Шу боис банклар фаолиятини олиб бориш аввало етарли миқдордаги банк ресурсларининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Ҳар қандай тижорат банкларнинг пассив операцияларининг самарали бошқариб борилиши банк ресурсларининг мукамал ташкил қилиниши ва тежамли ишлатилишига замин яратади.

Ҳосил қилинган ресурслар тижорат банкларнинг тижорат ва хўжалик фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг пассив операциялари, унинг таркиби ва ҳажмини оширишда уни самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантириш нафақат янги миқдорларни жалб этиш, балки ресурслар манбалари тўзилмасини доимий равишда ўзгартириб туришни ҳам ўз ичига олган ҳолда, банк активлари ва пассивларидан оқилона фойдаланишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Тижорат банк пассивларидан самарали фойдаланиш пассив операцияларини асосини ташкил қилувчи, хусусан, капиталини ошириш, депозит сиёсатининг оқилона юритиш, асосий стратегик ва тактик йўналишларини белгилашдан иборат бўлади.

Тижорат банк ресурслари бизга маълумки пассив операцияларни натижасида шаклланади. Банкнинг пассив операциялари – банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағларини устида амалга оширилган амалиётларда юзага келади. Молиякредит луғатларда берилишича, банкларнинг пассив операциялари бу – «Банклар кредит ва бошқа актив амалиётларни бажариш учун ўз ресурсларини шакллантириш операциялари»⁵ дир.

Халқаро банк амалиётида пассив операцияларнинг қуйидаги тўртта шаклидан кенг фойдаланилади:

а) банкларнинг фойдасидан фондларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга ажратмалар;


б) депозит операциялар;

в) юридик шахслардан олинган кредит ресурслар;

г) қимматли қоғозлар, пул билетлар ва тангаларни муомалага чиқариш (эмиссия).

д) Тижорат банкларининг пассив операциялари деганда, уларни ресурс базасини шакллантириш билан боғлиқ операциялари тушунилади.

⁵ Гарбўзов В.Ф., Финансово-кредитнўй словар. 391 бет.



Банк тизими фаолияти давлатнинг иқтисодий ҳолати билан ўзвий ҳолда боғлиқ ва унга ўзига яраша таъсир кўрсатади, айниқса ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш шароитида, мамлакатдаги молия – кредит тизимининг ташкил этилганлиги, иқтисодий циклларнинг барқарорлигини банк фаолияти кўрсаткичлари орқали кўришимиз мумкин. Банкларнинг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқадиган бўлсак банк фаолиятида ҳам ўзига яраша эҳтиёжлар ва талаблар мавжуд.

банк пасивларини иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганади:⁶

Банк ўз капитали ва унга тенглаштирилган моддаларни ташкил этиш билан боғлиқ операциялар;

Жалб қилинган маблағлар, депозит ва нодепозит операциялар.

Тижорат банкларнинг ўз маблағлари таркибига уларни пасив операциялари орқали қуйидагилар киритилган:

- 1) Акциядорлик капитали (Оддий, Имтиёзли)
- 2) Қўшимча капитал,
- 3) Захира капитали (Захиралар ва махсус фондлар, девальвация)
- 4) Тақсимланмаган фойда
- 5) Қайта баҳолаш ортиқчасидан иборат.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз маблағлари устав капитал, резерв капитал, махсус фондлар, ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдалар, резервлар, қайта баҳолаш натижаларидан иборат.

Шундан, тижорат банклар устав капитали улар томонидан чиқарган акцияларнинг номинал қийматига тенг бўлиб, банкнинг бошлангич иш фаолиятида банк фаолиятини юритиши учун керакли даражада маблағга эга

⁶ Усоскин В.М, Современный коммерческий банк, 1994 йил, 91 бет

бўлиш мақсадида ўзи учун етарли бўлган миқдорда жойлаштирилади. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда фонд бозорларига жойлаштирилган акцияларнинг номиналидан юқори бўлган бозор нархлари қўшимча равишда номиналидан ортиқча қисми қўшимча капиталда ҳисобга олинади.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг пассив операцияларини таркибида уларни депозит маблағларини шакллантириш манбаси тижорат банкларини актив операцияларини ташкил этишда муҳим ва ҳал қилувчи ўринга эга. Чунки пассив операцияларни ичида уларнинг депозит маблағлари тижорат банклари ўз активларини ошириш ҳисобига ўз ликвидлилиги ва рентабеллигини ошириш имконига эга бўлади.

Депозит операциялар – банкларнинг депозиторлар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир⁷.

Пул қўювчилар тоифасидан келиб чиққан ҳолда, депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

1. юридик шахслар (корхоналар, ташкилотлар);
2. жисмоний шахслар;

Маблағларни олиш шаклига кўра депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

3. муддатли депозит маблағлар;
4. талаб қилиб олингунга қадар депозит маблағлар;
5. аҳолининг жамғарма қўйилмалари.

Ўз навбатида бу гуруҳларнинг ҳар бири турли белгиларига қараб таснифланади. Муддатли депозит маблағлар уларнинг муддатидан келиб чиқиб таснифланади;

6. 3 ой муддатгача депозитлар;
7. 3 ойдан 6 ойгача депозитлар;
8. 6 ойдан 9 ойгача депозитлар;
9. 9 ойдан 12 ойгача депозитлар;
10. 12 ойдан юқори бўлган депозит маблағлар.

Муддатли депозитлар бу банклар томонидан маълум муддатга жалб қилинадиган депозитлардир. Бу турдаги депозитларлар қўйилган муддатда ўзгармас бўлиши лозим ва улар жорий тўловлар учун ишлатилмайди.



⁷ Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 86–бет.

11. Чизма 1. Тижорат банклари депозит манбаалар

17.3. Тижорат банкларининг кредит операциялари.

Тижорат банкларининг актив операциялари ичида кредитлаш жараёни асосий ўринни эгаллайди. У қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

– кредит олиш учун берилган мижознинг ариза талабномасини кўриб чиқиш;

– қарз олувчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилигини банк томонидан ўрганиб чиқилиши;

– кредит қўмитасининг қарори;

– кредит битимини расмийлаштириш;

– кредит берилиши;

– ссуда ва у бўйича фоиз тўлашнинг банк томонидан назорат қилиниши.

Кредит ва уни тўлаш жараёни кредит шартномасида кўрсатилган бўлиб, кредит ва қарз олувчи ўртасидаги мажбурият ва ҳуқуқларни белгилаб беради. Унда кредитлашнинг мақсади ва объекти, кредит миқдори, ссудани бериш ва уни тўлаш муддати, кредит таъминотининг турлари, кредит учун фоиз ставкаси ва бошқалар кўрсатилади. Ссудани тўлашни назорат қилиш банкнинг кредит портфелини мунтазам таҳлил қилиш асосида олиб борилади ва кредитларнинг сифат даражаси аниқланади.

Тижорат банклари ўзининг халқ хўжалигида тутган урни ва ўзига хос фаолияти билан бозор иктисодиётининг ажралмас қисми сифатида юзага келди. Тижорат банк ларининг бугунги кундаги фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, халқ хўжалигининг ҳеч бир субъекти йукки, у бугун банк хизматидан фойдаланилмаётган бўлсин.

Бундан ташқари банклар ўз мижозларига молиявий брокер сифатида ҳам хизмат кўрсатмоқда. Банкларнинг бундай функцияни бажаришлари корхона ташкилотларнинг қимматли коғозлар бозори операцияларида катнашишлари учун қулай шароит яратмоқда.

Активларни бошқаришнинг асосий мақсади таваккал қилишнинг энг паст даражаси шароитида даромад фоиз тушумлари ва харажатлар орасидаги фаркни мумкин қадар ошириш еки уни жуда бўлмаганда барқарор даражада сақлаб туришдан иборат эканлиги маълум.

Қисқа муддатли кредитларга қуйидагилар қиради:

1. Ломбард.

2. Контакоррент.

3. Овердрафт.

Умуман Банкда кредит бериш жараёни қарз олувчилар сонини анча қупайтиришга, мижозларни молиявий ахволини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш, ишончли мижозларни танлаш асосида, кредит соҳасида учрайдиган тавақалларни қамайтириш, кредитдан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш, кредит олишга қаратилган таклифларни шу йуналишда

таксимлаш ва қабул қилиш, кредитнинг кайтарилишини таъминлайдиган кушимча шакллардан фойдаланиш томонга йуналтирилган.

Мижозлар кредит олиш учун банкка кредит суммаси, муддати, фоиз ставкаси, мақсади, таъминот тури кўрсатилган ариза, таъсис ҳужжатларидан нусха, суралаётган лойиха бўйича бизнесрежа, сунгги ҳисобот санасига тўзилган ва тасдиқланган баланс ҳисоботлари такдим этишлари лозим.

Бизнесрежада лойихани амалга оширувчи бўйича тулик маълумотлар, кредитнинг мақсади ва унинг аҳамияти, лойиха бўйича бозорнинг урганиш натижалари, бошқарув тизими, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаришни ташкил этилиши ва режалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва бошқа харажатлар, маъмурийбошқарув харажатлари, олинadиган даромад ва фойда, лойихага таъсир этувчи риск факторлари, пул оқимлари прогнози, кредитнинг кайтариш жадвали кўрсатилишига катта аҳамият берилади.

Берилган аризалар Универсал Банк бўлимлари томонидан 3 иш куни мобайнида куриб чиқилади. Агар суралган кредит миқдори банк бўлимлари учун белгиланган чегарадан ортиқ бўлса, аризани куриб чиқиш учун бош банкка такдим этилади.

Универсал Банк бўлимлари учун ҳудудий чегараланиш мавжуд бўлиб, қуйи бўлимлар ўз жойлашган жойларидан 50 км радиусга қадар бўлан хўжалик юритувчи субъектларга кредит ажратиши мумкин. Баъзи ҳолларда Банк Бошқаруви рухсати билан ушбу чегара ўзгартирилиши мумкин.

2006 йил 1 февралдан бошлаб Универсал Банк томонидан чакана савдони амалга ошириш мақсадида берилadиган кредитларнинг максимал муддати 3 ой этиб белгиланган.

2 Лизинг операциялари.

Лизинг операцияларининг кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун қулай томони, таъминот талаб этилмайди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг амалдаги Конунчилигига асосан, лизингга олинган молмулклар учун молмулк солиғи лизинг даври учун туланмайди.

Шу билан биргаликда, лизинг операцияларини амалга ошириш чоғида, лизинг объекти технологик ускуна бўлиб, импорт қилинадиган бўлса, божхона тўлови ва ККС тўлашдан озод этилади.

3 Факторинг операциялари

Қоидаларда кредит беришнинг қуйидаги янги шакллари кўзда тутилган:

- "кредит линиясини очмасдан" ва "кредит линиясини очиб" алоҳида ссуда ҳисобварағидан кредит бериш;

- контокоренткредит;
- овердрафт;
- қимматли қозғаларни гаровга қуйиб кредит олиш (гаровхона кредити);

- вексель кредити.

Қисқа муддатли кредитлар қуйидаги 3 та асосий объектни кредитлашга йўналтирилади:

1. Товар моддий бойликлар.

2. Ишлаб чиқариш харажатлари.

3. Ҳисоб китоблар учун зарур бўлган маблағлар.

Қурилиш учун "оралиқ" кредитлари бино ва иншоотлар, оффислар, савдо марказлари ва шу кабиларни қуриш учун берилади. Аниқроғи кредит, бино ва иншоотларни қуришда керак бўладиган қурилиш материаллари, қуриш жиҳозларини сотиб олишга, қурувчи ишчиларни ёллашга берилади. Бу каби кредитлар кредит олувчининг бошқа бир ўзоқ муддатли таъминоти остида берилади.

Қимматли қоғозлар дилерларига кредитлар, давлат қимматли қоғозлари ва хусусий қимматли қоғозлар дилерлари баъзи вақтларда қисқа муддатларда янги қимматли қоғозлар сотиб олиш учун маблағга эҳтиёж сезадилар. Бу каби кредитларни кўпгина банклар "жон" деб тақдим этадилар. Сабаби, бу кредитлар давлат қимматли қоғозлари билан таъминланган бўлади. Бундан ташқари, бу кредитлар жуда қисқа муддатларга берилади. (бир кундан бир неча кунгача).

Чакана товароборотга кредитлар. Банклар автомобиллар, электрмаиший жиҳозлар, мебеллар ва бошқа ўзоқ муддат ишлатиладиган товарларни қарзга сотиб олишни, дилерлар қарзга сотиш шартномасини имзолаганидан сўнг пайдо бўладиган дебиторлик қарзини молиялаштириш орқали кредит беради. Бу каби кредитлашни дебиторлик қарзини сотиб олиш деб ҳам изоҳлаш мумкин.

Тижорат банклари томонидан бериладиган барча кредитлар унинг кредит портфелида ўз ифодасини топади.

Молиялаштириш манбаларига ва қарз олувчининг минтақавий ўрни ва манзилига қараб тижорат банкларининг кредит портфелини таснифлаш мумкин. Тижорат банклари таснифлашни асосан миллий валютада олиб борадилар ва баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ва хусусий маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар, масалан, Миллий банк ва шунга ўхшаш банкларда қаттиқ валютада ҳам ифодаланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар давлатнинг қарорларига асосан устувор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада берилади. Қайта молиялаштириш ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар мижоз кредитга лаёқатли бўлганда миллий валютада ёки хорижий давлат валютасида берилиши мумкин.

Ўзоқ муддатли кредитлар қуйидаги кредитлаш объектларига йўналтирилиши мумкин:

- ишлаб чиқариш объектларини қуриш учун;
- ишлаб чиқариш объектларини қайта таъмирлаш, техник қуруллантириш ва кенгайтириш учун;
- техникалар, асбоб ускуналар ва транспорт воситаларини сотиб олиш учун;
- янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун;
- ноишлаб чиқариш соҳасидаги объектларни қуриш ва ҳоказо.

17.4. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари.

Тижорат банклари актив операцияларининг яна бир тури фонд операцияларидир.

Турли қимматли қоғозлар унинг объекти бўлиб хизмат қилади. Банкларнинг қимматли қоғозлар бўйича операцияларининг 2 тури кўпроқ қўлланилади. Бўлар қимматли қоғозларни кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилиш йўли билан ссудалар бериш ва уларни банк томонидан ўз ҳисобига сотиб олиш йўли билан оператсиялар ўтказиш.

Қимматли қоғозлар таъминоти бўйича ссудалар уларнинг тўлиқ бозор курси қиймати бўйича эмас, балки уларнинг маълум бир қисми (6080%) бўйича берилади.

Қимматли қоғозлар сохта капитални ифодаласада, улар бўйича ссудалар ҳақиқий товар ишлаб чиқариш билан боғланган жараёнга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қимматли қоғозлардаги банк инвестициялари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолда банк турли эмитентлардан қимматли қоғозларни сотиб олади ва банк қимматли қоғозлар портфели вужудга келади.

Банк томонидан қимматли қоғозларнинг харид қилинишидан мақсад – бу қимматли қоғозларни кейинчалик қайта сотиш ёки капиталнинг ўзок муддатга қўйилиши йўли билан фойда олишдан иборат.

Охирги йилларда Республиканинг кўпгина тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида, давлатнинг хазина мажбуриятларини кўп миқдорда сотиб олишди. Чунки қимматли қоғозларнинг бу тури банкка кафолатланган даромад келтиради. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг таъминоти сифатида кўчмас мулк, бошқа банк ёки суғўрта ташкилотининг суғўрта кафолати ҳам қабул қилиниши мумкин. Тижорат банкларининг актив операциялари ичида кредитлаш жараёни асосий ўринни эгаллайди. У қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- кредит олиш учун берилган мижознинг ариза талабномасини кўриб чиқиш;
- қарз олувчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилигини банк томонидан ўрганиб чиқилиши;
- кредит қўмитасининг қарори;
- кредит битимини расмийлаштириш;
- кредит берилиши;
- ссуда ва у бўйича фоиз тўлашнинг банк томонидан назорат қилиниши.

Кредит ва уни тўлаш жараёни кредит шартномасида кўрсатилган бўлиб, кредит ва қарз олувчи ўртасидаги мажбурият ва ҳуқуқларни белгилаб беради. Унда кредитлашнинг мақсади ва объекти, кредит миқдори, ссудани бериш ва уни тўлаш муддати, кредит таъминотининг турлари, кредит учун фоиз ставкаси ва бошқалар кўрсатилади. Ссудани тўлашни назорат қилиш банкнинг кредит портфелини мунтазам таҳлил қилиш асосида олиб борилади ва кредитларнинг сифат даражаси аниқланади

17.5.Тижорат банкларининг коммиссионвоситачилик операциялари.

Тижорат банклари ўз фаолияти давомида турли хил хизматлар кўрсатадилар. Тижорат банкларининг бу хизматлари улар учун маълум даромад олиб келади. Бу даромадлар комисион мукофот, ўтказмалар ва йиғимлар шаклида бўлиши мумкин. Кейинги йилларда банк хизматларининг турлари ва миқдори ўсиб, бу соҳа банк фаолиятининг сезиларли йўналишига, уларнинг даромадининг манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи банклар даромадлари таркибида асосий ўринни ҳар хил хизматлардан келадиган тушумлар ташкил қилади.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятида ижара ёки лизинг (Леasing – ингл. «ижара») операцияларини молиялаштириш билан боғлиқ фаолият турлари кенг ривожланмоқда. Бу операцияларнинг моҳияти шундаки, банклар машинаускуна, жиҳозлар, транспорт воситаларини саноат корхоналарига ўзоқ муддатли ижарага беради ва улар билан лизинг шартномаларини тўзади. Бу ҳолда банк воситаларни сотиб олиш учун саноат корхоналарига ссуда бериш ўрнига уларни ўзи сотиб олади ва истеъмолчиларга ижарага берган ҳолда эгалик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бунда банк ссуда фоизини эмас, балки ижара ҳақини (лизинг тўловини) олади. Корхоналар учун эса лизинг инвестицияларни молиялаштиришнинг махсус усулларида бири ҳисобланади.

Тижорат банклари ўз фаолияти давомида турли хил хизматлар кўрсатадилар. Тижорат банкларининг бу хизматлари улар учун маълум даромад олиб келади. Бу даромадлар комисион мукофот, ўтказмалар ва йиғимлар шаклида бўлиши мумкин. Кейинги йилларда банк хизматларининг турлари ва миқдори ўсиб, бу соҳа банк фаолиятининг сезиларли йўналишига, уларнинг даромадининг манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи банклар даромадлари таркибида асосий ўринни ҳар хил хизматлардан келадиган тушумлар ташкил қилади.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятида ижара ёки лизинг (Leasing – ингл. «ижара») операцияларини молиялаштириш билан боғлиқ фаолият турлари кенг ривожланмоқда. Бу операцияларнинг моҳияти шундаки, банклар машинаускуна, жиҳозлар, транспорт воситаларини саноат корхоналарига ўзоқ муддатли ижарага беради ва улар билан лизинг шартномаларини тўзади. Бу ҳолда банк воситаларни сотиб олиш учун саноат корхоналарига ссуда бериш ўрнига уларни ўзи сотиб олади ва истеъмолчиларга ижарага берган ҳолда эгалик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бунда банк ссуда фоизини эмас, балки ижара ҳақини (лизинг тўловини) олади. Корхоналар учун эса лизинг инвестицияларни молиялаштиришнинг махсус усулларида бири ҳисобланади.

Лизинг операцияларида уч субъект – ижарага берувчи, ижарага олувчи ва мол этказиб берувчи иштирок қилади.

Ижарага берувчи бу – молиявий характердаги вазифани бажарувчи, ихтисослашган молиявий (лизинг) корхонадир. Лизинг, энг аввало, молиявий инвестицияларнинг воситаси ва ишончли молиявий манбаларни талаб

қилгани учун жаҳон амалиётида лизинг компаниялари банклар томонидан назорат қилинади ёки уларнинг шўъба корхоналари бўлади.

Ижарага олувчи – ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун воситаларни ижарага олувчи ишлаб чиқариш ёки савдо корхонасидир.

Мол этказиб берувчи томон лизинг шартномаси объектини ишлаб чиқарувчи корхона ёки ташкилот бўлиб, у ишлаб чиқариш ёки савдо корхонаси сифатида бўлиши мумкин.

Одатда, мол этказиб берувчи ва ижарага олувчи тижорат шартномасининг асосий шартларини ишлаб чиқади. Шу билан бир қаторда, ижарага берувчи (банк) молиялаштириш шартларини ўрганиб чиқади ва ижарага олувчи билан ижара шартномасини имзолайди.

Молиялаштириш масаласини ҳал қилишда банк мижознинг даромад даражасини ўрганиб чиқади. Лизинг объектдан тўғри ва самарали фойдаланиш имкониятларини баъзида мутахассислар кўриб чиқиши ва кўшимча кафолатлар талаб этилиши мумкин. Шартномада лизинг операциялари бўйича ижара муддати, миқдори, валютасини, ижара ҳақини тўлаш муддати ва шартлари, ижарага олинувчининг воситанинг (асбоб-ускунанинг) таркиби, ишга яроқлиги бўйича мажбуриятлари ва бошқа кўрсаткичлар ўз ифодасини топиши лозим.

Амалиётда лизингнинг бир неча турлари қўлланилади. Бўлар оператив ёки ишлаб чиқариш лизинги, молиявий лизинг ва бошқалардир.

Оператив лизинг кўпроқ ишлаб чиқариш даври билан боғлиқ бўлиб; объект қисқа даврга, яъни унинг ҳаётий яроқлилик давридан қисқароқ вақтга ижарага берилади. Бу ҳолда объектнинг амортизатсияси (ескириши) тўлиқ амалга ошмайди, яъни объектни яна бир неча марта ижарага бериш имконияти сақланиб қолинади.

Тижорат банклари ва уларнинг лизинг компаниялари томонидан, одатда, кўпроқ молия лизинг операциялари ўтказилади. Лизингнинг бу тури энг кўп тарқалган лизинг шакллариандир. У шартноманинг ўрта ва ўзоқ муддатлиги билан тавсифланади. Бунда амортизатсия тўлиқ бўлиши ёки ижара объекти қолдиқ баҳода қайтариб берилиши мумкин. Бу ҳақда ижарага олувчи ижара муддати тугашидан олдин эълон қилади.

Молиявий лизинг ҳақиқатда ижара объектини ўзоқ муддатли кредитлаш бўлиб, оддий савдосотикдан (егалик ҳуқуқи харид вақтида истеъмолчига ўтади) фарқ қилади. Лизинг компания асосий воситаларни ижарага олувчи корхонанинг кўрсатмасига биноан сотиб олади. Уни шу корхонага ўзоқ ёки ўрта муддатга (3, 5, 7 йилга) ижара шартномасига асосан сотиши ва лизинг муддати тугагандан кейин қолдиқ баҳода сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара шартномасини тузиши мумкин.

Тижорат банкларининг молиявий операцияларининг яна бир тури бу факторинг операциялари ҳисобланади. Бу операциялар бутун ҳўжалик кўламида тўловлар айланишини амалга ошириш билан боғлиқдир. Факторинг (ингл. Фастор – воситачи) – ҳисоб-китобларни ташкил этиш соҳасидаги янги хизмат турларидан бўлиб, мижознинг айланма капиталини кредитлаш билан мувофиқлашади. Бундай операцияларни чет элларда, одатда, махсус

факторинг компаниялари амалга оширадилар. Улар банклар билан боғлиқ ёки уларнинг ихтисослашган шўъбалари ва компаниялари ҳисобланади.

Молиявий активлар микдорининг ўсиши билан ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг ишонч (траст инг. Труст“ишонч”) операцияларининг ҳажмининг ошишига олиб келмоқда. Банкнинг бу хизматлари банк билан миждоз ўртасида ишонччилик муносабатларининг ўрнатилиши билан боғлиқ. Тижорат банкларининг траст бўлимлари, миждозлар топшириғи бўйича унинг номидан асосан мулк эгаллиги билан боғлиқ ва бошқа хизматларни бажаради. Банклар траст операцияларини хусусий корхона ва фирмалар, шахслар ва бошқа ташкилотлар учун амалга оширади. Траст операцияларини уч турга бўлиш мумкин: далолатнома, ғамхўрлик билан боғлиқ операциялар ва воситачилик хизматлари бўйича кўрсатиладиган операциялардир.

Меросни бошқариш билан боғлиқ траст операциялари хусусий шахслар далолатномаси бўйича амалга оширилиб, банкнинг траст бўлими қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Уларнинг асосийларига: меросхўрнинг меросини суд қарори ёки мерос хати асосида тўплаш, бошқарув маъмурий харажатларини тўлаш, меросхўрлар ўртасида меросни бўлиши ва шу оила аъзоларига хусусий хизматларни кўрсатиш киради.

17.6. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган эмиссион операциялари. Банкларнинг ссуда капиталлари бозоридан ресурслар жалб этиши.

Банк кредитлашга оид яна бир усул, қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шарти билан олдисотди операцияси ёки қисқача “репо” операциясидир. Ушбу операциялар одатда қисқа муддатли кредитлашда қўлланилади. Агар корхона яқин келгусида эркин пул маблағларини киритаётган ва ўша қимматли қоғозларга инвестиция қилишни режалаштираётган бўлса, ушбу вақт ичида бахзибир харажатларни қайта молиялаштириш ёки агар қимматли қоғозларни корхона сотишни истамаса ва фоиз ставкалари бозорда пасайишини кутиб, ушбу қоғозларни кредит эвазига фоиз тўлашдан кўра, каттароқ даромад олиши кутилаётган бўлса, у ҳолда, юқорида айтилганидек, қисқа муддатли кредитлаш амалга оширилади.

Операция мазмуни, банк корхоналарни ўша вақтда бозордаги нархдан арзонроқ нарх билан сотиб олади ва сотиш нархидан ҳам юқорироқ нархда сотади, шунда нархлар ўртасидаги тафовут банкка қисқа муддатли кредитлаш ставкасидан ҳам пастроқ даромадни тахминлайди. Бунинг банк учун фойдали жихати, банк қимматли қоғозларни бозор нархидан арзонга сотиб олиб, фоиз ставкаларида бўладиган тўловга муқобиллиги юзага келганда, банк қоғозларни қайтиб сотиб олади.

Ҳозирги банклар акциядор тижорат банклари сифатида ташкил қилиниб, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга мослашган ва улар ихтисослашган банклар бўлсада, бошқа тармоқлардаги миждозларга ҳам кредит ва ҳисобкитоблар бўйича хизмат кўрсатишлари мумкин. Банклар фаолиятининг

универсаллашуви улар ўртасида рақобатнинг юзага келишига, бу эса уларнинг бозор иқтисодиётига барқарор кириб боришини таъминлайди.

• Банк акциядорларини моддий жиҳатдан манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг банк Бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

а) Банк акциядорларининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммо) Банк акциядорларининг банк бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммо

1998 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ:

устав капиталида давлатга тегишли акциялар пакети 25 фоиздан ортиқ бўлган тижорат банкларининг банк кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан ишончли вакил киритилади, унинг зиммасига мазкур акциялар пакетини бошқариш вазифаси юклатилади;

акциядорлик-тижорат банки Кенгаши банк филиалларининг Бошқаруви ва раҳбарлар билан биргаликда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, кредитлар берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш, шунингдек умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишни янада юқори даражага чиқишини таъминлаш мақсадида 2015 йил 6 майда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пқ-2344-сонли қарори** эълон қилинди.

Мазкур қарорга кўра:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва мамлакатнинг тижорат банклари билан биргаликда Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини янада ошириш, уларнинг ресурс базасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлари маъқулланди, унда:

халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ, шу жумладан депозит ва кредит сиёсати соҳасида республика банкларига нисбатан қўйилаётган меъёрий талабларни янада такомиллаштириш;

тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, омонат ва депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий қилиш йўли билан аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг қўламда жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

етақчи хорижий банклар ва молия институтларида бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида тижорат банкларида

корпоратив бошқарув усуллари, шу жумладан хатарларни бошқариш ва ички назоратни яхшилаш усуллари такомиллаштириш;

илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, шунингдек банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш тадбирлари белгиланди..

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан тижорат банкларига нисбатан қўйиладиган меъёрий талабаларни янада такомиллаштиришни, жумладан, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлилик кўрсаткичи бўйича янги талабларни назарда тутган янги стандартлар ва тавсиялари (Базель-III стандартлари)ни 2015 — 2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаши;

Банклар уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаларини, кейинги йилларда инфляция даражаси изчил пасайишини, шунингдек бошқа макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини ҳисобга олган ҳолда тижорат банклари жалб қилаётган депозитлар фоиз ставкаларини белгилаш механизмини ишлаб чиқиб, тасдиқлаши белгиланди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли қарори билан тижорат банкларига кредит портфели таркибидаги узоқ муддатли инвестициявий молиялаштириш улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш юзасидан берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

4. Қўйидагилар:

имтиёзли кредитлаш махсус Жамғармасининг ресурслари ҳисобидан берилган кредитлар орқали тижорат банклари оладиган даромадлари, бўшаётган маблағларни мазкур Жамғарма ресурсларини ошириш учун мақсадли йўналтириш шарти билан, фойда солиғини тўлашдан 5 йил муддатга;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича, дастурий таъминот, банкомат ва пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа ускуналарни импорт бўйича олиб кирилганида тижорат банклари бож тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2020 йилнинг 1 январига қадар озод этилди.

3. Банк тизимида амалга оширилган ислохотлар

2015 йилда банк тизимида амалга оширилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2015

йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги дастурий маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Ушбу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар, жумладан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари (Базель III) асосида такомиллаштириш;

- банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигини янада ошириш, депозит базасини кенгайтириш ва диверсификациялаш, активлар, жумладан, кредит портфели сифатини янада яхшилаш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш;

- банкларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириб бориш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;

- кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш қўламларини янада кенгайтириш;

- мамлакатимиз тижорат банклари томонидан етакчи халқаро рейтинг агентликлари юқори рейтинг баҳоларининг олиниши ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилишига эришиш;

- молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини халқаро андоза ва тамойиллар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилди.

2015 йилда банк тизимида амалга оширилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида юқорида санаб ўтилган барча йўналишларда ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган 2011 – 2015 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастурининг якунловчи йилида мазкур дастурда белгиланган банк тизими фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўсиш суръатлари прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.

Бунда банк тизими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари халқаро мезонларга мувофиқ «юқори даражада»ги баҳоларга мос келмоқда.

Жумладан, 2015 йил якуни бўйича банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 23,6 фоизни, шунингдек, ликвидлик даражаси 64,5 фоизни ташкил этди. Капитал етарлилик кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса 2 марта кўпдир.

Банк тизими инфратузилмасини янада ривожлантириш

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада 26 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 7 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудларида тижорат банкларининг 854 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Банк муассасаларини аҳоли зич жойлашган манзиллар ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудларига яқинлаштириш мақсадида тижорат банкларининг 4 295 та мини-банки ва махсус кассалари ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 2 221 таси қишлоқ жойлардаги аҳоли ва фермер хўжаликларига сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни бевосита яшаш жойларига бориб қабул қилиш мақсадида 505 та ихтисослаштирилган кўчма кассалар хизмати ташкил этилган.

Банк-молия хизматлари бозори инфратузилмасини халқаро мезонлар асосида ривожлантириш мақсадида Кредит ахбороти миллий институти, Гаров реестри тизими ва «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси фаолиятлари такомиллаштириб борилмоқда.

Ҳозирда тижорат банкларининг барча филиаллари интернет тармоғи орқали «garov.uz» сайтига уланиб, гаров муносабатларига тегишли барча маълумотлар «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси маълумотлар базасига киритилиши таъминланмоқда.

Банк хизматлари кўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтириш

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва мижоз учун қулай турларидан бири бўлган банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимининг қўллаш доираси кенгайиб, тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.


2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 1 061 мингтани, шундан «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар 81,5 мингтани, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар 979,5 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2014 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга кўпайди.

Банк пластик карталари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги 5 йил давомида муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2 баробардан зиёдга ошди ва 2016 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони 16,3 млн. данадан ортиқни ташкил этди (3-диаграмма).



Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида ўрнатилган тўлов терминаллари сони 183 минг дондан ошди (4-диаграмма).

Шунингдек, жойларда тўловларни узлуксиз қабул қилишни таъминлаш мақсадида ўрнатилган инфокиоск ва банкоматлар сони 2 345 тага етди.



2015 йил давомида пластик карталар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 31,3 трлн. сўмни ташкил этиб, 2014 йилга нисбатан 37,6 фоизга ошди (5-диаграмма).



Тижорат банкларининг ресурс базасини ошириш

2015 йилда банк устав капиталини ошириш мақсадида акциядорлик-тижорат банклари томонидан жами 553,6 млрд. сўмлик акциялар инвесторлар ўртасида жойлаштирилди ва уларнинг 319,6 млрд. сўмлик қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига асосан «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан 157 млрд. сўмлик, Халқ банки томонидан 54 млрд. сўмлик акциялар чиқарилиб, инвесторлар орасида жойлаштирилди. Шунингдек, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг устав капиталы – 35 млрд. сўмга, «Агробанк»ники – 50 млрд. сўмга, «Микрокредитбанк»ники – 25 млрд. сўмга ва «Қишлоқ қурилиш банк»ники – 25 млрд. сўмга оширилди.

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича амалга оширилган мақсадли чора-тадбирлар натижасида банк тизимининг умумий капиталы сўнгги 5 йил давомида 2,4 мартага ўсди.

2015 йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич 23,3 фоизга ошиб, 2016 йил 1 январь ҳолатига 7,8 трлн. сўмни ташкил этди (6-диаграмма).



Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг ўсишини рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар, жумладан, доимий равишда жозибадор омонат турларини таклиф қилиш, узоқ муддатли банк депозит сертификатларини ва облигацияларини муомалага чиқариш ҳамда бу борада жорий этилган имтиёзлар ва қулай шарт-шароитларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит ва жамғарма сертификатлари 703,4 млрд. сўмни ҳамда облигациялар 247,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

Умуман олганда, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жалб қилинган депозитларнинг умумий ҳажми 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 35,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2015 йил бошига нисбатан 28,0 фоизга ошди.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш

Тижорат банкларининг капитали ва депозит маблағларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиёт реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги ролининг янада кенгайишига, активлар ва кредит қўйилмалари ҳажмининг сезиларли даражада кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди.

Сўнгги 5 йил давомида тижорат банкларининг жами активлари 3,1 баробарга, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари умумий қиймати эса 3,7 баробарга кўпайди ва бу ҳолат банк тизимининг иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдаги ролининг тобора ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг жами активлари 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 25,1 фоиздан зиёдга ўсиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 65,2 трлн. сўмни ташкил этди (7-диаграмма).



Шу жумладан, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми 2015 йилда 27,3 фоизга ошиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига 42,7 трлн. сўмни ташкил этди (8-диаграмма).



Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг 86,7 фоизи ички манбалар ҳиссасига тўғри келади.

2015 йилда иқтисодиёт реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳажми 2014 йилдагига нисбатан 27,7 фоизга ошиб, уларнинг тижорат банклари жами кредит портфелидаги салмоғи 79,8 фоизни ташкил этди.


Банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки янада фаоллашиб бормоқда. Банклар томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2015 йилда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 10,2 трлн. сўм ёки 2014 йилдагига нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди (9-диаграмма).



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўрсатилаётган молиявий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошишида ўз аксини топмоқда.

Бизнес юритиш, жумладан, банк фаолиятини амалга ошириш шароитларининг яхшиланиши ва жорий этилган имтиёзларнинг ижобий таъсири натижасида 2015 йил мобайнида мазкур соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар суммаси 2014 йилдагига нисбатан 32,3 фоизга ошиб, 12,1 трлн. сўмни ташкил этди (10-диаграмма).



Шундан, 2,5 трлн. сўми соҳа субъектларига ажратилган микрокредитлар бўлиб, ушбу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошди. «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 362 млрд. сўм миқдорида ёки 2014 йилга нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Тижорат банклари фаолиятининг етакчи халқаро рейтинг агентликлари ва молия ташкилотлари томонидан баҳоланиши

Бугунги кунга келиб республикада фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари «Мудис», «Стандарт энд Пурс», «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларига эга.

2015 йилда «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини яна бир бор «барқарор» деб баҳолади.

2015 йилнинг июль ойида «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболларига кетма-кет олтинчи йил «барқарор» рейтинг баҳосини берди.

Мазкур халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банклари фаолиятининг даромадлилиги, активлари сифати ва ликвидлигининг юқорилиги, миқдорлар депозитлари ва капиталининг етарли даражада ўсишини республика банк тизими барқарорлиги ва ривожланишининг асосий омиллари сифатида алоҳида қайд этмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда банк тизимини эркинлаштириш, ислоҳ қилиш ва унинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги ролини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда.

Хусусан, мазкур халқаро ташкилотлар томонидан 2015 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган «Бизнесни юритиш – 2016» мамлакатларнинг янги рейтингида Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 та давлати орасида 54 поғона кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

«Кредитлар олиш индекси» бўйича Ўзбекистон банк тизими кўрсаткичлари олдинги йилга нисбатан бир йўла 63 поғонага ёки 105-ўриндан 42-ўринга кўтарилди (11-диаграмма).



Республика банк тизимида кредитлаш механизмини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида самарали тадбирларнинг изчил ва узлуксиз равишда амалга оширилиши натижасида ушбу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз рейтинги сўнгги 3 йил ичида 112 поғонага кўтарилди.

Банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислохотлар

2016 йилда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил

6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги СҚ-51-III-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилади.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади.

Тижорат банкларининг капиталлашуви ва депозит базасини оширишни таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш

2016 йилда банк тизими жами капиталини қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш ҳамда бу соҳага хусусий капитални кенгроқ жалб қилиш орқали камида 20 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

Банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

– юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдорини 25 фоизга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган барча тижорат банкларининг устав капиталида хорижий инвесторлар иштирокини таъминлаш чораларини кўриш;

– аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк омонатлари ва депозитларига, айниқса, узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ва бунда мижозлар талабларини инобатга олган ҳолда омонатларнинг янги, жозибador турларини жорий қилиш ҳамда инновацион депозит дастурларини ишлаб чиқиш;

– депозитларни жалб қилишда уларнинг айланиш муддатлари ва банк активларининг рентабеллиги ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатларини янада мустаҳкамлаш;

– қарз қимматли қоғозларини, жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда субординар қарзлар жалб қилиш ишлари фаол амалга ошириб борилади.

Шунингдек, 2016 йил давомида ҳар чоракда соф фойда ҳисобидан тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасига ажратмаларни йил давомида 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини янада кенгайтириш

Монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсиш ва бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига мувофиқ ҳолда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектлари ва аҳолини кредитлашни янада кенгайтириш 2016 йилда ҳам устувор вазифа сифатида давом эттирилади.

2016 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратиладиган кредит қўйилмалари умумий ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёд ўсиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, жорий йилда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо қилиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги янги турар жойларни барпо этиш мақсадларига

тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан 12 трлн. сўм миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 1,8 трлн. сўмдан зиёд миқдорда инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

2016 йилда тижорат банкларининг инвестицион фаолиятида асосий эътибор 2015 – 2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий вазиятда ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва модернизациялаш умумий дастурини ташкил этувчи, шу жумладан:

- иқтисодий таркибий жиҳатдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш;

- тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

- муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

- иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфини камайтириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурларидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этишга қаратилади.

Шунингдек, аҳолининг ўсиб бораётган истеъмол эҳтиёжларини маҳаллий товарлар ҳисобига тўлиқ қондириш ҳамда ушбу маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш мақсадида барча ҳудудлар, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун истеъмол кредитлари бериш ҳажмлари ошириб борилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш

2016 йилда ўзининг кичик хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар банк тизими фаолиятининг диққат марказида бўлади.

Республика ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2016 йилда тижорат банклари томонидан 14,0 трлн. сўм ёки 2015 йилга қараганда 1,2 баробар кўп миқдорда кредит ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Ҳудудларда кредит олиш жараёнида инвестицион лойиҳалар ва бизнес-режалар пухталигини таъминлаш мақсадида маслаҳат хизматлари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Инвестицион иқлим ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш борасида банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш

Бунда:

- банк хизматлари бозорида рақобатни янада кучайтириш, иқтисодий субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш,

кредитлаш жараёнларини соддалаштириш ва масофадан хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш;

– тадбиркорликнинг бир тури сифатидаги банк фаолиятига барча кўринишлардаги ноқонуний аралашувлар ва бу борадаги қонун меъёрларининг бузилиш ҳолатлари олдини олиш;

– кредит ажратиш жараёнининг мақбул ва тезкор муддатда амалга оширилишига эришиш мақсадида банк филиалларининг кредит ажратиш борасидаги ваколатларини босқичма-босқич кенгайтириш масалалари асосий мезонлардан бўлиб қолади.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш

Республикада ҳисоб-китобларнинг узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини пластик карталар муомаласини кенгайтириш орқали янада такомиллаштириш, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини («Банк-мижоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг» ва бошқалар) республиканинг барча ҳудудлари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ривожлантириш, уларнинг ишлаш сифатини ошириш устувор вазифалар бўлиб қолади.

Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида:

– «Электрон ҳукумат» ахборот тизимлари таркибига киритилган Марказий банкнинг «Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаш» лойиҳасини амалиётга жорий этиш доирасини кенгайтириш;

– республиканинг барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ҳисобварақларни масофадан бошқариш бўйича банк хизматлари кўламини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Банк назоратини халқаро андоза ва меъёрлар асосида янада такомиллаштириш

Хусусан, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлилик кўрсаткичи бўйича янги талабларнинг (Базель III) босқичма-босқич жорий этилишини ва бажарилишини таъминлаш борасидаги ишлар амалга ошириб борилади.

Банк назорати самарадорлигини ошириш мақсадида кредит ташкилотлари фаолиятидаги таваккалчиликларни баҳолашда халқаро андозалардан фойдаланиш ва Марказий банк томонидан қўлланиладиган таъсир чоралари турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек:

– банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш борасида Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни кенгайтириб бориш;

– капиталнинг етарлилик даражасини аниқлаш мақсадида операцион ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш услубларини янада такомиллаштириш;

– жаҳондаги етакчи ва барқарор банклар тажрибасини инобатга олган ҳолда банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг-таҳлил қилишнинг замонавий усуллари самарали қўллаш ва уни такомиллаштириб бориш;

– ликвидлилик бўйича эҳтимолий хатарларни камайтириш ва фавқулодда ҳолатларга чидамлиликини таъминлаш мақсадида доимий равишда тижорат банкларининг ликвидлилик даражаларини стресс-тестдан ўтказиш ҳамда уларнинг ривожланишини турли сценарийларда моделлаштириш;

– банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга масъул бўлган тижорат банкларининг таркибий бўлинмалари мутахассисларининг малакаларини тизимли асосда ошириб бориш;

– тижорат банкларининг депозит ва фоиз сиёсатларини тизимли равишда мониторинг қилиш, жалб қилинаётган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини асоссиз ошириш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш;

– депозит амалиётларини, жумладан, банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи эҳтимолий хатарларнинг юзага келишини камайтириш мақсадида аҳолининг омонатларини жалб қилиш таркиби ва шартларини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

Республика тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириб бориш, хусусан:

– корпоратив бошқарув, шу жумладан, хатарларни бошқариш ва ички назоратни яхшилаш усуллари етакчи хорижий банклар ҳамда молия институтларида бошқарувни ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш асосида янада такомиллаштириш;

– банклар активлари ва кредит портфели сифатини яхшилаш, банк фаолияти билан боғлиқ хатарларни (кредит, валюта, операцион, фоиз ва бошқалар) баҳолаш тизимини янада ривожлантириш;

– таваккалчиликларга қарши барқарорликни ошириш, банклар фаолиятида назорат сифатини ва самарасини янада ошириш;

– банклар фаолиятига соғлом ва хавфсиз бўлган банк амалиётини амалга оширишни ўз ичига олган банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги таҳрирдаги «Корпоратив бошқарувнинг самарали омиллари»ни жорий этиш, малака этикаси андозаларини ўрнатиш, банклар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш;

– банклар фаолияти бўйича ахборотлар оммавийлигини, шу жумладан, банклар веб-сайтларига йиллик ва оралиқ молиявий ҳисоботларни жойлаштириш ҳамда банк сири тўғрисидаги қонунчиликка ҳилоф бўлмаган равишда ўрнатилган тартибдаги бошқа усуллар орқали янада ошириш ишлари давом эттирилади.

Микромолиялаш тизими ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш

Бу борада нобанк кредит ташкилотлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, дастурий таъминотлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларни тайёрлаш амалиётини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

Шунингдек, нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати ва барқарорлиги маҳаллий рейтинг компаниялари томонидан баҳоланишининг янгилаб борилиши таъминланади.

Республикада нобанк кредит ташкилотларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини масофадан туриб ҳамда бевосита жойларда назорат қилиш усуллари ва амалиётини янада такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

18-МАВЗУ. НОБАНК МОЛИЯ КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИ

18.1. Нобанк кредит ташкилотлари ва уларнинг зарурлиги. Нобанк кредит ташкилотларининг актив ва-passив операциялари.

18.2. Ўзбекистонда нобанк кредит ташкилотлари. Нобанк кредит ташкилотларининг турлари ва улар фаолиятининг зарурлиги. Нобанк кредит ташкилотларининг ресурс базасини шаклланиши.

18.3. Нобанк кредит ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдorigа қўйиладиган талаблар. Нобанк кредит ташкилотларининг актив операциялари.

Таянч иборалар: микрокредит, микролизинг, актив-passив, лицензия, бош лицензия

18.1. Нобанк кредит ташкилотлари ва уларнинг зарурлиги. Нобанк кредит ташкилотларининг актив ва-passив операциялари.

Нобанк кредит ташкилотлари деганда тор доирада ихтисослашган ва алоҳида банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган кредит ташкилоти тушунилади.

Бироқ, нобанк кредит ташкилотлари ҳар қандай банк операциясини амалга ошира олмайди. Масалан: улар тижорат банклари амалга оширадиган куйидаги муҳим операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас:

1. Юридик ва жисмоний шахсларга ҳисоб –рақам очиш ва юритиш
2. Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини депозит ҳисоб-рақамларига жалб этиш
3. Мазкур пул маблағларини ўз номига жойлаштириш

Ҳар қандай мамлакатнинг кредит тизимининг асосий бўғини бўлиб тижорат банклари ҳисобланади. Аммо тижорат банклари ҳарқандай операцияни юксак даражада бажара олмайди. Шу сабабли алоҳида банк

операцияларини бажаришга ихтисослашган кредит ташкилотлари пайдо бўлди .

Халқаро амалётда нобанк кредит ташкилотларига қуйидаглар киради:

1. Кредит уюшмалари. Улар фақат ўз-ўзларига депозит қабул қилади ва ўз- ўзларига кредит беради. (Ўзбекистон Республикасида кредит уюшмалари бекор қилинган)

2. Микрокредит ташкилотлари. Микрокредит ташкилотлар аҳолининг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан актив аммо кам таъминланган қатламларига кредит беради. Улар депозит ва омонатлар қабул қилиш ҳуқуқига эмас.

3. Ломбардлар олтин ва тилла тақинчоқларни гаровга олиш йўли билан кредит беради.

4. Лизинг компаниялари

5. Факторинг компаниялари.

Лизинг компаниялари баҳоси юқори ва муддатли фойдаланиладиган товарларни тўла қийматда сотиб олиб уларни лизингга беради.

а) Молиявий лизинг

б) Оператив лизинг

Факторинг компаниялари товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни сотиб олиш, уларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида юритиш билан шуғулланади.

Клиринг муассасалари. Клиринг палаталари банклар ўртасида тўлов инстирументлари бўйича ўзаро ҳисоб-китиобларни амалга оширади.

•Кредит коперативлари маълум бир соҳада фаолият юритаётган субъектларни кредитлаш мақсадида ташкил этилган.

•Пенсия фонди

•Инкоссатсия ташкилотлари. Бу ташкилотлар нақд пуллардан ва тўлов ҳужжатларини инкоссатсия қилиш билан шуғулланади. Лекин Ўзбекистонда бундай ташкилотлар йўқ. Республикамизда нақд пулларни инкассация “Республикамиз инкасация бирлашмалари” томонидан амалга оширади.

•Суғурта компаниялари.

Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятидаги қуйидаги хос хусусиятларига эга:Нобанк кредит ташкилотлари фақат алоҳида олинган банк операцияларини амалга оширди.

Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти тор доирада ихтисослашган бўлади. Бу уларни рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятини беради. Чунки нобанк кредит ташкилотлари битта соҳада сифатли ва арзон битта маҳсулот ярата олади.

Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти паст рискли ҳисобланади.

Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти Марказий Банк томонидан Тижорат банклари фаолияти каби қаттиқ назорат қилинмайди

Нобанк кредит ташкилотларининг ресурс базаси қуйидаги манбалардан ташкил топади:

а)Устав капитали

б)Бошқа ташкилотларга берилган молиявий ёрдам

с)Ўзининг аъзоларидан жалб қилинган пул маблағлари

- д)Тижорат банкларининг кредитлари
- е)Соф фойда
- ф)Фойда ҳисобидан шакллантирилган захиралар
- г)Ўтган йилларнинг тақсимланмаган гойдаси

Нобанк кредит ташкилотларининг актив операциялари уларнинг фаолияти йўналишларига мос равишда шаклланади. Масалан: Кредит уюшмалари ўзларига аъзо бўлган субъектларни кредитлаш мақсадида ташкил этилади. Шу сабабли кредит уюшмалари битта актив операцияга эга. У ҳам бўлса кредит операциясидир.

Микрокредит ташкилотлари аҳолининг иқтисодий лекин камбағал қатламларига кредит беради. Микрокредит ташкилотларининг асосий актив операцияси бу кичик суммада, паст фоиз ставкасида кредит бериш операциясидир.

Факторинг компанияси жўнатишган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича дебитор қарздорларини инкассатсия қилиш билан шуғилланади. Улар Товар ҳужжатларини 2 та шарт асосида регресс ҳуқуқи билан ва регресс ҳуқуқисиз сотиб олади .

Товар ҳужжатлари регресс ҳуқуқи билан сотиб олинган тўловчи тўловга ноқобил бўлиб қолганда факторинг компаниясига тўловни мол етказиб берувчига ундириш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Агар товар ҳужжатлари регресс ҳуқуқисиз сотиб олинса , тўлов rischi тўлиқ яъни 100 % факторинг компаниясининг зиммсида қолади. Чунки тўловчи тўловга ноқобил бўлиб қолганда факторинг компанияси тўловни ундириш бўйича мол етказиб берувчига мурожат қила олмайди.

Ўзбекистон Республикасида факторинг компаниялари мавжуд эмас. Факторинг операцияларини тижорат банклари бажаради. Аммо улар товар ҳужжатларини регресс ҳуқуқи билан сотиб олиш мумкин эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистон банклари факторинг операцияларини амалга оширилаётганда бу операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритмайди. Холбуки тараққий этган мамлакатларда факторинг компаниялари факторинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ҳам юритади.

Лизинг компаниялари узоқ муддатли кредитлар бозорида тижорат банклари билан рақобат қила олади . Улар баҳоси юқори ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни узоқ муддатли ижарага беради. Лизинг шартномаларининг ўртача муддати 3-5 йилни ташкил қилади. Аммо лизинг компанияларининг заиф жиҳати бор , яъни лизинг компанияларида ресурслар етишмайди. Улар фаолиятини асосан ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга мажбур.Шу сабабли улар тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитларини кенг кўламда жалб қиладилар.

Ўзбекистон Республикасида лизинг операцияси билан тижорат банклари ва лизинг компаниялари шуғилланади. Асосий муоммо шундаки, то лизинг объекти лизинг-олувчи томонидан қабул қилиб олинмагунга қадар тижорат банклари лизинг кредитига фоиз ҳисоблай олмайди.

Клиринг уйлари (палаталари) нобанк кредит ташкилоти ҳисобланади ва улар чек ва ҳосилавий қимматли қоғозлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Клиринг палатаси ҳар бир иштирокчи банкка счётлар очади. Бу счётлар мазмунига кўра актив-пассив счётлар ҳисобланади, яъни бу счётлар дебитли қолдиққа ҳам эга бўлиши мумкин, кредитли қолдиққа ҳам эга бўлиши мумкин. Клиринг палатаси бир иш куни мбайнида барча ҳисоб-китобларни амалга оширади ва иш куни сўнгида ҳар бир банкка унинг ҳисоб-рақамидан кўчирма беради. Агар банк кўчирмани дебитли қолдиқ билан олган бўлса, демак унга тўла беришади.

Кўпчилик мамлакатларда нобанк кредит ташкилотлари фаолияти марказий банк Марказий банк томонидан тартибга солинади ва назорат қилинади. Аммо Англия, Германия, Люксембург каби мамлакатларда назорат функциясига эга эмас. Шу сабабли ушбу мамлакатларда нобанк кредит ташкилотларининг фаолияти молия бозорининг ругулятори томонидан назорат қилинади. Назорат жараёнида нобанк кредит ташкилотларининг устав капиталининг минимал миқдорида нисбатан талаблар қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида Ломбард очиш учун минимал иш ҳақининг 40 бараварининг миқдорида пул маблағлари керак. Микрокредит ташкилоти учун 100 минг евро эквиваленти миқдорида пул маблағлари керак. Иқтисодий адабиётларда олимларнинг бир гуруҳи “Микрокредит ташкилотларининг фаолияти назорат қилинмаслиги керак” деган фикрни илгари суришади. Кредит уюшмалари тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари билан рақобат қила оладиган даражада шаклланган кредит муассасалари ҳисобланади. Улар ўз аъзоларидан депозитлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Шу сабабли уларнинг фаолияти назорат органлари томонидан қаттиқ назорат қилинади.

18.2. Ўзбекистонда нобанк кредит ташкилотлари. Нобанк кредит ташкилотларининг турлари ва улар фаолиятининг зарурлиги. Нобанк кредит ташкилотларининг ресурс базасини шаклланиши.

Илк маротаба кредит кооперативини ташкил этиш концепцияси 1850 йилда Германияда, аҳолининг кам таъминланган қатламларининг молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадида пайдо бўлган. Тегирмончи ва новвойларнинг дастлабки кооператив кредит жамиятини тузган Герман Шульце-Делич ва кредит уюшмалари фаолиятининг асосий қоидаларини биринчи бўлиб баён этган ҳамда кейинроқ кредит уюшмалари федерацияси (ассоциацияси)ни шакллантиришга кўмак берган Фредерик Райфайзен кооператив ҳаракатига асос солганлар. Фредерик Райфайзенг бу инсон биринчи бўлиб кредит уюшмалар учун фаолият принципларини ёзади ва кейинчалик КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИ ташкил этади. Бу ассоциацияни ташкил этиб, янги очилган кредит уюшмаларни қонун, миқдорлар билан таъминлаш билан шуғулланган.

Кредит уюшмалари – кооператив молия ташкилоти бўлиб, у уюшма аъзоларига тегишли ва уларга демократик принциплар асосида хизмат

кўрсатади. Кредит уюшмасининг мақсади жамғармаларни жалб қилиш, умумий маблағлардан аъзоларга кредитлар беришда фойдаланиш ва уюшма аъзоларининг молиявий аҳволини яхшиловчи бошқа молия хизматларини кўрсатишдан иборат.

Микромолиялаш ташкилотлари тижорат асосида микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган кредит муассасаларидир.

Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатларига асосан микромолиялаш ташкилотлари таркибига банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари киради.

Ўзбекистон Республикасида Микрокредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Хусусан, Марказий банк томонидан тасдиқланган “Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низоми худди шундай ҳужжатлардан ҳисобланади.

Ушбу Низомлар Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимиз ҳудудларида микрокредит ташкилотларини ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар таркибини, лицензия бериш ва қайтариб олиш тартибларини белгилайди.

2012 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги **ЎРҚ-339-сонли**, 2015 йил 20 августда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги **ЎРҚ-391-сон** Қонунлари, 2015 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-4720-сонли**, 2015 йил 15 майда “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-4725-сонли** Фармони, 2014 йил 7 апрелда “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **ПФ-4609-сонли** каби Фармонлари, 2013 йил 17 апрелда “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” **ПҚ-1957-сонли**, 2015 йил 28 апрелда “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” **ПҚ-2340-сонли** Қарорлари эълон қилиниши, хусусий банклар ва бошқа молиявий институтлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Микромолиялаш ташкилотларини ташкил этишнинг асосий талабларидан бири устав капиталини етарли равишда шакллантириш

ҳисобланади.

Микромолиялаш ташкилотларининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилиши мумкин. Кредит ҳисобидан ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан микромолиялаш ташкилотининг устав фондини шакллантиришга рухсат берилмайди.

Микромолиялаш ташкилотлари устав фондини шакллантиришда бошқа кредит ташкилотлари, давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар таъсисчи сифатида иштирок этишлари мумкин эмас. Микромолиялаш ташкилотлар устав фондини шакллантиришда норезидент жисмоний ва юридик шахслар иштирок этишлари мумкин, Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатларига кўра, фақат улар оффшор ҳудудларда рўйхатга олинмаган бўлишлари ва жисмоний шахслар эса айнан шу оффшор ҳудудларда истиқомат қилмасликлари талаб этилади.

Микрокредит ташкилотлар лицензия олиш учун рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бир ойдан кечиктирмасдан Марказий банкка ёки ҳудудий бошқармасига лицензия бериш тўғрисида ариза, микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатлари, микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, микрокредит ташкилоти бошқарув органларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, микрокредит ташкилотининг устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатларини тақдим этишлари лозим бўлади.

Микромолиялаш ташкилотлари лицензия берилган вақтдан бошлаб олти ой муддат ичида ўз фаолиятини амалга ошириши лозим, агар шу муддатда микромолиялаш ташкилотлари ўз фаолиятини бошламаса лицензия ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

Марказий банк микромолиялаш ташкилотларига лицензия беришни рад этиши ҳам мумкин, агар рад жавоби берилганда талабгорига ёзма шаклда хабар берилади, талабгор лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларни тўлиқ бартараф этгандан сўнг ҳужжатларни Марказий банкка қайта тақдим этиши мумкин.

Микромолиялаш ташкилотлари тўловга қобилиятсиз бўлганда, ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда, микрокредитлар бериш бўйича фаолиятни амалга ошириш лицензия берилган пайтдан эътиборан олти ойдан ортиқ муддатга кечикканда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда уларга берилган лицензия Марказий банк томонидан қайтариб олинади.

Микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир. Микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақли. Микрокредит

ташкilotи ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас. Микрокредит ташкилотлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Микрокредит ташкилотлари давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари диний ташкилотлар, бошқа микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Микрокредит ташкilotи таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади. Микрокредит ташкilotининг таъсис ҳужжатларида муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги;

бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги;

микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари тўғрисидаги;

микрокредит ташкilotида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги.

Микрокредит ташкilotининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек мазкур ташкilot устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади.

Микрокредит ташкilotининг устав фондиди шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Микрокредит ташкilotи устав фондидинг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

Микрокредит ташкilotлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Микрокредит ташкilotи микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини лицензия олгандан кейин амалга оширади. Микрокредит ташкilotига лицензия бериш тўғрисидаги ёки лицензия беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинган ва лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичида қабул қилинади.

Микрокредит ташкilotи лицензия олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

лицензия бериш ҳақидаги ариза;

микрокредит ташкilotининг таъсис ҳужжатлари;

микрокредит ташкilotи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

микрокредит ташкилоти бошқарув органларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

микрокредит ташкилотининг устав фонди шаклланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати.

Тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган ва уларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиши мумкин.

Микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор буюртма берувчига рад этиш сабаблари ҳамда буюртма берувчи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади. Бунда лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Микрокредит ташкилотига лицензия бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш ариза барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади. Микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган ариза янгидан берилган деб ҳисобланади.

Микрокредит ташкилотига лицензия бериш тўғрисидаги ариза такроран кўриб чиқилаётганда лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Микрокредит ташкилоти:

қарз олувчи томонидан шартномага мувофиқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шarti билан ёки бундай шартсиз микромолиявий хизматлар кўрсатишга;

буюртма берувчига микромолиявий хизмат кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этишга;

микромолиявий хизмат кўрсатиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни буюртма берувчидан сўраб олишга;

мақсадли микрокредит ўз вақтида тўланмаган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаган ҳолда қарз олувчидан мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилишини талаб қилишга;

маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатишга;

микрокредит ташкилотининг қарз олувчилари томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун шартномага мувофиқ неустойка (жарима, пеня) миқдорини белгилашга;

микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун Микрокредит ташкилотлари тугрисидаги Қонунга мувофиқ маблағлар жалб этишга ҳақли.

Микрокредит ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти:

буюртма берувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан, шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибатлари, микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар тўғрисида, шунингдек кўрсатиладиган микромолиявий хизмат бўйича фойз ставкаси ҳақида тўғри ҳамда тўлиқ ахборотни ёзма шаклда хабар қилиши;

шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда микромолиявий хизматлар кўрсатиши;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида қарз олувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши;

белгиланган энг кам миқдордан паст бўлмаган устав фондига эга бўлиши;

молиявий ва касса операциялари ўтказиш қоидаларига, шунингдек белгиланган иқтисодий нормативларга риоя қилиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни юритиши;

ҳисоботни белгиланган тартибда ўз вақтида тақдим этиши;

текшириш ўтказиш учун юборилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакилларига ҳужжатлар ва микрокредит ташкилоти фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

Микрокредит ташкилотининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти қуйидаги турлардаги микромолиявий хизматлар кўрсатиши мумкин:

микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш;

қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);

микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг (молия ижараси);

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериш.

Микрокредит ташкилоти микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти:

қарз мажбуриятларини чиқаришга ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар (депозитлар) қабул қилишга;

жисмоний шахслардан қарз маблағларини жалб қилишга, бундан ўз муассислари (иштирокчилари, мулкдорлари) мустасно;

Ўз муассисларининг (иштирокчиларининг, мулкдорларининг) мажбуриятлари бўйича кафил бўлишга ёки кафолат берувчи бўлишга, шунингдек уларга ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлашнинг бошқа усуллари тақдим этишга ҳақли эмас.

Микрокредит ташкилоти қуйидагилар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади:

ўз маблағлари, шу жумладан олган даромадлари;

инвесторлар, шу жумладан чет эллик инвесторлар томонидан инвестиция шартномалари асосида берилган маблағлар;

банкларнинг кредитлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари;

ҳалқаро молия институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шу жумладан чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг грантлари ва қарз маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий тизимнинг барқарорлигини сақлаш, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда:

микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдорини, молиявий ва касса операциялари ўтказиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш қоидаларини, шунингдек иқтисодий нормативларни белгилайди;

кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар учун фоизларни ҳисоблаш тартибини тасдиқлайди;

микрокредит ташкилотларининг фаолиятини текширади ва уларнинг фаолиятида аниқланган микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишларини бартараф этишга оид бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

микрокредит ташкилотининг фаолиятини аудитдан ўтказишга доир талабларни белгилайди;

микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарининг малакасига доир талабларни белгилайди;

микрокредит ташкилоти томонидан микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ва белгиланган иқтисодий нормативлар бузилган тақдирда, устав фондининг белгиланган энг кам миқдорининг бир фоизигача жарима ундиради;

микрокредит ташкилоти томонидан айрим молиявий операциялар ўтказишни уч ойгача бўлган муддатга чеклайди;

микрокредит ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туради ёки тугатади ёхуд лицензияни қайта расмийлаштиради ва бекор қилади.

Ломбардлар – ихтисослашган тижорат ташкилоти бўлиб, асосий фаолияти фуқароларнинг ҳаракатдаги мулклари гарови остида, қисқа муддатли кредитлар бериш ва буюмларни сақлаш билан шуғулланади. Ломбардларнинг ихтисослашганлик даражасига қараб буюмлар, олтин буюмлар ва автоуловлар гаров сифатида қабул қилинади. Буюмлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида баҳоланади. Ломбард ва кредит олувчи шахс ўртасида тузилган шартнома асосида кредит берилди.

Дастлабки ломбардлар XV асрларда Франциянинг Ломбард шаҳрида савдогарлар томонидан ташкил этилган. Ҳозирги кунда амалиётда қўлланилиб келинаётган “ломбард” термени шу тариқа пайдо бўлган.

Ломбардларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ушбу муассасалар миқдорнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган суммани жуда тез фурсатда бериш имкониятига эгадир. Бунда ломбард ва қарз олувчи ўртасида, кўпчилик ҳолларда қимматбаҳо буюмлар гаров сифатида фойдаланилади. Ломбард ташкилоти берилган кредит учун ундирилиши лозим бўлган фоиз тўловини, кўпчилик ҳолларда, олдиндан кредит суммасидан чегириб қолади.

Ломбард кредит учун ҳисобланадиган фоиз суммалари қуйидаги тартибда ҳисобланади.

Масалан, кредит суммаси – 1,0 млн сўм, ойлик фоиз тўлови – 3 %, кредитдан фойдаланиш муддати – 20 кун.

Кредит суммасидан келиб чиқиб, ушбу кредит суммасига нисбатан тўланадиган фоиз тўлови қуйидагича аниқланади: $1000000 \cdot 0,003 \cdot 20 = 60000$ сўм. Ўзбекистонда ломбардлар банк тизимининг иккинчи поғонасидаги кредит муассасалари таркибига киради

Омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, республика банк тизими ликвидлиги ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан банкларнинг молиявий ҳолати устидан тизимли назорат амалга ошириб борилди.

Тижорат банклари ва уларнинг муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида капитал етарлилиги, ликвидлиги, активлар сифати ва диверсификацияси ҳамда банк Бошқарув органларининг фаолияти мунтазам равишда таҳлил қилиб келинмоқда.

Активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши етарли захираларнинг тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш мақсадида банклар активларининг ҳолати қатъий назоратга олинган.

Банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш бўйича ҳар бир банкда бевосита банк Кенгашига бўйсунувчи Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмиталари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти доимий мониторинг қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майда қабул қилинган «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва ресурс базасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2344-сонли Қарори талабларига мувофиқ, банкларнинг молиявий бар-

қарорлигини мустаҳкамлаш, капитал етарлилиги, ликвидлик бўйича талабларни кучайтиришни, Базель III тавсияларини босқичма-босқич жорий этишни кўзда тутувчи Марказий банкнинг бир қатор меъёрий ҳужжатлари янги таҳрирда қайта ишлаб чиқилди, 1 та низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, ушбу ҳужжатларда:

– регулятив капитал етарлилик даражасининг энг кам миқдорини босқичма-босқич 10 фоиздан 14,5 фоизга етказиш, I даражали капитал етарлилик даражасининг энг кам миқдорини босқичма-босқич 5 фоиздан 11 фоизга оширишни кўзда тутувчи меъёрлар белгиланди;

– активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш механизми такомиллаштирилди, инвестиция портфелининг сифатини таснифлаш тартиби жорий этилди;

– банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди, банкка алоқадор бўлган шахслар таркиби ва банкка алоқадор бўлган битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси аниқлаштирилди;

– банкларнинг ликвидлилигини бошқаришга талаблар кучайтирилиб, ликвидлиликни қоплаш ва соф барқарор молиялаштиришнинг янги меъёрлари ўрнатилди.

Аҳоли омонатлари хавфсизлигини ва депозит операциялар шаффофлигини таъминлаш мақсадида:

– омонатлар бўйича кунлик ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини қўшимча равишда текширувдан ўтказиш мақсадида якуний назорат хизмати жорий этилди;

– омонат маблағларининг бут сақланишини таъминлаш мақсадида ҳар бир тижорат банки веб-сайтида «шахсий кабинет» хизмати ташкил этилди.

«Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш механизми тўғрисида»ги Низом қабул қилиниб, тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгариш динамикасини доимий равишда мониторинг қилиб бориш орқали фоиз ставкалари асоссиз ўсишининг олди олинди.

Тижорат банкларининг корпоратив бошқарувига талаблар кучайтирилиб, банк Кенгашлари ва Бошқарувларининг ваколат ва мажбуриятлари қайта кўриб чиқилди, касбга оид этика ҳамда ошкоралик ва ахборотни ошкор қилиш борасида меъёрий талаблар ўрнатилди.

Нобанк кредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республикада фаолият кўрсатаётган нобанк кредит ташкилотлари, хусусан, микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, улар фаолиятининг меъёрий-ҳукукий базаси янада такомиллаштирилиши нобанк

кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ва фаолияти кўламини кенгайтиришга мустаҳкам замин яратмоқда.

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамиз ҳудудларида жами 70 та нобанк кредит ташкилотлари фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 27 тасини микрокредит ташкилотлари ва 43 тасини ломбардлар ташкил қилади.

Хусусан, 2015 йилда 3 та микрокредит ташкилоти ва 4 та ломбардга фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилди.

2015 йилда микрокредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жами активлари қолдиғи 2014 йилдагига нисбатан 30,2 фоизга ошиб, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 67,5 млрд. сўмга, капитали 25,3 фоизга ошиб, 46,7 млрд. сўмга ва ажратилган кредит ва кўрсатилган лизинг хизматлари қолдиғи 24,2 фоизга ошиб, 54,4 млрд. сўмга етди.

Шунингдек, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ломбардларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36,0 фоизга ошиб, 41,5 млрд. сўмни, кредит қўйилмалари қолдиғи 44,7 фоизга ошиб, 34,6 млрд. сўмни ва жами капитали ҳажми 29,6 фоизга ошиб, 35 млрд. сўмни ташкил этди.

Нобанк кредит ташкилотлари тармоғи ва улар томонидан кўрсатилаётган микромолиялаш хизматлари кўламининг кенгайиб бораётганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, айниқса, аҳолини кредитлаш ҳажмларининг ошиб боришига хизмат қилмоқда.

18.3. Нобанк кредит ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдорига қўйиладиган талаблар. Нобанк кредит ташкилотларининг актив операциялари.

Ихтисослаштирилган банкларнинг турдаги сифатида инвестиция, жамғарма, ривожланиш ва тараққиёт банкларини келтириш мумкин. Кредит тизимининг яна бир қисми нобанк кредит муассасалари бўлиб, давлат ва корхоналарни молияштириши, узок муддатли кредитлаш билан шуғулланади. Ўзбекистонда 1997 йилда нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойихаси кўриб чиқилди. Суғурта компаниялари, нафақа фондлари ва бошқа фондларнинг маблағларидан оқилона фойдаланиш ва бу маблағларнинг самарадорлигини таъминлаш масаласи қўйилган. Хар бир мамлакатнинг кредит тизими ўз хусусиятига эга бўлиб, ривожланган йирик универсал банклар тармоқларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Германия банк тизими энг юкори даражада ривожланган давлат ҳисобланади. Қуйидаги схемадаги Германия банк тизими келтирилади. **Германиянинг** кредит тизими бошида Бундесбанк туради.

Марказий банк - кредит тизимининг бош банки бўлиб, мамлакатда пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради.

Биринчи Марказий банклар бундан қарийиб уч юз йил олдин тижорат банкларининг ривожланиши натижасида вужудга келган. Булар 1668 йилда

ташкил қилинган Швед Рикс банки, 1694 йилда ташкил қилинган Англия банкларидир.

Европа мамлакатларида Марказий банклар анча кечроқ асосан 18 аснинг иккинчи ярмидан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган.

Банклар пайдо бўлишининг бошланғич давларида улар марказий эмиссия ёки тижорат банклари тариқасида юзага келган эмас, яъни шулар ўртасида ҳозиргидек бўлиниш бўлмаган. Банк иши ивожланишининг биринчи босқичларида ривожланган мамлакатларда ижорат банклари капиталларни йиғиш мақсадида муомалага банкноталар чиқарганлар. Банкларнинг йириклашуви, банк ишининг ривожланиши натижасида банкноталарни муомалага чиқариш йирик тижорат банклар қўлига ўта борган ва кейинчалик бирор йирик банк ихтиёрига берилган. Бу банк миллий ёки эмиссион банк кейинчалик Марказий банк деб аталган. Марказий банк яъни кредит тизимини бошқариб турувчи, барча банклар фаолиятини назорат қилиб турувчи кредит институти сифатида намоён бўлади.

19-МАВЗУ. ПУЛНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ХАРАКАТИ

19.1. Халқаро валюта муносабатлари ва уларни юзага келиш асослари. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.

19.2. Жаҳон валюта тизими ва унинг элементлари. Валюта муносабатларини тартибга солиш тизими.

19.3. Валюта муносабатлари тушунчасининг мазмуни. Эркин алмашинадиган валюталар. Халқаро захира валюталар.

19.4. Валюта курси режимлари. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари. Жаҳон валюта тизими ва унинг элементлари.

Таянч иборалар: валюта, валюта муносабатлари, жорий валюта операциялари, валюта тизими, валюта тизими элементлари, эркин конвертация, Савдо баланси, тулов баланси.

19.1. Халқаро валюта муносабатлари ва уларни юзага келиш асослари. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари.

Халқаро валюта муносабатлари-бу валюталарнинг давлатлараро ҳаракатланиши натижасида юзага келадиган молиявий муносабатлардир. Валюта давлатлараро ҳаракатланиши учун у халқаро тўлов воситаси вазифасини бажара олиши ва халқаро валюта бозорларида олди-сотди қилиниши керак. Халқаро валюта операцияларининг асосий қисми (80 % дан ортиқ) халқаро резерв валюта мақомига эга бўлган етакчи валюталар орқали амалга оширилади. Бу мақомни Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) беради. Ҳозиргача 5 та валюта резерв мақомга эга.

ХВФ валютага Халқаро резерв мақомни бериш учун 4 та омилни ҳисобга олади:

1. Бу валюта ХВФ да эмитент давлат катта резерв позициясига эга бўлиши керак.

2. Бу валюта халқаро бозорларда котировка(олди-сотди) қилиниши керак.

3. Дунё мамлакатларининг хорижий валюталардаги захираларининг бир қисми мана шу валютада шакиллантирилиши керак.

4. ХВФ бу валютада кредитлар бериши керак.

Халқаро валюта муносабатларининг асоси бўлиб қуйдагилар ҳисобланади:

1. Экспорт-импорт операцияларининг мавжудлиги.

2. Инвеститсияларнинг давлатлараро оқимининг мавжудлиги. Тўғридан тўғри инвеститсиялар- бунда хорижий инвеститсиялар янги объектларни куриш ёки техникаларни сотиб олиш учун жалб қилинади. Портфелли инвеститсиялар-бунда хорижий инвеститсиялар қимматли қоғозларни сотиш йўли билан жалб қилинади.

3. Халқаро кредитларнинг мавжудлиги.

4. Давлатлараро пул ўтказмаларининг мавжудлиги.

5. Давлатлараро сиёсий ва маданий алоқаларнинг мавжудлиги.

Миллий валюта тизими бу мамлакатда валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳукукий шаклидир. Миллий валюта тизими қуйдаги элементлардан ташкил топган:

1. Миллий валюта номи (УСД, УЗС, эУРО)

2. Миллий валюта алмашув курсининг режими. Амалётда 3 хил курс режими мавжуд: 1) эркин сузиш режими-бунда миллий валютанинг курси хорижий валютага бўлган талаб ва таклифга қараб эркин шакилланади. Марказий Банк миллий валюта курсининг маълум даражада тебраниши учун жавоб бермайди. 2) Қатъий белгиланган курс режими-бунда миллий валюта курси хорижий валютага ёки валюта саватига нисбатан маълум нисбатларда белгилаб қўйилади. Марказий Банк ана шу курсни ушлаб туриши учун жавобгар ҳисобланади. 3) Бошқариладиган сузиш режими-бу мамлакатлар валюта қонунчилигида эркин сузиш режими ёзилган бўлади лекин Марказий Банк миллий валюта курсига таъсир қилиш учун тез-тез валюта интервенсиясини ўтказиши. Валюта интервенсияси-бу миллий валюта курсининг кутилмаганда юзага келадиган тебранишларига барҳам бериш учун Марказий Банк томонидан хорижий валютанинг сотилиши ёки сотиб олиниши.

3. Мамлакат валютавий чеклашларининг мавжудлиги ёки йўқлиги. Ўзбекистон 08.10.2003 да ХВФ низомининг 8-моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилди. Шу тариқа жорий валюта операциялари бўйича чекловлар бекор қилинди. Лекин Ўзбекистон капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича валютавий чекловлар мавжуд.

4. Миллий валюта курси

5. Миллий валюта паритети. Бу миллий валюта қийматинг хорижий валюта қийматига нисбатидир. Валюта паритети миллий ва хорижий валютанинг ҳарид қобилятини таққослаш йўли билан аниқланади.

6. Мамлакатнинг халқаро валютавий тўловга қобиллиги. 1) Агар мамлакат 3 ойлик импортни тўлашга етадиган олтин заҳираларига эга бўлса у халқаро валютавий тўловга қобил ҳисобланади. 2) олтин заҳиралари + хорижий валютадаги заҳиралар / 1йиллик товар импорти $\times 100\%$. Агар бу 50% ва ундан юқори бўлса мамлакат халқаро валютавий тўловга қобил бўлади.

7. Миллий валюта бозорининг мавжудлиги.

8. Миллий олтин бозорининг режими.

9. Мамлакат халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби.

10. Валюта муносабатларини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органлари. Ўзбекистонда Марказий Банк Валютани тартибга солувчи орган ҳисобланади. 4та валютани назорат қилувчи орган мавжуд:

1. Марказий Банк

2. Молия Вазирлиги

3. Давлат Божхона Қўмитаси

4. Давлат Солиқ Қўмитаси

Давлатлараро валюта муносабатларини ХВФ тартибга солади. Бундан кўзланган асосий мақсад халқаро валюта тизимида узлуксиз фаолият кўрсатишни таъминлаш орқали халқаро иқтисодий муносабатларни ривожланишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Валюта муносабатларининг баъзи бир элементлари қадимий Римда векселлар асосида ва бир мамлакат савдогарининг пулини иккинчи бир мамлакат савдогарига алмаштириб бериш заминида вужудга келган. Валюта муносабатларининг ривожланишининг кейинги босқичи қадимий Лионда ва бошқа Ғарбий эвропа мамлакатларида ўтказиладиган тратта операцияларининг ривожланиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, жаҳон бозорининг барпо бўлиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва жаҳон хўжалик тизимининг ривожланиши халқаро валюта муносабатлари ривожланишининг асосидир. Валюта муносабатлари халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир бўлаги ҳисобланиб, унинг ҳолати миллий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига, сиёсий аҳволга, мамлакатнинг иқтисодий потенциалига, унинг жаҳондаги ўрнига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Валюта тизими давлатлараро битим ёки миллий қонунларга мувофиқ валюта муносабатларини ташкил қилиш ва бошқариш шакллари ўз ичига олади. Валюта тизимининг қуйидаги турлари мавжуд. Булар – миллий, жаҳон ва халқаро (минтақавий) валюта тизимларидир.

Саноати ривожланган давлатлар иқтисодиётлари ўртасидаги интеграциянинг чуқурлашуви шароитида валюта тизими жаҳон хўжалик алоқаларида муҳим ва мустақил ўрин тута бошлапти. Валюта тизими мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига бевосита таъсир этади (яъни ишлаб чиқариш омиллари, суръатларига, нархга, иш ҳақи ва бошқаларга).

Миллий, жаҳон ва халқаро (минтақавий) валюта тизимлари тушунчалари бирбиридан фарқланади.

19.2. Жаҳон валюта тизими ва унинг элементлари. Валюта муносабатларини тартибга солиш тизими.

Валюта тизими аҳамиятининг ўсиши ривожланган мамлакатларнинг миллий ва маҳаллий доирада валюта соҳасида давлат монополистик бошқарувининг янги усули ва воситаларини излашга мажбур этмоқда.

Жаҳон валюта тизими (ЖВТ) ва унинг эволюцияси

Ривожланган давлатларнинг валюта тизими нафақат улар ўртасидаги пул ҳисобкитоб муносабатларини, балки ички пул муомаласининг катта қисмини ҳам ўз ичига олади. ЖВТ олтин стандартга асосланган тизимдан аста секин мақсадли бошқариладиган, қоғозкредит пулларига асосланадиган тизимга айланди. Шу билан бирга, унинг ривожланиши (ўн йилликлар фарқи билан) миллий пул тизимининг ривожланиш босқичларини такрорлайди. Ички иқтисодиётда пул тизими олтин танга стандартидан олтин қуйма ва олтиндевиз, ундан кредит, қоғоз пул муомаласига ўтди ва охириги босқичда кўпроқ эътибор кредит воситаларига қаратиладиган бўлди.

Жаҳон миқёсида бу ҳолат кейинроқ махсус шаклларда намоён бўлди. Бунда олтинтанга стандарти мутлақо бўлмаган, олтин қуйма стандарти асрлар давомида мавжуд бўлган; олтин билан бир қаторда ёрдамчи кредит пуллари вексел, чек ва бошқа кўринишида ривожланган. Аммо XX аср бошига келиб, бу тизим халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги шаклига жавоб бермай қолди. Бу даврнинг энг асосий белгиларидан бири капитални экспорт қилиш – ЖВТ нинг янги олтин стандарт шакллари билан қарамақаршиликка учради. Бундан ташқари, олтин захиралари тез ривожланиб бораётган давлатлар хазинасида тўплана борди. Шунинг учун ҳам, давлатлар ўртасида янги бошқариладиган валюта тизими зарур эди. 30йилларининг иккинчи ярмида олтин стандарт шакллари ўрнига қоғозкредит пул муомаласи келди. У давлатга эмиссия механизмидан иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш имконини берарди.

Жаҳон валюта тизими ривожланишининг муҳим босқичи Иккинчи Жаҳон урушидан кейин бошланди.

Иккинчи Жаҳон уруши олтин захираларининг янги тақсимотига олиб келди:

барча давлатларнинг деярли 4/5 олтин захиралари АҚШда тўпланди. Долларнинг ЖВТда этакчи ўриндалиги, олтиндевиз стандартининг олтин доллар шаклини олганлигидан далолат берарди.

Бу ҳолат расмий равишда 1944 йил июлда Бреттонвудсдаги (АҚШ) БМТ Конференциясида тасдиқланганди. Унда урушдан кейинги Жаҳон валюта тизимига асос солинди.

ЖВТининг ташкилий ва фаолият тамойиллари қуйидагилар қилиб белгиланди:

- олтин ЖВТининг асоси сифатида тан олинди;
- доллар ва фунтстерлингга халқаро ҳисобкитобларда ва чет эл валюта захираларида асосий ўрин берилди ва уларни олтин ўрнига тақдим этилиши мумкинлиги тасдиқланди;

– долларга нисбатан барча мамлакат валюталарининг қатъий паритети ўрнатилди, доллар орқали эса – олтиннинг ва чет эл валюталарининг бирбирига нисбатан баҳоси аниқланадиган бўлди;

– валюта курсининг доллар паритетига нисбатан тебраниши = 1 % даражасида белгиланди;

– ЖВТ ни бошқариш мақсадида Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) ва Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки (ХРТБ) ташкил этилди;

– валюта чеклови тизими бекор қилиниб, миллий валюта конвертацияси тикланди.

Бу шаклда тузилган, II- Жаҳон урушидан кейинги ЖВТ халқаро валюта молия муносабатларидаги тартибсизликни йўқотишга имкон берди.

Аммо Бреттонвудс тизимининг қарама қаршилиги – тартибсиз бозор (олтинстандарт) ва бошқариладиган доллар тизими бўйича иш юритиш қуйидагиларга олиб келди:

– ўзгармас олтин нархи ва нархи ўсувчи товар ва хизматлар орасида фарқ юзага келишига;

АҚШдан кўп миқдордаги капиталнинг бошқа давлатларга оқиб кетишига (1957-1971 йилларда 54,2 млрд. доллар миқдорида тўғри инвестициялар тарзида АҚШдан бошқа давлатларга оқиб ўтган);

– чет эллардаги катта ҳарбий харажатларга;

– АҚШнинг тўлов баланси тақчил бўлишига (унинг миқдори 1953-1972 йилларда – 69 млрд. долларни ташкил қилган);

– долларнинг реал курси ва унинг олтин паритети орасида узулишнинг бўлишига ва бошқалар.

Бундан ташқари, 60 йилларнинг иккинчи ярмида Ғарбий эвропа ва Япония АҚШдан ўз олтин захиралари ва экспорт ҳажми бўйича икки барабар ошиб кетди. Натижада, ҳатто олтиндевиз стандарти таянадиган умумиқтисодий асос ўз умрини тугатди. Олтиндоллар стандартининг бузилиши валюта бозорларида долларнинг «тушиши» ва «валюта иситмаси» деган иборалар тарзида ўз аксини топди.

Шунинг учун 1970 йилда ХВФ чегарасида махсус ҳисоб ва тўлов бирлиги (СДР) киритилди ва у аъзо давлатларнинг валюта захираларини тўлдириш учун мўлжалланганди. СДР жаҳон пулининг бир қатор функцияларини бажарадиган бўлди. У ХВФ аъзоларининг квоталарига пропорционал тарзда тақсимланади, шунинг учун унинг асосий қисми (2/3 дан 3/4 гача) ривожланган давлатларга, 1/4 қисми ривожланаётганларига тўғри келади. СДР нинг бошланғич курси АҚШ долларининг расмий олтин миқдorigа тенглаштирилган.

Кейинчалик унинг қобиляти 16 валюта савати бўйича, ҳозирда эса 5 асосий миллий валюталар бўйича аниқланади. СДР ЖВТнинг асосий захира воситасига айланмоқда.

Бу шароитда АҚШ икки марта доллар девалвациясини ўтказди (1971 ва 1973 йилларда). Натижада олтиннинг расмий курси троля унцияси 42,22 долларгача қилиб белгилаб берилди. Бу даврда кўпчилик ривожланган давлатлар ўз валюта курсини маълум даражада ушлаб туриш (долларга

нисбатан) мажбуриятларидан воз кечибди. 1973 йилдан олтин махсус олтин ва товар биржаларидаги нарх асосида сотиладиган ва сотиб олинадиган бўлди. Олтин нархи ЖВТга бевосита таъсир ўтказмайдиган бўлди.

Бу шароитда халқаро валюта муносабатларини қайта ташкил қилиш муаммоси вужудга келди. 1976 йил январда ХВФнинг Вақтли Қўмитаси ХВФ Низомига бир қатор ўзгаришларни киритди. Бу ўзгаришлар ХВТ фаолиятини расмий равишда қайта тақсимлашни билдирадиган (Ямайка келишуви, 1976-1978 йй.). Валюта муносабатлари механизмидаги ўзгаришлар 1978 йил 1 апрелдан кучга кирди ва у қуйидагилардан таркиб топганди:

– олтиннинг расмий нархи бекор қилинди (ХВФнинг мавжуд олтин захираси 33 фоизининг 1/6 қисмини очик аукционларда сотиб ва яна 1/6 қисмини аъзо давлатларга тарқатиш йўли билан ҳисобдан чиқаришганди);

СДР ЖВТнинг асосий захира активига расмий равишда айлантирилди.

Валюта курсларининг «сузувчи» тизими қонунлаштирилди. Аъзо давлатлар ўз валюта паритетини СДР ёки бошқа чет эл валютасида ифода қилиши мумкин эди (аммо олтинда эмас).

Халқаро валюта бошқариш соҳаси кенгайтирилди. Бунинг учун ХВФ қошида иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича аъзо давлатлар вазирлари даражасида қўмита ташкил этилди.

Ташкил топган валюта тизими кўп жиҳатдан XX асрнинг 70 йилларидаги жаҳон ҳўжалигининг ўзгарган шароитларига жавоб берарди.

Ғарбий европа валюта интеграциясининг чуқурлашуви европа валюта тизимининг (ЕВТ) вужудга келишига олиб келди. Бу валюта тизими минтақавий валюта тизими (МВТ) бўлиб, у ЖВТнинг элементларидан биридир.

ЕВТ 1979 йили ташкил этилди. Бу МВТнинг асосий белгиси ЭКЮ механизмидир. ЭКЮ махсус европа ҳисоб бирлиги бўлиб, ГФР (1/3 қисми) маркаси бошчилигидаги Ғарбий европанинг 10 мамлакати валютасининг «савати»га асослангандир. СДРдан фарқли равишда ЭКЮ банк ва фирмаларнинг хусусий операцияларида қўлланилади. Миллий валюталар квотаси ЭКЮнинг ташкил этувчилари мамлакатнинг иқтисодий потентсиали билан аниқланади ва ҳар 5 йилида қайта кўриб чиқилади. «Сават»ни қайта кўриб чиқишда ҳамма актив ва пасивлар янги курс бўйича қайта баҳоланади. Охириги марта ЭКЮ 1989 йилда белгиланган бўлиб, валюталар улуши (% ларда):

ГФР маркаси – 30,1

Франция франки – 19,0

Голланд гулдени – 9,4

Белгия франки – 7,6

Испания песетаси – 5,3

ва бошқалар – 5,45 ни ташкил қилган.

ЕИ чегарасида ягона пул бирлигига ўтилиши ЭКЮни асосий валютага айлантиради.

Ямайка валюта тизимидан фарқли равишда, ЭВТ олтиндан ЭКЮнинг таъминоти сифатида қисман фойдаланади ва аъзо мамлакатларнинг расмий олтин доллар захираларининг 20 фоизини бирлаштиради.

Валюта курслари режими валюталарнинг белгиланган чегарада сузишига асосланган (асосий курсдан = 2,25 %, Италияда беқарорлик туфайли 6 %).

ЕВТ мамлакатлараро минтақавий валюта бошқаришини европа валюта ҳамкорлиги фонди (ЕВХФ) орқали амалга оширади. У Марказий банкларга қисқа ва ўрта муддатли кредитларни валюта интервенцияси билан боғлиқ тўлов баланси тақчиллигини қоплаш учун беради.

Валюта соҳасида ягона пул асоси жаҳон пули мавжуд эмас.

Еркин конвертатсия қилиш ва капитал оқиб ўтиши шароитида мамлакатларда ички пул муомаласи ва халқаро тўлов айланмаси ўртасидаги чегаралар йўқолмоқда:

Миллий ва халқаро пулкредит бозорининг биргалашиши тенденцияси миллий пул-кредит бозорларининг ўзига хослиги, ихтисослигини сақлаган ҳолда ривожланмоқда.

Ҳатто АҚШ, ГФР, Англия, Швейтсария ва бошқа бозорларда операцияларни эркинлаштирган давлатларда ҳам халқаро ва миллий капитал бозорлари фарқ қилмоқда. Масалан, АҚШнинг эвродоллар ва миллий капитал бозорларини олайлик. АҚШда сотувга қўйилган резидент ва резидент бўлмаганларнинг облигатсиялари рўйхатдан ўтиши лозим. Бундай ҳолат халқаро бозорда мавжуд эмас.

Бундан ташқари, халқаро бозорда чиқарилганига бир ой бўлмаган қимматли қоғозлар АҚШнинг инвесторларга тақдим этилиши мумкин эмас. Бошқа кўпчилик давлатларда бундай ҳолатлар эркинроқ намоён бўлади (Франтсия, Белгия, Италия, Япония ва бошқалар).

Валюта соҳасининг халқаро айирбошлаш муносабатларидаги мавқеининг ошиш тенденцияси ЖВТ ривожининг ҳамма босқичларида (олтин стандартдан бошлаб) кузатилади. Миллий хўжалик жаҳон хўжалик алоқаларига қанчалик кўп жалб этилган бўлса, маҳаллий қўмиталар иқтисодиётни ташқи номақбул таъсирлардан ҳоли этишга ҳаракат қилади. Бу зиддият ҳар бир давлатнинг олтин стандартдан бошлаб, то ҳозирги кунгача бўлган эволюциясини белгилаб берди. Масалан, олтин стандарт давридаги олтиннинг тартибсиз оқими (давлатлар ўртасида) охиरोқибатда уларнинг ишлаб чиқарувчи кучларига салбий таъсир этди. 1929-1933 йилги иқтисодий кризис валюта механизмининг олтин стандарт давридаги ҳолатига путур этказди: эркин валюта алмашинуви қаттиқ валюта чекловлари билан алмашди, валюта блоклари ва зоналари ташкил топди, байналмилаллашув жараёни тўхтатилди. Бреттон-вудсда тузилган халқаро ҳисобкитоблар модели валюта механизмини тиклашга қаратилган қадам бўлди. У аниқ белгиланган тамойиллар асосида иш юритар, унинг устидан назоратни ХВФ ўз бўйнига олганди.

Бреттон-Вудс валюта механизми XX асрнинг 70 йиллари бошларигача фаолият юритди, у миллий манфаатларни халқаро мажбуриятлар билан бирлаштирди: давлатларнинг нисбий мустақиллиги (ички иқтисодий сиёсатни ўтказиш соҳасида) халқаро кредит тизими иштироки билан таъминланарди. У ўз ичига ХВФ кредити, заёмлар тўғрисида бош келишув (1961 йил), Марказий банклар ўртасидаги своп кредитлари ва бошқаларни олар эди.

Ўтган асрнинг 70 йиллари бошида ривожланган давлатлар иқтисодиёти шундай чегарага яқинлашдики, бунда кейинги иқтисодий ўсиш бутун базасини янгилаш, валюта таъминотининг самарадорлигини оширишни талаб этарди. Шунинг учун 1971-1973 йиллардаги «сузувчи» валюта курсларининг киритилиши ЖВТнинг эволюциясининг қонуний босқичи эди. Ҳозирги сузувчи валюта курслари тизими асосида халқаро ҳисобкитоб тизимида чуқур таркибий ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Улар нафақат молиявий операциялар ҳажмининг ўсишида (улар савдо операциялари билан 10:1 нисбатни ташкил этишди), балки молиявий оқимлар ҳаракатининг давлат бюджети, солиқ ва кредит сиёсатидаги фарқларда ўз аксини топади. Ва шу муносабат билан мамлакатлар ўз миллий валютаси курсини мустақил белгилаш имконини олдилар.

Шундай қилиб, ҳозирги валюта тизимида, халқаро ва байнанминаллик ўртасидаги нисбат миллий омиллар томонига хал бўлди.

19.3. Валюта муносабатлари тушунчасининг мазмуни. Эркин алмашинадиган валюталар. Халқаро захира валюталар.

Халқаро валюта муносабатлари-бу валюталарнинг давлатлараро ҳаракатланиши натижасида юзага келадиган молиявий муносабатлардир. Валюта давлатлараро ҳаракатланиши учун у халқаро тўлов воситаси вазифасини бажара олиши ва халқаро валюта бозорларида олди-сотди қилиниши керак. Халқаро валюта операцияларининг асосий қисми (80 % дан ортиқ) халқаро резерв валюта мақомига эга бўлган етакчи валюталар орқали амалга оширилади.

Жаҳонда уз фаолиятини олиб боришда энг мустақил булган банклардан бири бу Немис Федерал банки - Бундес банк ҳисобланади. Баъзи бир давлатларда Марказий банк парламентга ҳисобот беради- Кўпгина ҳолларда Марказий банклар ўз фаолиятида мустақил бўлсада, шу билан бирга давлат банки ҳисобланади:

Марказий банк куйидаги асосий функцияларни бажаради:

- банкноталар (накд пуллар) эмиссияси,
- давлатнинг олтин - валюта захираларини сақлаш,
- пул-кредит сиёсати инструментлари ёрдамида иқтисодни мувофиқлаштириш,

Давлатнинг олтин - валюта резервларини бошқариш функцияси. Марказий Банк давлатнинг олтин, кимматбаҳр метал ва камёб тошларни валюта захираларини бошқаради. Давлатнинг расмий олтин-валюта захиралари халқаро ҳисоб-китобларда активлар резерви, ҳисоб-китоблар бўйича давлатнинг кафолатли суғурта фонди сифатида намоён бўлади. Одатда мамлакат олтин захираларининг асосий қисми Марказий банк ихтиёрига берилган бўлади. Баъзи давлатларда олтин захиралар молия министрлиги ихтиёрида бўлиб, марказий банк олтин билан боғлиқ операцияларни олиб боради.

Марказий банклар мамлакат валюта резервларини ўзида йиғади ва бу резервлар халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, тўлов баланси

дефицитини қоплаш ва мамлакат миллий валютаси курсининг барқарорлигини таъминлаш учун ишлатилади.

Марказий банк орқали давлатнинг иқтисодий сиёсати, янада аниқроғи давлатнинг пул-кредит сиёсати олиб борилади. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати давлатнинг иқтисодини бошқариш сиёсатининг бир қисми бўлиб, муомаладаги пул массаси, кредит хажми, фоиз ставкалари даражасини ва бошқа пул муомаласи ва ссуда капитали бозори кўрсаткичларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар йиғиндисидан ташкил топади.

Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат.

19.4. Валюта курси режимлари. Миллий валюта тизими ва унинг элементлари. Жаҳон валюта тизими ва унинг элементлари.

Валюта курсининг келиб чиқиши мамлакатлар иқтисодий фаолиятининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлган халқаро савдони ривожлантириш билан боғлиқ. Валюта курси халқаро савдони ривожланишига таъсир кўрсатиш билан ички иқтисодиётга ҳам таъсир кўрсатади. Бунга сабаб валюта курси ҳолати билан мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларининг ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқликдир.

Валюта курси, асосан, капитал ва кредит ҳаракатида, товар ва хизматлар савдосида валюталарни ўзаро айирбошлаш каби жараёнларни амалга оширади. Масалан, экспорт қилувчи чет эл валютасидан олган тушумини ўз миллий валютасига айлантиради, чунки бошқа давлатнинг валютаси унинг ўз давлатида қонуний равишда харид қилиш ва тўлаш воситаси сифатида амал қила олмайди. Импорт қилувчи четдан сотиб олган товарларни тўловни амалга ошириш учун миллий валютада олган тушумини чет валютасига алмаштиради. Жаҳон бозори ва миллий бозор нархларини ҳамда турли мамлакатларнинг миллий ва чел эл валютасида ифодаланган қиймат кўрсаткичларини таққослайди.

Шунингдек, фирма ва банкларнинг чет эл валютасида мавжуд бўлган даврий қайта баҳолаш ва бошқа жараёнлар учун. Валюта курси – бу бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирликларида ёки халқаро пул бирликларида (СДР, ЭКЮ) ифодаланган баҳосидир. Ташқи жиҳатдан валюта курси жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф асосида аниқланган бир валютани бошқа бир валютага нисбатан ҳисоблаб чиқилган коэффиценти сифатида намоён бўлади. Аммо валюта курсининг қиймат асоси валютани харид қилиш қобилияти ҳисобланади. Бу иқтисодий тушунча товар ишлаб чиқаришда иштирок этади ва товар ишлаб чиқарувчилар билан жаҳон бозори ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди. Қиймат товар ишлаб чиқариш иқтисодий шароитларининг барча жиҳатларини

ифодалайди. Бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига таққосланиши ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнида юзага келадиган қиймат муносабатларига асосланади. Ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар валюта курси ёрдамида товар ва хизматларнинг миллий нархларини бошқа давлатлар нархлари билан солиштиради. Бундай солиштириш натижасида ишлаб чиқаришни мамлакат ичкарасида ривожлантириш ёки чет элга инвестиция қилишни ривожлантиришга асосланган фойдалилик даражаси юзага келади.

Валюта курси бошқа иқтисодий тушунчалар билан узвий боғлиқдир. Валюта курсининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир этади. Бу омиллар иқтисодий, сиёсий, структура, ҳуқуқий ёки психологик характерга эга бўлиб, валюта курсига тўғри ёки тескари таъсир кўрсатади. Валюта курсига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Валюта курсининг динамикасини бевосита аниқловчи ёки халқаро иқтисодий айирбошлаш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган омиллар:

- халқаро айирбошлашда қатнашувчи мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулотининг (ЯММ) тўлов баланси;
- пулнинг ички ва ташқи таклифи;
- фоиз ставкалари.

Бу кўрсатилган омилларни сабаб (уюшган) сифатида кўрсатиш мумкин.

2. (Уюшган) сабабомилларнинг ўзгаришига таъсир этувчи ва валюта курсини ўрнатиш механизмида бошқарувчи сифатида таъсир этувчи омиллар.

3. Иқтисодий тизимни динамик тизим тенглигидан чиқиб кетиши натижасида юзага келадиган омиллар:

- иқтисодий тангликнинг намоён бўлиши;
 - давлат бюджети тақчиллиги
 - назоратиз эмиссия;
 - инфляция;
 - ички ва ташқи баҳолар ўртасидаги фарқ.
 - монопол ишлаб чиқариш;
 - пулларнинг хорижий валюта функциясини бажариши.
- а) Тўлиқ ҳажмда тўлов воситаси;
- б) жамғариш воситаси;
- в) Капиталнинг четга оқиб кетиши;
- инвестицияни қисқартириш;
 - ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши.
 - ресурслар айланмасида қатнашмаслик;
 - истеъмолчилар фойдаларининг пасайиши;
 - валюта биржасидаги ўйин;
 - товарларнинг «ювилиши»;
 - демпинг баҳоларидан фойдаланиш орқали айрим фирмаларнинг олиб бораётган ташқи савдо фаолияти.

4. Сиёсий омиллар;

- мамлакат пул тизимида бевосита ўзгариш киритувчи сиёсий қарорлар;

- бошқарув тузилмасининг барқарорлик даражаси;
- иқтисодий тизимни бошқаришда ишончлилиқ даражаси;
- иқтисодий ва сиёсий структура вакиллариини бирбирини тушуна олиш даражаси;

- қонунларни бажарилиш даражаси;
- иқтисодиётда давлат улушининг миқдори;
- мамлакатдаги сиёсий кучлар ўртасидаги келишмовчиликлар даражаси;
- иқтисодиётни кўтариш бўйича аниқ ишланган дастурнинг йўқлиги;
- аҳолининг бошқарув структурасига ишончлилиқ даражаси;
- хусусий капиталнинг ҳимояланганлик даражаси.

Қонуний меъёрларга ва амалиётга мос ҳолда биржада чет эл валютасининг курсини, қимматли қозғозлар курсини ёхуд товарлар баҳосининг ўрнатилиши, қисқача қилиб айтганда, валюта курсини ўрнатиш котиировкалаш деб аталади. Жаҳон амалиётида котиировкалашининг 2 хил усули мавжуд;

•Тўғри котиировка. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, яъни миллий валютада хорижий валютанинг бир бирлигига тўғри келадиган миқдорда кўрсатилса, тўғри котиировка деб аталади. Масалан, 2006 йилнинг 30 сентябрида 1 АҚШ доллариға нисбатан ўзбек сўмининг курси 1250.00 сўми, 1 Россия рублиға нисбатан 47.00 сўми ташкил этди. Бундай котиировка ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда.

•Егри (тескари) котиировка. Бунда бир бирлик миллий валютанинг хорижий валюталардаги миқдори ўрнатилади, яъни бир бирлик миллий валютанинг хорижий валютадаги баҳоси кўрсатилади, масалан;

$$1 \text{ сўм} = \frac{1}{1250.00} \text{ АҚШ доллари ёки } 1 \text{ АҚШ доллари } 1250.00 \text{ сўм}$$

$$1 \text{ сўм} = \frac{1}{47.00} \text{ Россия рубли ёки } 1 \text{ Россия рубли} = 47.00 \text{ сўм}$$

Буюк Британияда фунт стерлинг, Австралия доллари ва эКЮнинг курси тескари котиировкалаш ёрдамида ўрнатилади. Агарда икки валюта ўртасидаги нисбат қандайдир учинчи валютаға нисбатан олинган курсларида аниқланса, бундай нисбатни «кросскурс» деб аталади.

Масалан: 1 АҚШ доллари = 30.00 Россия рубли

1 АҚШ доллари = 5.00 Украина гривна

1 Украина гривна = 6.00 Россия рубли

Кўриниб турибдики, (кросскурс) юқорида келтирилган нисбат Украина гривнасининг Россия рублиға нисбатан аниқланган кросскурсидир. Ушбу мисолда АҚШ доллари учинчи валюта сифатида гавдаланади. Жаҳон

амалиётида асосан учинчи валюта сифатида АҚШ доллари қўлланилади, яъни барча валюталар жаҳон айирбошлашида айнан шу валютага нисбатан котировка қилинади.

Кросскурсдан фойдаланиш анча оғир ва таваккалдир. Аммо уларни қўллаш қуйидаги 2 ҳолатда зарур ва фойдалидир;

– сизнинг талабингиздаги валютага эга бўлган сотувчиларда сизнинг валютангизга талаб мавжуд эмас. (Масалан, сўмни Япония иенасига алмаштириш керак. Бу эрда учинчи валюта АҚШ доллари бўлсин. Япония иенаси сотаётганлар ичида сизнинг валютангизни сотиб олишни хоҳлайдиганлар йўқ).

Олди сотди битимларини амалга оширишда валюта бозорида қуйидаги валюта курсларининг кўринишларидан фойдаланилади;

«Споткурс» бу нақд (касса) битимларнинг курсидир. Споткурс бу бир мамлакат пул бирлигининг шартнома тузилган вақтда ўрнатилган баҳо бўйича бошқа мамлакатлар пул бирликларида ифодаланган баҳосидир. Бунда валютани валюта битими тузилган кундан бошлаб 2 иш кунида алмаштириб бериш шарт ҳисобланади. «Форвард» курс–бу муддатли валюта битимларининг курсидир.

Форвард курси валютани келажакда аниқ бир кунга этказиб бериш шarti билан сотилиш ва харид қилиш баҳосини ўзида ифода этади.

Форвард битимлари, одатда, валюта курсларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган хавфхатарларни бартараф қилиш мақсадида ишлатилади. Битим тузилаётган пайтда форвард курсда аниқланади ва ана шу курс бўйича валюта сотилади ёки сотиб олинади. Агар шартнома муддати тугаган кунда курс шартнома курсидан фарқ қилса, унда бир томон фойда кўради иккинчи томон эса зарар кўради. Масалан, сиз 2003 йил 1 январда 1\$=965 сўм курсида сотиб олиш битимини туздингиз. Аммо 2003 йил 1июн куни 1\$=970 сўмни ташкил этди, натижада сиз ҳар бир долларга 5 сўм миқдорида қўшимча фойда кўрдингиз.

Агар 1июн куни 1\$=963 сўмни ташкил эца, унда ҳар бир доллардан 2 сўмдан зарар кўрасиз.

Муддатли битимлар бўйича валюта курслари (репорт) устама ёки дастхат методи бўйича котировка қилинади ва «аутрайт» курслари, деб аталади.

Форвард курс + Спот курс + Устама Форвард курс + Спот курсДисконт.
Мисол.

Битим суммаси 1 млн

Битим муддати 90 кун

Битим валютасидаги кредитнинг % ставкаси (УСД) 3,5 % Баҳоловчи
валютадаги депозитларга тўланадиган % ставкаси (ДЕМ) 5,5 % Спот курс 1
= 1,52101,5220 ДЕМ

СК х ФСФ х БМ

Уст/Диск = =

(360х100)=(БВФС х БМ)

$$1,5210 \times (5,53,5) \times 90 = 273,78$$

$$= 0,0075$$

$$(360 \times 100) + (3,5 \times 90) = 36315$$

Форвард курс = 1,5210 + 0,0075 = 1,5285 (устама).

Устама ёки дисконт эканлиги фоиз ставкалари ўртасидаги фарқдан билиш мумкин. Агар валюта битими бўйича фоиз ставкаси баҳоловчи валютанинг фоиз ставкасидан паст бўлса, бу валюта юқори курсда котировка қилинади ва чиққан кўрсаткич устама сифатида сотилади. Агар валюта битимининг фоиз ставкаси юқори бўлса, бу кўрсаткич дисконт бўлади. Агар миллий валютадаги депозитларнинг % ставкаси битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасидан юқори бўлса, олинган натижа дисконт ҳисобланади аксинча бўлса устама ҳисобланади.

Банклар валюта операцияларини амалга оширишда валютани сотиш ва сотиб олиш курсини ўрнатади. Бу курслар сотувчининг ва харидорнинг курси деб аталади.

Сотувчи курси – банкнинг валютани сотиш курси.

Харидор курси – банкнинг валютани сотиб олиш курси.

Бу курслар ўртасидаги фарқ маржа деб аталади ва у хизмат харажатларини қоплашга ва маълум даражада фойда олишга сарфланади.

Валютанинг энг муҳим характеристикаси унинг конвертирланганлигидир.

Конвертирланганлик даражасига кўра валюта курси 3 га бўлинади.

– эркин «сузиб» юрувчи;

– чекланган даражада «сузиб» юрувчи;

– қайд этилган валюта курслари.

Валюта курси товар баҳоси каби шу гуруҳларга бўлинади.

Эркин «сузиб» юрувчи валюта курси маълум валютага бўлган бозор талаби ва таклифи таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, АҚШ доллари, Япония иенаси, Англия фунт стерлинги. Шу боис, бу валюталар жаҳон валюта айирбошлашида кенг иштирок этади.

Чекланган даражада «сузиб» юрувчи валюта курсларининг ўзгариши айрим валюталар ёки бир гуруҳ валюталар (валюта савати) курси ўзгаришига боғлиқ. Мисол учун «Учинчи дунё»нинг кўпчилиги мамлакатлари ўз валюталарини АҚШ долларига, европа мамлакатларининг ЭКЮ га ва бошқа хорижий валюталарга боғлайдилар. Собик социалистик мамлакатлар валюта курсларини валюта саватига нисбатан ҳисоблайдилар. ЭКЮ ҳам худди шундай тартибда ҳисобланади. Чекланган даражада «сузиб» юрувчи валюта курслари киритилган мамлакатлар ўз валюталарининг тебраниш чегарасини ўзлари ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар билан келишиб оладилар.

Қайд этилган валюта курси – бу хорижий валютада ифодаланган миллий пул бирлигининг давлат томонидан расмий ўрнатилган баҳоси бўлиб, унга валюта бозорларидаги талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди. Ҳозирги вақтда қайд этилган валюта курси кам ривожланган мамлакатларда ёки иқтисодий ташқи бозорга этарли даражада кириб бормаган

мамлакатларда уларнинг молия тизимини ва миллий ишлаб чиқаришини кучли хорижий рақобатчиларидан ҳимоя қилиш ва қувватлаш мақсадида қўлланилади.

Реал самарали айирбошлаш курси динамикасида пасайиш содир бўлади. Агар 2000-2002 йилларда реал самарали айирбошлаш курси динамикасида кескин пасайиш содир бўлган бўлса, 2003 йилдан бошлаб курс анча барқарорлашди. 2003 йил давомида реал самарали айирбошлаш курси 12,1%га пасайган ва 2004 йилнинг дастлабки ярим йилида 6,6%га пасайди. Миллий валюта реал алмашинув курсини барқарорлашуви Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қаттиқ монетар сиёсати натижасидир.

20-МАВЗУ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ, УЛАРНИНГ МАҚСАДИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ

20.1. Халқаро молия институтларининг зарурлиги ва турлари. Халқаро валюта фонди. Жаҳон банки гуруҳи.

20.2. Минтақавий ривожланиш банклари. Халқаро молия институтларининг зарурлиги. Халқаро молия институтларининг турлари. Халқаро валюта фонди: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари.

20.3. Жаҳон банки гуруҳига кирувчи ташкилотлар: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари. Минтақавий ривожланиш банклари.

20.4. Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари. Осиё тараққиёт банки: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари. Ислон тараққиёт банки: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари.

Таянч иборалар: халқаро молия институт, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, ХМК, ЖБ, ХВФ.

20.1. Халқаро молия институтларининг зарурлиги ва турлари. Халқаро валюта фонди. Жаҳон банки гуруҳи.

Халқаро молия институтлари нафақат жаҳон иқтисодиёти балки миллий иқтисодиётни ривожига, жаҳон иқтисодиётини иқтисодий интеграциялашув жараёнларини оширишга, ҳудудларни ижтимоий –иқтисодий муаммоларини баратараф этишда муҳим рол ўйнайди. Чунки халқаро молия институтлари ўз фаолияти кўламини миллий иқтисодиёт тармоқларини, хусусан иқтисодиётни етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник қайта куруллантиришда тез суръатларда ривожланишида молиявий маблағлар билан доимий таъминлаб боришда хал қилувчи рол ўйнайди, шунингдек, улар чет эл капитали ҳаракатини қайта тақсимлаш орқали ўзини фаолият

кўламини ошириб бормоқда. Бу шу ҳудудни иқтисодий ишлаб чиқариш корхоналарини ривожига ижобий таъсир этса, иккинчидан аҳолини иш билан бандлик даражасини, турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётини ривожлантиришда минтақавий ривожланиш ташкилотлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Минтақавий ривожланиш банклари ўз минтақаларига бошқа халқаро ташкилотларга нисбатан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уни ривожлантиришни назарда тутди. Бундай ривожланиш ташкилотларига Европа тиклани ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Америкааро тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банкларини киритишимиз мумкин.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ЕТТБ — 1991 йилда ташкил топган ва унга 56 та мамлакат аъзо. ЕТТБ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотларни ўтказишда кўмаклашиш мақсадида тузилган.

ЕТТБнинг асосий фаолият доираси қуйидагилардан иборат:

- **инфратузилмани ривожлантириш;**

- турли хусусий ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш. Бунда ресурсларнинг 60% и хусусий секторга, 40% и давлат секторига мўлжалланган;

Минтақавий ривожланиш банки
Иқтисодий географик ҳудудлар доирасида чекланган халқаро молия институтлар
Хусусиятли белгилар
1) Минтақавий ривожланиш банки тегишли иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб борадилар ва ушбу мамлакатнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқадиган мақсадларни белгилайдилар: 2) Минтақавий банклар иқтисодиёт миллий иқтисодий мустақил мамлакатларга нисбатан уларни иқтисодий ривожланиш даражасига кўра табақалашган кредит сиёсатини олиб борадилар; 3) Минтақавий банклар ўртасида энг катта йирик ЕТТБ ҳисобланади: ЕТТБ ига 56 та мамлакат аъзо: ЕТТБ фаолияти аъзо мамлакатларда кўппариявийлик, плюрализм ва бозор ислохотларини мавжудлигини назарда тутувчи сиёсий жихаларига эга: 4) Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг йирик минтақавий банклари Америкалараро тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки Осиёс тараққиёт банкилардан иборат. - Осиё, Африка ва Лотин Америкасида йирик халқаро банкларнинг ташкил этилиши мустамлака тизимнинг таназзулга юз тутиши ва ушбу ҳудудларга хос иқтисодий муаммоларни ҳал этиш

1- расм. Минтақавий ривожланиш банки⁸

⁸ Муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилган

- **хусусий капитал қўйилмаларга кафолатлар бериш;**
- **иқтисодиётнинг таркибий тузилишини қайта қуриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;**
- **аниқ лойиҳаларга маслаҳат-техник ёрдам бериш.**

Банк учун хусусий сектор ривожланиши, хусусийлаштириш жараёни, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, молия муассасалари ҳамда саноат секторини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, кичик бизнесни ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор лойиҳа ва дастурлар бўлиб ҳисобланади. Банк хусусий ва хусусийлаштирилган корхоналар таклифи ҳомийлар салоҳияти юқори бўлиши ва бизнес режаларининг ишончли бўлишини талаб қилади.

Бошқа ривожланиш банкларидан фарқли равишда ЕТТБ сиёсий тузилмаларни кредитлашда иштирок этмайди ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва лойиҳавий молиялашга ихтисослашган.

Банк тақдим этадиган кредитининг энг кам миқдори 5 млн. еврони ташкил этади. Фоиз ставкалари асосий бозор ставкаси (одатда, ЛИБОР) ва маржадан ташкил топади. Кредитлар бўйича фоиз сузиб юрувчи (своп операцияларини қўллаган ҳолда) ёки катъий ставкаларда белгиланади. Маржа миқдори кредит шартларидан келиб чиқади.

ЕТТБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар сони 200-2013 йилларда 265 тадан 302 тагача ортган. 2013 йилда ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 12,9 млрд.еврони ташкил этган.

2013 йилда ЕТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг 38% и молия секторига, 27% и корпоратив секторга, 17% и инфратузилма соҳасига ва 18% и энергетика соҳасига йўналтирилган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) — 1966 йилда ташкил топган ва унга 57 тамамлакат (41 та ҳудудий ва 16 та ҳудуддан ташқари мамлакатлар) аъзо. ОТБ га аъзолик БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича комиссиясидаги барча мамлакатлар ва Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлари (агар улар БМТ ёки унинг ихтисослашган агентликларига аъзо бўлсалар) учун очиқ. Аъзоликда мавжуд бундай кенг имкониятлар ОТБда Осиё минтақасидан ташқари мамлакатлар улушининг ортишига олиб келди, уларга банк акцияларининг қарийб 37% и ва овозларининг 35% и тўғри келади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ, инг. International Bank for Reconstruction and Development) - Жаҳон банкининг асосий кредит ташкилоти бўлиб кенг миқёсда Жаҳон банки номи билан танилган. Ушбу банкга аъзо бўлиш учун ариза тақдим этган мамлакат аввало ХВФга аъзоликка кирган бўлиши лозим. Банкнинг барча қарзлари аъзо давлатлар ҳукуматлари томонидан кафолатланиши керак. Қарзлар бўйича ҳар олти ойда ўзгарувчи фоиз ставкаси белгиланади. Ҳозирги вақтда мазкур ставка 6-7%га тенг. Қарзлар асосан 15-20 йил муддатга, асосий қарз суммаси бўйича

тўловларни 3-5 йилга узайтириш тартибида берилади. Қарз бериш давлат ҳукуматининг кафолати олингандан сўнг амалга оширилади⁹.

ХТТБ – 1944 йилда Бреттон-Вудсдаги (АҚШнинг Нью-Хемпшир штатидаги шаҳарча) Халқаро валюта – молиявий конференцияда ХВФ билан бир вақтда тузилган давлатлараро инвестиция институтидир. Бир вақтнинг ўзида банкнинг низоми ҳам бўлиб қолган ХТТБ ҳақидаги Битим 1945 йилда расмий жиҳатдан кучга кирган, банк ўзининг фаолиятини 1946 йилдан бошлаган. ХТТБнинг штаб-квартираси – АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган.

ХТТБ 2013 молия йилида 20,6 млрд.АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ресурсларини захира қилди, ушбу кўрсаткич 2009 молия йилига нисбатан 52,8% ошган.

ХТТБнинг асосий мақсади – аъзо мамлакатларга узоқ муддатли кредит ва қарзлар бериш ҳамда хусусий инвестицияларни кафолатлаш орқали уларнинг иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳисобланади.

20.2. Минтақавий ривожланиш банклари. Халқаро молия институтларининг зарурлиги. Халқаро молия институтларининг турлари. Халқаро валюта фонди: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари.

Банкнинг ресурслари шаклланишининг манбаси бўлиб, Америка бозорларида облигация қарзларини чиқариш ва уларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобланади. ХТТБ кредитларни, одатда 20 йил муддатга аъзо мамлакатда ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш учун ҳукумат кафолати остида беради. Шунингдек ХТТБ бошқа банкларнинг узоқ муддатли кредитлари бўйича кафолат ҳам беради. У ҳам ХВФ сингари, қарздор мамлакатнинг молиявий ҳолати, кредитланувчи объектлар ва ушбу объект бўйича банк миссияси томонидан ўрганилган ахборотларни талаб қилади.

ХТТБ қуйидаги дастурлар доирасида фаолият юритади:

- иқтисодий бошқарув ва камбағаллик билан курашиш;
- экология ва ижтимоий ривожланиш;
- инфратузилма, хусусий сектор ва молия;
- инсон салоҳиятини ривожлантириш.

Кейинги йилларда ХТТБ ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзларини тартибга солиш билан шуғулланмоқда: кредитларининг 1/3 қисмини қўшма молиялаштириш деб аталадиган шаклда беради. Банк тўлов баланси ҳолатини яхшилашга шунингдек, иқтисодиёт тузилмаларини тартибга солишга структурали кредитларни ажратади.

Ҳозирги пайтда ХТТБ фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– турли хилдаги инвестиция лойиҳаларини узоқ ва ўрта муддатли кредитлаш;

⁹www.mfino.ru

– лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий ва техник асосларини тайёрлаш;

– ривожланаётган мамлакатларда тузилмавий қайта қуриш дастурларини молиялаштириш.

ХТТБнинг асосий маблағлари ҳозирги кунда ўрта ва узоқ муддатли қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш орқали халқаро молия бозорларидаги операциялар ҳисобидан шаклланади. ХТТБ қимматли қоғозлари юқори кредит рейтинга (ААА) эга бўлиб, дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларига жойлаштирилади. ХТТБнинг кредитлари қарз олувчи давлат миллий валютасида эмас, балки девизларда, яъни халқаро даражада тўлов воситаси сифатида тан олинган валюталарда ажратилади.

ХТТБнинг энг йирик қарздорлари бўлиб, Индонезия, Бразилия, Руминия, Мексика, Хитой, Туркия, Қозоғистон, Польша, Филлипин ҳамда Марокко мамлакатлари ҳисобланади.

Кейинги йилларда ХТТБ жаҳон молия бозорида йирик қарздор ролида чиқмоқда. Банк томонидан чиқарилаётган облигация қарзлари суммаси давлатларaro инвестиция банклари ўртасида энг катта солиштирма оғирликка эгадир.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) – Жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро ташкилот бўлиб, у 1960 йилда ташкил этилган. ХРА Келишувлар моддасининг 1-моддасига мувофиқ, унинг мақсади иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, самарадорликни ошириш ва шунинг асосида, сустривожланган аъзо мамлакатларда аҳоли турмуш тарзини ошириш, шунингдек, анаънавий кредитларга нисбатан оғир бўлмаган қулай шартларда молиявий кўмак бериш ҳисобланади. Мазкур қарздорлар ичида энг йириклари Индонезия ва Бразилия ҳисобланади.

20.3. Жаҳон банки гуруҳига кирувчи ташкилотлар: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари. Минтақавий ривожланиш банклари.

ХМКга аъзоликка киришда қуйидаги шартларга амал қилинади:

–ХТТБаъзолиги;

–ХМК келишув моддасини имзолаш.

ХМК турли хил тармоқлардаги лойиҳаларни молиялаштиради, уларга, кишлоқ хўжалиги, тоғ саноати, ишлаб чиқариш, туризм ва бошқаларни киритиш мумкин. Аммо биринчи навбатдаги йўналиш, хусусий сектор бўлиб ҳисобланади. ХМК фаолиятининг тўртта асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– хусусий сектор лойиҳаларини молиялаштириш;

– ривожланаётган мамлакатлардаги ташкилотларга халқаро молия бозорларидан капитал жалб қилишда ёрдамлашиш;

– таълим, соғлиқни сақлаш ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган хусусий инвестициялар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, инновацион молиявий маҳсулотлардан фойдаланиш ва салоҳиятни ошириш орқали ички молия бозорларини ривожлантириш;

– ҳукуматларга маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш.

ХМКнинг хусусияти шундаки, унинг маблағларидан инвестиция олиш учун корхона ва ташкилотларга кредит берилганда, ЖТТБ ва ХРА талаб қилгандек аъзо мамлакатларга ҳукумат кафолатлари талаб қилинмайди. Бу хусусий компаниялар учун улар фаолияти устидан давлат назоратидан сақлайди, ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш манфаатларига хизмат қилади.

Демак, халқаро молия институтлари жаҳон иқтисодиётини барча жабхаларини иқтисодий ошириш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда уларни маблағлари ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ҳозирги кунда Республикамизда Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК), Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Халқаро тикланиш ва Тараққиёт банки (ХТТБ), Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё тарраққиёт банки (ОТБ), Ислом тараққиёт банки (ИсТБ), Германия тикланиш ва тараққиёт банки КфW Девэлопмент Банк (КФW) сингари чет эл банклари ва бошқалар томонидан очилган ҳамда республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган миллий иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни таъминлайдиган инвестиция лойиҳаларини кредитлашга мўлжалланган кредит йўналишлари хизмат қилмоқда.

20.4. Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари. Осиё тараққиёт банки: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари. Ислом тараққиёт банки: ташкил топиши, мақсади, бошқарув тизими, ресурслари ва актив операциялари.

ЕТТБ нинг асосий мақсади-Европа мамлакатларидаги олдинги собиқ социалистик давлатларнинг иқтисодиётини кўтаришга ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. ЕТТБ асосий кредитлаш объектлари қилиб хусусий фирмаларни ёки давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва қайта шаклланган компаниялар, қўшма корхоналарни олган.

Чет эл банклари билан бошланган дастлабки ҳамкорлик 1991 йил ЕТТБ ҳамда ТИФ Миллий банк ўртасидаги шартнома билан изоҳланади. Ўзбекистонда халқаро молия-кредит муассасалари иштирокидаги халқаро молия институтлари кредит ресурслари улуши каттадир. Ўзбекистон ЕТТБ аъзолари орасида 2493 акцияга эгаллик қилиб 69-ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда ЕТТБ ҳар бир соҳани молиялаштиришда иштирок этмоқда. ЕТТБнинг бош мақсади Марказий ва Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларига режали иқтисодиётдан – бозор иқтисодиётига ўтишда, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ёрдам бериш, иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий ислохотларни ўтказишга кўмаклашиш, монополия ва марказлашувга қарши курашишда, мамлакатларнинг тезроқ интеграциялашувида уларга молиявий жиҳатдан кўмаклашишдан иборат.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бирлашган миллатлар

ташкilotи(БМТ)нинг Осиё ва Тинч Океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссиясига аъзо давлатларнинг ташаббуси билан 1966 йилда асос солиниб, Осиё ва Тинч Океани ҳудудида жойлашган давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмаклашишни назарда тутди. 1966 йил Манилада ўтказилган Осиё иқтисодий ҳамкорлиги бўйича Конференцияда, Осиё тараққиёт банкига асос солувчи Битим қабул қилинди ва у 1966 йил декабр ойидан кучга кирди. Банк ОТБга аъзо мамлакатларга иқтисодий ривожланиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда молиявий ва техник ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон 1995 йил 31 августда ОТБнинг тўлиқ аъзоси бўлди. ОТБ Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини равнақини куйидаги йўналишларда кўрмоқда:

- Иқтисодий ислохотларга, шу жумладан, молия институтларининг институционал ўзгаришларига ёрдам кўрсатиш;
- Сармояни иқтисодиётга йўналтириш;
- Камбағалликни камайтириш ва атроф муҳитни қўриқлаш.

Осиё тараққиёт банки билан фаол, режали молиявий ва техник жиҳатдан ҳамкорликни ташкил этиш ҳамда ОТБ линияси бўйича молиялаштириш учун таклиф этилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 январ 27-ф-сонли фармойишига асосан ОТБ билан ҳамкорлик қиладиган муассасалараро комиссия тузилган. Мазкур фармойишда бэлгиланганидек, ОТБ фаолияти Ўзбекистонда асосан қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани қайта қуриш (темир йўллар, автомагистрал), тоғ-кон саноати, газ қувурларини ўтказиш, туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва экология, истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва банк тизимини ривожлантиришга йўналтирилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида, шунингдек, иқтисодиётга жалб қилинаётган хорижий инвестиция ва кредитлар ичида Халқаро тикланиш ва Тараққиёт банки (ХТТБ) алоҳида аҳамият касб этмоқда. ХТТБ 1944 йилда БМТнинг конференциясида ташкил этилган ва 1946 йил июндан бошлаб фаолият юрита бошлаган. У Халқаро Ривожланиш Ассоциацияси (ХРА), Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК), Халқаро Инвестицияларни кафолатлаш Агентлиги кабиларни билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Жаҳон банки ва ХРАга 1992 йил сентябрда аъзо бўлган. Жаҳон банки мамлакатимизда ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислохотларни ҳамда бошқа молиявий ва техник ёрдамларни қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда банк тизими соҳасидаги ҳамкорлик самараси янада ошиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳукумати ва тижорат банклари дунёнинг энг машҳур ҳамда молиявий жиҳатдан барқарор ривожланган чет эл банклари билан ҳамкорлик ўрнатмоқдалар.

Мисол учун, 2003 йил сентябр ойида Ўзбекистон Ислон Тараққиёт Банки (ИсТБ) га аъзо бўлди. Бугунги кунда ҳукуматимизнинг «Ислон тараққиёт банки билан ҳамкорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалий ишлар олиб борилмоқда.

ИсТБ давлатлараро кредит ташкilotи сифатида ташкил этилган бўлиб,

унга мусулмон давлатлари аъзо ҳисобланади. Ушбу банк форс кўрфази мамлакатларининг нефт даромадлари ҳисобига ташкил этилган илк молиявий институтдир. 1973 йил декабрда мусулмон давлатлари Молия вазирлари Конференциясида ИСТБ бўйича келишув имзоланди ва 1975 йил октябрда банк ўз фаолиятини бошлади. Банкнинг асосий мақсади қилиб аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига хизмат қилиш белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги йилларда мамлакатимизнинг энг йирик ва ривожланган банклари чет эл банклари ва бошқа халқаро молия-кредит ташкилотлари кредит йўналишлари орқали лойиҳаларни молиялаштиришда жонбозлик кўрсатмоқдалар жумладан, халқаро молиявий институтлар маблағлари ҳисобига кичик ва хусусий тадбиркорлик инвестиция лойиҳалари, шунингдек, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни замонавийлаштириш ва ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштириш орқали мамлакатда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришга, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларни янада ривожланишини таъминлашга эришилмоқда ва натижада миллий иқтисодиёт ривожланиши тезлашишига маълум маънода эришиш имконияти яратилмоқда.

Мундарижа:

- 1-мавзу. Пул ва банклар фанига кириш.
- 2-мавзу. Пулнинг пайдо бўлиши, зарурлиги ва функциялари.
- 3-мавзу: Пул назариялари.
- 4-мавзу: Пул айланмаси ва унинг таркиби.
- 5-мавзу. Пул массаси ва пул агрегатлари.
- 6-мавзу. Пул тизими:мазмуни, турлари ва элементлари.
- 7-мавзу. Ўзбекистон республикаси пул тизими ва элементлари.
- 8-мавзу. Инфляция ва унга карши курашиш йуллари.
- 9-мавзу. Пул ислохотлари.
- 10-мавзу. Кредитнинг зарурлиги, моҳияти ва функциялари.
- 11-мавзу. Кредит буйича фоиз ставкалари ва унга таъсир қилувчи омиллар.
- 12-мавзу. Банкларнинг келиб чиқиши ва банк тизими.
- 13-мавзу. Ўзбекистон республикаси банк тизими ва унинг таркиби.
- 14-мавзу. Марказий банк ва унинг функциялари.
- 15- мавзу. Марказий банкнинг мустақиллиги.
- 16-мавзу. Тижорат банклари ва уларнинг функциялари.
- 17-мавзу. Тижорат банкларининг операциялари.
- 18-мавзу. Нобанк молия кредит муассасалари.
- 19-мавзу. Пулнинг халқаро муносабатлардаги ҳаракати.
- 20-мавзу. Халқаро молия институтлари, уларнинг мақсади ва функциялари турлари.